

ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛЬ-СЕНТЯБРЬ  
2020 ЙИЛ  
№3 (18)



MIRZO ULUGBEK  
1394 - 1449

## «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал  
2020 йил №3 (18)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Ҳамкоримиз:** Андижон вилоят ҳокимлиги,  
Андижон давлат университети

### Бош муҳаррир:

Рустамбек Шамсутдинов

### Бош муҳаррир ўринбосари:

Абдулла Шаропов

### Таҳрир ҳайъати:

Акромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор  
Абдулла Расулов – т.ф.д., профессор  
Абдухалил Маврулов – т.ф.д., профессор  
Жамшид Жўразода – т.ф.д., профессор  
Қойгелдиев Мамбет – т.ф.д., академик  
Муҳаммаджон Алиқожиев – т.ф.н., доцент  
Минҳожиддин Ҳожиматов – Республика Маънавият  
ва маърифат маркази раҳбари  
Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор  
Нодира Мустафаева – т.ф.д., ЎзФА бўлим раҳбари  
Наим Каримов – ф.ф.д., академик  
Нурмонжон Ғафуров – т.ф.д., профессор  
Поён Равшанов – профессор  
Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор  
Улуғбек Абдуллаев – т.ф.д., профессор  
Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент  
Хуршид Курбонов – т.ф.н., доцент

### Масъул котиб:

Абдурахмон Исҳоқов

### Техник муҳаррир:

Исломиддин Насиридинов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги  
томонидан 2018 йил 5 июнда № 0975 рақам  
билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р. Т. Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail. ru

Босишга рухсат этилди: 13.08.2020 й  
Қоғоз бичими 60x84 1/8 Босма тобоғи: 13,5  
Офсет босма. Офсет қоғози. Адади: 800 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 111

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-  
мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос  
келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет

«Akademnashr NMM» МЧЖ томонидан тайёрланган.

«Akademnashr NMM» МЧЖ босмахонасида чоп  
этилди. Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20А  
мавзе, 42-уй.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
Комиссияси раёсатининг 2017 йил 29 мартдаги  
239/5-сонли қарори билан «Тарих» фанлари бўйича  
илмий журналлар рўйхатига киритилган.

## МУНДАРИЖА

### САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ – МИРЗО УЛУҒБЕК ОЛИЙ МАДРАСАСИ ТАРИХИНИНГ ДАВОМЧИСИ МАВЗУИДАГИ ИЛМИЙ АНЖУМАН ОЛДИДАН

#### Рустам Халмурадов

Самарқанд давлат университети –

Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг давомчиси ..... 2

Самарқанд давлат университети тарихи ва бугунги фаолиятдан..... 14

#### Ж.Б.Амирқулов,

М.И.Асатуллаев,

Ф.О.Маматқулова

Темурийлар даври мадрасалари тарихи манбашунослиги ..... 17

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН БҮЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

#### Рустамбек Шамсутдинов,

Исломиддин Насиридинов

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага

андижонликларнинг ҳиссасидан лавҳалар ..... 23

Фронтга сафарбар қилинганлар ..... 42

Эвакуация қилинганлар ..... 48

#### Рустамбек Шамсутдинов,

Сойибжон Ҳошимов,

Хуршид Курбонов

«Қуролсиз аскарлар» ..... 58

Озод қилинган ҳудудларга кўрсатилган ёрдам ..... 63

#### Алишер Мамажонов

Жанггоҳлардан соғ-саломат юртига қайтганлар ..... 65

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

«Ўзбек иши» қурбонлари ..... 70



# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ – МИРЗО УЛУҒБЕК ОЛИЙ МАДРАСАСИНИНГ ДАВОМЧИСИ


Р.И. ХАЛМУРАДОВ

Самарқанд давлат университети ректори

Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратadbирлари» тўғрисидаги қарорида таъкидлаганидек, ҳозирги даврда олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини кучайтириш, талаба ёшларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғусини чуқур сингдириш каби вазифалар стратегик ўзгаришлар амалга ошириш давридаги энг муҳим вазифалар: - замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модеренизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга қаратилган.

Президентимизнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармонлари олий таълим тизимининг 2030 йилгача белгиланган концепцияси ривожлантириш дастури ҳисобланади.

Мамлакатимиз қадимий маданият фан ва маъориф ёдгорликлари қадимий тараққиёт босқичлари тўғрисида маълумот беради. Уларнинг орасида Самарқанднинг тарихий илдизлари ғоят чуқурлиги ва қадимийлигини, унинг муборак номи Рим ва Афина, Бобил ва



Фива каби кўҳна цивилизация марказлари билан ҳақли равишда бир қаторда туришини, бу масканлар орасида фақат Самарқанд ва Римгина «боқий шаҳар» номига сазовор бўлганини, «Ғарбда – Рим, Шарқда – Самарқанд» иборасининг кенг тарқалгани бежиз эмаслигини, буюк Соҳибқирон бошлаган эзгу ишларнинг муносиб давомчиси бўлган Мирзо Улуғбек бу ерда расадхона барпо этиб, ўзида 1018 юлдузнинг самодда жойлашишини акс эттирган астрономик жадвал – «Зижи жадиди Кўрагоний»ни яратганини, европалик машҳур астроном Ян Гевелийнинг «Юлдузлар атласи» китобига илова қилинган расмда Мирзо Улуғбек Коперник ва Птолемей сингари буюк алломалар даврасида



Мирзо Улуғбек мадрасаси

таъсирланганини, бу улуғ инсонга жаҳон илм-фанни ҳурмат-эътиборининг нақадар юксак бўлганини фахр билан тилга олган эди.


Самарқанд замини ақл-заковати, маънавий жасорати билан ислом маданияти ривожига беқиёс ўрин тутган Имом ал-Бухорий ва Имом Мотуридий, Қозизода Румий ва Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Абулайс Самарқандий ва Давлатшоҳ Самарқандий каби кўплаб азиз-авлиёлар, шоир ва алломалар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилгани ҳам айни ҳақиқатдир. Зеро, Самарқанд азалдан жаҳонга машҳур илм-фан масканларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун X аср араб сайёҳи Абулқосим ибн Хавқал: «Самарқанд Мовароуннаҳрнинг олим-фузало, адиблари йиғилган шаҳар бўлиб, уларнинг энг машҳурлари Самарқандда таълим ва тарбия олиб камолотга эришганлар», – деб ёзган эди.

Самарқанд, айниқса, Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият маркази сифатида жаҳонга танилди. Улуғбек 1420 йилда асос солган мадраса илғор, мукаммал олий ўқув юрти ва кенг имкониятларга эга бўлган илмий муассаса сифатида шуҳрат қозонди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур ўз салтанатини юксалтириш, илм-фанни ривожлантириш учун бошқа юртлардан олим-хунармандларни Самарқандга чорлаган бўлса, бу анъана Мирзо Улуғбек даврида давом эттирилиб, Арабу Ажам, Руму Ҳиндистоннинг жуда кўплаб иқтидорли инсонлари Самарқандга интилдилар. Самарқанд ва Бухоро каби йирик шаҳарларда у қурдирган мадрасалардаги таълим сифатининг ғоят юксак бўлганлиги бунинг сабабларидан бири эди.

Мирзо Улуғбек Бухоро шахрида асос солган мадраса пештоқига «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздор» деб ёзиб қўйилган. Темурийлар ренессанси олий мадрасалари фарзандлари Қозизода Румий, Абдурахмон Жомий, Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий сингари буюк алломалар эди. Агар бу даврда улуғ Алишер Навоий ҳам уч йил давомида Самарқандда таҳсил олганини эътиборга олсак, бу ердаги олий мадрасалар том маънода Шарқ Ренессансининг ўчоқлари бўлганини пайқаш қийин эмас.



Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд янада обод ва гўзал шаҳарга айланди. Улуғ аллома ва давлат арбоби бу борада ўзининг бор куч-ғайратини сарфлади. Самарқандда бир-биридан



Мирзо Улуғбек расадхонаси



Кулолчилик маҳсулотлари



Бадий металл намуналари



Мирзо Улуғбек зарб қилдирган тангалар



улуғвор мадрасалар, масжидлар, боғ-роғлар, саройлар барпо қилинди. Савдо-сотиқ ва хунармандчилик гуллаб-яшнади. Айниқса, кулчилик, заргарлик, сифатли қоғоз ишлаб чиқариш ҳамда металга бадий ишлов бериш яхши йўлга қўйилган эди.

Мирзо Улуғбек мамлакат молия тизимини мукамаллаштириш учун кенг миқёсда пул ислохотини амалга оширди.

Бунинг натижасида танга пулларнинг қадри ошиб, аҳолининг иқтисодий ҳаёти яхшиланди.

XV асрнинг 20-йилларида Самарқандда Мирзо Улуғбек раҳбарлиги ва раҳнамолигида 70 дан ортиқ фан соҳасидаги олимлар «олий мадраса»да йиғилишиб, «Дорул ҳикмат» («Донишмандлар уйи») номи билан ўз даврига хос академия – университет ташкил қилдилар. «Дорул ҳикмат» олимлари риёзиёт, илми ҳайъат, ҳандаса, жўрофия, тарих, илми нужум, тиббиёт, мусиқа, мантиқ, аруз (шеърият), илми ҳисоб, теология, ҳадис, фикҳ, адаб, илми ҳикмат, илми калом, араб тили каби фанларнинг турли соҳаларида асарлар яратганлар, бу фанлар мадрасаи олияда ўқитилган.

Улуғбек мадрасаси таълим тизими ўз даврида энг илғорларидан бўлганлиги туфайли фан

оламида ўнлаб буюк олимлар етишиб чиқди. Қозизода Румийнинг табиий фанлар соҳасидаги кашфиётлари, риёзиёт ва юлдузшунослик соҳасидаги Мирзо Улуғбек мактаби, Али Қушчи, Гиёсиддин Коший, Маҳмуд ибн Муҳаммад каби олимларнинг асарлари Самарқанд илмий мактабининг довуғини бутун дунёга ёйди.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов бежизга: «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм истаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари, мадрасалари, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатган. Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир», – деб таъкидламаган.

Шу ўринда Мирзо Улуғбекнинг шогирди Гиёсиддин Жамшид ал-Кошийнинг мактубидаги қуйидаги сатрлар Самарқанд шаҳрининг Шарқ оламидаги ўрнини кўрсатади: «Кошонда ва унинг атрофида бир-икки киши илм билан



Улуғбек мадрасасининг ички кўриниши



шуғулланиб, ўз яқинларини ишонтиришади, айримлари ўз билимларига эга бўлсалар-да, уларни ҳеч ким тан олмайди. Ҳақиқий аҳвол эса уларнинг ҳеч бирларига маълум эмасдир. Самарқандда эса аҳвол бутунлай бошқачадур. Чунки султоннинг ўзлари олимдур, беқиёс алломадир. Ва ҳозирда Самарқандда энг машҳур алломалар тўпланишган. Бу алломалар дунёдаги мавжуд илмларнинг катта билимдонларидир. Тангри шоҳид, мен бу гапларни илтифот юзасидан айтаётганим йўқдир».

Дунё цивилизациясига буюк алломаларни етказиб берган бу заминда таълим тизими қай шаклда бўлгани, қай тартибда амалга оширилгани, қандай тамойилларга асосланиб олиб берилгани, унинг ривожи учун қандай шарт-шароитлар яратиб берилгани ҳақидаги фикрлар ҳам ўтмишимизга объектив ва адолатли назар ташлашга дахлдор. Ўтмиш меросимизни чуқур ўрганиш, ўз даврида дунё миқёсида йирик кашфиётларнинг юзага келишига сабаб бўлган таълим-тарбия жараёнида қўлланган усул ва методларни таҳлил этиб, зарур ҳолларда улардан фойдаланиш кадрлар тайёрлаш ишимизнинг таркибий қисмидир.

Шундай экан, ўзбек таълим тизимининг асосий ҳалқаларидан бири бўлган олий таълим тарихини ўрганиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, «1917 йилги инқилобга қадар ўзбек халқининг асосий қисми саводсиз бўлган, Ўзбекистон ҳудудида олий ўқув юртларига фақат шу даврда асос солинган, олий таълим бу ерда XX асрдан бошлаб шаклланган» деган гаплар қуруқ сафсата, ғайриилмий эканлиги маълум бўлиб қолади.

Мамлакатимиз ҳудудида, жумладан, Самарқандда қадимдан таълим-тарбиянинг ўзига хос тизими шаклланган. Академик Ботирхон Валихўжаев Самарқанддаги мадрасаларнинг таълим тизимини таҳлил қилиб, улардаги таълим-тарбия жараёнлари ҳозирги университетлар фаолиятига ўхшашлигини эътироф этган ҳолда «Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек 1420 йилда асос солган мадрасаи олиянинг бевосита ворисидир» деган хулосани

баён қилган. Олим «Самарқандда олий таълим – олий мадраса – университет тарихидан лавҳалар» номли асарида ўтмишимиздаги таълим-тарбия тизими уч босқичдан иборат бўлганини кўрсатиб, бошланғич таълим – мадрасат ул-ибтидоия – бошланғич мадраса, умумий таълим – мадрасат ул-сановия – иккинчи босқич мадрасаси, олий таълим – мадрасаи олия – олий мадраса номлари билан юритилганини айтади. Олий мадрасанинг икки маънога эга бўлгани, биринчи маъноси мадраса ҳажмининг улуғворлиги, меъморий санъатнинг олий намунасини англатиши; иккинчиси маъноси моҳиятан бошқа мадрасалардан фарқ қилиб, энг юқори олий таълим даргоҳини билдиришини таъкидлайди.

Айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадиги, мамлакатимиздаги илк олий ўқув юртлари бугунги кунда ҳам йирик илм-фан марказлари саналадиган Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида вужудга келган. XI – XII асрлар бу ўқув юртлари юксалган давр ҳисобланади. Улар жаҳон цивилизациясига Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Ал-Фарғоний каби алломаларни етиштириб берган. Айрим фан соҳаларига асос солган, мавжуд фанлар ривожига катта ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ўша давр олий мактабларида таҳсил олишган, кейинчалик ўзлари устозлик қилишган.

Мавзунинг бошқа бир тадқиқотчиси Н.Немцева XI – XII асрларда Самарқанд шаҳрида 17 та мадраса мавжуд бўлгани ва мадрасалар шаҳарнинг ўзига хос «олий ўқув юртлар шаҳарчаси» – Роботи Ғозиёнда жойлашганини кўрсатиб ўтган.

Туркистон халқлари таълим тизимидаги «олтин аср», шубҳасиз, Мирзо Улуғбек даври (1409 – 1449) ҳисобланади. У ҳукмронлик қилган 40 йил давомида юртимиз дунё цивилизациясининг энг олдинги сафларидан жой олди. Мирзо Улуғбек даври Шарқ илм-фани ва маданияти тараққиётининг чўққиси бўлди.

Амир Темур салтанати парчаланиб кетгандан сўнг ҳам юртимиз маданиятининг ривожи тўхтаб қолмади. Абдуллахон давридаги Бухоро, Амир Умархон давридаги Қўқон, Муҳаммад Фе-



СамДУ бош биноси

руз давридаги Хивада амалга оширилган фан-маданият, таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар бу соҳаларда жаҳон талабларидан орқада қолмаганимизнинг далилидир.

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиё подшо Россияси томонидан босиб олинди. Маҳаллий халқлар устидан ҳукмронликнинг мутлақо янги тизими вужудга келди. Бу эса ўша пайтларда 200 дан ортиқ мадрасалар мавжуд бўлган таълим тизимига муайян ўзгаришлар киритилишига олиб келди. XX аср бошларидаги воқеалар, жаҳонда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, илмий-техник тараққиёт, халқ руҳиятидаги ўзгаришлар янгиланишларни талаб этар эди. Буни юртимизда жадидлар номи билан тарихга кирган маърифатпарварлар (Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Фитрат, Саидризо Ализода уларнинг энг машҳур вакиллари) биринчи бўлиб англаб етдилар ва янги муҳитда таълим олишнинг янги шакларини татбиқ этиш ғояси билан чиқдилар.

Самарқандда IX – X асрларда 20 га яқин мадраса, XII асрда Тамғачхон мадрасаси, XIV асрда Муҳаммад Султон, Қутбиддин Садр, Фирузшоҳ

мадрасалари, XV асрда Сароймулкхоним – Бибихоним, Амир Шоҳмалик, Хожа Фазлуллоҳ мадрасалари, Абулайс Самарқандий мадрасаси, Мирзо Улуғбекнинг олий мадрасаси, Хожа Аҳрор Валий, Аҳмад Ҳожибек, Мир Тархон, Амир Бурундук мадрасалари, XVI асрда Шайбонийхон, Садр Мавлоно Абдурахим Туркистоний, Абу Саид мадрасалари, XVII асрда Шердор, Нодир Девонбеги, Тиллақори, Қози Ғафур, Қози Соқи, Аҳмад Ҳожи, Миржон Вафо мадрасалари, XIX асрнинг охирида Дўстбек бой мадрасаси фаолият юритган.

Бу фактларни эсга олишдан мақсад Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда олий таълим тизими ўз тарихига эга экани, асрлар давомида узлуксиз ривожланиб, бугун Самарқанд давлат университети мисолида давом этиб келаётганини таъкидлашдан иборатдир.

Дарҳақиқат, кейинги асрларда Самарқанд шаҳрининг илм-фан ва таълим соҳасида жаҳонга танилишида Самарқанд давлат университетининг ўрни катта бўлди.

Тарихий илдизлари Мирзо Улуғбек даврига бориб тақаладиган Самарқанд давлат университети Марказий Осиёдаги энг қадимги ва йи-



рик олий таълим муассасаларидан биридир.

Ўтган салкам бир асрлик вақт мобайнида университет халқ хўжалигининг турли соҳалари учун 200 мингга яқин малакали мутахассислар тайёрлаб берди. Улар орасида йирик давлат, фан ва маданият арбоблари бор.

Бугунги кунда Самарқанд дунё эътироф этадиган илм-фани, маданияти ва маърифати билан машҳурдир. Ушбу ноёб ижтимоий феномен ўз-ўзидан шаклланган эмас, унинг замирида юксак салоҳият ва иқтидорни вужудга келтирган қатъий таълим-тарбия тизими ётади.

### **САМДУНИНГ ИЛМИЙ МАКТАБЛАРИ**

СамДУнинг жаҳондаги нуфузли илмий ва ўқув марказлари орасида алоҳида мавқега эга бўлишида унинг бағрида шаклланган кўплаб илмий мактаблар ва илмий тадқиқот лабораторияларининг ўрни беқиёс. Улар жумласига ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослиги, фалсафа, тарих-археология, молекуляр оптика, ядро ва космик нурлар физикаси, дифференциал тенгламалар ва математика, физика, ботаника, зоология, биокимё, органик ва ана-

литик кимё каби қатор илмий мактабларини киритиш мумкин.

Бу илмий мактаблар тўғрисида алоҳида рисоалар ёзиш режалаштирилгани сабабли журналхонларга қисқа маълумотлар бериш билан чекланамиз.

**Ўзбек адабиётшунослиги илмий мактаби-га** XX асрнинг 20 – 30-йилларида асос солинган бўлиб, унинг асосчилари Абдурауф Фитрат, Абдурахмон Саъдий, Садриддин Айний, академик Воҳид Абдуллаев ҳисобланади. Кейинчалик бу йўналиш профессорлар Раҳим Муқумов, Ориф Икромов, Нуриддин Шукуров, Ботурхон Валихўжаев, Сайдулло Мирзаев, Исроил Мирзаев, Ҳотам Умуров томонидан ривожлантирилди.

Ўзбек адабиётшунослиги мактабидаги энг муҳим йўналишлардан бири навоийшуносликидир. Воҳид Абдуллаев ва Ботурхон Валихўжаевнинг ЎЗР ФА академиги бўлгани СамДУ навоийшунослар мактабининг нуфузини кўрсатади. Бугунги кунда устозлар анъаналарини Муслиҳиддин Муҳиддинов, Раҳмонқул Орзибеков, Қобилжон Тоҳиров, Дилором Салоҳий ва уларнинг шогирдлари давом эттирмоқдалар.



СамДУ маъмурий биносининг умумий кўриниши



Мустақиллик йилларида ушбу мактаб вакиллари эришган энг йирик ютуқлар сифатида акад. Б.Валихўжаевнинг 1997 йилда Техронда нашр қилинган «Хўжа Аҳрори Вали» ва «Самарқандда олий таълим – олий мадраса – университет тарихидан лавҳалар» (Самарқанд, 2001) монографияларини, «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» (Самарқанд, 2001) рисоласини кўрсатиш мумкин. Жумладан, олимнинг «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» китобида XIV – XV асрларда олий таълим муассасалари вазифасини бажарган мадрасалар ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Илмий мактаб вакиллари истиқболда ўзбек адабиёти тарихининг долзарб муаммолари, ўзбек адабиётининг XV – XIX асрлардаги тарихи, тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, ҳозирги ўзбек адабиётида жанрлар ва услублар ранг-баранглиги муаммолари бўйича изланишлар олиб боришни режалаштирганлар.

**Ўзбек тилшунослиги илмий мактаби.** Самарқанд тилшунослик мактабининг пойдеворини XX асрнинг 20 – 30-йилларида Д.Поливанов, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов қўйишган. Улар сафини 30-йилларда Сайид Ризо Ализода, 40-йилларда эса Улуғ Турсунов тўлдирди.

Ўтган давр мобайнида ўзбек тилшунослиги илмий мактабининг Самарқанддаги вакиллари ўзбек диалектологияси, тил тарихи, ҳозирги ўзбек адабий тили, нутқ маданияти ва стилистикаси, лексикография, ўзбек мумтоз адабиётидаги суфизм терминологиясини лингвистик талқин қилиш, мустақиллик давридаги ўзбек

тили луғат таркибининг ҳолати, ўзбек тилининг бадиий услуби, бадиий услуб ва тилнинг ифода-тасвир воситаларига оид тадқиқотлар олиб бориб, ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда муносиб иштирок этиб келишяпти.

Тарихчилар илмий мактабига Ўрта Осиё халқлари тарихининг чуқур билимдони профессор Пўлат Солиев ва XIV – XV асрлар – темурийлар даври манбашунослигининг мутахассиси профессор И.Умняков асос солган дейиш мумкин. Тарихшунослик мактабининг ривожланишида академик И.Мўминов ва профессорлар Ю.Алескеров, М.Аминов, М.Абрамов, М.Эгамбердиев, А.Тилавов, Ф.Ҳайдарова, Ш.Пиримқуловнинг илмий ва илмий-педагогик фаолияти алоҳида ўрин тутади. Улар ўзларининг илмий изланишлари ва етук мутахассислар тайёрлаш борасидаги фаолиятлари билан олий таълим даргоҳимиз нуфузини кўтардилар.

**Археология мактаби.** СамДУда археология бўйича илмий йўналишга 1944/1945 ўқув йилида асос солинган бўлиб, унинг асосчилари сифатида академик Яҳё Фуломов ва профессор Д.Левни кўрсатиш мумкин.

Бугунги кунда юртимиз ибтидоий давр моддий маданияти, унинг келиб чиқиш илдизлари, маданий анъаналарнинг шаклланиши (илк ва қадимги жамиятлар), қадимги жамият маданиятининг ўзига хос хусусиятлари, урбанизмгача бўлган маданиятнинг генезиси ва ривожланиш динамикаси, Ўзбекистон маънавий маданияти ва унинг Марказий Осиё халқлари маданиятида тутган ўрни муаммолари йўналишида тадқиқотлар олиб боришмоқда. Айниқса, Самарқандда шаҳарсозлик маданияти ҳамда унинг тарихига оид қимматли материаллар тўпландики, бу ашёвий далиллар Самарқандимизнинг ёши 2750 йилга тенглигини исботлади. Илмий изланишлар АҚШ, Италия, Франция, Россия олимлари ҳамда ЎЗР ФАнинг Археология институти олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда, бу соҳани янада кенгроқ ривожлантириш кўзда тутилган.

**Фалсафа мактаби.** Самарқанд фалсафа мактаби 1930 – 1940 йилларда академик Иброҳим Мўминов раҳбарлигида шакллантирилган



бўлиб, ҳозирда мактаб вакиллари Марказий Осиё маънавий тараққиётининг фалсафий муаммолари (умумбашарий ва минтақавий жиҳатлар), Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг объектив ва субъектив омиллари, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти муаммоларини ўрганишга қаратганлар.

Истиқболда Марказий Осиёнинг ҳозирги давр цивилизацияси ва ижтимоий интеграция муаммолари, миллий маънавий қадриятлар тикланишининг Ўзбекистонда демократик жамият қуришдаги ўрни каби йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш режалаштирилган.


**Молекуляр оптика илмий мактаби** Санкт-Петербург университети профессори М.Вуксининг бевосита ташаббуси ва ёрдамида академик Акбар Отахўжаев томонидан 1960 йилларда яратилган.

Мактабнинг айна пайтдаги вакиллари ёруғликнинг молекуляр сочилиши ва ютилиши муаммолари, ёруғликнинг комбинацион сочилиши, инфрақизил спектроскопия, ночизиқли оптик жараёнлар, молекуляр люминесцен-

ция, газ ва суyoқ аралашмаларнинг тебраниш спектрларини ўрганиш, лазер спектроскопияси соҳаларида изланишлар олиб боришмоқда. Бу соҳадаги туркум ишлар учун академик А.Отахўжаев, проф. Л.Собиров Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлишган. Оптика ва спектроскопия кафедраси ҳамда молекуляр оптика мактаби базасида жуда кўп йиллардан бери оптика мутахассислиги бўйича аспирантура ва докторантура, номзодлик диссертациялари бўйича ихтисослашган илмий кенгаш фаолият кўрсатиб келмоқда. Ушбу мактаб намояндалари томонидан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашга ҳам жуда катта эътибор қаратилмоқда.

**Ядро ва космик нурлар физикаси илмий мактаби** 1940 йилларда профессор Мусо Мўминов томонидан шакллантирилган бўлиб, ҳозирда илмий изланишлар акад. Т.Мўминов раҳбарлигида олиб борилмоқда.

Илмий мактабда ЎзР ФА Ядро физикаси институти, ЎзМУ қошидаги Амалий физика илмий тадқиқот институти, Дубна шаҳридаги Бирлашган ядро тадқиқотлари институти олим-



Кўзгусининг диаметри 48 см бўлган астрономик телескоп



мутахассислари билан ўзаро ҳамкорликда радиоактив нурланишларнинг моддалар билан таъсирлашуви, радиоактив нурланишларнинг ўсимликларга таъсири, ядро ва элементар зарралар физикаси, тезлатгичлар техникаси, космик нурлар ва астрофизика, квант майдонлар назарияси соҳаларида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ядро физикаси лабораториясида академик Толиб Мўминовнинг илмий раҳбарлигида Марказий Осиёда ягона бўлмиш «Микротрон-22С», «Импульс-3М» электрон тезлатгичлар, ион манбалари, фотоядро реакцияларини ўрганувчи экспериментал қурилма, гамма-спектрометр ва замонавий компьютерлар ёрдамида жаҳон миқёсида тан олинадиган фундаментал тадқиқотлар, шунингдек, электромагнит нурланишларнинг моддаларга таъсирига оид амалий изланишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

**Магнит ҳодисалари физикаси илмий мактабининг** шаклланиши ва бугунги кундаги нуфузи профессор, физика-математика фанлари доктори Облоқул Қувондиқовнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб (нодир) сийрак ер элементларининг электр, магнит ва гальваномагнит хусусиятлари, шунингдек, Ni-Cu системасига кирувчи қотишмаларнинг магнит қабул қилувчанлиги ва Холл эффекти лаборатория шароитида тадқиқ этилиб, нуфузли илмий журналларда мақолалар эълон қилинмоқда, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари учун малакали кадрлар етказиб берилмоқда. Мана, бир неча йиллардан буён магнит ҳодисалари физикасидан номзодлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

**Дифференциал тенгламалар ва математик физика илмий мактабига** 1940 – 1950 йилларда СамДУ профессори, ЎзФА аъзоси И.Куклес, академиклар М.Евграфов ва М.Лаврентьев томонидан асос солинган.

Мактаб вакиллари томонидан физиканинг классик тенгламаси учун Коши масаласини ечишнинг янги усули ишлаб чиқилди, бу усул эластиклик назариясида ва ядро физикаси экс-

периментларини тушунтиришда ўз татбиғини топди. Панжарадаги икки, уч ва тўрт даражали Шредингер операторларининг спектрал хоссалари тадқиқ қилинмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотлар Германия илмий тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Мазкур мактаб вакиллари математик таҳлил ва матфизиканинг ноқоррект масалалари, дифференциал тенгламаларнинг сифат назарияси йўналишларида ҳам тадқиқотлар олиб боришмоқда.

**Алгебра ва сонлар назарияси илмий мактабига** профессор Н.Романов ва доцент Р.Искандаров томонидан 1940 – 1950 йилларда асос солинган бўлиб, илмий мактаб вакиллари алгебра ва сонлар назарияси муаммолари билан шуғулланган. Бугунги кунда робототехникада юзага келадиган алгебраик эгри чизиқларни локал таҳлил қилиш масалалари, Минковский теоремасини умумлаштириш, икки хил қиррали графларнинг рекуррент функцияларини тадқиқ қилиш ҳамда сингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблашнинг оптимал алгоритмларини яратиш масалалари йўналишларида изланишлар олиб борилмоқда.

**Ботаника илмий мактаби** профессорлар Е.Проскоряков, Ж.Қабулов, М.Икрамов томонидан 1960 йилларда шакллантирилган бўлиб, мактаб вакиллари ботаниканинг назарий ва амалий муаммолари, ем-хашак, доривор ўсимликлар етиштиришнинг баъзи муаммолари ҳамда ўсимликлар физиологияси йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб боришган.



Ботаника боғи



Зоология музейи

**Зоология илмий мактаби** профессорлар И.Туркевич, А.Сагитов томонидан 1940 йилларда ташкил қилинган. Унинг асосий илмий тадқиқотлари соҳаси орнитология бўлиб, ҳозирги пайтда мактаб намояндаларининг изланишлари Ўзбекистоннинг қуруқликда яшовчи умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонлар фаунаси, уларнинг айрим гуруҳларининг экологияси ва муҳофазаси, Ўзбекистон тереофаунасининг шаклланиши ва сутэмизувчиларнинг экологиясини ўрганиш мавзуларига қаратилган.

Ҳозирги пайтда мазкур илмий мактаб вакиллари Жануби-Ғарбий Ўзбекистон ҳайвонот дунёсининг фаунаси, экологияси ва муҳофазаси ҳамда улардан оқилона фойдаланиш, Зарафшон воҳасида қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва паразитларининг биологияси ва экологиясини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш йўналишларида изланишлар олиб боришмоқда.

**Биокимё ва тупроқшунослик илмий мактаби** 1960 йилларда профессор Марк Риш томонидан ташкил қилинган микроэлементлар илмий тадқиқот лабораторияси базасида шаклланди.

Лаборатория ходимлари ЎЗР ФА Қорақўлчилик илмий тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликда яйловли ерлар тупроғининг ҳосилдорлигини яхшилаш, ҳайвонлар қон таркибининг биокимёвий хусусиятлари масалалари билан шуғулланганлар. Кейинчалик

лаборатория кенгайиб, Ўзбекистон тупроқлари бонитировкаси ва кадастр картасини тузиш, тупроқ таркибидаги микроэлементлар миқдорини аниқлаш ишлари йўлга қўйилган.

Илмий мактаб вакиллари Зарафшон воҳасидаги суғориладиган тупроқларининг бонитет балларини белгилаш ва уларнинг харитасини яратиш, тупроқ экологияси (оғир металллар миқдорини аниқлаш ва уларни камайтириш усуллари ишлаб чиқиш), шаҳар аҳолиси органоген чиқиндиларидан органик-минерал ўғитлар тайёрлаш, органик ва минерал ўғитларнинг ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб бормоқдалар.

**Органик ва аналитик кимё мактаби** фаолияти доц. Н.Зокиров, проф. Ю.Курбатов томонидан 1950 – 1960 йилларда янги моддаларни синтез қилиш ва моддалар таркибини аналитик назорат қилиш усуллари ишлаб чиқишдан бошланган. 1987 йилда ушбу мактаб вакиллари – профессорлар Т.Ҳамроқулов, А.Насимов ва доц. А.Абдурахмонов «Табиий хомашёларни, баъзи саноат ва озиқ-овқат чиқиндиларини аналитик назорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш» туркум тадқиқотлари учун Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдилар.

Бугунги кунда мактаб намояндалари газ-аналитик асбоб (сенсор)ларнинг янги модификацияларини яратиш, нефть ва газни қайта ишлаш комплекслари учун автоматик



Геология музейи

тизимлар яратиш ва экологик мониторингни йўлга қўйиш, ҳаво, сув ва тупроқ таркибидagi моддаларнинг экспресс анализи услубини яратиш, қон таркибидagi органик моддалар таҳлиliga оид тадқиқотлар устида изланмоқдалар.

**Табиий география ва геоэкология мактаби** 1960 йилларда шакллана бошлаган бўлиб, унинг ривожланишида профессорлар М.Умаров, А.Абулқосимов, Л.Алибековнинг ҳиссаси каттадир. Бугунги кунда мазкур илмий мактаб вакиллари Марказий Осиё ва Зарафшон воҳасининг табиий географияси, ландшафтшунослиги, йўлланиш муаммолари ва геоэкологияга оид тадқиқотлар билан шуғулланмоқдалар. Шунингдек, география факультетида италиялик ва бельгиялик олимлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқув-илмий тадқиқот маркази – «Урбалайф» лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

**Иқтисодий назария илмий мактаби.** Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бу мактаб вакиллари илмий тадқиқотлари асосан бозор муносабатларининг шаклланиши, хусусий мулк, аҳоли даромади ва меҳнат тақсимоли, ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш, ресурслардан фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, бир сўз билан айтганда, иқтисодийёт бўйича янгича қарашларга бағишланган.

Тарихий ҳақиқат Алишер Навоий номи билан аталадиган Самарқанд давлат университети буюк аждодларимиз, хусусан, Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг асл ворисидир деб айтишга имкон беради.

Дунё тажрибасига бир назар ташлаш ҳам кун тартибига қўйилаётган масаланинг нақадар асосли ва ҳаётий эканлигини кўрсатишга хизмат қилади. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари олий таълими, хусусан, университетлари ҳам ўз даврининг машҳур олимлари ёки давлат арбоблари асос солган ўқув юртлари сифатида иш бошлагани маълум. Масалан, бугун нуфузли олий таълим муассасаси сифатида тилга олинadиган Кембриж университети 1209 йилда Оксфордда ўқиётган бир гуруҳ талабалар ва олимларнинг ўз жамиятларини тузишидан бошланган. Шу сингари Париждаги Сарбонна университети XIII асрда (1257 йил), Германиядаги Мюнхен университети XV асрда (1472 й.), Швециядаги Уппсала университети XV асрда (1477 й.), Даниядаги Копенгаген университети XV асрда (1473 й.), Шотландиядаги Абердин университети XVI асрда (1593) ташкил этилган деб ҳисобланади.

Юқорида айтилганлар Самарқанд давлат университетининг шаклланиш тарихини 1420 йилдан эътиборан белгилашга тўла асос бўла олади.



# САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ ФАОЛИЯТИДАН

Самарқанд давлат университети тарихини мавжуд манбалар асосида ўрганиш. Манбаларда қайд этилишича, X аср охирида Самарқандда 17 та мадраса бўлган. Улар орасида олий мадраса мақомига эга бўлган мадрасалар ҳам мавжуд эди. IX – X асрларда улуми ақлия – дунёвий илмлардан бўлган риёзиёт, астрономия соҳасида фаолият кўрсатган самарқандлик олимлардан машҳури Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ас-Самарқандийдир. Бу аллома 865 – 866 йилларда Самарқандда астрономик кузатишлар олиб борган. Бунинг натижасида Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ас-Самарқандийнинг Зиж (юлдузлар жадвали) майдонга келган. Демак, бу даврда Зиж яратиш учун тегишли жой – расадхона ва унга дахлдор асбоблар ҳам бўлган. Машҳур олим яратган бу Зиж кейинчалик Қоҳирадаги расадхонада фаолият кўрсатган Абулҳасан Али ибн Саййид Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Юнус ас-Садафий (399/1009 вафот этган) томонидан эътироф этилиб, шу олимнинг қаламига мансуб «Зиж ал-кабир ал-Ҳакимий» китобига киритилган.

Шаҳарда мадрасаларнинг сони XI – XII асрларда ва XIII аср бошида орта боради, уларнинг фаолияти ҳам ривожланади.

XIII – XIV асрлар – мўғуллар истилоси даврида мадрасалар хароб қилиниб, фаолияти тўхтаб қолади.

Соҳибқирон Амир Темур даврида оламшумул миллий маданий юксалиш жараёни – Ренессанс юз берди, натижада салтанат пойтахти Самарқанд маданият, санъат, илм-фан тараққий этган марказга айланди. Кейинчалик машҳур бўлиб кетган Масъуд Тафтазоний, Саййид Журжоний, Салоҳиддин Мусо Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Коший каби олимлар илм истаб бу шаҳарга келдилар. Мадраса қурилишида «муҳандислар султони» деган фахрли унвон соҳиб

мавлоно Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг (1385 – 1429) хизматлари бениҳоя каттадир.

Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда, хусусан, пойтахт Самарқандда фан ва маданиятнинг янгидан туғилиши Амир Темур ва унинг набиралари – Муҳаммад Султон ва Мирзо Улуғбек номи билан боғлиқ. Соҳибқирон Амир Темур Самарқанднинг ҳар жиҳатдан мукамал ва намунали шаҳар бўлишига алоҳида эътибор қаратган. Бу ҳол таълим тизими муассасаларидан бўлмиш мадраса ва олий мадрасаларни қуриш, уларни етук аллома, мударрислар билан таъминлаш ишида ҳам яққол кўзга ташланади. Шу даврда Амир Темурнинг амирларидан Идику Барлос, Шоҳмалик, Ферузшоҳ, малика Сароймулкхоним – Бибиҳоним ва Муҳаммад Султон томонидан қатор мадрасалар, жумладан, олий мадрасалар қурдирилган. Кейинчалик бу ишни Соҳибқироннинг набираси Мирзо Улуғбек кенг қўламда ривожлантирди, жаҳонга машҳур илмий кашфиётларни майдонга келтирган олий мадраса ва расадхона мажмуасини бунёд эттирди. Муҳаммад Султоннинг Ғўри Амир комплексига кирган мадрасаси 1398 – 1401 йилларда қурилган, Мирзо Улуғбекнинг олий мадрасаси эса 1417 – 1420 йилларда Регистонда барпо этилган. Улуғбекнинг Самарқанддаги иккинчи мадрасаси бундан бироз кейинроқ Ғўри Амир ансамблида, хусусан, Муҳаммад Султон мадрасасининг қаршисида, мажмуа ҳовлисининг ўнг тарафида қурилган.

Мирзо Улуғбек олий мадрасаси 1420 йили ўз фаолиятини бошлаган. У дарсхоналар, кутубхонадан иборат бўлиб, 100 дан ортиқ талаба ва 100 га яқин машҳур мударрис-олимларни бирлаштирган эди.

Мирзо Улуғбекнинг олий мадрасасида талабаларни қабул қилиш, мударрисларни тайинлаш, уларни синовдан ўтказиш ишлари ниҳоят-



да юқори талаб асосида бўлган. Бу вазифани мадрасанинг бош мударриси Қозизода Румий бошчилигидаги олимлар ҳайъати ва илмий кенгаш амалга оширган. Баъзан бундай йиғинларда Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳам қатнашган. Талаба, мударрис ва мадраса ходимлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилган. Олий мадрасани битирганларга дарс ўтиш учун ижозатнома (диплом-шаҳодатнома)лар берилган. Ана шундай ижозатномаларнинг бирига Қозизода Румий имзо қўйган, ҳозирги кунда у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Р10683 – III рақамли нодир қўлёзма сифатида сақланмоқда. Унинг ўзбек тилига ўгирилган матни академик Бўрибой Аҳмедовнинг «Улуғбек» (машҳур кишилар ҳаётидан) эссесида келтирилган (Тошкент: Ёш гвардия, 1989. – Б.112 – 113). Мазкур ҳужжат Мирзо Улуғбек олий мадрасанинг ўша даврда Шарқда тутган буюк мақоми, обрў ва эътиборидан далолат беради.

Мирзо Улуғбек мадрасаси олимлари риёзиёт, илми ҳайъат, ҳандаса, жўрофия, тарих, илми нужум, тиббиёт, мусиқа, мантиқ, аруз (шеърият), илми ҳисоб, теология, ҳадис, фикҳ, адаб, илми ҳикмат, илми калом, араб тили каби илмларнинг турли соҳаларида асарлар яратишган ва шу илмлар олий мадрасада ўқитилган.

Олий мадрасанинг шуҳратини оширишда Мирзо Улуғбекнинг нақлий ва ақлий билимга эгаллиги муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда Алишер Навоий шундай ёзади: «(Улуғбек мирзонинг) каломоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўп билур эрди» (Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис // МАТ. 13-том. – Тошкент: Фан, 1997. – Б.166).

Мирзо Улуғбек мударрис сифатида асосан ҳайъат (астрономия), риёзиёт (математика) соҳасида маърузалар ўқиган. Бу ҳақда Гиёсиддин Жамшид Коший Самарқанддан отасига Кошонга юборган мактубида шундай ёзади: «Зоти олийлари (яъни Мирзо Улуғбек) Носириддин Тусийнинг «Газкира»си ҳамда Қутбиддин Маҳмуд ибн Масъуд Шерозийнинг «Ат-туҳфат аш-шоҳий» асарлари бўйича шу даражада зўр дарс ўқийдурларким, ортиқча изоҳлашга муҳтожлиги йўқтурур» (Гиёсиддин Жамшид Коший-

нинг Самарқанддан отасига йўллаган мактуби / Д.Ю.Юсупова таржимаси // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996).

Мирзо Улуғбек мударрис сифатида ниҳоятда ажойиб услублар қўллар эди. Бу масала бўйича Гиёсиддин Жамшид Коший ўз мактубида қуйидаги мулоҳазаларини баён этади: «Баъзида мадрасада аълоҳазрат (яъни Мирзо Улуғбек) бирлан талабалар ўртасида айрим илмий масалалар устида шунақа тортишувлар бўлур эрдик, анинг тафсилотини ушбу ерда келтуруб бўлмас. Онҳазрат баҳсга сазовор бўлган масала тўлиқ ечилмагунча ва исбот қилинмагунча баҳслашилсун, кўр-кўрона ҳамма нарса тушунарли деб айтишга йўл қўйилмасун деган мазмунда ҳукм чиқоргон эдилар» (Гиёсиддин Жамшид Кошийнинг Самарқанддан отасига йўллаган мактуби).

Мирзо Улуғбекнинг олий мадраса учун етук мударрисларни тайёрлаш, улар олдига қўйилдиган талаблар борасида қилган амалий ишлари ниҳоятда муҳимдир. У мадраса мударрислигига танлаган тарихий шахслар, таниқли олимлар Шарқ илми ва маданиятига салмоқли ҳисса қўшган.

Мавлоно Муҳаммад Хавофий олий мадраса қурилишида қатнашган ва унинг мударриси сифатида дарс ўқиган алломадир. Бу ҳақда Мавлоно Маҳмуд Восифий ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида маълумот бериб ўтади (Васифий. Бадаи ал-вакаи. Научно-критический текст. – Москва, 1961).

Гиёсиддин Жамшид ибн Маъсуд ал-Кошоний (Коший) 1414 йилда Мирзо Улуғбек таклифи билан Самарқандга келиб, умрининг охиригача шу ерда мударрислик қилган.

Хожа Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандий машҳур фикҳшунос ва арабшунос аллома сифатида Мирзо Улуғбек олий мадрасасида талабаларга дарс берган.

Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий – Мирзо Улуғбекнинг шогирди, астрономия соҳасининг машҳур алломаси. Мирзо Улуғбек мадрасасида таҳсил олган, кейинчалик унинг мударриси ва расадхонанинг етакчи илмий ходими сифатида фаолият кўрсатган.

Нуриддин Абдурахмон Жомий – машҳур шоир, мутаффақир ва нақшбандия тариқати муршиди. Самарқандда олий мадрасада таҳсил



олган. 1452 йилгача олий мадрасанинг мударри-си сифатида фаолият кўрсатган. У Самарқандда эканлигида «Рисолаи кабир дар муаммо» («Муаммо ҳақида катта рисола») асарини ёзиб (1452 йилда), уни Хуросон ҳокими бўлган Абулқосим Бобурга бағишлайди ва Ҳиротга қайтиб борганида унга тақдим этади.

Мирзо Улуғбек ҳаёт бўлган вақтда олий мадрасада таълим олиб, кейинчалик машҳур олим, шоир ва адиб бўлиб етишганлар жуда кўп эди. Булар Мавлоно Қозизода Румийнинг ўғли Ҳасан Чалабий, невараси Мирим Чалабий, мавлоно Муиниддин ал-Кошийнинг ўғли Мансур ал-Кошийдир (Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы Средней Азии VIII – XVIII вв. – Москва, 1983. – С.540 – 541).

Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг ҳам мадраса ўз фаолиятини давом эттирди. Бу ҳақда мавлоно Маҳмуд Восифий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида маълумот берадилар.

Самарқанд Регистонида қурилган мадрасалар мажмуаси ўз кўлами, салоҳияти ва олий мақоми билан Шарқда жуда тез машҳур бўлиб кетди. Улар бошқа олий мадрасалардан таълим тизимининг турли фан соҳаларини қамраб олгани, олиб борилаётган илмий ишларнинг кўлами, машҳур олимлари билан тубдан фарқ қилар эди. Шунингдек, Мирзо Улуғбек Самарқандда қурдирган олий мадрасанинг бетакрор ва нодирлиги унинг қошида қурилган расадхона ва пештоқига чизилган етти иқлим харитаси, иншоотнинг улугворлиги билан ҳам белгиланади.

XVI аср охири – XVII аср бошларида Самарқанд тарихи ҳақида маълумот берган Роқим Самарқандийнинг «Тарихи касира»сида ёзилишича, Улуғбек мадрасаси ўз фаолиятини кейинчалик ҳам давом эттирган. XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанднинг харобага айланиши туфайли бу мадраса фаолиятида бир муддат сўниш рўй берган.

XVIII аср охири – XIX аср бошларида амир Шоҳмурод Мирзо Улуғбек мадрасаси фаолиятининг қайта жонланиши учун шароит яратади. Шундан сўнг у XX асрнинг 20-йилларига қадар фаолият кўрсатган. 1918 йилда большевиклар ҳукуматининг қарори билан Самарқанддаги барча мадрасалар фаолияти тўхтатилган.

XX асрда совет ҳукумати Самарқанднинг қадимги илмий ва маданий салоҳиятини, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон каби зиёлиларнинг матбуотда тўхтовсиз чиқишларини эътиборга олиб ўша вақтда республика пойтахти бўлган Самарқандда 1924 йили икки йиллик педагогик йўналишдаги олий ўқув юртини очиш ҳақида қарор қабул қилди. Шу тариқа Самарқанд давлат университетининг шаклланишига дастлабки асос яратилди. 1927 йили бу ўқув муассасаси Самарқанд педагогика академиясига айланди. 1930 йилда ўқув даргоҳи Ўзбекистон педагогика институти, 1933 йили Ўзбек давлат университети деган ном олди. 1960 йили университетга Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети деган мақом берилди.

Бугунги кунда СамДУда 14 та факультет, 60 та кафедра ва ўнлаб илмий-ўқув лабораториялар мавжуд. Университетда 5 та ўқув ва илмий марказ, малака ошириш ва қайта тайёрлаш маркази, илмий кутубхона, нашр-матбаа маркази, 2 та академик лицей ва ихтисослашган физика-математика мактаби, 5 та музей мавжуд, 4 та мутахассислик бўйича докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоясини ўтказувчи 2 та ихтисослашган илмий кенгаш ишламоқда. СамДУ жаҳондаги нуфузли илмий ва ўқув марказларидан бири деб тан олинган.

Университет ўзининг «СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси» журнали ва «Самарқанд университети» газетасига эга. Университет илмий-ўқув кутубхонасида жаҳоннинг 50 дан ортиқ тилида нашр этилган 3 миллиондан ортиқ китоб жамланган. Кутубхонанинг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 11 мингга яқин нодир қўлёзма ва тошбосма китоблар сақланмоқда.

Ҳозирги кунда Самарқанд давлат университети Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг бевожиси вориси бўлиб, унинг таъсис этилиш тарихи ҳам 1420 йилга – Мирзо Улуғбек олий мадрасасининг очилиш санасига бориб тақалади. Бу гап барча шаҳарларда (Бухоро, Хива, Тошкент) аввалда мавжуд бўлган олий мадрасалар ва уларнинг ворислари бўлмиш университетларга ҳам тааллуқлидир.



# ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАДРАСАЛАРИ ТАРИХИ МАНБАШУНОСЛИГИ

Ж.Б. Амирқулов, М.И. Асатуллаев, Ф.О. Маматқулова  
СамДУ «Тарихшунослик-манбашунослик» кафедраси ўқитувчилари

Юртимизда амалга оширилаётган стратегик ўзгаришлар олий таълим тизими, айниқса, тарихий тадқиқотлар ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифалар асосида мамлакатимиз таълим тарихини ёритиш долзарб вазифалардан бири этиб белгиланган. Ушбу мақола темурийлар даври мадрасалари тарихи манбашунослигига бағишланган.

Амир Темур улкан ва қудратли салтанат барпо этиб, маънавий маданиятнинг юксалиши, гуллаб-яшнаши, ўтмиш даврлар ажойиб анъаналарининг янги тарихий вазиятда қайта тикланишига шароит яратди. Амир Темур ижтимоий фаолиятининг сермахсул натижалари, айниқса, маданият соҳасида яққол намоён бўлди.<sup>1</sup>

Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фанга бўлган қизиқишнинг ўсиши маънавий маданиятнинг умумий юксалишига, ишлаб чиқариш ва ҳунармандчиликнинг ўсишига ёрдам берди. Айни вақтда, ирригация, шаҳарсозлик, меъморчиликнинг илдам ривожланиши фандаги турли йўналишларнинг юксалишига туртки бўлди.

Илм-фан ва маданият салтанат учун маънавий озуқадири. Шунинг учун у олим ва фозил кишиларни ўзига дўст тутган, уларнинг иззат-

ҳурматини жойига қўйган, давлатни идора қилишда уларнинг кенгаш ва маслаҳатларидан фойдаланган.<sup>2</sup> Амир Темурнинг илм-фанга ҳурматини унинг тузуқларида ҳам кўрамаиз: «Мен саййидлар, уламо, машойих, оқилудонлар, муҳаддислар, тарихчиларни сара ва эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззат-ҳурматларини ўрнига қўйдим».<sup>3</sup>

Амир Темур ва темурийлар замонида, айниқса, тарих фани тараққий этди. Низомиддин Шомий ва Шарофуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Ғиёсиддин Али Яздийнинг «Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон», Ҳофизи Абрўнинг «Зайли Зафарнома» («Зафарнома»га илова), Тошиддин ас-Салмонийнинг «Тарихнома», Мирзо Улуғбекнинг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи»), Абдураззоқ Самарқандийнинг «Мат-

<sup>1</sup> Амир Темур жаҳон тарихида. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.140.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б. Амир Темур дарслари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.68.

<sup>3</sup> Темур тузуқлари. – Тошкент, 1991. – Б.55.



лаъ ус-саъдайн ва мажмаъ ул-баҳрайн» (Икки саодатли юлдузнинг чиқиш жойи ва икки азим дарёнинг қўшилиш ўрни»), Мирхонднинг «Равзат ус-сафо («Поклик боғи»), Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр фи ахбор ва афрод ул-башар» («Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли»), З.М.Бобурнинг «Бобурнома» асарлари ўша замоннинг илмий маҳсулидир.

Астрономия ва математика соҳасида эришилган буюк муваффақиятлар Темурийлар давлатига катта шухрат келтирди. Бу, биринчи навбатда, Улуғбек номи билан боғлиқдир.

Улуғбек Мавароуннаҳр, хусусан, Самарқандда илм-фанни ривожлантириш борасидаги фаолияти билан мусулмон оламидаги кўплаб олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Шу жумладан, Қозизода Румийнинг ҳам.

Манбаларда Қозизода Румий Улуғбекни илк бор қачон кўрганлиги хусусида маълумот йўқ. Лекин Улуғбек ўзининг «Зиж» асарига ёзган муқаддимасида уни устозим деб атаydi.

Қозизода Улуғбек мадрасасида дарс беришдан ташқари илмий иш билан ҳам шуғулланган, расадхонада кузатишлар олиб борган. Астрономия ва математика бўйича бир қанча машҳур асарлар яратган. Жумладан, «Шарҳ ашкол ат-таъсис» асарида самарқандлик олим Шамсиддин ибн Муҳаммад ас-Самарқандийнинг (XIII аср) геометрик рисоласига изоҳлар берган. Бу рисола Мовароуннаҳр мадрасаларида геометрия бўйича дарслик вазифасини ўтаган. Румийнинг иккинчи асари «Шарҳ ал-мулахассфил-хайъа ва нужум» бўлиб, хоразмлик олим Маҳмуд ибн Умар ал-Чағминий (1220 йилда вафот этган) рисоласига ёзилган шарҳдир. Қозизода шу асар асосида Улуғбек мадрасасида астрономиядан дарс берарди.

Улуғбекнинг «Зиж»ида тилга олинган яна бир машҳур олим Жамшид ибн Маъсуд ин Маҳмуд ал-Кошийдир. Коший математика соҳасида анча катта ютуқларга эришди. Унинг математик рисолаларидан «Мифтоҳ ал-ҳисоб» ва «Рисола ал-муҳитийа» ҳам Улуғбек кутубхонаси учун ёзилган.

1417 йилда Самарқанд илмий мактаби тўғрисида Кошийнинг отасига ёзган хати қимматли манба ҳисобланади. Унда Самарқанддаги ил-

мий муҳит ҳақида баён этилган бўлиб, Улуғбек ҳам олим, ҳам илмий мактаб ҳомийси сифатида тавсифланади.<sup>1</sup>

Таъкидлаш керакки, Самарқанд илмий мактаби олимларининг асарлари ўз даври учун янгилик бўлиб, замонасидан анча илгарилаб кетганди. Улар XV аср Уйғониш даври руҳи ва даражасида яратилган асарлардир.

Темур ва темурийлар даврида мадраса олий маълумот берадиган марказ вазифасини бажарган. Мовароуннаҳр, хусусан, Самарқандда асосан давлат ва бадавлат шахсларнинг маблағларига қурилган кўплаб мадрасалар бор эди.

Самарқанд ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида барпо этилган мадрасаларда илоҳиёт билан бир қаторда дунёвий фанлар: қонуншунослик (фиқҳ), мантиқ, математика (риёзиёт), геометрия (ҳандаса), фалакиёт (илмиҳайъат), тиббиёт, тарих, жўғрофия, адабиёт, шеърият (илми аруз), араб тили ва бошқа фанлар ўқитилган. Мадрасаларда ўз даврининг етук мударрисларидарс беришган. 1404 йилда Амир Темурнинг хотини Сароймулкхоним Самарқандда ҳашаматли мадраса қурдиради, у ўша даврдаги бошқа иншоотлардан ажралиб турарди. Улуғбек қурдирган мадраса мадрасаларнинг олийси ҳисобланади. Ўша даврда Самарқандда Улуғбек қурдирган мадрасалардан ташқари Хоним, Қутбиддин Садр ва Муҳаммад Султон мадрасалари ҳам бўлган.

Мадраса ва хонақоҳ тингловчилари фаннинг турли соҳаларидан кўпгинакитобларни таҳлил қилар эдилар. Аммо Темур ва унинг авлодлари саройларида кўҳна дунё ва ўрта асрларнинг ноёб асарлари сақланадиган бой кутубхоналар мавжуд эди. Самарқандда Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг бой кутубхоналари зиё тарқатиш билан машғул эди. Ўша давр муаллифлари кўпинча ўз асарларини кутубхоналарга бағишлар эдилар.

XIV – XV асрлар риёзиёт ва фалакиёт илмининг буюк алломаси, Самарқандда Улуғбек мактабининг етакчи олими Жамшид ибн Масъуд ибн Маҳмуд Ғиёсиддин ал-Кошийдир. Ғиёсид-

<sup>1</sup> Юсупова Д.Ю. Письмо Гийас ад-дина Каши к своему отцу Самарканда в Кашан. – Ташкент, 1979. – С.37 – 38.



дин ал-Коший фан билимдонлари – риёзиётчилари, табиблари ва ҳунармандлари билан шуҳрат қозонган Исфаҳон ва Техрон орасидаги Кошон шаҳридан эди. Ғиёсиддин Кошийнинг таваллуд топган йили номаълум. Умрининг асосий қисмини Кошонда ўтказди. Риёзиёт ва фалакиёт илмига қизиқади. Қадимги Юнонистон, Эрон ва Ўрта Осиё олимларининг асарларини таржима қилиб, уларга шарҳ ёзади. У табобат фани билан ҳам шуғулланган. Ғиёсиддин Кошийнинг ижоди Ўрта ва Яқин Шарқда шуҳрат қозонди. Хаётининг сўнгги йилларини Самарқандда ўтказди ва тахминан 1429 йилда вафот этди.<sup>1</sup>

Ғиёсиддин Коший қаламига мансуб мактуб Самарқандда форс тилида ёзилган бўлиб, ўз отасига – Кошонга юборилган. Ушбу мактуб Техронда Сипоҳсолар масжидининг кутубхонасида сақланаётган тўплам жилдининг бир қисмини ташкил этади.<sup>2</sup>

Мактуб ўз вақтида Шарқ ва Ғарбдаги олимларнинг диққатини ўзига жалб этган. Жумладан, турк олими Ойдин Соелий, эронлик олим Муътаммад уд-Давла, М.Таботобий, инглиз олими Э.Кеннеди ва бошқалар уни тадқиқ этишган.

Мактубнинг бир қисми дастлаб «Занбил» журнали саҳифаларида Муътаммад уд-Давла тарафидан чоп этирилган эди.<sup>3</sup>

1940 йилдаэронлик олим М.Таботобий Муътаммад уд-Давланинг нашри, юқорида қайд қилинган Сипоҳсолар масжидининг кутубхонасида, шунингдек, ўзининг шахсий кутубхонасидаги қўлёзмалардан фойдаланиб мактубнинг форсча матнини нашр эттирган.<sup>4</sup>

1959 йили Ғ.Жалоловнинг «Ғиёсиддин Жамшид Чустий (Коший) – XV асрнинг астрономи ва математиги» деган мақоласи эълон қилинди. Мақолада муаллиф Самарқанд расадхонасининг ташкил этилиши, унда ўтказилган кузатишлар ва юлдузлар жадвалининг тузилишига

Чустийнинг қўшган ҳиссаси ва риёзиётга оид ёзиб қолдирган асарлари ҳақида тўхталиб ўтади.<sup>5</sup>

1960 йилда фалакиёт илми тарихининг билимдони Э.Кеннеди М.Таботобийнинг форсча нашридан фойдаланиб уни инглизчага таржима қилади.

Шуларнинг ҳаммаси фан-маданият тарихи билан шуғулланадиган тадқиқотчиларнинг Ғиёсиддин Коший мактубига бўлган зўр эътибори далилидир.

1972 йили П.Г.Булгаков «Школа Улугбека и Беруни» номли мақоласида ушбу мактубдан кичик парчани рус тилига қилинган таржимаси билан келтиради.<sup>6</sup>

1973 йили Ғиёсиддин Кошийнинг мактуби Ғ.Собиров ва Н.Бобоев тарафидан рус тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Таржима зарур изоҳлар билан таъминланган.<sup>7</sup>

1979 йилда Кошийнинг отасига ёзган мактуби тўлиқ изоҳлар билан манбашунос олима Д.Й.Юсупова томонидан нашр этирилади. Д.Юсупова таржимасидаги кириш қисмида мактубнинг тарихи очиб берилади, манба сифатидаги қиммати, тили ва ёзилиш услуби таҳлил қилинади. Келтирилган изоҳларга матний иловалар ҳам берилади.<sup>8</sup>

Улуғбек расадхонаси қурилишининг асосий қисми мактуб ёзилишига таъминланган<sup>9</sup> ҳақидаги маълумотларга асосланиб, унинг қурилиши 823 (1420) йилда бошланганини назарда тутиб мактуб 1420 – 1421 йиллар оралиғида ёзилган деб тахмин қилиш мумкин.

Ғиёсиддин Кошийнинг бу мактуби отасига йўлланган бўлиб, унинг саволларига жавоб тартибида тузилган. Мактубда Ғиёсиддин атрофидаги олимлар ҳақидаги маълумотларга асосланиб у Кошондан Самарқандга яқиндагина келган деб тахмин қилиш мумкин.

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Улуғбек и его время // Сочинения. Том 1. – М., 1964. – С.107 – 108.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б., Уватов У., Каримов Ф. ва бошқ. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996. – Б.268.

<sup>3</sup> Аҳмедов Б., Уватов У., Каримов Ф. ва бошқ. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996. – Б.268.

<sup>4</sup> Аҳмедов Б., Уватов У., Каримов Ф. ва бошқ. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996. – Б.269.

<sup>5</sup> Жалолов Ғ. Гияс ад-Дин Джемшид Чустий. – Ташкент, 1959. – С.141.

<sup>6</sup> Булгаков П.Г. Школа Улугбека и Беруни. – Ташкент, 1972. – С.57 – 60.

<sup>7</sup> Собиров Г., Бобоев Н. Джемшид Гиясиддин ал-Коши. – Душанбе, 1973. – С.183 – 208.

<sup>8</sup> Юсупова Д.Ю. Письмо Гийас ад-дина Каши к своему отцу Самарканд в Кашан. – Ташкент, 1979. – С.3.

<sup>9</sup> Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳли луғатлар А.Уринбоевники. – Тошкент, 1969. – Б.278.



Мактубдаги Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Кошийнинг ўзи ва Самарқанд мактабининг бошқа олимлари илмий фаолиятига оид қизиқарли маълумотлар ҳамда расадхона қурилиши тарихига доир лавҳалар муфассаллиги билан диққатга сазовор.

Ғиёсиддин Самарқанд Ўрта Осиёнинг маданий маркази сифатида Кошондан афзаллигини айтади. Улуғбекни кўзга кўринган давлат арбоби ва ҳукмдоргина эмас, балки йирик олим сифатида ҳам тасвирлайди. У араб тилини юксак даражада эгаллаган эди, ҳуқуқшуносликни, мантиқ илмини, адабиётни, риёзиётни ва фалакиёт илмини яхши билар эди. Муаллифнинг Улуғбек ҳақида келтирган ушбу далиллари бошқа тарихий манбаларда учрамайди.

823/1420 йилда<sup>1</sup> қурилган мадраса нуфузли илм-фан маркази бўлиб, унда Улуғбек риёзиётдан маърузалар ўқир эди. Мактуб ёзилган пайтда (яъни 1420 ёки 1421 йилда) Улуғбек 26 ёки 27 ёшда эди, ўта изчиллик билан фалакиёт ва риёзиёт илмлари устида иш олиб борарди. Бинобарин, мадрасада риёзиёт илмини афзалроқ билиши бежиз эмас эди. Мактуб муаллифи Улуғбекнинг фалакиёт соҳасида ҳам фавқулодда қобилиятини қайд этиб, унинг «Носириддиннинг хотираномалари» (Тазкира) ва «Шоҳ туҳфаси» (Туҳфа)дан ўқиган ажойиб маърузаларини эслаб ўтади. Ғиёсиддин Мирзо Улуғбекнинг беқиёс хотираси ҳақидаёзаркан, у офтобнинг узунлигини даражалари ва дақиқаларигача бўлган аниқликда ёддан ҳисоблай олишини эслатиб ўтади.<sup>2</sup>

Ғиёсиддиннинг таъкидлашича, Улуғбек атрофидаги олимлардан биронтаси Мароға расадхонасидаги «Фахрий секстант» деб аталган асбобнинг вазифасини асло тасаввур қила олмаган ва Улуғбек унинг (Ғиёсиддиннинг) тунтиришига асосланган ҳолда расадхона биносини қуришни буюрган.<sup>3</sup> Айрим мулоҳазалар ва мисоллардаги зиддиятларга қарамай, мак-

тубда Улуғбекнинг астрономик мактаби тарихини ўрганиш учун кўплаб муҳим маълумотлар мавжуд. Масалан, Ғиёсиддин Мирзо Улуғбекнинг ҳуқуқшуносликдаги ажойиб билимини таъкидлаб ўтади. Шу пайтгача бу ҳақда фақатгина тахмин қилинар эди.<sup>4</sup>

Ғиёсиддин Коший мактубда расадхона деворига ўрнатилган қуёш соати ҳақида ҳам маълумот келтиради. Ҳолбуки, Улуғбек асарларида бундай соат мавжудлиги ҳақида бевосита таъкид йўқ. Демак, Ғиёсиддиннинг бу маълумотлари Т.Н.Қори-Ниёзийнинг шундай соат бўлганлиги ҳақидаги тахминини тасдиқлайди.<sup>5</sup>

Шундай қилиб, Ғиёсиддин Кошийнинг мактуби – Улуғбек расадхонасида қўлланилган астрономик асбоб-ускуналар тўғрисидаги маълумотларга бой манба дейиш мумкин. Шунингдек, бу фактлар археологик қазишмалар асосида қилинган тахминларни тасдиқлайди.

Шарқнинг машҳур мадрасалари олий ўқув юрти мақомида бўлиб, бу, ўз навбатида, ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши билан узвий боғлиқдир. VIII – IX асрларда толиби илм асосан масжидларда ўқитилар, уларга исломий илмлар (илми нақлия) билан бир қаторда аниқ фанлар (илми ақлия) ўқитилар эди. Толибларга ўқитиш жараёнида айтиб турилган, улар ёзганлар. Бу «имло» усули деб юритилган. X асрдан бошлаб ўқув муассасаларида «имло» усулидан воз кечилди. Швейцариялик арабшунос олим Адам Мец бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: «Ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши, ўз навбатида, янги турдаги ўқув муассасаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Аввал айтиб туриб ёздирини, яъни «имло» усули ўқитишда энг юқори даражада ҳисобланган бўлса, X асрдан бошлаб «тадрис» (шарҳ, изоҳ) усули етакчи бўлиб қолди. «Тадрис» усули ўша даврда қабул қилинган илмий мунозара – диспут билан узвий боғлиқ эди, масжидлар эса мунозара учун мувофиқ эмасди. Натижада бу даврга келиб

<sup>1</sup> Абдураззок Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн / Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳли лугатлар А.Уринбоевники. – Тошкент, 1969. – Б.278.

<sup>2</sup> Аҳмедов Б., Уватов У., Каримов Ф. ва бошқ. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996.

<sup>3</sup> Аҳмедов Б., Уватов У., Каримов Ф. ва бошқ. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996. – Б.274.

<sup>4</sup> Аҳмедов Б., Уватов У., Каримов Ф. ва бошқ. Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Тошкент, 1996. – Б.274.

<sup>5</sup> Кори-Ниязов Т.Н. Астрономическая школа Улуғбека. – Ташкент, 1967. – С.149.



мадраса вужудга келди».<sup>1</sup> Мактаблар масжидлар қошида қолди.

Мадрасалар учун махсус бинолар қурила бошланди, энг йирик мадрасалар ҳукмдорлар, йирик мулкдорлар, шариат, дин пешволари томонидан қурдирилган. Шарқ меъморчилиқ санъатининг энг гўзал анъаналари мадрасаларда ўз ифодасини топган. Мадрасалар ва масжидларда ниҳоятда баланд ва салобатли миноралар ҳам қурилган. Бино таркибида талабалар яшаб ўқиши учун 2 – 4 кишилиқ ҳужралар, мударрислар, мутавалли, масжид имоми, муаззин учун хона ва бир неча дарсхоналар мавжуд бўлган. Давлат аҳамиятига молик катта мадрасалар қошида бой кутубхона, қироатхона бўлган, уларнинг ишини назорат қилувчи лавозим ҳам жорий этилган. Масалан, Бухородаги Мир Араб мадрасасида юздан ортиқ талаба яшаши учун ҳужралар бўлган.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг нуфузли мадрасаларидан бири ҳисобланган. У икки қаватли бўлиб, 55 та ҳужраси бор эди. Ҳар бир ҳужра икки нафар талабага мўлжалланган уч хона: ётоқхона, дарсхона, қазноқдан иборат бўлган.<sup>2</sup>

Шу ўринда яна бир муҳим масалага ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқ. Ўтмишда мадрасалар билан ёнма-ён масжид ва хонақоҳлар қурилган. Шўролар даврида хонақоҳлар фақат дарвиш ва қаландарлар, шайх ва зоҳидлар зикр тушадиган маскан сифатида баҳолаб келинган.

Одатда, мадрасалар пештоқига, эшикларига нақш билан илм олишга чақирувчи Қуръони карим оятлари ёки ҳадиси шарифлар битилган. Масалан, Мирзо Улуғбек Бухорода 1417 йилда қурдирган мадраса пештоқига «Билим олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» ҳадиси нақш билан битилган.<sup>3</sup>

Бундай Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар ёшларда илмга рағбат уйғотишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Мадрасалар ўқитиладиган илмлар таснифи, таълим савияси, мударрислар мавқеига кўра

икки гуруҳга бўлинган. Биринчиси умумий таълим берувчи ўқув маскани – у мадраса деб юритилган. Ушбу гуруҳ мадрасаларда илми нақлия – диний илмлар анча чуқур ўргатилган, шу билан бирга, илми ақлия – табиий фанлардан, ижтимоий фанлардан умумий маълумот берилган. Бундай мадрасалар кичикроқ шаҳарларда, баъзан катта шаҳарларда ҳам бўлган. Умумий таълим мадрасаларини битирган талабалар асосан оддий мактабларда ўқитувчи, масжидларда имом, қозихоналарда муфтий каби лавозимларда ишлаганлар, баъзи қобилиятли, иқтидорли ёшлар мадрасаи олияда ўқишни давом эттирганлар.

Иккинчи гуруҳ мадрасаи олия деб юритилган ва таълим-тарбиянинг энг олий босқичи ҳисобланган. Унда юксак илмий мартабага эришган алломалар фаолият кўрсатганлар, бундай мадрасалар асосан марказий шаҳарларда, илмфан, маданият ривожланган Самарқанд, Бухоро, Ҳирот каби шаҳарларда бўлган.

Мадрасаларда, қоидага кўра, ҳафтанинг якшанба, душанба, сешанба, шанба ўқиш кунлари; чоршанба ва пайшанба мустақил мутолаа кунлари; жума дам олиш куни ҳисобланган. Ўқиш бир йилда олти ой давом этган, ўқув йили мезон ойининг биринчи куни (22 сентябрь) бошланиб, ҳамал ойининг биринчи куни (21 март) тугаган. Ҳамал, савр, жавзо, саратон, асад, сунбула ойлари талабалар тирикчилик ишлари билан машғул бўлишган. Бу ҳақда мадрасаларга хон ва подшоҳларнинг махсус фармонлари келган.

Мадрасаларнинг ҳар икки гуруҳида араб тилининг сарфи (морфологияси), наҳви (синтаксиси) анча чуқур ва узоқ вақт ўқитилган. Чунки ҳамма фанлар бўйича асарлар ва уларнинг шарҳлари асосан араб тилида битилган, араб тилини мукамал билиш талаб этилган. Мадрасаларнинг қандай фанларга мўлжалланганидан қатъи назар, улуми нақлия (Қуръон, ҳадис, фикҳ, тасаввуф) ва у билан боғлиқ илмлар таълим дастурининг асосини ташкил этган. Баъзи мадрасаларда уларнинг ихтисосига кўра улуми ақлия, улуми маъмурия, улуми ҳарбия ўқитилган. Чунки уларда асосан давлат маъмуриятида хизмат қилувчи, элчилик ишлари билан шуғул-

<sup>1</sup> Адам Мец. Мусульманский ренессанс. – М.: Наука, 1978. – С.154.

<sup>2</sup> Валихўжаев Б. Самарқандда олий таълим – мадрасаи олия – университет тарихидан лавҳалар. – Самарқанд, 2001. – Б.24.

<sup>3</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.80.



ланувчи давлат арбоблари ёки лашкарбошилар тайёрланган. Шу боис бундай мадрасаларда Кайковуснинг «Қобуснома», Низомулмулкнинг «Сияр ул-мулк» («Сиёсатнома»), шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини чуқур ўрганганлар.<sup>1</sup>

Мадрасалар аълам ва қозикалонларнинг умумий раҳбарлигида фаолият кўрсатган, аммо мадрасаи олия – давлат миқёсидаги мадрасаларга мударрис тайинлаш, уларнинг билим савиясини текшириш, талабаларни вақти-вақти билан имтиҳон қилишга подшоҳлар, хону амирлар бевосита бошчилик қилганлар. Алишер Навоийнинг кичик замондоши, тарихчи олим, шоир Зайниддин ибн Абдужалил Восифий (1486 – 1566) ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Гўзал воқеалар») асарида Улуғбекнинг Самарқандда бино қилган мадрасаи олияга мударрис тайинлаши билан боғлиқ бир воқеани тасвирлаган: «813(1420) йил куз фаслининг фараҳбахш куни мадраса қурилиши ниҳоясига етган, ҳаммаёқ саранжом-саришта, олимлар, толиби илмлар, қозию қуззот, сарой аҳли янги мадраса ҳовлисига жам бўлган. Ҳаммани бу фирдавсмонанд мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлиши қизиқтирар эди. Мирзо Улуғбек тўпланганларга мурожаат қилиб: «Ҳамма илмларда етукликка эришган киши мадрасанинг биринчи мударриси бўлсин», – дейди. Шунда одамлар орасидан бир киши чиқиб: «Мен имтиҳон топшираман», – дейди. Мирзо Улуғбек раҳбарлигида тўқсон олим ва талаба ҳузурида имтиҳон дарси ўтилади. Батлимус (Клавдий Птолемей)нинг «Ал-мажистий» асари бўйича ниҳоятда юксак илмий савияда ўқилган бу имтиҳон дарсини фақат Қозизода Румий ва Мирзо Улуғбек тушунади, холос. Бу ўз даврининг етук олими ва мударриси Шамсиддин Муҳаммад Хавофий эди».<sup>2</sup>

Мадрасаи олияда дарс бериш, ўқитиш усуллари алоҳида эътиборга лойиқдир. Мирзо Улуғбек дарс бериш жараёнида, айниқса, мунозара-бахс усулига тез-тез мурожаат қилган. Дарҳақиқат мунозара (диспут) усули, биринчидан,

талаба нутқини ўстирса, иккинчидан, масала моҳиятини чуқур идрок қилишга олиб келади. Мирзо Улуғбек талабаларга дарс бериш билан чекланмай, мадраса мударрисларига, расадхонада ишловчи олимларга ҳам дарс ўқир, мунозаралар ўтказар, бу билан уларнинг малакасини оширар эди. Улуғбек мадрасаи олиясида 100 – 150 талаба мунтазам таълим олган. Толиби илмларга Самарқандда яшаб ижод этган ҳамма улуғ олимлар: Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Шамсиддин Муҳаммад Хавофий, Гиёсиддин Жамшид Коший, Алоуддин Али Қушчи аниқ фанлардан дарс берганлар ва Улуғбек расадхонасида ҳам тадқиқот ишлари олиб борганлар.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институти қўлёзма-лар фондида Улуғбек мадрасаси мударриси Қозизода Румий томонидан шу мадрасани муваффақиятли тамомлаган Шамсиддин Муҳаммад Балхий номига берилган ижозатнома-санад сақланади.<sup>3</sup> Унда ушбу талабанинг илм ўрганишдаги салоҳияти, чидам-матонатини таъкидлашдан ташқари мадрасада чуқур ўрганган билимлари, асарларининг номлари бирма-бир санаб ўтилган.

Мадрасаи олиялар қошида бой кутубхоналар бўлиб, уларда ноёб китоблар йиғилган, даврнинг кўзга кўринган дабирлари, саҳхофлари, хаттотлари фаолият кўрсатганлар. Улар янги-янги китобларни кўчирганлар, кутубхонани керакли асарлар билан бойитганлар. Бундан ташқари, иқтидорли талабалар подшоҳлар, улуғ мутафаккирларнинг шахсий кутубхоналаридан ҳам фойдаланганлар.

Мадрасаларимиз тарихидаги бундай нурли саҳифалар XVII асргача давом этди, Темурийлар салтанатининг парокандаликка юз тутиши мадрасалар ҳаётига ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатди. Тўғри, кейинги даврларда ҳам мадрасалар фаолият юритди, аммо уларнинг дастурида нақлий илмларни ўқитиш етакчилик қилди. Бу даврда ақлий илмлар Европани юксакликка олиб чиқаётган эди.

Хуллас, темурийлар даврида таълим юксак даражага кўтарилган, Шарқ дунёсида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган.

<sup>1</sup> Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдуллонома. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.80.

<sup>2</sup> Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ / Форсийдан Н.Норкулов таржимаси. – Тошкент, 1979. – Б.87.

<sup>3</sup> ЎЗР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди. Инвентар рақами 106 83-ш.



# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДА ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАГА АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ҲИССАСИДАН ЛАВҲАЛАР

Рустамбек Шамсутдинов,  
Исломиддин Насиридинов

2020 йил 24 июнда Москванинг Қизил майдонида, коронавирус пандемиясига қарамай, фашизм устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлиб ўтди. Улуғ Ватан уруши тугалланишининг 75 йиллигига бағишланган Ғалаба парадида 13 мингдан зиёд ҳарбий хизматчилар, хорижий давлат вакиллари иштирок этишди.

Бир кун аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти В.В.Путин билан расмий учрашуви бўлиб ўтди. В.В.Путин буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб Тошкетда Ғалаба

боғи очилгани билан табриклаб, «Уруш пайтида Ўзбекистоннинг 2 миллион аҳолиси фронтга кетганлигини эсламай бўлмайди, Сиз Совет Иттифоқининг барча республикаларидан эвакуация қилинган 2 миллион кишини қабул қилдингиз, саноат корхоналарининг катта қисми Ўзбекистонга кўчирилди ва шу заҳотиёқ фронт манфаатлари учун ишлай бошлади. Буларнинг барчаси бизнинг умумий тарихимиз, умумий муваффақиятимиз, бизнинг умумий Ғалабамиз», – деб айтди. Ўз навбатида, Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи номидан, шахсан ўзининг номидан Президент В.В.Пу-



Москва. Тарихий ва афсонавий Қизил майдон. Буюк Ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган ҳарбий парад



тинни ва бутун Россия халқини улуғ байрам, фашизм устидан қозонилган Ғалаба байрами билан табриклаб, бу бизнинг умумий Ғалабамиз эканини таъкидлади. В.В.Путиннинг Ғалаба боғи ҳақида эслатгани ҳақида тўхталиб, «Чиндан ҳам, биз 9 май куни катта мемориал комплекс очдик, ташрифингиз чоғида Сиз билан уни зиёрат қилишни жуда истардим, чиндан ҳам, убугунги кун учун жонини фидо қилган ота-боболаримиз учун муносиб хотирадир», – деди. Ш.М.Мирзиёев фурсатдан фойдаланиб россиялик мутасаддиларга миннатдорчилик билдирди. Чунки улар 2 йил мобайнида ўз архивларини очиб беришди, у ерларда кўплаб янгиликларни топишга эришилди. Илгари 1, 5 миллионлик рақам бор эди, 2 йил ишланганидан сўнг фронтга кетган ўзбекистонликлар 2 миллионга яқин эканлиги аниқланди. Фронтдан қайтмаган ва бедарак йўқолганларни аниқлаш борасида Россия Мудофаа вазирлиги билан амалга оширилган ҳамкорликнинг яхши самара бергани айтилиб, архив билан ишлашнинг янги қирралари очилгани қайд қилинди. Ўзбекистон Президенти бу хотирани ҳеч қачон унутмаслигимиз кераклигини, мазкур боғ, айниса, ёшларни тарбиялашда катта хизмат қилишини истаётганини изҳор этди.

Уруш мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун ҳақиқий синовга айланган. Андижон вилояти ҳам оғир дамларни бошдан кечирган. Фронт ортини мустаҳкамлаш, фронтни қурол-аслаҳа, кийим-бош, озиқ-овқат билан таъминлаш, қизил армия сафини янги кучлар билан тўлдириш, армия ёшидагиларни фронтга сафарбар қилиш, катта ёшдаги эрақларни меҳнат армиясига олиб, уларни мамлакатнинг sanoat ҳудудларига юбориш, душман босиб олган ҳудудлардан эвакуация қилинганларни қабул қилиб олиш, уларни жойлаштириш, Андижонга келтирилган аскарлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, ҳарбий госпиталлар фаолиятини назорат қилиш каби ишларни бошқаришда Андижон область партия комитети ва унинг шаҳар, районлардаги бўлимларининг ўрни бениҳоя катта бўлган. Бу ўринда Андижон области биринчи партия конференцияси материаллари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.



Усмон Юсупов – Ўзбекистон  
Компартияси Марказий Комитети  
биринчи котиби



К.К.Шубладзе –  
Андижон област партия коми-  
тети биринчи котиби

Бу конференция 1945 йил 25 – 27 февраль кунлари Андижон шаҳар маданият саройи биносидан ўтказилган. Бу бино ҳозир сақланиб қолмаган, бузилиб кетган. Унинг ўрнида ҳозирги Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси биноси қурилган. Конференцияда ҳал қилувчи овоз билан 176, маслаҳат овози билан 26 вакил қатнашган. Конференцияни область партия комитети биринчи котиби К.К.Шубладзе очган. Делегат Ғуломов конференциянинг 29 аъзодан иборат ишчи президиумини эълон қилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов конференция ҳайъатига аъзо қилиб сайлаш учун номи зикр қилинганда республикани биринчи раҳбарини бутун зал олқишлаган. Конференция тафсилотлари область газетаси – ўзбек тилидаги «Коммунист», рус тилидаги «Сталинское знамя» саҳифаларида бериб борилган. Бу даврда матбуотга талаб юқори бўлганининг ёрқин мисоли сифатида «Сталинское знамя» газетасининг бош муҳаррири Сигаловнинг конференцияда қилган нутқини келтириш мумкин. Партия ходимларининг газета ишига панжа орасидан қараётганлари, оқибатда партия ходимлари ўзларининг соҳалари бўйича матбуотда чиқиш тажрибасига эга бўлмасдан, кўпинча эгаллаб турган лавозими тақозоси билан ёзилиши лозим бўлган мақолаларни ёзишни журналистлардан илтимос қилишлари, мақола тайёрлангач, унга ўша партия ходими имзо чекканлиги каби ҳолатлар очиб ташланган. Сигалов шундай деган:



«Ҳар қандай масалани ҳал этишда, у хоҳ саноат, хоҳ қишлоқ хўжалиги, хоҳ партия турмуши масаласи бўлсин, партия аппарати ходимлари меҳнаткашларнинг кенг оммасига суяниши керак, омма билан эса фақат матбуотни жалб қилиш орқалигина сўзлашиш мумкин. Бироқ партия ходимлари, агар матбуотга чиқиш керак бўлса, бунинг учун редакциялар аппаратида ёзиб берувчилар бор, уларга бир-иккита фактни берсанг, тамом, мақола тайёр бўлади деб ўйлашади. Газета саҳифасини эса ўша партия ходимининг фамилияси безайди».

Конференция аҳлига ибрат, намуна сифатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби Усмон Юсупов ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига ёзган хатини тайёрлаш жараёнига қандайкатта маъсулият билан қараганига шахсан гувоҳ бўлганини айтган: «Ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига ёзган хатини мен яхши эслайман. Ўртоқ Юсупов ёзувчилар ва журналистлар гуруҳи билан бирга 5 кеча мобайнида ушбу хатни ёзиш, ўчириш, тўғрилаш билан шахсан ўзи шуғулланган. Натижада «Правда» газетаси мазкур хатни тарихда биринчи марта рус ва ўзбек тилларида эълон қилди».

Тарихий адабиётларда ана шу тарихий хат ҳозиргача келтирилмаган. Ваҳоланки, бу хат ўша даврда ўзбек тилидаги фронт газеталарида тўлалигича эълон қилинган, ўзбек жангчилари уни жам бўлиб ўқишган, ундан руҳланишган, кучига куч қўшилган, душманга нисбатан нафрат, ўз юртига садоқат руҳи уйғонган, жанговарлиги ортган. Ўша пайтда ўзбек тилида чиққан «Ватан учун» газетасида эълон қилинган бу хатни айнан келтиришни лозим билдик.

Област партия комитетининг 1941 йил мартидан 1945 йил февралигача бўлган даврдаги фаолияти ҳақида област партия комитети биринчи секретари К.К.Шубладзе маъруза қилган. Маърузанинг биринчи қисми «Қизил Армия учун инсон ва моддий ресурсларни сафарбар қилиш ва жанговар резервлар тайёрлаш» деб номланган. Ҳисобот даврида Ватанни ҳимоя қилиш учун Андижон области минглаб жисмонан бақувват кишиларни, шунингдек, кўплаб автомашиналар, отлар, араваларни сафарбар қилган. 1945 йили Андижон областида отлик дивизия, ўқчи бригада, автоматчиларнинг алоҳида батальони ва темир йўлни тиклаш батальони шакллантирилиб, фронтга жўнатилган. Шунингдек, бир неча минг от, аравалар ва уларга қўшиш учун ишлатиладиган асбоблар, юк ташувчи ва енгил автомашиналар сафарбар қилинган.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида Андижон областидан саноатда ишлаш учун катта миқдорда одамлар сафарбар қилинган. Давлат мудофаа комитетининг 1941 йил 17 сентябрдаги умумий ҳарбий ишга ўқитиш тўғрисидаги қарори асосида 55 минг йигит-қиз, шунингдек, аҳолининг катта ёшли қисми ҳарбий мутахассисликка эга бўлган. Уларнинг кўплари қизил армия сафида ҳарбий жасорат намойиш этганлар, немис босқинчилари билан курашда қаҳрамонлик кўрсатганлар. Қўчқор Турдиев, Абдулазиз Йўлдошев, Александр Исипин ва бошқалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар.

Қизил армия учун жанговар захиралар тайёрлаш бундан кейин ҳам партия ва совет ташкилотларининг муҳим вазифаси бўлиб қолади дейилади ҳисоботда. Умумий ҳарбий таълимдан ўтмаган ҳарбийга мажбурлар талайгина, улар асосан Андижон шаҳрида, Ворошилов, Балиқчи

**НЕМИС ОККУПАНТЛАРИГА ҲЛИМ!**

# **ВАТАН УЧУН**

**ҒАРБИ - ШИМОЛИЙ ФРОНТ ҚИЗИЛ АСКАРЛАР ГАЗЕТАСИ**

№ 3

1942 йил. 5 ноябрь Пайшанба.

„За Родину“  
на узбекском языке

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИГА УЛАРНИНГ ЭЛ-ЮРТЛАРИДАН МАКТУБ

**Нур-дидаларимиз, жигардорларимиз!**

Бу хатни сизларга Ватан ёзади. Бу хат Волгининг шаҳри-азими ва муштақам қалъаси бўлган Сталинградга, ҳозир Ватанимизнинг тақдирини ҳал қиладиган ҳамма фронтларга қарата ёзилган. Бу хатнинг таъғига бутун Ўзбекистон халқи қўйганандир!

**Ўғил ва укаларимиз, эр ва акаларимиз!**

Биз — сизлар билан фахрланувчи мўъсафид боболаримиз, юракларини фарзанд меҳри билан тўла ота-ларимиз, сизни қўмсб соғинувчи ака-укаларингиз, интизорига кутуб турган хотинларингиз, ёру-бодарларингиз, ўғил ва қизларингиздиримиз.

Сиз — бизларни деб ўзининг азиз жонидан кемаётган, керак бўлиб қолса шайхид бўлишга шайхонлик тургани ва фашист жамоаларини қириб, маҳл эватган розилардиримиз.

Бутун мамлакат билан берга бизлар ҳам уйқусиз туналарда ва ташвишли куналарда унинг тўла кузларимизни сизларга тикмоқдамиз, сизларнинг шижоат ва ботирлигингизни интизорлик билан кузатиб бормоқдамиз.

Сталинград атрофида ва ҳамма фронтларда отилаётган ҳарбир замбаракнинг на'раси гўё бизнинг кулоқларимиз таъдига инграмоқда. Сизнинг қиячтингиз билан қалласи олинган ҳарбир душман худди оёқларимиз остига йиқилгандек туйилмоқда. Сиз душманини орқага чекиншига мажбур қилар экансиз, биз ўзимизни ўша озода этилган ерлардан марғурона қалам босиб бораётгандек ҳис қиламиз. Душманнинг бир қарчи еримишни тортиб олар экан, юрагимизнинг бир парчасини узиб олаётгандек бўлади.

**Азиз жигарғўшларимиз!**

Ватаниннг ҳар бир қисми тупроғи биз учун табаруқ экан, унинг немис-фашист иттиҳодчилар оёғи остида мурдор бўлишига бепарво қараб турган кузлар кўр бўлишга бепарво эшитиб турган ҳўлоқлар эса қар бўлишга лойиқдир!

Ҳозир Улуғ Ватан уруши майдонларида, айниқса Сталинград, Шимолий Кавказ ва бошқа фронтларда совет халқларининг ва шу жумладан Совет Ўзбекистониинг хўб-мамот масаласи ҳал бўлаётди. Ана шу сариг вобови йўқ қилиб ташлаш сизнинг қулинигизда. Ватаниннг буйруғи шу. Барча совет халқларининг буйруғи шу. Фашизм қулинигизга тунган қардошларимиз олдиндаги бурчимиз шу. Бутун илғор кишиликнинг, фашист аблаҳлар томонидан босиб олинган бечора Европа халқларининг ороу-умидларини шу.

Бу улғувор вазифаларни бажариш учун нималар талаб қилинади?

Бу вазифаларни бажариш учун ҳарбир жангчидан қўмондонликнинг барча буйруғини суъаз амалга ошириши, бир қадим ҳам орқага чекинмасдан Ота-Ватаниннг ҳар бир қарши ери учун маҳкам туруб кирбашу талаб этилади. Бу вазифани бажариш учун мамлакат ичкари-сизга ҳарбир совет кишисидан фронтга орқага нарсаларини мутасил етказиб бериб туриши талаб қилинади.

Бир қадим ҳам орқага чекинши йўқ! — Бу шпор Ватаниннг қродеси, урток Сталиннинг фармонидир. Биз ҳозир орқага чекинмай, тупроғимизни, ер-сув, шаҳар ва қишлоқларимизни маҳкам сақлаб қолсангиз,

пайти келганда олга юришимиз учун замин тайёрланган бўлади. Орқага чекиншни бидмаган қадимлар олга боришни ахши билишлари керак.

Бу буйруқ фақат аскарларимиз, командирларимизгагина эмас, балки бутун Ватанга, бутун совет халқига, ишчи, транспортчи, қолхўзи ва интеллигентларга ҳам тааллуққидир. Бизга бунинг тааллуққидир шундаки, аскарларимизнинг бир қадим ҳам орқага чекинмаслиги учун фронтга яна ҳам кўпроқ мадор ва қувват, қурол ва оққат, қийим-кечак юбориб туриши вазифаси бизнинг зиммимизга юклатилган.

Душман бизнинг фақат бир қисми еримишгана эмас, балки анчагина санаот корхоналаримизни, қонларимизни, галла, металл ва ёқилғимизни ҳам босиб олади. Аммо совет халқи ваҳимга тушмади ва умидсизланмади. У шонли Ленин-Сталин партияси, бужк саркарда

уруқот Сталин атрофида яна ҳам ахшироқ жипланди ва кунг қилиб ўзининг ҳамма кўчларини сафарбар этиди, қаттиқ интизомни йўлга қўйди. Бунинг натижасида ҳозир мамлакатимизнинг шарқда, шўжумалар сиз туғилиб, ўйнаб, кулиб ўстади озода Ўзбекистонда. Уралда, Сибирьда шундай санаот уоқчалари майдонга келтирилди, улар қўлдан кетган ва йобуд бўлган ҳамма корхона ва қонларимизнинг ўрнини бемалол боса олади.

Тиш - тирноғигача қуролланган ёвиз душманга қарши туруши, уни улқотариб ташлаш ва тор-мор келтириш учун совет ботирлари мукамил қурол-аслаҳага эга бўлаётган шарт. Душманга бехато радду-бадал берайлиш учун бизнинг аскарларининг ссувт қалқонлари ўқ-ўтмас бўлмоғи лозим. Заимонамизнинг ўқ-ўтмас совет-қалқонлари: қурол-аслаҳа, аэроплан, танк, туш, миномёт, пулемёт, милтиқ, ўқ-дори, иссиқ қийим бош деган гашир. Буларни ҳарбий ва бошқа санаотларнинг ишчилари тайёрлашлари, транспортчилар эса уни фронтга етказиб беришлари керак. Ҳарбий заказларни бузучи ва ёки кечиктиручи ҳарбир кишига биз шунинг учун ҳам жанг майдонидан қочган қони деб қараймиз.

Бир қадим ҳам орқага чекинши йўқ! — деган шпорнинг биз, ҳарбир ва бошқа санаот ишчилари, транспорт ходимлари учун ма'носини аниқ шундай, эшит фронт!

Жанг майдонидан фарзандларимиз янжилаб тўйдириб туриши учун қолхўзи қишлоғи ва совхозларимиз жавобгар. Шу мақсад аўлда ишлаётган қолхўзи ва совхоз дўдаларидан сизнинг ҳам нормангизни бажариш учун бошланган икки-уч норманчилар ҳаракати кун сайин қишиб бормоқда. Ҳозир далаларимизнинг мул ҳосилини, оққотиндек очиб ётган пахтаин йўғиб-териб, жигариб олмақдамиз. Пешона теримчи ва ҳалоқ меҳнатчи

миз билан ундирилган бутун мақсулотини сизларга юбормоқдамиз, сизларнинг ота-опаларингизга, болачақаларингизга та'мин қилиб турмоқдамиз.

Бир қадим ҳам орқага чекинши йўқ! — деган шпорнинг ма'носини орденли Ўзбекистониинг биз қолхўзчилари, совхоз ишчилари, барча қишлоқ хўжалик ходимлари ана шундай тушунамиз. Бу соҳада ҳам план ва топшириқларини бажармаслик — аскарларимизнинг етарлик даражада тўйдирмаслик ва қийинтирмаслик демакдир. Бу эса Ватан, халқ маифратига хиёнат қилишдир. Фронтни озик-овикат билан та'минлаш, санаотга кўпроқ пахта бериш — ватанпарвар қолхўзчиларнинг қилиб турган иши ва бажарадиган вадаси ана шундан иборат. Эшит фронт!

Озода Ватанимизнинг эрк ва ақбонини та'минлаймиз десак, гитлерчи жамоаларини СССР тупроғидан сувираб ташлашимиз шарт.



Ўзбек халқининг қаҳромон қизи снайпер Зеба Ганиева 21 та фашистни ўлдирди.

В. Шаровский фотоси.

Биз ўзимизнинг ҳаққоний курашимиз билан бу ишни албатта қиламиз, биз албатта енгамиз. Бунга шончимиз коммул. Совет интеллигентлари: олимлар, иҳтиро'чилар, инженерлар, докторлар, ёзувчилар, сан'ат арбоблари, агрономлар ва бошқалар ўзларининг илмий сан'атлари билан ишчимизнинг ҳаққонийлигини, курашимизнинг улғуворлигини, Ватанимизнинг қудратини, кишиларимизнинг вазифаларини кенг тушунтириб, фронтчиларга ва мамлакат ичкарисиданги кишиларга яна кўпроқ шижоат, юракларга далла беришлари, галабага қат'ий ишонч тўғдиришлари лозим. Галабага ишонч бўлган жойда ваҳима ва иккиланишга ҳечқандай ўрин қолмайди. Совет интеллигентлари ўз оқдларидан турган вазифаларини ўрш даврининг талабларига мувофиқ урушчан ва курашчан бир саяига кутаришлари керак. Бу вазифани бажармаган интеллигент ўз Ота-Ватаниннинг шарафини фарзанди эмас, балки модаркуш ва хондир.

Бир қадим ҳам орқага чекинши йўқ! — деган шпорнинг ма'носини биз совет интеллигенцияси ана шундай тушунамиз.

Шовча ва азиз фарзандлар! Ўзбек халқи сизни ёвуз душман-

га қарши қуяданқуёса даҳшатини ва газабирок курашга чиқарили. Ҳозир душманга нафрат, ўз Ватаниннга муҳаббат — ҳурриятпарвар кишилик оламига ҳурмат демакдир. Душманга нафрат — уни ўлдириб, қириб ташлаш демакдир. Нафрат — орқага чекинмаслик, олга босиш дмакдир. Яна очиқ қилиб айтганда одамларнинг сен ўлдарган немисларнинг сони билан ўлчанайди, чунки немисни ўлдириб улғув савоб. Биронта фашистни ўлдирмаган аскар, жанчи эмас, номардир.

**Ўғиллар ва эрлар, ота ва иншар!**

Ҳозирги кунда сиз душманини Сталинград атрофида, у олга сиқиб ўтин иштилаётган ҳарбир ерда тўхтатмасангиз ва ер билан яқсон қилмасангиз, гитлерчи аблаҳлар ўзбек халқининг бошига ҳам нақадар оғир қуфатлар келтириши турган гап. Гитлернинг қулидаги ерлар — халқлар қилоққонасидир. Ўзбек фарзанди, сен бу қилоққондадаги тутқунларининг яна биттаси бўлиши хоҳлайсанми? Сенин ота-боболаринг қуларини кишига тутиб беришдан қўра, эг қанин зашжарларни ҳам қўл билан узиб, тиш билан сиқибдириб ташлашлар. Гитлер фақат Европа миллатларининг, славян халқларининггина душмани эмас, у, Шарқ халқларининг ҳам душманидир. Шимолий Кавказ ва Қримдаги мусулмон шарқ қавму-қабилаларига: адигейлар, татарлар, қорачойилар, қабардин-боджарлар ҳамда чеченларнинг бошига тутиб турган куфат ва мусабат, жабу-жафолад бизлар учун яна бир оғоқлантйрши эмасми?

Агар сиз душманини тезроқ тор-мор келтирмасангиз қаллақесар немислар мўъсафид ота-боболарингизнинг мутабар соқоллари, аз ушлаб, уларни ҳўрлаши аниқ гап. Ушларимизнинг оқ сочларидан ушлаб, уларнинг ерда топталаниши талоша қилишга рози бўлган улғининг қуларни кўр бўлишга лойиқдир! Севгилик қизларимизнинг хусни бўлган қирқ қоқилдада епишиб, уларни зурлагга рози бўлиши мумкинми? Бунга рози бўлиши кўп асрлардан бери йиғитларимиз учун ор-номус саялаиб келган эмасми?

Озодлик гулини бир исқаб олган киши, уни умрбод унутмас. Юз йил ун кўрган қуладан кўра, бир кун эркин янашга улғирган киши бахтиёр ва беармондир. Ана шунга яраша уршингиз. Бизлар бу ерда кемачи-кеча, қундузини-қундуз демай, куч ва қувватимизни аямай, эр да аёл, ёш-қари фидокорона ишламоқдамиз, текси сизлар орқаларингизда қандай бир йиқилмас тоғ борлигини ушитамиш.

Душман маккор. У, бугун аллаш, қурқитиш, ваҳима солш йўли билан совет халқларни улғув оиласининг а'золари уртасида низо' чиқармоқчи, бизнинг галабага бўлган иродамизни сиқдиримоқчи, эртага эси шартимизга хўжайин бўлиб, қолхўзлар ва совхозларимизни немис бақонларига — помещикларига, корхоналаримизни немис капиталистларга хўсувай мулк қилиб бермоқчи. Қул бозорларини ривожлантириб, эркин ўзбекларни молдай сотмоқчи. Меҳр билан кўрган қавилларимизни қон дар'ёларига айлантирмоқчи, Бухородаги мангит амрларининг, Қуқон ва Хивадаги қонхўр хонларининг давридан ҳам баттар

(Давоми 3 бетда)



# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЖАНГЧИЛАРИГА УЛАРНИНГ ЭЛ-ЮРТЛАРИДАН МАКТУБ

(ДАВОМИ. БОШИ 2-БЕГДА)

бир даврни қайтариб келтироқчи бўлади. У, улур ўзбек шоири Навоийнинг, ўзбек мунажжми Улуғбеканинг Самарқандини, ўзбек шоири Муҳаммаднинг Фарғонасини, мўғул босқинчиларига қарши гураш қаҳрамони Таробийнинг Бухоросини ер блан аксон қилиб, бу ердаги хазиналарни очқуз Германияга ташимокчи, мактабларимизни қмоқхонага, театрларимизни фоксишхонага айлантироқчи бўлади.

Гитлер бизнинг савод ва қалами-мизни, кятоб ва газалимизни, ашула ва дуторларимизни, шинам уй ва беқасам тўларимизни, хотинларимизнинг хусини, чолларимизнинг беғубор ва тияч турмушини, болаларимизнинг бахузуруйкусини босиб олиб уғрилаб кетмоқчи.

Масала шу тахлат экан, ҳечқандай ўртача йул бўлиши мумкин эмас. Ё ҳаёт, ё асорат; ё ҳаёт ё улум; ё элим, ё галаба!

**Ўзбек халқининг шер йигитлари!** Ватанимизни фашист йирткичлардан халос қилишда бошқа совет халқларининг фарзандларидан кейинда қолмангиз, ҳарбий нитиэомни жуда ҳам муқтақмангиз! Қумондонликнинг топириқларини сўзсиз ва ўз вақтида бажарингиз!

Йигит кишининг улагани—улагани, деғанлар болаларимиз. Ўзбек халқининг номига исоҳ келтиручи иш қилмангиз. Боланик чоғларингизда оналарингиз сизга аллақачи танитган қадимги паҳлавонлар, Олломишлар, Рустамлар, Рашидбеклар, Авазонлар сизга ер ва мадақкор бўлсин.

Ўзбекни қўрқоқ дейиш ҳақорат. Мабодо урталарингиздан биронта қўрқоқ ва қочоқ чиқиб қолса, унинг адабини узингиз берингиз. Бизлар ҳам бу ерда меҳнат қочқорларини, бузуқларини, танбаларини, бепарволарни шундай қилиб жавобгарликка тормоқламиз. Сизлар бизга, бизлар сизга ухшаб Ватанинги юксак нитиэом байроғини яна ҳам юқори кўтарайлик!

**Бахшиларимиз:** «Қўрқоқларнинг ақия шошар, йигитлар майдонда тошар» деғанлар. Ақли шошган, ўзини йўқотган, доғдириб қолган кишиларга сизнинг сафингизда урин бўлмасин. Қочоқларга «ит улуми» лойидир. Қадимги шоир ва саркардаларимиздан биттаси айтгандай:


Эр керак уртанса, ёнса ёлпна,  
Ястаниб ётгай отининг ёлпна,  
Ит улуми бирла бўлгай ноумруд  
Эр аталиб—душманга ялпна.

Ўзини эр атаб душманга ялинган, ё майдондан қочган кишиларни авлод-аждодаларимиз ит улуми блан ҳалок қилганлар.

Ўзбек халқининг шарафли фарзандлари—Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиев, Сирожиддин Валиев, Муҳаммад Иброҳимов, Рустамбеков, Одилов, Элувродов, Зебихон Ғаниева, Юсупова ва бошқалардан урнок олингиз.

Туйилган беш бармоқ, яни мушт очиқ қўлдан қўра забардаст еб бақувват бўлади. Қизил Армия қаторларида СССР халқларининг самимий ва чуқур дўстлигининг мустаҳкамлангиз. Чунки, «Бу дўстлик бор экан, бу дўстлик яшар экан, бизга ҳеч қандай душман—яни ички, ва ташқи душман,—қўрқинчи эмас» (Сталин).

Азиз фарзандлар, қимматли биродарлар!



ТАНК ДЕСАНТИ.  
П. Бернштейн фотоси.

Фарзанд деғани ўз миҳрубон отанасининг белига қувват ва мадор, уларнинг тешиб турган серқон юраклари ва оламини кўрадиган кўз қоринчуги демақдир, бас шундай экан, —отананинг ор-номусини, ҳаёт ва тивчилигини соқлаш фарзанд учун ҳам қарз ва ҳам фарз.

Хавф-хатар остида қолган отани ва отани ўғри, босмачи ва талончидан ҳимоя қилиш кимнинг вазифасидир? Бу—албатта отасининг пешана теридан нон еган ва онасининг уйқусиз кечаларда аллақачи блан ўсиб унган бўлган кизининг бурчидир.

Илгари маҳалла ота-онанинг барча болалари ҳам уларга азиз деган гап булар эди. Шунинг учун ҳам: «Хар кимники узига, ой кўринир кўзига» деган мақол тўқилган эди. Ҳозир бўлса одамлар дейдики: «Ким мада бўлса сузига, олдир она кўзига!» Чунки «Мад йигитин майдонда кўр!» дейдилар-ку, ахир.

Масала, бир оялдан чиққан бир неча фарзанднинг қейси бири ўз ота-онаси ва ўз хонадон назарида азизроқ бўлади? Бу саволга Ўзбекини ёшу-қариси, эру-аёли, олим ва бесаволи ҳаммасин ҳам бир оғиздан шундай жавоб беради: кимки босмачининг қалласига мушт

уриб, мени хавфдан қутқазса, кимки дарвозамни ёнга очтирмаса, кимки қутирган қўпакка мени қоптирмасдан уни ҳалок этса—у бизнинг ўғлимиз, у бизнинг биродаримиздир.

Ойла кичик, СССР улурдир. Ҳар бир совет оиласи деғизга нисбатан бир қатра сувга ўхшайди. Бир қатра сувда ер, кўк ва қудш аён бўлганидай, бир оиланинг ўзида ҳам Улуғ советлар оиласига хос бўлган хислат ва муносабатлар акс этгадилар. Совет оиласи—бу улур оиланинг бир фарзандидир.

Эй ўзбек халқининг ҳур ўғлони, эркин қизи!

Сенинг халқинг СССР оиласининг бир фарзанди эмасми? Рус, украин, белорус, озарбайжонли, грузин, арман, тожик, туркман, тожик ва қирғиз йигирма беш йил ўзбек халқи блан ака-укадай бўлиб бир иморат, бир мамлакат, бир маданият қуриб келди. Туйларда ва базмларда, кураш ва машаққатларда ҳамроҳ бўлди! Энди сенинг аканг булган руснинг уйига, қардошинг булган белорус ва украиннинг уйига герман қаллакесари босиб кирдики, у сенинг вабонинг келтиргани: дор ва қанчи, очлик ва улум, ҳақорат ва қирғидир. Лекин руснинг уйи сенинг уйинг,

украин ва белорус уйи сенинг уйинг! Чунки СССР шундай бир иттифоқ оиладирки, бу оиланинг ҳарбир а'зоси ўз хонасида турса ҳам ҳовли ва қўра, тирикчилик ва рўзгор жиҳатдан шерикдир. Ҳар бир дўстона оилала низо бўлиши мумкин бўлмаганидек, совет халқларининг оиласи ҳам бир тан ва бир жондир. Бизнинг уртамизда уйларимизни буладиган марза йўқ. Бу ҳовлида биронта уй қуйиб, бирон биродаримиз ўз хонасидан маҳрум бўлган бўлса, бу кетган ва йўқолган уйни қардошимизга тиклаб бериш, оила а'золарининг сонини камситмаслик сенинг вазифаңдир, эй ўзбек жангчиси! Сизларнинг вазифарингиздир, эй совет жангчлари! Меҳрабон ва иттифоқ оилалари бирон а'зонинг бошига қайғу-қулафат тушганга, бу бошқаларини ҳам чуқур қайғуга солишилай, бугун СССР оиласидан белорус ва украиннинг, латин ва эстонинг бошига тушкан қулафатлар ҳам бизнинг роат қайғуга солмоқда. Эй қўлга қурол ушлаган аскар! Сен бу буюқ оила а'золарининг титч ва эркин ҳаётини душман ҳамласидан сақлашга бахт ва тўй аёлмида ахду-наймон ичган эдинг-ку!

Сен шундай қалшини керраки, маккор ва кохқур босқинчи бепосиета қўнганга, маҳалланига киршини қутмасдан, уни ўша қардошларингиз эшигига тор-мор келтириб қайтарган. Ахир белоруснинг қучаси сенинг қўнган, сенинг маҳаллани украиннинг маҳалласидир. Қримлик бева хотиннинг оху-фарёли сенинг юргиниши тикмоқда. Чунки дўст қардошларнинг уйлари уларнинг тоғиларидай бир-бирига туташган, қучалари эса, бир-бирига улангандир. Совет халқларининг республикалари ҳам отани ҳамдосларининг улқасидир. СССР—улур бир қўрғондирки, унинг дарвозаси бир. Бу дарвозадан кирган ўғри сенинг ҳам жонингга қаҳд қилгандир. Агар барча биродар, яни ҳамма совет халқлари қўли қўлга бериб душманин етганга деса, бу аялбатта осонроқ бўлади,—мабодо душман ҳарқайсимизни айрим-айрим ушла-са, бу бизга қўп оғир ва мушқу бўлажак!

Бир қарра ўтминши эсланг: қадимги замонларда ўзбек халқи ичкидан чиққан паҳлавонлар, эрк ошқиди булган ботирлар озмуқта бўлмаган. Аммо улар енгилмади ва армонда кетди. Халқимиз—эрикс, тоғ-анҳорга, Фарҳод-Ширинга ташна бўлгандай нитиэор ўтди. Халқларимиз қачонки рус оғаларимизнинг ёрлами блан ҳуррият байроғини кўтарган, биз енгдик, озоқ бўлдик, бахтга эришдик. Демак бирлик галабанинг гаровидир. Кимнинг юрагида халқлар дўстлиги, халқлар бирлигининг меҳри бўлса, ундай юракка душман ўқи ботмайди. Халқлар дўстлигининг ички йигитларимизнинг қўксини қўрққоччи қалқондир. Халқлар бирлиги ўтмишда бизга зафар берди; халқлар дўстлиги бугунги мустақамлигимизнинг пойдеворидир; халқлар дўстлиги эртаги кунини муқддир зафарига янгишмас қалқондир.

Оғир кунларда ака ва укаларингизни, СССР нинг қатга ва кичик халқларини қўлабасанг, сен ёлғиз қолсан ва ёмон ҳалокатга учрайсан. Чунки яқка қўлдан қарсақ

(ДАВОМИ 4 БЕГДА)



Бухоро райони  
Сталин колхози ста-  
хановкеси—Ойзода  
Сафарова  
И. Юсупов  
фотоси



ва Чинобод районларида деб таъкидланади. К.К.Шубладзе қизил армия учун кадрларни сафарбар этиш ишига сўнгги вақтларда маҳаллий фаоллар эътибор бермаётгани, ҳарбий хизматга чақирилувчилар орасида оммавий, сиёсий ишлар султ олиб борилаётгани, оқибатда улар орасида кўплаб шармандали ҳолатлар юз берганини қайд қилиб ўтади. Областда ҳарбий хизматга яроқлилар талайгина бўлишига қарамай, улар билан иш олиб борувчи маҳаллий органларнинг сиёсий калтабинлиги, бепарволиги оқибатида фронтга жўнашдан яшириниб юрганлар ҳам бор, айрим жойларда ҳамон ҳарбий мажбуриятлилар ҳисоби олинмаган, ҳатто ҳарбий ҳисоб ҳам юритилмаган, халқ таълими бўлими тизимидаги ўқув юртларининг 72 фоизида махсус тайёргарликдан ўтмаганлар ҳарбий таълимдан дарс бермоқда дейди.

Ҳисоботда айтилишича, фронт учун жанговар захираларни тайёрлаш ишига ихтиёрий мудофаа ташкилотлари эътибор қаратган. Осавиахим ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 53 минг ўқчилар, пулемётчиклар, снайперчилар, автоматчилар, миномётчилар тайёрлаган. Қизил хоч ва Қизил ярим ой жамиятлари фронт учун 2, 5 минг кичик ва ўрта тиббий персонал тайёрлаб берган. Област меҳнаткашлари қизил армияни техник жиҳатдан қуроллантиришда фаол иштирок этганлар, бунинг учун ўзларининг пул жамғармаларини тақдим қилганлар. Танк колоннаси ва авиаэскадриля қурилиши учун 1942 йилда 43 миллион рубль, 1943 йилда 8 миллион ва 1944 йилда 13,2 миллион рубль юборилган. Кўплаб иссиқ кийимлар тўпланиб, ҳаракатдаги армияга жўнатилган.

Андижонда Ватан уруши ногиронларига ёрдам кўрсатиш яхши йўлга қўйилган, областда 8 минг ногирон бўлган. Уларга бирваракайига 115910 рубль ёрдам кўрсатилган. 2 та ногиронлар уйи яратилган. Уларни ишга жойлаш ва ўқитишга эътибор қаратилган. Бироқ бу соҳада камчиликлар бор, 1260 ногирон ҳозиргача иш билан таъминланмагани айрим корхона ва муассаса раҳбарларининг Ватан уруши ногиронларини иш билан таъминлашга нобольшевикча муносабатдалигини кўрсатиб турибди дейилади ҳисоботда. Масалан, «Красная Звезда» артели раиси

Раҳимов, иш жойи мавжудлигига қарамай, 2-гурӯх ногирони Лендеманни ишга олишдан бош тортган, умумий овқатланиш директори Дзвинский сабабсиз Ватан уруши инвалиди Капустинни ишдан олган. Жанггоҳларда ўз жонини аямасдан, тупроғингизни муртад фашистлардан сақлаган кишиларга бундай шафқатсизлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ дейди Шубладзе.

Ҳарбий хизматчи оилаларига ёрдам бериш масаласида тўхталган биринчи котиб Улуғ Ватан уруши кунлари кўплаб одамлар фронтга сафарбар этилгани, уларнинг ўрнини муносиб ходимлар билан тўлдириш совет жамоатчилиги, партия ва давлат органлари олдидаги муҳим вазифа экани, душманга қарши жанг олиб бораётган ҳар бир Ватан ҳимоячиси фронт ортида қолган оиласи ва бошқа яқинлари ҳақида ташвиш тортмаслиги учун партия, совет ва жамоат ташкилотлари ҳарбий хизматчилар оилалари турмуш шароитини яхшилаши талаб қилинишини таъкидлаган. 1944 йил декабрь ойигача областда фронтчиларнинг 56564 оиласи (шундан 22284 таси офицерларнинг оиласи) яшаган. Давлат таъминот бўлими томонидан 2 йил давомида бу ҳарбий хизматчилар оилаларига 91 миллион рубль ёрдам кўрсатилган. Давлат ёрдамидан ташқари областда ҳарбий хизматчилар оиласига кўмак кўрсатиш фонди жорий этилган. Натижада оммавий, сиёсий ишлар авж олган. Ҳар бир фуқаро фронтчилар оилаларига ёрдам кўрсатиш бўйича ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилган. Областда бундай фондга 1261393 рубль, 24800 килограмм буғдой, 18385 дона саноат моллари, 7255 жуфт оёқ кийими, 350 та йирик ва майда шохли қорамол ва бошқа кўп нарсалар топширилган. 29863 ҳарбий хизматчилар оиласи томорқа участкаларига эга бўлган. 1944 йилда фронтчилар оилаларига 534 квартира топширилган, 11493 квартира таъмирлаб берилган.

Бироқ ҳарбий хизматчи оилаларининг катта миқдордаги болалари оёқ кийими йўқлигидан мактабга бора олмаётгани, давлат таъминоти органлари ўта муҳтожларнинг маълум қисмига ёрдам беришга қурби етмаётгани тан олинган. Масалан, Сталин райони Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети «Большевик» колхозидан бўлган Қурбонали Мирзаев оиласи узоқ вақтгача ёрдамсиз



қолган. Андижон консерва заводидаги ҳарбий хизматчилар оилалари ҳам эътиборсиз қолиб кетган. Шундай ҳолатда айрим маҳаллий органлар бемаънилик ва бузғунчиликка йўл қўйишган. Масалан, Марҳамат районида ҳарбий хизматчиларнинг 16 оиласига асоссиз солиқ солинган. Пахтаобод районида Жданов номли колхоз раиси гўшт топшириш ҳисобига фронтчининг аёли Мамадалиеванинг эчкисини олиб қўйган. Фронтчиларнинг оила аъзоларини иш билан таъминлашда ҳам катта муаммолар бўлган.

Област партия комитети саноат бўйича котиби Доленко ўз нутқида район партия комитетлари фақат пахта саноати эмас, бошқа соҳаларга ҳам тўғри раҳбарлик қилмаётгани ҳақида тўхталиб, фикрини 1943 йили Ворошилов райони Хонобод шаҳрида қурилган Дублэкстракт заводи мисолида асослашга ҳаракат қилган. Завод ўз дастурига эга эмаслиги, технология ва ишлаб чиқариш жараёнида торондан экстракт олишга эришилмаганини танқид қилиб, бу масала республика, иттифоқ миқёсида ҳал этилиши кераклиги, меҳнат интизоми, кадрлар қўнимсизлиги, 40 фоизгача ишга чиқмаслик ҳолатлари юз берганини айтган.

Маърузада қишлоқ хўжалиги ҳолати таҳлил қилинган. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1944 йил 13 – 20 сентябрдаги қарорида Андижон областида сўнгги 2 йил давомида пахтачиликнинг кескин пасайгани, пахта экин майдони 19 фоизга қисқариб кетгани, ҳосилдорлик 1941 йилда 23,5 центнер бўлса, 1943 йилда 8 центнерга тушиб қолгани айтилади. Пахта тайёрлаш 1943 йилга келиб 3 марта пасайган, 1941 йилда давлатга 297 минг тонна пахта топширилган бўлса, 1943 йилда 80 минг тоннага тушиб қолган. ВКП(б) Марказий Комитети бундай ҳолатнинг сабабларини кўрсатиб, партия ва совет ташкилотларининг пахтачиликка раҳбарлик қилиши қониқарсиз бўлгани, пахтанинг кадр-қимматини билмаслик, агротехниканинг кескин тушиб кетиши, сув хўжалигининг издан чиқиши, трактор паркларига эътибор пасайганини қайд қилган. 1944 йили пахтани яганалаш июнь ойи ўрталаригача чўзилиб кетган. 16 майдаги маълумотга қараганда, бор-йўғи 37500 гектар пахта культивация қилинган. Биринчи бор

кетмон билан ишлов бериш 42,9 фоиз экин майдонларидагина амалга оширилган. 1943 йилда бўлганидек, 1944 йилда ҳам айрим районларда кўзбўямачилик қилинган.

Пахта уруш йилларида муҳим ҳарбий, сиёсий характер касб этган. Шу боис Андижон област партия комитети пахтадан мўл ҳосил олишга жуда катта эътибор қаратган. ВКП(б) Марказий Комитетининг 1944 йил 6 мартдаги ва 12 – 23 сентябрдаги қарорларида қўйилган вазифаларни бажаришга катта эътибор берилган. Колхозчи эркаклар ва аёллар, совхоз ишчилари ва ходимлари, агрономлар, ирригаторлар, МТС ходимлари давлатга берган ваъдаларини бажара бориб, пахтадан юқори ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилганлар. Натижада пахта тайёрлаш плани кеч бўлса-да бажарилган. Ҳосилдорлик гектаридан 14,36 центнерга етган, жумладан, колхозларда 14,1 центнер, совхозларда 19,8 центнер бўлган. Айрим районлар ҳосилдорлик бўйича жиддий натижаларга эришган. Избоскан райони ҳар бир гектар ердан 21,8 центнердан пахта берган. Ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан 12,8 центнердан ўсган. Андижон райони 18,2 центнердан пахта берган. Ворошилов районида 1943 йили ҳосилдорлик 5,2 центнердан бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич 1944 йилда 14 центнерни ташкил этган, ҳосилдорлик 171 фоизга ўсган.

Таниқли пахтакор, СССР Олий Совети депутати Тешабой Мирзаев «Джерзинский» колхозига раис сифатида қайтгач, колхоз фаолиятини кескин яхшилашга эришган. Натижада 1944 йилда ҳар гектаридан 30 центнердан пахта олинган, 1943 йилда эса гектаридан 11,2 центнер ҳосил олинган. Хўжобод райони «Ворошилов» колхозига қайтган Ражаб Маҳмудов ишни яхши ташкил этиб, сўнгги 3 йил давомида пахта планини бажариб келган. Ленин райони «Сталинчи» колхозни раиси Турсун Холиқов гектаридан 25,8 центнер пахта олган. Избоскан райони «Қизил Октябрь» колхозни раиси Холматова гектаридан



«Халқ агрономи» номини олган Тешабой Мирзаев



38 центнердан пахта берган. Олтинкўл райони «Сталин» колхози раиси Раззоқов гектаридан 31,3 центнер пахта ҳосили олган.

Избоскан райони «Ўртоқлар» қишлоқ совети «Зарбдор» колхозига қайтиб келган 75 ёшли Қурбон ота Нурматов гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили олишга эришган.

Собиқ Холдеворонбек райони ер бўлими бошлиғи Қосимов Мамазулун ўзининг колхозига қайтиб келиб, авваллари гектаридан 4 центнер ҳосил олган колхозда 1944 йили 13 центнердан ҳосил олган. Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоқ совети «Сталин» колхози 500 гектар ердан 25,8 центнердан пахта олган, бу ерда ҳосилдорлик 1943 йилда 15,1 центнер эди. Пахтачилик колхозларида меҳнатни ташкил этишнинг бригадирлик ва звеновойлик ҳаракати тикланган. Област колхозларида 3298 та бригада ва 12567 та звено ташкил этилган. Улардан 612 та бригада, 1265 та звено гектаридан 100 центнер ҳосил олиш учун кураш олиб борган.

Пахтадан юқори ҳосил олишда трактордан кенг фойдаланиш, беда экиш майдонларини кенгайтириш, алмашлаб экишни жорий этиш, МТС фаолиятини кескин ривожлантириш, ҳар бир колхозда ердан унумли фойдаланишни яхшилаш, колхоз ҳудудларида шахсий экинларни кенг жорий этиш каби жиҳатларга алоҳида урғу берилган.

Конференция Андижон областидаги пахтачилик совхозларининг 1944 йили барча ички ресурслардан тўла фойдаланиш орқали пахта ҳосилдорлигини оширишга эришганига эътибор қаратади.

Колхозолди партия ташкилотлари колхозлардаги ишлаб чиқаришни ташкил этишни назорат қилиш ишлари билан боғлиқ равишда колхозчиларнинг меҳнат ҳақини тўлашдаги қинғирликларни очиб ташлаш, меҳнатни шахсийлаштиришга қарши курашиш, звено ва бригадаларни мустаҳкамлаш, артелларни бошқаришга ёрдам беришган.

Маърузанинг талай қисми саноатга бағишланган. Ҳисобот даврида Андижон саноати сифат ва миқдор жиҳатидан анча ўзгарган, уруш бошланган пайтда 22 та давлат саноат корхонаси, 48 та ҳунармандчилик ва ногиронлар артели,

14 та маҳаллий саноат корхонаси мавжуд эди. 1945 йил бошларида давлат саноат корхоналари 30 тага, артеллар 64 тага, саноат комбинатлари 17 тага кўпайган. Давлат саноати асосан «Полвонтош» ва «Жанубий Оламушук» нефть конлари, Сталин номли завод, Володарский номли тикув фабрикаси, Хонободдаги Дублэкстракт заводи ва бошқалардан иборат бўлган. «Автотрактордеталь», Консерва, «Коммунар» заводлари маълум даражада реконструкция қилинган. Асосий ишлаб чиқариш воситалари 1944 йилда 1942 йилга нисбатан 87,2 фоизга ўсган. Саноат корхоналари 4 йил ичида фронт ва фронторти учун 3,4 миллиард рубллик турли маҳсулот ишлаб чиқарган. Айниқса, нефть саноати яхши ривожланган, ҳисобот даврида маҳсулот ишлаб чиқариш 3,2 баробарга, «Сталин» метални қайта ишлаш заводи (асосан Сталин номли завод) да 8,7 баробар, пахтачилик қайта ишлаш саноатида 3,9 баробар, пойабзал ишлаб чиқариш 2,9 баробар, консерва маҳсулотлари ишлаб чиқариш 14,7 баробар ошган. Бироқ пахтачилик саноати кейинги 3 йил ичида бутун саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 1941 йилдаги 56,3 фоиздан 1944 йили 24,5 фоизга тушиб қолган. Саноат ишлаб чиқаришида ишчиларнинг миқдори ўсиб борган. 1941 йили саноат корхоналарида 11446 киши ишлаган бўлса, 1944 йилда 16493 киши ишлаган, ўсиш 44,1 фоизни ташкил этган. Меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ҳисси юксалиши, стахановчилик ҳаракатининг ривожини ва социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигининг кескин ўсишига олиб келган.

Андижон областида 3 та нефть кони бор, улардан Полвонтош нефть кони 1943 йилда, Жанубий Оламушук нефть кони 1945 йил январда ишга туширилди, ҳисобот даврида нефть саноатига 36 миллион рубль сарфланди дейлади ҳисоботда.

Нефть конларини қуриш ва ундан фойдаланиш даврида маҳаллий вამиллий кадрлар ўсган. Полвонтош конида 1943 йили 185 нафар ишчидан 111 нафари ўзбек бўлган. 1944 йилда 352 ишчидан 219 нафари ўзбеклар эди.

Уруш йилларида собиқ пахта заводи ҳудудида Сталин номли завод жойлаштирилган. Унинг цехларида янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила



бошланган. Бу завод уруш даврида кўплаб юқори малакали ишчиларни тарбиялаган, ишчиларнинг 37,5 фоизи стахановчилар эди. Улар қаторида моторчи Тожиддин Раҳимов, йиғув цехи мастери ёрдамчиси Ҳасан Муталипов, слесарлардан Болотов, Комил Каримов, Замураева, токарь-инструменталчи Голяндрен ва бошқалар ўз нормаларини 400 фоизга бажарганлар.

Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришда урушгача бўлган даражага етиб олган. Ҳисобот даврида маҳаллий саноатнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариши анча ўсган. Маҳаллий саноат тизимида 1944 йилда 1941 йилга нисбатан 120 фоизга ўсиш бўлган, саноат кооперацияси 100,6 фоиз, ногиронлар кооперацияси 33,9 фоизга ўсган. Ип калава ишлаб чиқариш, хўжалик совуни, гугурт, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш ҳам ўсган.

Андижон области Фарҳод ГЭСи қурилишида жуда фаол иштирок этган. Андижон колхозларига энг маъсулиятли иш – станция бош тўғонини қуриш топширилган, яъни 226960 кубометр ер ишлари, 44200 кубометр тоғ ишлари, 27900 ғишт терувчилар, 73100 кубометр бетон ишлаб чиқариш андижонликлар зиммасида бўлган. Област колхозчилари меҳнат нормасини ўртача 110 – 135 фоизга бажаришган.

К.К.Шубладзе Олий бош қўмондон Сталиннинг 1945 йил 23 февралдаги қизил армиянинг 27 йиллигига бағишланган буйруғидан қуйидаги иқтибосни келтирган: **«Немислар устидан тўла ғалабамиз эндиликда яқинлашмоқда. Аммо ғалаба ҳеч қачон ўзидан келмайди – унга оғир жангларда ва матонатли меҳнатда эришилади. Шафқатсиз қасосдан қутулиш учун ўлимга маҳкум этилган душман жангга энг сўнгги кучларини ташлайди, муккасидан кетиб қаршилик кўрсатади. У курашнинг энг разил ва энг кескин воситаларини ишга солиб, жон-жаҳди билан курашади. Шунинг эса сақлаш керакки, ғалабамиз қанчалик яқинлашса, шунчалик бизнинг ҳушёрлигимиз юқори бўлиши, душманга қарши бизнинг зарбаларимиз шунчалик кучли бўлиши керак»**.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 151 – 153-варақлар.

«Душманни тезроқ унинг ҳудудида тор-мор қилиш учун қизил армиямизга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатишимиз, бунинг учун ўз сафларимизни янада жипслаштиришимиз, партия ва совет ташкилотлари ишини яхшилашимиз, ходимларимизда масъулият ҳиссини кўтаришимиз, қабул қилинган мажбуриятларимизни бажаришимиз керак.

Ўртоқлар! Уруш ҳали тугагани йўқ. Бизнинг олдимизда узил-кесил ғалабага эришиш учун катта қийинчиликлар турибди. Барча қийинчиликларни енгиб ўтишимиз керак.

... Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса Ғалаба учун!

Яшасин немис-фашист босқинчиларини совет тупроғидан қувиб чиқарган, Германия ҳудудида гитлерчилар қўшинини яксон қилаётган ғолибкор қизил армиямиз...»<sup>2</sup>, – деб нутқини якунлайди Шубладзе.

Маъруза юзасидан матбуотда айрим фикрлар билдирилган, улардан айримларини шарҳлаймиз. Ўзбек тилидаги «Коммунист» газетаси редактори Ғоипов колхозлардаги раҳбар ходимларнинг ғоявий, сиёсий савияси пастлигини мисоллар билан асослаган. Избоскан районида коммунистлар ва колхоз раисларининг 200 нафари, Андижон районидаги колхоз раисларининг 15 нафари, Чинобод районидаги колхозчиларнинг 90 фоизи саводсиз бўлганини айтган. Ижобий ҳолатлардан бири сифатида Шокир Бадалов ҳақида маълумот келтирилган. Бу инсон СССР Олий Совети депутати, Хўжабод райони ижроия комитети раиси бўлган. Меҳнаткашлар бу инсонни яхши кўришган ва ҳурмат қилишган, колхозчилар ундан пахтадан мўл ҳосил олиш сирларини ўрганишган. Аммо район партия комитети секретари Охунов Шокир Бадаловни ишдан бўшатишга ҳаракат қилган. Област партия комитети ва област ижроия комитети ҳам Охуновни асосиз қўллаб турган. Област ижроия комитети раиси Юсуфжон Шодмонов яхши ишлагани, унинг давомчиси Абдураҳмон Мусаевнинг фаолияти эса бунинг акси бўлиб чиққани қайд қилинган.

Вакил Семёнов ўз нутқида Сталин райони Охунбобоев қишлоқ совети «Ленинград» кол-

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 153-варақ.



хозиди 12 оиланинг, «Ленин» колхозиди 18 оиланинг моддий аҳволи жуда оғирлигини айтади. Бу хўжаликлар ўз уйларини бузиб, сотиб юбориб тирикчилик қилишга мажбур бўлган. Шундай бир шароитда Юқори Шаҳрихон қишлоқ совети раиси, райком аъзоси Тожибоев 1945 йил январь ойи охирида суннат тўйи ўтказиб, 150 минг рубль сарфлаган. Пахтабод қишлоқ совети «Қизил Ўзбекистон» колхози бригадири тўй ўтказиб, 200 минг рубль сарфлаган, колхоз раиси колхоз омборидан 500 килограмм буғдой ва сўйиш учун бир от инъом этган.

Урушнинг дастлабки йилларида Андижон областида чиқаётган ўзбек тилидаги «Коммунист», рус тилидаги «Сталинское знамя» газеталари фронт ва фронт ортида душманга қарши кураш борасида кўплаб мақола ва хабарлар эълон қилиб, област халқини душманга нафрат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида катта ишлар қилгани конференция минбаридан айтилади. Бу икки газетанинг 1942 йил 10 февралдаги сонларида ўзбек ва рус тилида «Тошкент, Фарғона, Наманган ва Андижон областлари колхозлари, колхозчилари, аёл колхозчилар, тракторчилар, МТС ходимлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, совхозлар ишчиларининг социалистик мусобақалари шартномаси» ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «4 област социалистик мусобақалари тўғрисида»ги қарори эълон қилинган.

Шу шартнома муҳокама қилинаётган бир пайтда фронтдан қалъани забт этган афсонавий жанчи Қўчқор Турдиев ҳақидаги қувончли хабар келган. Бу хабар яшин тезлигида областнинг барча колхозлари ва шаҳарларига тарқалган. Юзлаб тарғиботчи агитаторлар меҳнаткашларга қаҳрамон қизил армиячи Қўчқор Турдиев ҳақида ҳикоя қилиб, фронт ортида ҳам аҳолини қаҳрамононамеҳнат қилишга даъват этганлар. Барча колхозлар ва районлар марказларида шу воқеа муносабати билан митинглар ўтказилган. Митингларда **«Турдиев фронтда душманга қандай зарба берган бўлса, фронт ортида ҳам шундай жасорат кўрсатамиз»** деган овозлар янграб турган.

«Коммунист» ва «Сталинское знамя» газеталарининг 1942 йил 25 апрель сониди «Братская

помощь», «Қардошларча ёрдам» рукни остида **«Поможем колхозам и колхозникам, пострадавшим от фашистских захватчиков», «Фашист босқинчилардан азоб чекаётган колхоз ва колхозчиларга ёрдам берамиз»** мақолалари босилган. Шундай сарлавҳа остида ҳар икки газета саҳифаларида фронт ва фронт ортидаги воқеалар ҳақида хабар ва мақолалар мунтазам бериб борилган. «Эвакуация қилинган болаларга ёрдам», «Қизил армия жангчиларига совғалар тўплаш», «Ленинград болаларига совға йиғиш» каби мақолалар ана шулар жумласидандир.<sup>1</sup>

Конференцияда Усмон Юсупов катта нутқ сўзлаган. Ундан кичик бир лавҳа келтириш ўринли. Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари Андижон област партия ташкилоти фаолияти сўнгги вақтда ВКП(б) Марказий Комитетининг диққат марказида бўлгани, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисобот маърузасида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 11-плenumsида бу ташкилотнинг қатор камчилик ва нуқсонлари кўрсатиб ўтилганини эсга олади. Андижон област партия ташкилоти ҳақидаги фикрлардан конференция иштирокчиларининг хабари борлигини қайд этиб, кун тартибидаги энг асосий талаб ва вазифа партия ташкилоти ишини тубдан яхшилаш бўйича йўл-йўриқлар, аниқ чора-тадбирларни бирма-бир кўрсатиб ўтади. Ўз хато ва камчиликларини ўнглаб олмаган, иш фаолиятида кескин бурилиш ясамаган, фронт ва фронторти муаммоларини ҳал қилишга оид ташкилий, амалий вазифаларни тизимли, изчил бажармаган коммунистларга кескин чоралар кўриш зарурлигини таъкидлайди.

Фронт ва фронт орти билан боғлиқ барча масалаларнинг ташкилотчиси ва маъсули жойлардаги партия ташкилотлари бўлган. Қуйида 1942 йил 7 майдаги ҳолат бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон област партия комитети, унинг таркибидаги шаҳар ва район партия комитетлари ходимлари рўйхати келтирилмоқда.

<sup>1</sup> «Сталинское знамя» газетаси масъул муҳаррири Пышкиннинг 1942 йил 22 майда Андижон область партия комитетига йўллаган маъруза хатидан. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 106-фонд, 1-рўйхат, 243-иш, 7 – 18-варақлар.



Т/р	Фамилияси, исми ва отасининг исми	Эгаллаб турган лавозими	Туғилган йили	Миллати	Маълумоти	Парт. стажи	Жинси
<b>Област партия комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
1.	Бакулин Ювеналий Алексеевич	1-котиб	1903	Рус	Олий	1931	Эркак
2.	Қосимов Холмат	2-котиб	1905	Ўзбек	Олий	-//-	Эркак
3.	Ҳақназаров Расул Саримсоқович	Кадрлар бўйича котиб	1906	Ўзбек	Ўрта	1932	Эркак
4.	Исломов Анвар	Пропаганда бўйича котиб	1911	Ўзбек	Олий	1939	Эркак
5.	Шустаев Георгий Никонорович	Саноат бўйича котиб	1906	Рус	Олий	1931	Эркак
6.	Устинов Андрей Иванович	Секретарь ёрдамчиси	1905	Рус	Тугалланмаган олий	1927	Эркак
7.	Паленюк Валентина Андреевна	Қишлоқ хўжалиги бўлими мудири	1913	Рус	Ўрта	1940	Аёл
8.	Ковазов Георгий Георгиевич	Ҳарбий бўлим мудири	1908	Украин	Ўрта	1931	Эркак
9.	Миронова Елизавета Ивановна	Ташкилий бўлим мудири	1908	Рус	Қуйи	1929	Аёл
10.	Попов Филипп Иванович	Кадрлар бўлими мудири ўринбосари	1898	Рус	Қуйи	1925	Эркак
11.	Полтавченко Пётр Сергеевич	Қишлоқ хўжалиги бўлими мудири ўринбосари	1898	Рус	Ўрта	1926	Эркак
12.	Пышкин Пётр Сергеевич	Пропаганда бўлими мудири ўринбосари	1902	Рус	Олий	1927	Эркак
13.	Коротков Иван Яковлевич	Партия кадрлари сектори мудири	1915	Рус	Ўрта	1939	Эркак
14.	Коваль Михаил Иванович	Суд, прокуратура ва НКВД кадрлар сектори мудири	1904	Украин	Ўрта	1936	Эркак
15.	Чижова Василья Николаевна	Савдо, молия, банк сектори мудири	1905	Рус	Олий	1933	Аёл
16.	Азимов Агзам	Ҳисоб сектори мудири	1913	Ўзбек	Ўрта	1939	Эркак
17.	Бабанин Леонид Петрович	Қишлоқ хўжалиги кадрлари мудири	1908	Рус	Қуйи	1932	Эркак
18.	Васюлина Любовь Ивановна	Саноат ва совет кадрлари мудири	1910	Рус	Ўрта	1929	Аёл
19.	Толузаков Василий Сергеевич	Махсус сектор мудири	1901	Рус	Қуйи	1919	Эркак
20.	Усачёв Константин Иллянович	Ахборот сектори мудири	1896	Рус	Қуйи	1928	Эркак
21.	Ежов Михаил Фёдорович	Партия статистикаси сектори мудири	1904	Рус	Қуйи	1927	Эркак
22.	Файншривер Яков Самойлович	Молия-хўжалик сектори мудири	1908	Яхудий	Қуйи	1940	Эркак
23.	Кормазов Николай Иванович	Партия архиви мудири	1908	Аниқ эмас	Аниқ эмас	1925	Эркак



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН  
БУЮК ГАЛАБАГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

24.	Бычков Сергей Петрович	Лектор	1913	Рус	Олий	1939	Эркак
25.	Ҳабибий Исмат	Лектор	1903	Татар	Олий	1927	Эркак
26.	Борисова Татьяна Григорьевна	Кадрлар бўлими инструктори	1916	Рус	Ўрта	1939	Аёл
27.	Нурматов Исоқжон	Кадрлар бўлими инструктори	1900	Ўзбек	Қуйи	1926	Эркак
28.	Тўхтасинов Ҳамид	Кадрлар бўлими инструктори	1913	Ўзбек	Ўрта	1941	Эркак
29.	Захарова Мария Семёновна	Кадрлар бўлими инструктори	1915	Рус	Қуйи	1942	Аёл
30.	Вурнашева Зулайхон	Ташкилий бўлим инструктори	1906	Татар	Қуйи	1940	Аёл
31.	Колесников Григорий Яковлевич	Ташкилий бўлим инструктори	1885	Рус	Қуйи	1920	Эркак
32.	Скляренко Ольга Тихоновна	Ташкилий бўлим инструктори	1908	Украин	Олий	1931	Аёл
33.	Фомин Илья Николаевич	Ташкилий бўлим инструктори	1897	Рус	Қуйи	1923	Эркак
34.	Чапа Клавдия Алексеевна	Ташкилий бўлим инструктори	1913	Рус	Ўрта	1941	Аёл
35.	Кюрин Фёдор Ефимович	Қишлоқ хўжалиги бўлими инструктори	1900	Рус	Олий	1928	Эркак
36.	Морозов Николай Павлович	Қишлоқ хўжалиги инструктори	1909	Рус	Ўрта	1941	Эркак
37.	Далихўжаева Ҳалимахон	Қишлоқ хўжалиги бўлими инструктори	1910	Ўзбек	Ўрта	1939	Аёл
38.	Горяинов Николай Фёдорович	Саноат бўлими инструктори	1903	Рус	Қуйи	1929	Эркак
39.	Қодиров Тожибой	Саноат бўлими инструктори	1905	Ўзбек	Ўрта	1940	Эркак
40.	Аҳмедова Умринисо	Ҳарбий бўлим инструктори	1915	Ўзбек	Ўрта	1940	Аёл
41.	Ларкин Иван Яковлевич	Ҳарбий бўлим инструктори	1916	Рус	Ўрта	1940	Эркак
42.	Абдуллаев Нўмон	Пропаганда бўлими инструктори	1916	Ўзбек	Тўлиқсиз олий	1940	Эркак
43.	Мадазимов Гўрхон	Пропаганда бўлими инструктори	1916	Ўзбек	Тўлиқсиз олий	1940	Эркак
44.	Аруспанова Нина Артёмовна	Пропаганда бўлими инструктори	1915	Арман	Тўлиқсиз ўрта	1941	Аёл
45.	Папазян Елена Михайловна	Махсус сектор инструктори	1913	Арман	Тўлиқсиз ўрта	1942	Аёл
46.	Васянин Пётр Иванович	Назоратчи инструктор	1907	Рус	Қуйи	1941	Эркак
47.	Карпук Фёдор Александрович	Бош ҳисобчи	1898	Рус	Қуйи	1940	Эркак



Андижон шаҳар комитетидаги партия аппарати ходимлари							
48.	Қориев Ҳикмат	2-котиб	-//-	Ўзбек	Ўрта	1940	Эркак
49.	Бойматов Фозил	Кадрлар бўйича котиб	1914	Ўзбек	Қуйи	1938	Эркак
50.	Зиёев Ниғмат	Саноат бўйича котиб	1909	Ўзбек	Ўрта махсус	1931	Эркак
51.	Бреуснев Иван Андреевич	Ўқ-дори ва қурол бўйича котиб	1907	Рус	Ўрта	1926	Эркак
52.	Давыдова Малика Шарифовна	Котиб ёрдамчиси	1911	Татар	Ўрта махсус	1924	Аёл
53.	Волча Семён Иванович	Саноат бўлими мудири	1905	Украин	Олий	1931	Эркак
54.	Барабанов Григорий Ильич	Ҳарбий бўлим мудири	1898	Рус	Ўрта	1926	Эркак
55.	Бугров Павел Иванович	Пропаганда ва агитация бўлими мудири	1902	Украин	Тугалланмаган ўрта	1924	Эркак
56.	Кандель Лев Павлович	Кадрлар бўлими мудири ўринбосари	1908	Яҳудий	Олий	1932	Эркак
57.	Пегряева Просковья Федоровна	П/б статистика бирлиги сектори мудири	1908	Мордван	Қуйи	1938	Аёл
58.	Хўжаев Мавруддин	Ташкилий инструкторлик бўлими инструктори	1908	Ўзбек	Қуйи	1926	Эркак
59.	Ивдюхин Михаил Михайлович	Ташкилий инструкторлик бўлими инструктори	1911	Рус	Қуйи	1939	Эркак
60.	Шугарев Виктор Борисович	Саноат бўлими инструктори	1897	Рус	Қуйи	1932	Эркак
61.	Хамидулин Саид Шайхутдинович	Ҳарбий бўлим инструктори	1905	Татар	Қуйи	1939	Эркак
62.	Стецкая Берта Григорьевна	Агитация ва пропаганда бўлими инструктори	1912	Яҳудий	Тугалланмаган ўрта	1939	Аёл
63.	Абдульманова Саида Арисовка	Агитация ва пропаганда бўлими инструктори	1905	Татар	Олий	1939	Аёл
64.	Тарнопольский Лев Ефимович	Агитация ва пропаганда бўлими консультанти ҳамда парткабинет бўлими мудири	1899	Яҳудий	Олий	1928	Эркак
65.	Урицкий Григорий Михайлович	Лектор	1909	Яҳудий	Олий	1937	Эркак
66.	Умнова Нина Иосифовна	Кадрлар бўлими инструктори	1910	Рус	Ўрта махсус	1941	Аёл
67.	Каримов Асқар	Кадрлар бўлими инструктори	1906	Ўзбек	Ўрта	1930	Эркак
68.	Кузьмина Зинаида Андреевна	Кадрлар бўлими инструктори	1910	Рус	Ўрта	1941	Аёл
Олтинкўл район комитетидаги партия аппарати ходимлари							
69.	Токтабаев Азиз	Район комитети 1-котиби	1911	Қирғиз	Тугалланмаган олий	1931	Эркак
70.	Ўрмонов Ориф	Район комитети 2-котиби	1905	Татар	Ўрта	1931	Эркак



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН  
БУЮК ГАЛАБАГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

71.	Ходжаева Хайрихон	Кадрлар бўлими секретари	1907	Ўзбек	Қуйи	1930	Аёл
72.	Садовник Арон Маркович	Инструкторлик бўлими мудири	1909	Яхудий	Тугалланмаган ўрта	1929	Эркак
73.	Суюшев Федор Егорович	Ҳарбий бўлим мудири	1908	Мордван	Қуйи	1931	Эркак
74.	Алимов Назим	Пропаганда ва агитация бўлими мудири	1910	Ўзбек	Тугалланмаган ўрта	1931	Эркак
75.	Ульманов Николай Гаврилович	Ягона партбилет ва партия статистикаси сектори мудири	1916	Рус	Тугалланмаган ўрта	1939	Эркак
76.	Мадаминов Ҳамид	Ташкилий бўлим мудири	1904	Ўзбек	Қуйи	1928	Эркак
77.	Қодирқулов Ҳамроқул	Пропагандист	1902	Ўзбек	Қуйи	1939	Эркак
78.	Атаматов Мадамин	-//-	1904	Ўзбек	Қуйи	1928	Эркак
<b>Ойим район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
79.	Мадалиев Акбар	Район комитети 1-котиби	1909	Ўзбек	Қуйи	1938	Эркак
80.	Рисқиев Турсун	Район комитети 2-котиби	1908	Ўзбек	Қуйи	1929	Эркак
81.	Рўзиев Сулаймон	Кадрлар бўйича секретарь	1903	Уйғур	Ўрта	1932	Эркак
82.	Султонов Тагир	Секретарь ёрдамчиси	1917	Бошқирд	Тугалланмаган ўрта	1942	Эркак
83.	Умурзақов Раҳмонали	Ташкилий бўлим мудири	1913	Ўзбек	Қуйи	1942	Эркак
84.	Гирбер Израил Моисеевич	Ҳарбий бўлим мудири	1905	Яхудий	Қуйи	1942	Эркак
85.	Азизов Тоштемир	Пропаганда ва агитация бўлими мудири	1905	Тожик	Ўрта	1930	Эркак
86.	Баталов Андрей	Партстатистика сектори мудири	1904	Рус	Қуйи	1931	Эркак
87.	Сайфутдинов Иброҳим	Парткабинет мудири	1895	Татар	Ўрта	1942	Эркак
88.	Абдукаримов Абубакир	Ташкилий бўлим инструктори	1905	Ўзбек	Қуйи	1928	Эркак
89.	Темиров	Пропаганда бўлими инструктори	1914	Ўзбек	Олий	1941	Эркак
90.	Наримский Марк Аронович	Ташкилий бўлим инструктори	1899	Яхудий	Ўрта	1939	Эркак
<b>Андижон район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
91.	Исмаатов Турсун	Район комитети 1-котиби	1904	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
92.	Кордуб Николай Васильевич	Район комитети 2-котиби	1911	Украин	Олий	1939	Эркак
93.	Ерзина Ҳанифа Каримовна	Кадрлар бўйича секретарь	1894	Татар	Қуйи	1931	Аёл



94.	Украинский Иван Моисеевич	Секретарь ёрдамчиси	1913	Украин	Олий	1939	Эркак
95.	Салимбоева Тўтихон	Ташкилий бўлим мудири	1905	Уйғур	Қуйи	1931	Аёл
96.	Файзиев Шамси	Пропаганда бўлими мудири	1905	Ўзбек	Ўрта	1940	Эркак
97.	Собитов М.	Ҳарбий бўлим мудири	1905	Татар	Қуйи	1929	Аёл
98.	Алимов Бозор	Парткабинет мудири	1897	Ўзбек	Тугалланмаган ўрта	1932	Эркак
99.	Воронина Александра	Партия бўлими сектори мудири	1897	Ўзбек	Қуйи	1939	Аёл
100.	Ходжаев Маҳмуд	Кадрлар бўлими инструктори	1907	Ўзбек	Қуйи	1929	Эркак
101.	Асранов Араббой	Ташкилий бўлим инструктори	1910	Ўзбек	Қуйи	1939	Эркак
102.	Аҳмедов Солижон	Ташкилий бўлим инструктори	1902	Ўзбек	Ўрта	1932	Эркак
103.	Мирюнусов Мирзоҳид	Пропагандист	1906	Ўзбек	Ўрта	1940	Эркак
104.	Тожизодаева Хосият	Пропагандист	1919	Ўзбек	Ўрта	1941	Аёл
<b>Ворошилов район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
105.	Камолов Иноят	Район комитети 1-котиби	1906	Ўзбек	Ўрта	1923	Эркак
106.	Учакин Иван Кузьмич	Район комитети 2-котиби	1908	Рус	Ўрта	1931	Эркак
107.	Нуралиев Қодиржон	Кадрлар бўйича секретарь	1913	Ўзбек	Ўрта	1939	Эркак
108.	Хабибулин Ҳалим	Секретарь ёрдамчиси	1914	Татар	Қуйи	1941	Эркак
109.	Танцерман Марк Соломонович	Ҳарбий бўлим мудири	1900	Яхудий	Олий	1926	Эркак
110.	Бакиев Қосим	Пропаганда ва агитация бўлими мудири	1917	Ўзбек	Олий	1941	Эркак
111.	Ҳақимова Алия	Ягона партбилет ва партстатистика сектори мудири	1904	Татар	Ўрта	1927	Аёл
112.	Арипова Сожида	Парткабинет мудири	1902	Ўзбек	Ўрта	1939	Аёл
113.	Суярқулов Абдулла	Ташкилий бўлим инструктори	1906	Ўзбек	Тугалланмаган қуйи	1941	Эркак
114.	Умаров Жўраҳон	Ташкилий бўлим инструктори	1914	Ўзбек	Тугалланмаган қуйи	1940	Эркак
115.	Зулунов Мамат	Пропагандист	1915	Ўзбек	Ўрта	1941	Эркак
116.	Усмонов Исоқ	Пропагандист	1914	Уйғур	Ўрта	1939	Эркак
117.	Ҳошимов Аҳмаджон	Кадрлар бўлими инструктори	1911	Уйғур	Тугалланмаган ўрта	1939	Эркак
<b>Жалолқудуқ район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
118.	Ғуломов Наримон	Район комитети 1-котиби	1910	Ўзбек	Қуйи	1932	Эркак



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН  
БҮЮК ГАЛАБАГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

119.	Душабоев Раҳим	Район комитети 2-котиби	1911	Ўзбек	Ўрта	1931	Эркак
120.	Файзиев Юсуф	Кадрлар бўйича секретарь	1910	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1938	Эркак
121.	Иофина Ф. А.	Секретарь ёрдамчиси	1912	Яхудий	Ўрта	1940	Эркак
122.	Половайкин Тимофей Иванович	Ҳарбий бўлим мудир	1901	Мордван	Қуйи	1927	Эркак
123.	Ҳошимов Маннон	Пропаганда бўлими мудир	1912	Ўзбек	Ўрта	1940	Эркак
124.	Качанова Анастасия Павловна	Ҳисоб мудир	1912	Рус	Ўрта	1941	Аёл
125.	Мищенко Иван	Ташкилий бўлим инструктори	1907	Украин	Тугалланма- ган ўрта	1937	Эркак
126.	Исламов Т.	-//-	1911	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1942	Эркак
127.	Раҳманова Магорура	Пропагандист	1911	Татар	Олий	1941	Эркак
128.	Бектурганов Эргаш	Пропагандист	1912	Ўзбек	Ўрта	1939	Эркак
129.	Абдужабборов Султон	Кадрлар бўлими инструктори	1915	Ўзбек	Ўрта	1941	Эркак
<b>Избоскан район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
130.	Юсупов Рўзимат	Район комитети 1-котиби	1900	Ўзбек	Ўрта	1922	Эркак
131.	Колотушкин Иван Васильевич	Район комитети 2-котиби	1899	Рус	Ўрта	1921	Эркак
132.	Каримов Усмонжон	Кадрлар бўйича секретарь	1906	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1931	Эркак
133.	Юнусов Якуб Юнусович	Секретарь ёрдамчиси	1901	Татар	Қуйи	1931	Эркак
134.	Хатдаров Раҳмонали	Ташкилий инструкторлик бўлими мудир	1903	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1929	Эркак
135.	Холмухамедов	Пропаганда ва агитация бўлими мудир	1909	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
136.	Умарова Карамат	Парткабинет мудир	1907	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1932	Эркак
137.	Раднер Любовь Давыдовна	Ягона партбилет ва партстатистика сектори мудир	1914	Рус	Ўрта	1941	Аёл
138.	Михайлов Антон	Ташкилий бўлим инструктори	1914	Рус	Ўрта	1941	Эркак
139.	Аготов Султан Азимович	Ташкилий бўлим инструктори	1907	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1931	Эркак
140.	Абдуразалова Тошхон	Ташкилий бўлим инструктори	1907	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1941	Эркак
141.	Мирзаев Ортиқ	Пропагандист	1903	Ўзбек	Қуйи	1927	Эркак
142.	Тўлянов Лотинжон	Кадрлар бўлими инструктори	1908	Ўзбек	Тугалланма- ган ўрта	1938	Эркак



<b>Пахтабод район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
143.	Мухтаров Норпўлат	Район комитети 1-котиби	1901	Ўзбек	Ўрта	1921	Эркак
144.	Петров Михаил Александрович	Район комитети 2-котиби	1895	Рус	Қуйи	1919	Эркак
145.	Акбаров Шукур	Кадрлар бўйича секретарь	1908	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
146.	Тошматов Абдуллажон	Ташкилий бўлим мудири	1911	Ўзбек	Олий	1941	Эркак
147.	Типлинский Андрей	Ҳарбий бўлим мудири	1907	Рус	Қуйи	1939	Эркак
148.	Раҳматуллаев Қосим	Пропаганда ва агитация бўлими мудири	1910	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
149.	Солиев Ҳабиб	Парткабинет мудири	1916	Ўзбек	Олий	1942	Эркак
150.	Тимошенко Мария	Партстатистика сектори мудири	1918	Украин	Қуйи	1942	Аёл
151.	Мадраҳимов Мамадали	Ташкилий бўлим инструктори	1905	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
152.	Каримов Ҳабиб	Пропагандист	1900	Ўзбек	Қуйи	1927	Эркак
153.	Темиров Бахриддин	Кадрлар бўлими инструктори	1915	Ўзбек	Қуйи	1940	Эркак
<b>Хўжабод район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
154.	Котов Василий Васильевич	Район комитети 1-котиби	1905	Рус	Тугалланма- ган ўрта	1929	Эркак
155.	Охунов Набижон	Район комитети 2-котиби	1908	Ўзбек	Қуйи	1940	Эркак
156.	Хасанхўжаев Юсуф	Кадрлар бўйича секретарь	1901	Ўзбек	Ўрта	1927	Эркак
157.	Македонская Степанида Кирилловна	Секретарь ёрдамчиси	1915	Украин	Ўрта	1940	Аёл
158.	Абдурашидов Абдукарим	Ташкилий инструкторлик бўлими мудири	1903	Ўзбек	Қуйи	1929	Эркак
159.	Ем Юн Хо	Ҳисоб мудири	1905	Корейс	Қуйи	1939	Эркак
160.	Мамарозиқов Эргаш	Парткабинет мудири	1903	Ўзбек	Ўрта	1931	Эркак
161.	Раҳимов Муҳитдин	Ташкилий бўлим инструктори	1906	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
162.	Бадалбоев Мирзаҳамдам	Пропагандист	1904	Ўзбек	Қуйи	1930	Эркак
163.	Ўрмонова Хайринисо	Кадрлар бўлими инструктори	1915	Татар	Ўрта	1940	Аёл
<b>Сталин район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
164.	Ёдгоров Раҳмат	Район комитети 1-котиби	1906	Ўзбек	Ўрта	1929	Эркак
165.	Задановский Фома Ильич	Район комитети 2-котиби	1903	Украин	Қуйи	1932	Эркак
166.	Ташбастаев М.	Кадрлар бўйича секретарь	1908	Ўзбек	Қуйи	1932	Эркак
167.	Қамбаров Сулаймон	Ташкилий бўлим мудири	1907	Ўзбек	Ўрта	1930	Эркак



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ФАШИЗМ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН  
БҮЮК ГАЛАБАГА ҚЎШГАН МУНОСИБ ҲИССАСИ

168.	Мамажонов	Ҳарбий бўлим мудир	1909	Ўзбек	Тугалланмаган ўрта	1938	Эркак
169.	Котов Алексей Семёнович	Парткабинет мудир	1906	Мордван	Тугалланмаган олий	1926	Эркак
170.	Токарева Ася Ивановна	Ҳисоб мудир	1905	Рус	Ўрта	1940	Аёл
171.	Муталипов Умар	Ташкилий бўлим инструктор	1909	Ўзбек	Қуйи	1932	Эркак
172.	Тадумбаев	Ташкилий бўлим инструктор	1910	Ўзбек	Қуйи	1941	Эркак
173.	Ҳамдамова М.	Ташкилий бўлим инструктор	1910	Татар	Ўрта	1941	Аёл
174.	Ортиқов Эргаш	Ҳарбий бўлим инструктор	1913	Ўзбек	Тугалланмаган ўрта	1940	Эркак
175.	Ниёзматов А.	Пропагандист	1905	Ўзбек	Тугалланмаган олий	1929	Эркак
176.	Лаврова Лидия Григорьевна	Кадрлар бўлими инструктор	-//-	-//-	-//-	-//-	Аёл
<b>Балиқчи район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
177.	Тиллаев Жуманиёз	Район комитети 1-котиби	1903	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
178.	Костин Михаил Николаевич	Район комитети 2-котиби	1904	Рус	Қуйи	1928	Эркак
179.	Мирғолиев Саид	Кадрлар бўйича секретарь	1906	Бошқирд	Қуйи	1931	Эркак
180.	Абдурахмонов	Секретарь ёрдамчиси	1915	Ўзбек	Ўрта	1942	Эркак
181.	Саминов Дилёр	Ташкилий бўлим мудир	1916	Қипчоқ	Ўрта	1940	Эркак
182.	Мақсудов Ҳайдар	Пропаганда бўлими мудир	1905	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
183.	Фролов Василий Алексеевич	Ҳарбий бўлим мудир	1904	Рус	Қуйи	1941	Эркак
184.	Юсупов Фозил	Парткабинет мудир	1900	Ўзбек	Ўрта	1931	Эркак
185.	Нижник Демьян Степанович	Сектор мудир	1901	Украин	Ўрта	1938	Эркак
186.	Машанов Абдуғани	Инструктор	1912	Ўзбек	Қуйи	1941	Эркак
187.	Матқосимов М.	Инструктор	1905	Ўзбек	Ўрта	1930	Эркак
188.	Ўринбоев Шукур	Инструктор	1909	Ўзбек	Ўрта	1932	Эркак
189.	Ҳакимов Абдулла	Инструктор	1906	Ўзбек	Қуйи	1938	Эркак
190.	Солихов Жаббор	Инструктор	1916	Қирғиз	Қуйи	1941	Эркак
<b>Ленин район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
191.	Наврўз Али	Район комитети 1-котиби	1894	Турк	Олий	1925	Эркак
192.	Шербина Казимир Фёдорович	Район комитети 2-котиби	1903	Рус	Ўрта	1925	Эркак
193.	Мамасолиев Олим	Кадрлар бўйича секретарь	1906	Тожик	Қуйи	1932	Эркак
194.	Рустамов Исоқ	Секретарь ёрдамчиси	1917	Арман	Олий	1941	Эркак



195.	Маннопов Н.	Ташкилий бўлим мудири	1903	Бошқирд	Қуйи	1926	Эркак
196.	Тошматов Нурмат	Пропаганда бўлими мудири	1906	Ўзбек	Тугалланмаган олий	1941	Эркак
197.	Агишев Ҳусайн	Ҳарбий бўлим мудири	1907	Татар	Қуйи	1931	Эркак
198.	Матвиенко-Маникова В. М.	Парткабинет мудири	1902	Украин	Ўрта	1927	Аёл
199.	Жданова	Партстатистика сектори мудири	1905	Рус	Қуйи	1940	Аёл
200.	Аҳмедов Р.	Инструктор	1907	Тожик	Қуйи	1939	Эркак
201.	Мақсудов Масан	Инструктор	1912	Уйғур	Ўрта	1938	Эркак
202.	Калибаров К	Инструктор	1906	Қирғиз	Қуйи	1931	Эркак
203.	Қодирова Роза	Инструктор	1920	Ўзбек	Олий	1941	Аёл
204.	Белюсова Анна А.	Инструктор	1905	Украин	Ўрта	1927	Аёл
205.	Мамажонов Йўлдош	Инструктор	1915	Ўзбек	Қуйи	1940	Эркак
<b>Марҳамат район комитетидаги партия аппарати ходимлари</b>							
206.	Мирзараҳимов	Район комитети 1-котиби	1903	Ўзбек	Қуйи	1924	Эркак
207.	Клименко Николай	Район комитети 2-котиби	1904	Рус	Қуйи	1931	Эркак
208.	Тошпўлатов Отажон	Кадрлар бўйича секретарь	1907	Ўзбек	Қуйи	1931	Эркак
209.	Нестеренко Павел	Секретарь ёрдамчиси	1904	Рус	Ўрта	1924	Эркак
210.	Солиев Исоқжон	Ташкилий бўлим мудири	1911	Ўзбек	Ўрта	1939	Эркак
211.	Ломакин Сергей Иванович	Ҳарбий бўлим мудири	1912	Рус	Қуйи	1941	Эркак
212.	Ёдгоров Гумир	Пропаганда бўлими мудири	1900	Татар	Ўрта	1925	Эркак
213.	Ястребова Анна	Парткабинет мудири	1906	Рус	Олий	-//-	Аёл
214.	Линецкая М.	Партстатистика сектори мудири	1909	Яхудий	Ўрта	1931	Аёл
215.	Усмонов Юнус	Инструктор	1910	Турк	Ўрта	1939	Эркак
216.	Умарова Ойниса	Инструктор	1912	Ўзбек	Қуйи	1940	Аёл
217.	Абдуллаев Декам	Инструктор	1907	Ўзбек	Қуйи	1932	Эркак
218.	Отабоев Омонжон	Инструктор	1906	Ўзбек	Қуйи	1939	Эркак

Област партия комитети партия кадрлар сектори мудири **Коротков**.<sup>1</sup>

Жадвалдан кўринадики, област партия комитети аппаратидаги 47 ходимдан 20 нафари рус, 11 нафари ўзбек, 3 нафари украин, 2 нафари арман, 2 нафари татар, 1 нафари яхудий, Андижон шаҳар партия комитетида эса 6 нафар рус, 5 нафар ўзбек, 2 нафар украин, 3 нафар татар, 3 нафар яхудий бўлган. Район партия комитетлари таркибида эса миллий коммунистларнинг улуши кўпроқ эди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 106-фонд, 1-иш, 287-рўйхат, 1 – 15-варақлар.



# ФРОНТГА САФАРБАР ҚИЛИНГАНЛАР



**1. Бисеров Собир-жон Ҳасанович**, 1912 йили туғилган, 1941 йили партиёга ўтган, ижтимоий келиб чиқиши деҳқон, ўрта ҳол, ўрта маълумотли, Андижон област партиё комитетининг 1942 йил 31 июлдаги қарори билан қизил армия сафига

чақирилиши муносабати билан С.Х. Бисеров Ленин райони партиё комитети партиё статистикаси сектори мудир вазифасидан озод қилинган. Унга берилган тавсифномада ишга виждонан ёндашгани, сиёсий жиҳатдан саводлилиги, ижтимоий-сиёсий ишда фаоллиги қайд қилинган (**Андижон вилояти бўйича ХОТИРА китобида йўқ, демак, вафот этмаган, бедарак йўқолмаган**).

**2.** Андижон област партиё комитети бюросининг 1942 йил 31 июлдаги қарори билан **М.Ғозиев** қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Ленин райони партиё комитети кадрлар бўлими инструктори вазифасидан озод қилинган.

**3.** Андижон област партиё комитети бюросининг 1942 йил 31 январдаги қарорида Андижон шаҳар партиё комитети Агитация ва пропаганда бўлими мудир **Кузнецов Семён Абрамович** қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган.

**4.** Андижон област партиё комитетининг 1941 йил 4 ноябрдаги қарори билан Пахтаобод район партиё комитетининг ягона партбилет ва партстатистика секторимудир **Клейменов**

қизил армияга чақирилиши муносабати билан лавозимидан озод қилинган.

**5. Половайкин Матвей Иванович** – 1901 йили Саратов губернияси Вольск уездида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати мордван, 1914 – 1916 йилларда чўпон, 1916 – 1917 йилларда ишчи, 1917 – 1918



йилларда Астрахань шаҳрида казакларга қарши ишчи дружинасида хизмат қилган. 1918 – 1919 йилларда онаси қарамоғида, 1919 – 1924 йилларда қизил армияда, 1924 – 1938 йилларда Фарғонада пахта заводида ишчи ва шофёр, 1938 – 1939 йилларда Жалолқудуқ район савдо бўлимида ишлаган. Андижон област партиё комитети бюросининг 1942 йил 2 октябрдаги қарорига кўра қизил армияга чақирилиши муносабати билан Жалолқудуқ район партиё комитети ҳарбий бўлими мудир вазифасидан озод қилинган.

**6. Василевский Яков Васильевич**, 1908 йил 15 февралда Курск области Михайловка қишлоғида ишчи оиласида туғилган, миллати рус, касби ғишт терувчи, 1931 йил ноябрдан партиё аъзоси, ишчи факультетида ўқиган, Дневнопетровск институтини битирган, 1933 – 1934 йилларда Донецк области Ровенко районида «Путь к социализму» колхозида пар-





тия сиёсий секретари, 1934 – 1938 йилларда Ровенко райони халқ маорифи бўлимида сиёсий маориф инспектори бўлиб ишлаган. 1938 – 1942 йилларда Андижон области Ворошилов район (ҳозирги Қўрғонтепа тумани Султонобод қишлоғи) партия комитети пропаганда бўлими муdiri бўлиб хизмат қилган.

Андижон област партия комитети бюросининг 1943 йил 2 январдаги қарори билан «Савай» пахтачилик совхози 8-бўлими сиёсий бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасига қўйилган. «Савай» пахтачилик совхози 8-бўлими сиёсий бўлими бошлиғи **Михайлов Антон Васильевич** қизил армия сафига олинган.

**7. Мақсудов Мамасоли**, 1912 йили туғилган, миллати уйғур, камбағал деҳқон оиласидан, маълумоти ўрта, 1938 йилдан партия аъзоси, Ленин райони партия комитети инструктори бўлиб ишлаган, 1930 – 1933 йилларда колхозда оддий аъзо бўлиб ишлаган, 1933 – 1937 йилларда Тошкентда ВКСХШда ўқиган, МТС директори ўринбосари, сиёсий бўлимда ишлаган.

Мақсудов Мамасоли қизил армияда хизмат қилган, Ғарбий Белоруссияни озод қилиш учун кечган жангларда, оқ финлар билан бўлган урушда иштирок этган, қизил армияда намунали хизмат қилгани учун Мудофаа халқ комиссарлиги пул билан мукофотлаган.

**8.** Андижон област партия комитети бюросининг 1942 йил 1 июндаги қарорига кўра Андижон шаҳар партия комитетининг саноат бўлими мудир **Иванов** қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган.

**9.** Андижон област партия комитети бюросининг 1942 йил 10 апрелдаги қарорига кўра Избоскан район партия комитетининг ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори **Орифжон Саидхўжаев** қизил армияга олиниши муносабати билан лавозимидан бўшатирилган, Избоскан район партия комитети секретари Усов томонидан имзоланган, район партия комитетининг 1939 йил 23 августдаги йиғилишида тасдиқланган ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори Орифжон Саидхўжаевга берилган тавсифномада айтилишича, у 1906 йилда туғилган, ўзбек, саводли, касиб оиласидан чиққан, 1929 йилдан партия аъзоси, район партия комите-

тида 1939 йил апрелидан ишлаган, у ишга яхши муносабатда бўлган, сиёсий жиҳатдан бўш тайёрланган, партия аппаратида ташкилий инструктор бўлиб ишлаши мумкинлиги айтилган.

**10.** 1942 йил 30 июлда Андижон области Сталин райони ҳарбий бўлим инструктори **Ортиқов Эргаш** вазифасидан озод қилиниб, қизил армия сафига олинган.


**11. Зайкин Кирилл Дмитриевич**, 1905 йили Курск губернияси Обоянск уезди Сухо-Солотенский волостида камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1932 йил май ойида Киев шаҳрида қизил армияга олинган. Ўша йил декабрида армиядан озод қилиниб, Андижон шаҳрига келган.



1929 йилдан ВКП(б) аъзоси, қизил армиянинг Черниговский дивизиясида хизмат қилган. 1924 йилдан 1937 йилгача сиёсий ишлар билан машғул бўлган, 1932 йили Киров шаҳрида автомобил ротасида кичик командир бўлиб хизмат қилган.

1933 йил июлидан 1935 йил мартигача Избоскан район Чувама қишлоғида ошхонада, кейин қишлоқ матлубот жамиятида, район советида, Осоавиахимда, Пойтуғдаги 8-сон пахтачилик совхозида ҳарбий бўлимнинг махсус қисмида ишлаган, 1937 – 1939 йилларда Избоскан район партия комитети ҳарбий бўлими мудир вазифаларида хизмат қилган. 1941 йил 1 августда Избоскан район партия комитети ҳарбий бўлими мудир Зайкин Кирил Дмитриевич қизил армия сафига чақирилган (3-фонд, 8-рўйхат, 369-иш).

**12. Каримов Бўри Зарипович**, 1917 йил 3 июнда Бошқирдистонда туғилган, миллати татар, касби касиб, ижтимоий аҳволи хизматчи, 1935 йилдан комсомол аъзоси, 1937 – 1941 йилларда Ленинграддаги Крупс-





кая номли пединститут сиртқи бўлими тарих факультетини битирган. Тарих ўқитувчиси. Таржимаи ҳолида ёзилишича, отаси Каримов Зарип дурадгор, онаси Каримова Шарифа уй бекаси, 1919 йилда вафот этган. 1919 йилдан 1930 йилгача акаси Каримов Ҳафиз билан бирга яшаган. 1932 йилдан 1937 йилгача Андижон сиёсий-маърифий техникумида ўқиган. Ўқиш даврида 1935 йили ВЛКСМ, 1935 йили касаба уюшмасига аъзо бўлган. 1937 йилгача ҳам ишлаган, ҳам ўқиган. 1937 йилдан сиртдан ўқишни давом эттирган ва 1927 йилдан Избоскан районида ўрта мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1941 йилдан қизил армияга олинган. 1943 йил 9 февралда Каримов Бўри комсомол иши бўйича сиёсий бўлим ва 2-Избоскан МТС бошлиғи, уруш бошланиши муносабати билан Қизил Армия сафига олинган.



**13. Клейменов Василий Васильевич**, 1907 йили Воронеж области Пигаевский райони Эски Васильево қишлоғида камбағал оилада туғилган, отаси этикдўз, ўзи 2 йил тракторчилик қилган, 1931 йили Избосканда партиёга ўтган,

Пигаевский райони Васильево қишлоғида ўрта мактабни битирган, Тошкентда 1933 – 1935 йилларда совет-партия мактабини тамомлаган.

1926 – 1929 йилларда Самарқанд шаҳрида трактор механизми бўйича ишлаган. 1929 – 1931 йилларда қизил армияда, Ефремов шаҳрида 252-ўқчи полкида омборчи бўлиб хизмат қилган. 1931 – 1933 йилларда Каттақўрғон МТСида омборчи, 1933 – 1935 йилларда Тошкентда совет-партия мактабида ўқиган. 1935 – 1940 йилларда Избоскан районида МТСда агротехспитанияда участка агрономи бўлиб ишлаган, хотини ва бир фарзанди бўлган. 1941 йил июнда Пахтаобод район партия сектори мудирини лавозимига қўйилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон област бўйича Ташкилий бюро сектори Тунаев имзолаган характеристикада В.В. Клейменов сиёсий жиҳатдан саводли,

ташаббускор ўртоқ, янада ўсиши учун барча имкониятларга эга деб баҳоланган. 1941 йил 4 октябрда қизил армияга чақирилиши туфайли Пахтаобод район партия комитети партия статистикаси ва ягона партия сектори мудирини вазифасидан озод қилинган (3-фонд, 8-рўйхат, 405-иш).


**14. Хўжаев Наби**, 1941 йил 22 – 24 декабрда қизил армияга чақирилиши муносабати билан Андижон област ҳарбий бўлим мудирини вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Георгий Георгиевич Ковазов тайинланган (3-фонд, 8-рўйхат, 420-иш).

**15. Волчо С.И.**, 1905 йил сентябрида Украинанинг Николаево области Терновка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати украин, 1931 йилдан партия аъзоси, 1927 – 1929 йилларда Киев шаҳрида қизил армияда 14-ўқчи корпусида қизил аскар, бўлим командири, Николаев, Воронеж областларида саноат соҳасида ишлаган, 1941 йил июлидан 1942 йил апрелигача Андижон шаҳридаги Сталин номли заводда цех технологи бўлиб ишлаган, Андижон област партия комитетининг 1942 йил 1 июндаги қарори билан Андижон шаҳар саноат бўлими мудирини этиб тайинланган. 1944 йил 3 майдаги қарорга кўра С. И. Волчо қизил армияга олиниши муносабати билан шаҳар партия комитетини саноат бўйича котиб ўринбосарини лавозимидан озод қилинган.



**17. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон области бўйича ташкилоти бюросининг 1942 йил 30 июлдаги 62-сонли қарорига кўра Андижон шаҳар партия комитетини ташкилий бўлими инструкторини М. Абдухин қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган (3-фонд, 8-рўйхат, 434-иш).**

**17. Қодиров Маннобжон**, 1920 йили Андижон области Олтинқўл райони Қўмакай қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1940 йил августидан партия аъзоси. 1941 йили



республика партия мактабини битирган. 1934 – 1938 йилларда «Олғир» колхозида табелчи, курс ҳисобчиси, ҳисобчи ёрдамчиси, омбор мудир, пахтачилик бригадаси бошлиғи. Пахтабод район партия комитети кадрлар бўлими инструктори вазифасида ишлаётганида 1943 йил 10 апрелда армия сафига олинган, унинг ўрнига Темиров Бахриддин тайинланган.



**18. Қодиров Маъмур**, 1911 йили Фарғона области Фарғона райони Ёрмозор қишлоқ советида батрак оиласида туғилган. 1913 йили отаси вафот этгач, 1922 йилгача онаси қарамоғида яшаган. Кейинчалик Фарғонадаги болалар уйида, 1926 – 1929 йилларда Ёрмозор қишлоғидаги Қобилбек ва Шодмонбек исмли бойлар қўлида подачи бўлиб ишлаган. 1929 – 1931 йилларда Қўқон шаҳрида педагогик курсни битирган. 1930 – 1933 йилларда ипакчилик комбинатида тарозибон бўлган. 1933 – 1935 йилларда қизил армия сафида хизмат қилган. «Большевик» фабрикасида оммавий ишлар бўйича ходим, 1936 – 1937 йилларда Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги марксизм-ленинизм курсида ўқиган. 1938 – 1939 йилларда Ленин район партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудир, ўринбосари, кейин бўлим мудир вазифасида ишлаган.

Андижон област партия комитетининг 1941 йил 25 сентябрдаги қарори билан Ленин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудир Қодиров Маъмур қизил армия сафига олинган.

**19. Қодирқулов Ҳамроқул**, 1902 йили Андижон шаҳрида камбағал оилада туғилган. 1919 йилгача отасининг қарамоғида бўлган. 1924 – 1925 йилларда Андижон шаҳридаги «Ғайрат» артелида, 1926 – 1939 йилларда «Пиллакш»

заводида оддий ишчи, оммавий-маданий ишлар ташкилотчиси бўлиб фаолият юритган. 1929 йили партия сафига қабул қилинади. 1939 йилнинг 16 мартида Олтинкўл район партия ташкилотининг қарори билан Ҳ. Қодирқулов Олтинкўл туман партия ташкилотининг штатли пропагандисти этиб тайинланади.

1943 йилнинг 8 январидан у қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Олтинкўл район партия ташкилотининг пропагандисти вазифасидан бўшатилади.

**20. Қобулов Ибрагим**

1909 йили Фарғона области Избоскан райони Ўртоқлар қишлоқ советида камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1920 йилгача бойнинг қўлида ишлайдиган отасининг қарамоғида бўлган. Отаси вафот этгач, 1920



– 1924 йилларда қишлоқдаги Кунтўра исмли бойнинг қўлида ишлайди. 1924 – 1927 йилларда Избоскан районидаги мактабда ўқийди. 1927 – 1929 йилларда 8-сонли пахтачилик совхозида тракторчилик қилади. 1927 йили ВЛКСМ сафига киради. 1930 – 1931 йилларда Ўртоқлар қишлоқ советидаги батраклар уюшмаси раиси сифатида фаолият кўрсатади. 1931 – 1937 йилларда армия сафида хизмат қилади. 1932 йили ВКП(б) сафига киради. Армиядан қайтгач, 1938 – 1939 йилларда Ўзбекистон комсомол ташкилоти Избоскан район комитетининг секретари, 1939 – 1940 йилларда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг ҳарбий бўлими инструктори вазифаларида ишлайди. 1942 йилнинг 16 февралда қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Ўзбекистон КП(б) Андижон област комитети ҳарбий бўлими инструктори вазифасидан озод қилинади.

**21. Жданова Наталья Викторовна**, 1903 йили Омск шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Отаси 1916 йилда вафот этгач, онаси билан Самарқанд шаҳрида яшайди. 1919 – 1922 йилларда Туркистон фронти инқилобий ҳарбий советида ишюритувчи-машинистка бўлиб ишлайди. Маълум муддат Қирғизистонда яшаб




келгач, Самарқанддаги ғаллачилик сув хўжалигида, сўнг НКВДнинг Пайариқ туман бўлимида котиба-машинистка бўлиб ишлайди. 1933 – 1939 йилларда Нарпай туманидаги пахта заводи махсус бўлими бошлиғи, 1939 – 1941 йилларда

Ўзбекистон КП(б) Ленин район партия комитетида (Андижон области) ҳисобга олувчи бўлиб фаолият кўрсатади. 1942 йилнинг 30 июлида армия сафига чақирилиши муносабати билан Ленин район партия комитетипартия статистикаси сектори мудирини вазифасидан бўшатилди.

**22. Ғозиев Турсун** – Ленин район партия комитети ҳарбий бўлим инструктори, 1942 йил 23 сентябрда қизил армия сафига олинган, 1943 йилдан партия аъзоси.

**23. Мамаев Ҳусниддин** – 1942 йил 26 февралдан Андижон област партия комитети саноат бўйича секретари лавозимида ишлаган. Бу вазифадан олиниб, қизил армия сафига чақирилган.

**24. Қодиров М.** – Ленин район партия комитети Пропаганда ва агитация бўлими мудирини, Андижон област партия комитети ташкилий бюросининг 1941 йил 25 сентябрдаги қарори билан қизил армия сафига олинган.



**25. Исмоилов Исроил**, 1903 йилда Шаҳрихонда чорикор оилада туғилган, ўзбек, 1941 йилда партияга ўтган, 1942 йил 21 сентябрда ёзган таржимаи ҳолини ўқишнинг имкони бўлмади. У 1924 – 1928 йилларда Сталин районида

«Қўшчи» совхозини котиби, 1928 – 1934 йилларда Соцстрах кассасини раиси, 1934 – 1938 йилларда район матлубот жамиятининг тайёрлов кенторасининг мудирини, 1939 – 1940 йилларда қишлоқ матлуботида новвойхона мудирини бўлган, 1940 – 1941 йилларда артелда ишлаган, кейин район ижтимоий таъминотбўлими мудирини, Сталин район

партия комитетини ташкилий-инструкторлик бўлими мудирини сифатида хизмат қилган. 1943 йил 1 августда қизил армия сафига олинган (3-фонд, 5-рўйхат, 402-иш).

**26. Фёдоров Алексей Фёдорович**, 1905 йил 29 сентябрда Оренбург области Чкалов шаҳрида ишчи оилада туғилган, миллатини рус, касбининг металл бўйича токар, отасини 1914 йилги урушда ҳалок бўлган, онасини 1922 йили вафот этган. Хизматчининг, 1931 йил июлдан партия аъзосини. 1927 йили 8-синфни битирган, Қизил Ўрда шаҳрида катта ёшдагилар учун мактабда ўқиган, Куйбишев шаҳрининг сиёсий маориф уйида пропагандист, Москвада



Йўл халқ комиссарлигининг партия курсинида консультантлик қилган. 1935 йил апрелидан монтер, пропагандист, инструктор, 1940 йил июлдан 1941 йил апрелгача Андижондаги Сиёсий бўлим батальонинида, 1945 йил 15 апрелидан Андижон 1-станция темир йўлида 6-бўлимда хизмат қилган, ўзбек тилини заиф, мордва тилини яхши билган. 1927 – 1929 йилларда қизил армияда хизмат қилган, 1929 йил сентябрида ҳарбий инқилобий совет томонидан «босмачилик»ка қарши жангларда фаол иштирок этганлигини учун комплект уст-бош ва пул билан мукофотланган. Оилали, хотинини 30 ёшда, ўғли 7 ёшда, уй манзили Андижон 1-станцияси Темирийўл кўчасини 118-уй 13-квартира. 1941 йил 3 – 4 сентябрь кунлари қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан Андижон шаҳар саноат бўлими инструкторини вазифасидан озод қилинган.

**28. Абдулманов**, Андижон област партия комитетини лекторини бўлиб ишлаётганида 1941 йилда қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган. Унинг ўрнига Исмаил Сунганович Хабибининг тайинланган (3-фонд, 5-рўйхат, 379-иш).

**28. Фомихин Кирилл Иванович**, 1904 йили Саратов области Ивантеевский райони Гусиха қишлоғинида деҳқон оиласинида туғилган. Қишлоқ



мактабини тугатиб, 1921 йилга қадар деҳқончилик билан шуғулланади. 1921 йилининг оиласи Самарқандга кўчиб келади. Кирилл темирйўл депосида слесарь ёрдамчиси, слесарь бўлиб ишлайди. 1926 – 1928 йилларда Ашхободдаги

ҳарбий темирйўлчилар мактабида таҳсил олади. Сўнгра Тошкентдаги темирйўл депосида машинист бўлиб ишлайди. 1934 йили Тошкент станциясидаги Депо партия ташкилоти секретари этиб тайинланади.

К.Фомихин 1935 – 1937 йилларда Тошкент шаҳридаги Олий коммунистик қишлоқ хўжалиги мактабида ўқийди. 1937 йилдан 1939 йилгача Ер ислоҳоти бўйича халқ комиссарлигининг механизаторлар мактабида директор,

Ўзбекистон КП(б) Куйбишев район комитетида инструктор, кадрлар бўлими мудир, Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетида кадрлар бўлими инструктори лавозимларида ишлаган. 1941 йилнинг 14 июлида Андижон област партия комитетининг кадрлар бўлими мудир ўринбосари этиб тайинланган. 1941 йил 19 августда Андижон област партия комитетининг қарорига кўра қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан област партия комитети кадрлар бўлими мудир ўринбосари **Иван Семёнович Усачёв** вазифасидан озод қилинади, унинг ўрнига Фомихин Кирил Иванович тайинланади. Андижон област партия комитетининг 1941 йил 22 – 23 декабрдаги қарорига кўра **Фомихин Кирил Иванович** қизил армияга чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинади. Унинг ўрнига Попов Филипп Иванович тайинланади (3-фонд, 5-рўйхат, 379-иш).



# ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАНЛАР



**1. Воробьева Пилагея Фёдоровна** – 1900 йили Орджоникидзе ўлкаси Архангельск райони Архипов қишлоғида ишчи оиласида туғилган, 1930 йилдан ВКП(б) аъзоси, маълумоти куйи, Левокумский районидан эвакуация қилиниб Ан-

диджонга келтирилган. Андиджон област партия комитети бюросининг 1942 йил 15 декабрдаги қарори билан Ойим район партия комитетининг партия комитети мудирлари вазифасига қўйилган. 1944 йил 11 октябрда П.Ф. Воробьева озод қилинган районларга кетиши муносабати билан вазифасидан бўшатирилган.

**2.** Андиджон област партия комитети бюросининг 1943 йил 27 сентябрдаги қарорига кўра Андиджон шаҳар партия комитетининг саноат бўйича секретари **Бугров Павел Иванович** озод қилинган районларга кетиши муносабати билан эгаллаб турган лавозимидан бўшатирилган.



**3. Бабанин Леонид Петрович** – 1908 йили Тамбов области Лукино қишлоғида ўртаҳол деҳқон оилада туғилган, Тамбов шаҳридаги 2-босқич совет мактабида ўқиган, 1932 йилда Ленинград области Кроншдат шаҳрида партия сафига ўтган, Тамбов, Қўқон, Асака, Андиджон, Марҳамат районларида райком секретари, 1941 – 1942

йилларда Андиджон област партия комитети қишлоқ хўжалиги кадрлар сектори мудирлари лавозимларида ишлаган. Андиджон област партия комитети бюросининг 1943 йил 15 декабрдаги қарорига кўра Марҳамат район партия комитетининг 2-секретари Л.П.Бабанин озод қилинган районларга жўнаб кетиши муносабати билан лавозимидан бўшатирилган.

**4. Паршихин Пётр Васильевич** – 1915 йили Тамбов области Маршанск уезди Княжево қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, 1923 йили мактабга кирган, унинг оиласи 1924 йили Андиджон шаҳрига кўчиб келган. Бобоси ва отаси 1905 йилдан 1943 йил 24 мартгача 6-ёғ заводида фаолият кўрсатишган. 1931 йили П.В.Паршихин тўлиқсиз мактабнинг 7-синфини битирган, комсомол сафига ўтган, 1931 – 1942 йилларда Учқўрғон станциясида 9-пахта заводида линтерчи бўлиб ишлаган, 1932 йили Андиджон шаҳрига қайтиб келган ва ишчилар факультетига ўқишга кирган, 1933 – 1934 йилларда Ленинградда қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтида ўқиган. 1940 йил октябргача юрти Маршанск районида мактаб директори вазифасида ишлаган, 1939 йили Воронеж педагогика институтининг тарих факультетини битирган, 1940 йил октябрдан 1942 йил майгача қизил армияда хизмат қилган, урушда иштирок этган, контузия касали бўйича армиядан бўшатирилган. 1942 йил июнидан





1943 йил мартагача Андижон шаҳридаги 1-сон ўрта мактаб директори бўлган, юқори синфларга тарих фанидан дарс берган. Ота-оналари ва ўзи оиласи билан Андижон шаҳри Луначарский кўчаси 19-уйда яшаган. Душмандан озод қилинган районларга юборилиши муносабати билан Андижон области партиякомитети бюросининг 1944 йил 29 мартдаги қарорига кўра Андижон област партия комитети мактаблар бўлими мудириликдан бўшатилган.



**5. Сербинова Анна Ивановна**, 1917 йил декабрида Николаевск области Береслав шаҳрида туғилган, 1937 йили ўрта мактабни битирган, Сталинград шаҳридаги тиббиёт техникумида ўқиган, 1932 йилдан 1939 йил октябригача Сталинград области Ниж-

нийгорский район комсомол ташкилотида сиёсий иш бўйича, 1939 йил октябридан 1941 йилгача район партия комитети инструктори, 1941 йил июнида турмуш ўртоғининг Ғарбий Украинага ишга юборилиши муносабати билан 1941 йилдан 1943 йил январигача дала госпиталида тиббиёт хамшираси бўлиб хизмат қилган. Шундан кейин Андижон шаҳрига ташланган (тиф касалига учраган). 1932 йили ВЛКСМ сафига ўтган, пленум ва бюро аъзоси бўлган, 1939 йили большевиклар партиясига номзод, 1941 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлган, яшаш манзили – Андижон шаҳри Қизил карвон кўчаси 77-уй.

1943 йил 28 майда А.И.Сербинова Андижон област партия комитети аёллар иши бўйича инструктори этиб тайинланган, 1944 йил 12 майда обком қарорига кўра озод қилинган Украина районларига кетиши муносабати билан вазифасидан бўшатилган, унга берилган тавсифномада сиёсий жиҳатдан саводли экани, Ватан уруши иштирокчисилиги, давлат таъминоти бўйича инструкторлик вазифасини яхши бажаргани қайд этилган.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви. Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-руйхат, 231-иш.

**6. Ткаченко Василий Кириллович**, 1918 йили

Курск области Льговск райони Стremoуховка қишлоғида хизматчи оиласида туғилган, 1939 йилдан партия аъзоси, маълумоти қуйи, 1938 – 1941 йилларда қизил армия сафида хизмат қил-



ган, эвакуация қилинган, Тошкент темирўли сиёсий бўлими комсомол иши бўйича инструктор бўлиб хизмат қилган. Андижон област партия комитетининг 1944 йил 30 апрелдаги қарорига кўра Сталинуголдаишлаш учун кетаётганлиги туфайли В.К.Ткаченко Ўзбекистон комсомол ташкилотининг Андижон области бўйича ҳарбий ишлар секретари вазифасидан озод қилинган (3-фонд, 5-руйхат, 279-иш).

**7. Стрюк Елена Евгениевна**, 1909 йили

Сталин области Мариуполь шаҳрида туғилган, украин, ишчи оиласидан, 1930 йил 2 январдан партия аъзоси, 1925 йили «Ильич» заводидаги фабрика- завод мактабида слесарликка ўқиган,



1929 йили фабрика-завод мактабида жамият-шуносликдан дарс берган, бир вақтнинг ўзида кечки коммунистик университетда ҳам ўқиган, 1931 – 1932 йилларда завод-партия ташкилотида хотин-қизлар бўлими мудир, 1933 йил ноябрида курсни битиргач, Донецк обкоми томонидан Великоновосёлковск райони Сталин шаҳри парткабинети мудир этиб тайинланган, бу лавозимда 1938 йил ноябригача ишлаган. Сталин областьпартия комитети томонидан 1938 йили чақириб олиниб, Артёмовск шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлими инструктори сифатида 1941 йил 10 октябрда эвакуация қилингунча ишлайди. Артёмовск шаҳридан кетгач, Саратов области Балашев шаҳрида тўхтайд. Бу ерда шаҳар партия комитети кадрлар бўлими 1942 йил 8 январда кадрлар бўлими бошлиғи этиб ҳарбий қурилишга



юборади, бу жойда 1942 йил август ойигача хизмат қилади, шундан кейин турмуш ўртоғи хизмат қилаётган Андижон шахрига юборилади, Андижон ўқитувчилар институти марксизм-ленинизм кафедрасида ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатади. 1944 йил 25 февралдаги обком қарори билан 1930 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлган Е.Е.Стрюк Андижон шаҳар партия комитетининг мудирини этиб тасдиқланади, яшаш жойи: Андижон шаҳри Фрунзе кўчаси 21-уй. Андижон област партия комитетининг 1946 йил 3 майдаги қарорига кўра Е.Е.Стрюк оилавий шароити муносабати билан шаҳар партия комитетини мудирини вазифасидан озод қилинган.<sup>1</sup>



**8. Степанова Мария Степановна**, 1914 йили Ленинград области Островский райони Жавороново қишлоғида туғилган, миллати рус, ижтимоий келиб чиқиши хизматчи, ВКП(б) га номзод, Покровский номли

Ленинград пединститути тарих факультетини битирган (1934 – 1938), тарих ўқитувчиси, Мурманск шаҳридаги 21-мактабда ўқитувчилик қилган. Оиласиз, битта ўзи яшайди, уй манзили Ленинск шаҳри Киров кўчаси 8-уй. 1941 йил 9 декабрдан яшай бошлаган, 5-ўрта мактабда ўқитувчилик қилган, ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган, ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида обрўга эга, сиёсий жиҳатдан саводли ва чиниққан. 1943 йил 20 апрелда Мария Степановна Ленин район партия комитетининг партия кабинети мудирасини этиб тайинланган. 1943 йил 1 октябрдан лавозимидан озод қилинган, ўз юртига кетган.<sup>2</sup>

**9. Стецкая Берта Григорьевна**, 1912 йили Родомысль шаҳрида туғилган, яҳудий, ишчидурадгор оилада туғилган, 1930 – 1938 йилларда комсомол аъзоси, 1932 йили Одесса шаҳридаги Алоқа техникуми радио факультетининг 2-курсини битирган, олий ўқув юртига кириш

ушун мустақил ўз устида ишлаган, 1929 – 1933 йилларда Одесса шаҳридаги ёғочни қайта тайёрлайдиган 3-сон завод дурадгори, 1933 йилда ёшлар ташкилоти секретари, 1935 йили шаҳар партия комитетини молия



ва статистика ҳисоботи бўйича инструктори, 1935 – 1941 йилларда савдо ишларида масъул котиб, област партия комитетини масъул котибини, 1941 йили Новоспасский район партия комитетини инструктор, украин ва рус тилини билган, турмушга чиққан, 2 нафар фарзанди бор, тураржойи Андижон шаҳри Энгельс кўчаси 33-уй. Андижон шаҳар партия комитетини пропаганда ва агитация бўлимининг инструктори лавозимида фаолият кўрсатган.

**10. Тенцерман Марк Соломонович**, 1900 йил 9 февралда Одесса шаҳрида ишчи оиласида туғилган, миллати яҳудий, темирчи, 1926 йилдан Харьков шаҳар ҳарбий гарнизонини партия комитетини аъзоси, 1938 йили Харьков юридик институти сиртқи бўлимининг битирган, олий юридик маълумотли. Партия мактабида ўқиган, Марказий Комитетини, ОГПУ, НКВД, прокуратура органларида ишлаган, қизил армияда ҳарбий прокурор, 1942 йилда ҳарбий бўлим мудирини, немис, рус, украин, яҳудий тилларини билади. Душманга қарши жангларда ва оқ полякларга қарши жангларда иштирок этган. 1941 йили эвакуация қилинган, Андижон области Хонобод шаҳрида «Дубитель» заводида хўжалик ишида меҳнат қилган, Ворошилов район ҳарбий бўлим мудирини лавозимига тавсия этилган. 1942 йил 12 майда қизил армияга чақирилишини муносабати билан вазифасидан озод этилган.<sup>3</sup>



**11. Телкова Надежда Тихоновна**, 1906 йил 15 декабрда Воронеж области Романов қиш-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлимининг 3-фонд, 5-руйхат, 216-иш.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлимининг 3-фонд, 5-руйхат, 212-иш.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлимининг 3-фонд, 5-руйхат, 270-иш.



лоғида деҳқон оиласида туғилган, рус, 1940 йили Курск области Кросиловский районида ВКП(б)га ўтган, касби ўқитувчи, маълумоти ўрта, 1927 йилдан бошланғич ва ўрта мактаб касаба союзи аъзоси, 6 ойлик педагогик курсни

битирган, 1941 йили Траснина район партия комитети инструктори бўлиб ишлаган, 1942 йилда Андижон област Избоскан райони Ворошилов номи колхозда болалар ярасида мудир, колхозчи бўлиб ишлаган. 1942 йил 5 майдан Избоскан район партия комитети ташкилий бўлимида инструктор бўлиб хизмат қилган. 1942 йил декабрида Н.Т.Телкова Избоскан район партия комитети кадрлар бўлими инструктори вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Назир Шокиров тайинлаган.<sup>1</sup>



**12. Тимошенко Мария Иосифна**, 1918 йил июнда Воронеж области Новохоперск районида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган. Коллективлаштириш даврида 1929 йили колхозга кириб, 1942 йил майгача ишлаб келган. 1927 йилда «Мактаб-колхоз ёшлари» номи мактабда ўқиган.

7-синфни битиргач, Ўрта Осиёга келиб, 1935 йил февралдан 1936 йилгача Қўқонқишлоқ пахта заводида ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ўз ихтиёри билан бўшаб, матлубот савдосида ҳисобчига ёрдамчи бўлиб ишлаган. М.В.Палачев қизил армияга сафарбар қилиниши туфайли 1942 йил 20 майда М.И.Тимошенко Пахтабод район партия комитети ягона партбилети ва партстатистика-си сектори мудури этиб тайинланган.

**13. Тевлеев Исаак Волкович**, 1896 йили Винница области Винница шаҳрида туғилган, отаси 1918 йили, онаси 1924 йили вафот этган, 12 ёшидан босмаҳонада меҳнат қилган, 1915

йили армияга олинган, 1918 – 1922 йилларда қизил армияда хизмат қилган, Петлюр, Деникин ва бошқаларга қарши жанг олиб борган. Винница шаҳар электр станциясида 1930 йилгача мон-тёрлик қилган, алоқа идорасида 1934 йилдан 1939 йилгача хизмат қилган, 1929 йилдан партия аъзоси, 1942 йили армияда хизмат қилган, касаллиги учун ҳисобдан чиқарилган. Андижонга эвакуация қилинган, 1942 йил 30 июндан «Савай» пахтачилик совхозида сиёсий бўлим бошлиғи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган.<sup>2</sup>



**14. Коваль Михаил Иванович**, 1904 йили Украинанинг Одесса шаҳрида мешчан оиласида туғилган, касби слесарь, 1936 йилдан партия аъзоси, 1939 йил 22 сентябрдан 1942 йил 15 октябргача Одесса шаҳар партия комитети Суд ва прокуратура секторида кадрлар бўлими инструктори бўлиб хизмат қилган. 1941 йил октябрида Андижон шаҳрига эвакуация қилиб келтирилган, Андижон област адлия бошқармасида бошлиқ вазифасини бажарган, 1943 йил 23 апрелдан ВКП(б) Ставрополь ўлкаси ихтиёрига юборилган.



**15. Колесникова Мария Георгиевна**, 1917 йили Орлов области Брановский райони Бранов қишлоғида темирўлда ўт ёқувчи оиласида туғилган, 1922 йили онаси эридан ажрашгач, Мария кичик синглиси билан онаси қарамоғида қолган, 1924 йили педтехникумга кириб, уни 1931 йилда сиртдан битирган, 1938 йили ўқитувчилик қилган, 1939 – 1941 йилларда Москва давлат педагогика институти



<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-руйхат, 273-иш.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-руйхат, 274-иш.



тарих факультетида ўқиган, 1941 йили Шкурсдан кетган, 1932 – 1933 йилларда Бронковскийдаги Станбово қишлоғида ўқитувчилик қилган, 1939 – 1940 йилларда мактаб директори бўлиб хизмат қилган, 1940 – 1941 йилларда Карачев шаҳрида райкомда инструкторлик қилган. Немислар оккупацияси вақтида 2 ҳафта йўл юриб, 1941 йил 5 октябрда Елька шаҳрига келган, Орлов область партия комитети қарори билан мамлакат ичкарасига эвакуация қилинган... Оиласини топиб олиб, 1941 йил ноябрида Андижон области Ворошилов районига келган. 1941 – 1942 йилларда Кампирравотдаги ўрта мактабда тарихдан дарс берган, кейин Ворошилов район партия комитетида инструкторлар бўлими мудирлари бўлиб хизмат қила бошлаган.

Андижон область партия комитети кадрлар бўйича секретари Мирзабеков М.Г. Колесниковага берган характеристикасида у сиёсий саводхон, интизомли, ҳозирги вақтда Ворошилов район партия комитети ташкилий инструктор бўлими мудирлари вазифасида ишлаётгани, ишни уддалаётгани қайд этилган.

Азизов қизил армияга чақирилиши муносабати билан М.Г. Колесникова Ворошилов район партия комитети инструкторлар бўлими мудирлари лавозимида тайинланган.



**16. Захаревич Антон Леонтиевич**, 1906 йил 5 майда Киев области Разважеск райони Сидоровичи қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, украиналик, ота-онаси билан 8 ёшгача, яъни 1914 йилгача яшаган, 1914 йили При-

ттык номли қулоқда батраклик қилган. 1924 йил 6 апрелдан 1926 йил мартгача жамоатчилик ўрмончилигида ўрмон қоровули бўлган, 1926 – 1928 йилларда Разважеск район алоқа бўлимида хат ташувчи бўлиб ишлаган. 1928 йил 6 октябрдан 1929 йил мартгача Киев округ ҳарбий комиссарлигида мирзалик (писарь) қилган, 1929 – 1935 йилларда Иванков район милициясида назоратчи, сўнг жиноят қидирув бўлимида агент бўлиб хизмат қилган, 1935 йил марти-

дан 1936 йил мартгача Иванков район ижроия комитетида котиб, 1936–1938 йилларда Иванково район партия комитетида иш бошқарувчи, 1938 – 1939 йилларда ўрмон саноати хўжалигида, 1939 йил декабридан 1941 йил сентябригача прокуратурада хизмат қилган. 1941 йил сентябрида Украинадан Андижонга эвакуация қилинган, ноябрь ойи ичи йўл юрган. 1941 йил 6 декабрдан 1942 йил 4 мартгача Хўжаобод район бозорқўмида тарозибон бўлган. 1942 йил 4 мартдан Хўжаобод район партия комитети статистикасида ишлаган. 1923 йилдан комсомол аъзоси, 1930 йили партияга номзод бўлиб кирган, 1937 йили партияга ўтган. 1942 йил 1 мартдан район партия комитетида пропагандист, 1942 йил ноябридан Марҳамат район партия комитетида пропагандист бўлиб хизмат қилган.

**17. Корнышева Елизавета Васильевна**, 1910 йили Рязан области Сосовский уезди Нестеров волостида ишчи оилада туғилган, миллати рус, 1929 – 1939 йилларда комсомол аъзоси, 1939 йили партияга ўтган, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 1931



– 1936 йилларда Кисловодск шаҳридаги опаси қарамоғида яшаган, 1931 йили Биринчи май номли бадий косметика цехида ишлаган, 1936 – 1937 йилларда Кисловодск шаҳар комсомол ташкилотидида пионер бўлими мудираси, 1937 – 1938 йилларда Имашев район комсомол ташкилотидида секретарь, 1939 йили ВКП(б) аъзоси, 1938 – 1940 йилларда Воронеж шаҳрида област ижроия комитетида ишлаган, 1940 йили яна Кисловодск шаҳрига келиб, бир ярим йиллик ўқишда ўқиган, тиббиёт мактабида ўқиган, район ҳамширалар гуруҳида ишлаган. 1942 йил август бошларида эвакуация қилинган, Хўжаобод район Киров номли боғдорчилик совхозидида 2-бўлимида сиёсий бўлим бошлиғи ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган.

**18. Приходько Петр Елисеевич**, 1895 йили Украинанинг Кировград округида камбағал деҳқон оиласида туғилган, 1926 йилдан партия аъзоси, Иккинчи жаҳон уруши даврида немис-



фашистлар Украинага бостириб киришганида Одесса шаҳри аҳолисининг бир қисми Андижон шаҳрига кўчириб келтирилган, айна вақтда, Андижонга 4562-сонли эвакуация госпитали ҳам кўчириб келтирилган. Бу госпитал бошлиғи П.Е.Приходько бўлган.

Андижон шаҳар партия комитети секретари Исҳоқовнинг унга берган тавсияномасида шундай ёзилган: «Ўртоқ Приходько Петр Елисеевич 1895 йили туғилган, украин, деҳқон оиладан, туғилмаган ўрта маълумотли, 1926 йилда партия аъзоси, партбилети №1832614. 4561-сонли эвакуация госпитали бошлиғи бўлиб ишламоқда, ишни уддаламоқда. Сиёсий жиҳатдан чиниққан ва госпитал ходимлари орасида обрўли, 1943 йил 8 апрелдан Андижон шаҳар партия комитети инструктори бўлиб ишламоқда». 1943 йил декабрида И.Е.Приходько озод қилинган Украинага кетиши туфайли лавозимидан бўшатирилган.<sup>1</sup>



**18. Прядкин Матвей Сергеевич**, 1902 йили Саратов области Балашовск уезди Санословко қишлоғида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган, инқилобгача деҳқончилик қилган, 1919 йилда онаси бетобликдан вафот этган, 1924 йилда қизил армияга олинган, Ростов-Донда хизмат қилган, 1925 йилда Боку шаҳрига келган, Озарбайжон нефть конида ишлаган. Бокуда совет-партия мактабида ўқиган. Боку шаҳридаги «Сталиннефть» саноат трестида хизмат қилган. 1942 йилда СССР Мудофаа халқ комиссарлиги буйруғи билан «Андижон» нефть кони мастери қилиб юборилган.

1944 йил 5 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети М.С.Прядкинни «Андижон» нефть кони бўйича ВКП(б) МК партия ташкилоти секретари лавозимида тасдиқлаган.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-рўйхат, 421-иш.

Андижон област партия комитети кадрлар бўйича секретари Ғуломов имзолаган тавсифномада Прядкин Матвей Сергеевич ишга яхши муносабатдалиги, ўзининг ғоявий-сиёсий билимини ошириш учун доим ҳаракатдалиги, ВКП(б) Марказий Комитетининг партия ташкилоти секретари вазифасини яхши уддалаётгани қайд қилинган.<sup>2</sup>

### 19. Прагер Иосиф Шлемович

1901 йил 23 октябрда Одесса шаҳрида ишчи оиласида туғилган, яхудий, 1915 йилда отаси вафот этган, 1928 йили Одесса шаҳри Ленинск шаҳрида партияга ўтган, бошқа партияларда, оппозицияларда бўлмаган. 1935 – 1937 йилларда Артем номидаги Украина қишлоқ хўжалик коммунистик университетида ўқиган. Николаев области Варваровск районидаги «2-беш йиллик» чўчқачилик совхозида сиёсий бўлим бошлиғи ўринбосари, 1940 йилда Одессадаги «Цветместплов» артели бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган. 1941 йил 20 апрелда Бессарабиянинг Ренни шаҳрига вакил қилиб юборилган.



1941 йил 25 июнда Ренни шаҳридаги партия фаоллари йиғилиши бўлаётганида немис-фашистлар бомба ташлаган, бошқалар қатори у ҳам ярадор бўлган. 1941 йил 27 июлгача касалхонада даволанган. Андижон шаҳрига эвакуация қилинган. 1942 йил 22 декабрда Ленин район партия комитети секретари Колотушкин Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Андижон области бўйича кадрлар бўлими Коротковга йўллаган хатида 1928 йилда туғилган И.Ш.Прагерни Ленин райони МТС сиёсий бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимида қўйишни тавсия қилган.

Ленин район партия комитети секретари Мамасолиев Андижон област партия комитети кадрлар бўлими бошлиғи Ҳақназаровга И.Ш.Прагер «Хозрасчёт» артелига раис қилиб юборилганини маълум қилган.<sup>3</sup>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-рўйхат, 418-иш.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-рўйхат, 424-иш.



**20. Ицкович Исаак Семёнович**, 1911 йил октябрда Одесса шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, миллати яҳудий, отаси хизматчи, онаси бухгалтер, 1929 йили тўлиқсиз ўрта мактабни битирган, слесарь ёрдамчиси, слесарь бўлган, 1931 – 1932 йилларда талаба, 1934 – 1938 йилларда Кредец иқтисод институтида ўқиган, 1936 – 1941 йилларда Одесса тиббиёт институтида катта ўқитувчи, 1938 – 1939 йилларда Сталин райони комсомол ташкилоти котиби, 1940 – 1941 йилларда Одесса шаҳар партия комитети секретари, лектори бўлиб хизмат қилган. 1941 йил сентябрида эвакуация қилиниб Андижон шаҳрига келган, шаҳар, област партия комитетлари тарғибот ва ташвиқот бўлимларида хизмат қилган. 1942 йил 20 июнидан Андижон ўқитувчилар институти марксизм-ленинизм кафедраси мудири лавозимида ишлаган. Институт директори М.Солиеванинг Исаак Семёнович Ицковичга берган тавсифномасида мана бу сатрлар бор: «Эвакуация қилинган пайтдан бошлаб Андижон ўқитувчилар институти марксизм-ленинизм кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлайди. Малакали лектор сифатида ўзини намоён этган. Жамоанинг интизомли аъзоси ва фаол жамоатчи ходим, бошланғич партия ташкилоти котиби ўринбосари бўлиб ишлаган, ундан шаҳар ташкилотлари ва госпиталда энг яхши нотик сифатида фойданилмоқда. Институтда марксизм-ленинизм кафедраси мудири вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда» (3-фонд, 5-рўйхат, 401-иш).



**21. Ханзон Клавдия Анатольевна**, 1907 йил ноябрида Одесса шаҳрида туғилган, миллати яҳудий, партия аъзоси, маълумоти олий, Одесса давлат университети тарих факультетини битирган (1934 – 1938 йиллар), тарих ўқитувчиси касбини эгаллаган. 1941 йили Андижонга эвакуация қилинган, шаҳардаги 3-сон ўрта мактабда тарихдан дарс бера бошлаган, кейин Андижон ўқитувчилар институти марксизм-ленинизм кафедраси кабинетини лаборанти бўлиб хизмат қилган. 1942

йил 8 июлдан К.А.Ханзон Андижон област партия комитетида партия кабинети мудири, кўп ўтмасдан обкомнинг пропаганда ва агитация бўлимида инструктор бўлиб ишлай бошлаган.

**22. Урицкий Григорий Михайлович**, ишчи оилада туғилган, отаси 1913 йилда вафот этган, онаси 1919 йилдан ногирон, 73 ёшда. Кировград области Каменько қишлоғида яшаган, ҳозирда бу қишлоқни немислар эгаллаган, шу боис онаси тириклигини билмайди, ўта камбағал оила бўлганидан ака-сингиллари ёшлигидаёқ уйдан чиқиб кетишган, меҳнат фаолиятини 12 ёшдан бошлаган. 1921 йили очарчиликни бошдан кечирган, назоратсиз, қаровсиз қолган, ўсмирлар уйида яшаганида смола заводида мастер механикларида шогирд, сўнгра слесарь бўлиб ишлаган. Комсомол сафига кирган. Ўз саводини чиқарган. Одессада ишчи факультетида ўқиган. Замфакни тугатгач, 1930 йили Москва план-иқтисодиётинститутига юборилган. Институтда 1934 йилгача ўқиган. Ташқи ишлар халқ комиссарлигида катта реферант бўлган, 1939 – 1940 йилларда Москвада ВЛКСМ Марказий Комитетида ва Москва район партия комитетида ишлаган. 1941 йил 20 июнгача Москва районпартия комитетида лектор бўлиб хизмат қилган. 1941 йил 16 октябрда Урицкий Григорий Михайлович эвакуация қилинган, 1941 йил 1 декабрдан Андижон шаҳар партия комитетида лектор бўлиб ишлаган.

**23. Коржакова-Воскресенских Клавдия Фоминична**, 1916 йили Курск области Фатежск райони Банино қишлоғида туғилган. 1926 – 1936 йилларда мактабни, сўнг педагогика техникумини тамомлаган. 1936 – 1941 йилларда Курск области Пинировский райони Березовец қишлоғида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1941 йили Пинировский райони партия комитетида ташкилий бўлим инструктори бўлиб фаолият юритган.



Уруш бошлангач, Ўзбекистонга эвакуация қилиниб, Андижон шаҳридаги 4562-сонли госпиталда ҳамшира-энага бўлиб ишлаган. 1942 йили



Андижон шаҳридаги «Автотрактородеталь» заводида фаолият юритгач, Андижон шаҳар партия комитети ташкилий бўлими инструктори вазифасига тайинланган. Андижон област партия комитетининг 1942 йил 31 августдаги қарорига кўра Андижон шаҳар партия комитети ташкилий-инструкторлик бўлими инструктори Курякин Василий қизил армия сафига чақирилиши муносабати билан вазифасидан озод қилинган, унинг ўрнига Фомихина Клавдия тайинланган.



**24. Коронная Анна Дмитриевна**, 1904 йили Украина ССР Запарожье области Орехова шаҳрида туғилган, миллати украин, ишчи оиласидан, октябрь тўнтаришигача тегирмончи бўлиб ишлаган. 1920 йили 7 йиллик

мактабни тамомлаб, ўқитувчилар тайёрловчи педкурсага ўқишга кирган. 1940 йилдан партия аъзоси. 1934 йили Харьков давлат университети геология-география факультетини битирган, ўрта мактаб ўқитувчиси бўлиб ишлаш учун рўхсат берилган. 1929 йилгача Орехова шаҳридаги тегирмонда ишлаган. 1929 йилда мева-сабзавотчилик артелида ишлаган. Ўша йили касал бўлиб, ўғли қарамоғига ўтган.

1925 йилдан 1941 йилгача мактабда ўқитувчилик қилган. 1942 йили Краснодар ўлкаси Успенск райони партия комитети ташкилий бўлими мудирлари этиб тасдиқланган ва эвакуация қилингунга қадар шу лавозимда ишлаган.

Ўзбекистонга келгач, 1943 йилнинг 18 январидан Олтинкўл район партия комитетининг партия статистикаси сектори мудирлари бўлиб ишлаган. Ўша йилнинг ўзида Украина маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига юборилади. Турмуш ўртоғи 1935 йилдан қизил армияда хизмат қилган, уруш бошланган биринчи кундан фронтда.

Андижон област партия комитетининг 1943 йил 23 февралдаги қарорига кўра Анна Дмитриевна Коронная Украина ССР Халқ маорифи комиссарлигига кетиши муносабати билан Олтинкўл район партия комитети ягона партбилет ва партстатистикаси сектори мудирлигидан озод қилинган (3-фонд, 8-рўйхат, 441-иш).

## 25. Украинский Иван Моисеевич

1913 йил февралда Украинанинг Полтава области Камишанский райони Черкашан қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, миллати украин. Октябрь тўнтаришигача 150 квадрат кўчатзор усадбага эга



бу оилада 9 киши бўлган, помещик ва қулоқларда ишлаб тирикчилик қилган. Октябрь тўнтаришидан сўнг 1929 йилгача отаси камбағал якка хўжаликда ишлаган. 1929 йил ноябрь ойида «Червонный хлеброб» колхозида ишлаган ва яшаган. Иван Моисеевичнинг меҳнат фаолияти отасининг хўжалигида бошланган. Унча бошланғич мактабда ўқиган. 1930 йили Полтава области Лунный шаҳрида кооператив техникумига ўқишга кирган. Бош бугалтер-иқтисодчи мутахассислигига эга бўлган. 1937 йилгача Харьков области Змиевский район матлубот жамиятида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган, сўнгра Савинский район матлубот жамиятида фаолият кўрсатган. 1939 йил декабрь ойида Украина Компартияси Марказий Комитети томонидан Станислав област матлубот жамиятига бош ҳисобчи этиб тайинланган, 1941 йил июлида эвакуация муносабати билан Станислав шаҳридан чиқиб кетган. Эвакуациядан сўнг йўлланма билан Тошкентга келган, «Ўзбекбирлашув» кадрлар бўлими томонидан Андижон област матлубот жамиятига бош бухгалтер қилиб юборилган, бу лавозимда 1942 йил февралигача ишлаган. 1942 йил февралдан Андижон район партия комитети саноат бўлими секретари лавозимида фаолият кўрсатган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Андижонда маҳаллий партия, ҳукумат органлари эвакуация қилинган партия аъзолари, раҳбарлик лавозимида ишлаганларни уларнинг касби, соҳаси бўйича ишга жойлаштириш учун бор имкониятларини сафарбар қилган. Қуйидаги маълумотда Қримдан эвакуация қилинган 32 нафар коммунист, 17 нафар партиясиз аёл иш билан таъминланганлиги акс этган:



**1. Жильцов Сергей Иванович**, 1909 йилда туғилган, 1939 йилдан партия аъзоси, украин, Симферополда Марказий район партия комитетида пропагандист бўлган, Андижонда Андижон консерва заводи кадрлар бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган, оиласида хотини бор, холос.

**2. Горбуленко Виктор Проковьевич**, 1910 йили туғилган, украин, 1932 йилдан партия аъзоси, Ялтада «Сталинское знамя» газетаси редакциясида маданият бўлими мудир бўлиб хизмат қилган. Андижонда «Сталинское знамя» газетасининг масъул муҳаррири бўлиб ишлаган, оиласи йўқ.

**3. Песчанская Татьяна Павловна**, 1904 йили туғилган, рус, 1942 йилдан партия аъзоси, Феодосияда ўқув комбинатида рус тили ва адабиётидан ўқитувчилик қилган, Андижонда эса Ленинск шаҳридаги 17-сон болалар уйи директори вазифасида ишлаган.

**4. Лещенко Александр Иванович**, 1906 йилда туғилган, рус, 1932 йилдан партия аъзоси, Жанкой шаҳри районлараро кинофикация бўлими бошлиғи, райсовет депутаты, 1934 – 1941 йилларда райсоветда турли лавозимларда ишлаган. Андижонда Сталин райони пахта заводи ОРСА устахонаси мудир, аёли, 9 ёшли ўғли, 73 ёшла онаси бор.

**5. Рязежж Александр Иванович**, 1906 йилда туғилган, рус, 1940 йилдан партия аъзоси, Ялтадаги Артек администрацияси хўжалик қисми бўйича директор ўринбосари, Андижонда област партия комитети саноат кадрлари сектори мудир, оиласи ва 4 нафар фарзанди бор.

**6. Буркатовский Ефим Енисеевич** (партизан), 1907 йилда туғилган, яҳудий, 1931 йилдан партия аъзоси, Андижонда 10-сон ҳунармандчилик билим юрти директори. Оиласида хотини, 2 боласи ва 12 ёшли жияни бўлган.

**7. Трайтель Ева Ефремовна**, 1898 йилда туғилган, яҳудий, 1928 йилдан партия аъзоси, Симферополь Бош текстиль комбинати маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича директори, Андижонда шу соҳа бўйича директор вазифаларида ишлаган, унинг қарамоғида 35 ёшли синглиси II гуруҳ ногирони бўлган.

**8. Бессонова Надежда Фёдоровна**, 1904 йили туғилган, украин, 1930 йилдан партия аъзоси, 1938 йилдан 1941 йилгача Севастополь марказий бактерия лабораторияси мудир, Андижонда Андижон шаҳар касалхонасида шифокор бактериолог, ўғли 13 ёшда.

**9. Фаром Юлий Христианович**, 1897 йилда туғилган, эстон, 1926 йилдан партия аъзоси, Керч шаҳрида 1934 йилдан шаҳар партия комитети сиёсий маориф бўлими мудир, Андижонда Сталин райони парткабинет мудир ва райкомнинг агитация ва пропаганда бўлими мудир, хотини ва 67 ёшли онаси бор.

**10. Веницкая Дина Эмануиловна**, 1919 йилда туғилган, яҳудий, 1943 йилдан партия аъзоси, Симферополдаги 2-Украина мактаби катта пионер етакчиси, Андижонда консерва заводида сабзавотлар юбориш бўйича бригадир, эри бор.

**11. Ворохович Яков Абрамович** (Ватан уруши ногирони), 1904 йилда туғилган, 1929 йилдан партия аъзоси, Симферополь консерва заводида таъминот ва ишлаб чиқариш бошлиғи, Андижонда консерва заводида таъминот ва ишлаб чиқариш мудир, хотини бор.

**12. Наполов Владимир Сергеевич**, 1910 йилда туғилган, рус, 1938 йилдан партия аъзоси, Симферополь темирўл шифохонаси ҳайдовчиси, Андижонда Избоскан район пахта заводи ҳайдовчиси, хотини ва 4 ёшли ўғли бўлган.

**13. Лаврова Мария Георгиевна**, 1905 йилда туғилган, рус, 1930 йилдан партия аъзоси, Ялта шаҳар партия комитети ташкилий ишлар бўлими инструктори, Андижонда Сталин район партия комитети кадрлар бўлими инструктори, 12 ёшли ўғли бўлган.

**14. Гончаренко Никита Лукиянович** (Севастополь ҳимоячиси, Ватан уруши ногирони), 1915 йилда туғилган, украин, партияга номзод, Красноедерво райони ҳарбий МТС, тракторчилар бригадаси бригадири, Андижонда эса «Қизил Ботир» артели хомашё тайёрлаш бўйича вакил.

**15. Даревская Бранислава Эмануиловна**, 1900 йилда туғилган, яҳудий, 1938 йилдан партия аъзоси, Симферополь район партия комитети ёрдамчиси, Андижонда консерва заводида катта бухгалтер, эри билан бирга туради.



**16. Расдаум Юда Яковлевич**, 1896 йилда туғилган, яҳудий, 1932 йилдан партия аъзоси, Симферополь 1 май заводи Вонадрон цехи бошлиғи, Андижонда эса консерва заводи бошлиғи, хотини, 13 ёшли ўғли, 20 ёшли қизи бор, улар ВЛКСМ аъзоси.

**17. Фокин Михаил Мартинович**, 1889 йилда туғилган, рус, 1940 йилдан партия аъзоси, Севастополь В.М. У олий ўқув юртида олий математика кафедраси бошлиғи, Андижонда эса Избоскан райони 4-бўлим 8-пахта заводи директори, аёли бухгалтер, 2 ўғли армияда.

**18. Ибраимов Ричард Карасан** (Ватан уруши иштирокчиси, 2-гурӯх ногирони), 1917 йилда туғилган, татар, 1941 йилдан партия аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Ялтада шаҳар ижроия комитети масъул котиби лавозимида ишлаган. Ҳозирда Андижон област ижроия комитетида, якка ўзи.

**19. Новиков Павел Михайлович**, 1897 йили туғилган, рус, 1920 йилдан партия аъзоси, Ефпатория Қора денгиз ҳарбий флоти 532-ҳарбий ўқчи участкаси бошлиғи, Андижон шаҳар социал таъминотида хизмат қилган, якка ўзи яшайди.

**20. Гуляков Павел Николаевич** (ҳарбий мажбуриятли), рус, 1919 йилдан партия аъзоси, Феодосия гидрометеорология техникуми директори, Андижонда Ўрта Осиё ишчи кадрлар бўлими ходими, хотини, 2 та фарзанди бор, бири 4 ёшда, иккинчиси 11 ёшда.

**21. Айдин Николай Христофорович**, 1904 йили туғилган, грек, 1941 йилдан партия аъзоси, МТСда агроном, Андижонда Ойим район МТСда катта агроном, хотини ва 3 боласи бор, 5, 4 ва 12 ёшда.

**22. Еремеева Лидя Евгеньевна**, 1910 йилда туғилган, рус, 1940 йилдан партия аъзоси, Симферополь Қрим курорт савдо ҳисобчиси, Андижонда Ойим районида алоқа бошлиғи ўринбосари, ёлғиз аёл.

**23. Голосовская Рахиль Марковна**, 1920 йилда туғилган, яҳудий, 1939 йилдан партия аъзоси, Севастополь МОПР (Международная организация помощи борцам революции) дав-

лат комиссияси раиси, Андижонда ҳам област МОПР раиси, якка ўзи яшайди.

**24. Кац Лена Ефимовна**, партиясиз, яҳудий, 1915 йилда туғилган, Қрим АССР Жанкой шаҳридан, район ер бўлими зоотехниги, Андижонда эса Чинобод райони ер бўлимида зоотехник, 3 яшар қизи бор, опаси 1910 йилда туғилган, 2 та боласи, бири эмизиклик, иккинчиси 6 ёш.

**25. Финкельсон Раиса Абрамовна**, Қрим АССР Жанкой шаҳридан, партиясиз, яҳудий, 1926 йилда туғилган, 10-синф ўқувчиси, ҳарбий ҳисоб столи инспектори, Чинобод районида яшаган, 57 ёшли онаси бор.

**26. Беленькая Ида Яковлевна**, Қрим АССР Жанкой шаҳридан, партиясиз, яҳудий, 1926 йилда туғилган, ўқувчи, Андижонда эса Чинобод райони халқ маорифи бўлими котибаси, онаси 43 ёшда.

**27. Шнайдман Роза**, партиясиз, яҳудий, 1906 йили туғилган, Севастополда магазин сотувчиси, Андижонда эса Чинобод райони «Қизил Юлдуз» колхозида ишлаган.

**28. Кушнир Эсьека Эльевна**, партиясиз, яҳудий, 1908 йилда туғилган, Евпаториядан, Андижонда Чинобод райони «Қизил Юлдуз» колхозида колхозчи, 7 ва 3 ёшли болалари бор.

**29. Шнайдмен Рая Шмусиевна**, партиясиз, яҳудий, 1919 йилда туғилган, Фрайдар районида ҳамшира, Андижонда Чинобод район соғлиқни сақлаш бўлимида ҳамшира.

**30. Вайсенберг Рая Саламайловна**, партиясиз, яҳудий, 1921 йили туғилган, Евпаториянинг Добрушкина қишлоғида ўқитувчи, Андижонда Чинободдаги 4-сон мактабда ўқитувчи, 56 ёшли онаси, 24 ва 20 ёшли ака-укалари бор.

**31. Финк Роза Наумовна**, партиясиз, яҳудий, 1915 йилда туғилган, Симферополда Крупская номидаги тикув фабрикасида тикувчи, Андижонда эса Чинободдаги Охунбобоев номли артелда ишчи.

**32. Розебсион Галя Абрамовна**, партиясиз, яҳудий, 1916 йилда туғилган, Бахчасарой шаҳрида ип ўрайдиган чархчи, Андижонда «Охунбобоев» артелида арғамчи цехи ишчиси (106/3-фонд, 1-рўйхат, 427-иш).



# «ҚУРОЛСИЗ АСКАРЛАР»

Рустамбек Шамсутдинов, Сойибжон Ҳошимов, Хуршид Қурбонов

«Водийнома» журналининг 2020 йил 2-сонида «Меҳнат армиячилари – «қуролсиз аскарлар»нинг ғалабага қўшган ҳиссасига доир» номли мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақолада мавзуга дахлдор янги манбалар, янгича ёндашувлар ҳақида сўз боради.

Фашистлар Германияси босқинига қарши кураш ва унинг устидан ғалаба қозонишдек ҳаёт-мамонт масаласи мамлакатнинг бутун куч-қудратини, халқ хўжалигини, меҳнат ресурсларини сафарбар этишни талаб қилган. Бир томондан, қуролли кучлар сафига кўплаб аскарлар сафарбар қилиш, иккинчи томондан, ана шу ҳарбий аскарларни қурол-яроғ, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаш учун катта ишчи кучини жалб этиш керак эди.

СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1941 йил 29 июндаги директиваси ва Давлат мудофаа комитети раиси И.В.Сталиннинг 1941 йил 3 июлдаги нутқида белгилаб берилган вазифа – мамлакатдаги барча кучларни душман агрессиясига қарши сафарбар қилиш, жуда қисқа муддатда амалий мудофаа ишларини авж олдириш, ҳарбий ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш, қизил армияни қурол-аслаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак, тиббиёт воситалари билан таъминлаш, барча ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ҳар-

бий изга солиш кун тартибига қўйилган. Ҳамма нарса фронт учун сафабар этилиши қатъий талаб қилинган.

Ўрта Осиё аҳолиси учун уруш даврида меҳнат армиясига олиш кампанияси янгилик эмас эди. Россия императори Николай II 1916 йил 25 июнда «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолини ҳаркатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш ишларига жалб қилиш» ҳақида фармонни имзолаган. Унда 19 ёшдан 49 ёшгача бўлган жами 250 минг эркакни фронт ортидаги ишларга сафарбар қилиш кўрсатилган.<sup>1</sup> Бу сиёсатга қарши Туркистонда миллий озодлик кўзғолони кўтарилган. Кўзғолон шафқатсизлик билан бостирилган. 150 мингга яқин эркаклар, ўша давр ибораси билан айтганда, «мардикорлик»ка олинган. Улар Россиянинг турли районларида, фронтга яқин ҳудудлардаги завод-фабрикаларда, темирйўл қурилишларида ва бошқа мудофаа учун зарур бўлган корхоналарда мислсиз оғир шароитларда меҳнат қилишган. Демак, «Меҳнат армиячилари», яъни «Қуролсиз аскарлар» атамаси даставвал Биринчи жаҳон урушида юзага келди.

XX асрнинг 20-йилларидаги фуқаролар уруши даврида «революцион меҳнат армиячи»ларидан фойдаланишга тўғри келган. Бошланиб кетган уруш аҳолининг маълум қисмини меҳнатга жалб этиш бўйича амалий вазифаларни ҳал этишни кун тартибига қўйган эди. 1920 йил бошида қабул қилинган махсус декрет асосида меҳнат фронтга жалб қилинганлардан ҳарбий меҳнат бўлинмалари ташкил этилган. Улар хў-

<sup>1</sup> Қаранг: Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 2013. – Б. 249 – 265.



жалик муаммоларини ечиш билан машғул бўлишган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам фронторти – Урал, Бошқирдистон, Удмуртия, Нижний Тагиль, Челябинск, Кузбасс, Амур ва бошқа саноат ҳудудларида меҳнат армиячилари кучидан кенг фойдаланилди. Фашизм устидан қозонилган ғалабада ана шу меҳнат армиячиларининг ҳам ҳиссаси жуда катта бўлган.

Уларнинг фронт ортидаги шижоати, оғир, аянчли ҳаёти, Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини ўрганиш фақат ўтган асрнинг сўнгги чорагидан бошланди.

Иккинчи жаҳон уруши тарихига оид китобда<sup>1</sup> ҳарбий, сиёсий аҳамиятга эга ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолияти, Бўзсув ва Сирдарёда йирик гидроиншоотлар қурилиши каби маълумотлар ёзилган, аммо ишлаб чиқариш корхоналаридаги «меҳнат армиячилари» ҳақида лол-мим дейилмаган.

Уч жилдлик «Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны (1941 – 1945 гг.)»<sup>2</sup> номли китобда ҳам Ўзбекистон халқининг урушдаги иштироки, Ғалабага қўшган ҳиссаси, фронт ва фронтортидаги жасоратлари акс эттирилган бўлиб, айнан «меҳнат армиячилари» фаолияти алоҳида масала сифатида кўриб чиқилмаган.

1996 йилда Анапа конференциядамаъруза қилган А.Н.Курочкин «меҳнат армиячилари» атамасини ишчи батальонлари, колонна ва отрядлардаги мажбурий меҳнатга жалб қилинган, ҳарбийлашган тизим шароитларига эга, яъни казарма, мустаҳкам қўриқланадиган жазони ижро этиш колонияларида меҳнат қилганларга нисбатан ишлатиш мумкин деб таъкидлайди.<sup>3</sup>

Н.Ф.Бугай, Р.Бикматов, Е.И.Чередник,  
К.Заболотская, О.А.Гербер, Н.В.Бирбасова,  
А.А.Антуфьева, Я.Маламуд, Е.А.Шефер,  
Н.В.Климовнинг тадқиқотларида ҳам «меҳнат армиячилари» тушунчаси бир ёқлама ёритил-

ган, уларга «меҳнатга жалб қилинган немислар» сифатида қаралган.<sup>4</sup>

Урал тарихчиси Е. Корниловнинг илмий мақолаларида «меҳнат армиячилари» меҳнатга жалб қилинганлар деган ном билан таҳлил қилинган.<sup>5</sup>

1990 йилларнинг иккинчи ярмида Н.А.Морозов 1941 – 1945 йиллардаги «меҳнат армиячилари» фаолиятини комплекс таҳлил қилиб, нафақат немис миллатига мансуб ишчилар, балки бошқа миллат вакиллари, жумладан, корейслар, руслар, украинлар, белоруслар, қалмиқлар ва бошқа миллат, элатлар саноат корхоналарида ишлаб чиқаришга ёлланганларини кўрсатиб берди.<sup>6</sup>

П.Н.Кнышевский меҳнат ресурсларини жалб этишда Давлат мудофаа комитети фаолиятини кенгроқ ўрганиб, «меҳнат fronti» атамасини қўллаиди. Депортация қилинган халқлар билан бир қаторда соғлиги туфайли ҳарбий хизматни ўташ имконияти бўлмаган, армия сафларидан чиқарилган, ГУЛАГ тизимидаги одамларнинг ёлланиши билан «меҳнат fronti»нинг кенгайганини таъкидлайди.

Ҳозирда мазкур масалага нафақат илмий мақолалар ёки тезисларда, балки бутун бир тадқиқотларда ҳақиқий «объект» сифатида қаралмоқда.

Урал минтақасидаги ишлаб чиқариш корхона ва заводларида «меҳнат армиячилари» фао-

<sup>1</sup> Қаранг: Великая Отечественная народная. 1941 – 1945. Краткий исторический очерк / Под ред. П. А. Жилина. – Москва: Мысль, 1985. – 368 с.

<sup>2</sup> Узбекская ССР в годы великой Отечественной войны (1941 – 1945 гг.). В трех томах. – Ташкент: Фан, 1985. – 338 с.

<sup>3</sup> Курочкин А. Н. «Трудармия»: историография и источники // Российские немцы. Историография и источниковедение. Материалы международной научной конференции. Анапа, 4 – 9 сентября 1996 г. – М., 1997. – С. 126.

<sup>4</sup> Бугай Н. Ф. Немцы в структуре производительных сил СССР: трудовые армии, рабочие колонны, батальоны (40-е годы) // Немецкий российский этнос... – С. 84 – 97; Бикматов Р., Заболотская К. Трудармейцы-немцы на шахтах Кузбасса в годы Великой Отечественной войны // Ўша жой– С. 90 – 97; Гербер О. А. Источники изучения проблемы использования принудительного труда мобилизованных немцев в угольной промышленности Кузбасса в 1940-е годы // Российские немцы: проблемы истории, языка и современного положения... – С. 97 – 116; Чередник Е. И. Немцы в изгнании // Вопросы германской истории. Немцы в Украине. – С. 194 – 203; Бирбасова Н. В. Деятельность партийных организаций Урала по осуществлению национальной политики в годы Великой Отечественной войны. Дисс. ... канд. ист. наук. – Челябинск, 1991; Маламуд Г. Я. Использование труда депортированных народов на строительстве Челябинского металлургического завода (1942 – 1948) // Иван Иванович Неплюев и Южноуральский край: Материалы научной конференции. – Челябинск, 1993; Палецких Н. П. Социальная политика на Урале в период Великой Отечественной войны. – Челябинск, 1995. – С. 91; Шефер Е. А. Немецкая трудармия Свердловской области // 50 лет Победы в Великой Отечественной войне. Материалы научной конференции. – Екатеринбург, 1995. – С. 99 – 100 ва б.

<sup>5</sup> Корнилов Е. Современная историография уральского тыла в Великой Отечественной войне // Урал в прошлом и настоящем. – С. 435 – 439.

<sup>6</sup> Морозов Н. А. ГУЛАГ в Коми Крае. 1929 – 1956. – Сыктывкар, 1997; Ўша муаллиф. ГУЛАГ в Коми крае. 1929 – 1956. Автореферат дисс... доктр. ист. наук. – Екатеринбург, 2000.



лияти Е.М.Горелик, А.П.Емельянова тадқиқотларида қисман ёритилган.<sup>1</sup>

Г.А.Гончаров Уралдаги меҳнат армиячилари фаолиятига бағишлаб қатор мақолалар эълон қилган.<sup>2</sup> Уларда «меҳнат армиячилари»нинг мақоми, Уралнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ҳарбий саноатида меҳнат армиячиларининг тутган ўрни аниқлаб берилган.

«Меҳнат армиячилари» шахсий таркиби Г.Вольтер томонидан нарратив маълумотлар асосида қисман ўрганилган.<sup>3</sup>

XX асрнинг 40-йилларида тарихда ва ижтимоий ҳаётда «тудармия», «трудова армия», «тудармеец», «немцы-тудармейцы», «трудообмобилизованные», «трудо мигранты», «трудопоселенцы», «трудопереселенцы», люди «второго сорта», «солдаты без оружия» каби тушунчалар пайдо бўлди.

Уруш йилларида саноат, айниқса, муҳофаа саноати тармоқларининг ишчи кучига эҳтиёжи фавқуллода ортиб кетди.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 23 июлдаги қарори билан меҳнат армиячиларининг фаолияти **ҳаракатдаги қўшинларда хизмат қилаётган ҳарбийлар билан тенглаштирилди.**

Ҳарбий аскарга тенглаштирилган «меҳнат армиячилари»ни бошқариш ишчи бригадаларнинг ўзлари томонидан сайланган ёши катта, обрў-эътиборли вакилларга юклатилди.

СССР Олий Совети 1942 йил 13 февралда **«Ҳарбий вақт даврида ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари учун меҳнатга лаёқатли шахарлик аҳолини сафарбар қилиш тўғрисида»** қарор қабул қилди. Натижада ҳарбий саноат ва қурилиш ишларига меҳнат армиячилари сафарбар этилди.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондан мамлакатнинг Урал, Жанубий Урал, Бошқирдистон, Челябинск

ва бошқа ҳудудларига юз минглаб кишилар сафарбар қилинди. Улар мислсиз оғир шароитларда фронт талабини қондириш, қурол-аслаҳа, ўқ-дори, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотларни тайёрлашда қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатдилар.

1942 йил 14 октябрда СССР Давлат муҳофаа комитетининг «Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон Республикаларидаги ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлганларни қурилиш ва саноат корхоналарида ишлаш учун сафарбар этиш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга кўра ҳарбий хизматни ўташи лозим бўлган 19 ёшдан 50 ёшгача бўлган ўрта осиелик 350 минг нафар меҳнаткаш Урал ва Жанубий Урал ҳарбий округларига юборилиши белгиланди.

Ишчи колонияси 1000 кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда маҳаллий ҳарбий комиссарликлар томонидан юборила бошланди.

1941–1943 йилларнинг ўзида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига сафарбар қилинган. Тошкент области ҳарбий комиссарлигидан 1700 киши фавқуллода ҳолатда эшелонда Бошқирдистонга жўнатилган. Уралдаги муҳофаа саноати завод ва фабрикаларда 32620 нафар ўзбек ишчиси фаолият кўрсатган.<sup>4</sup>

Бу рақамлар масаланинг кўлами қанчалик катта ва кенг қамровли эканини исботлаб турибди.

Тадқиқотчи К. Ҳусаинов биринчилардан бўлиб Иккинчи жаҳон уруши йилларида Уралдаги ишчиўзбекларнинг меҳнат фаолиятини ёритишга ҳаракат қилган.<sup>5</sup>

Тожикистонлик Фотиҳ Ниёзий ўзининг «Солдаты без оружия»номли китобида Уралнинг Белогорск вилоятидаги қурилиш ва заводларда хизмат ёшига етган, аммо фронтга боришга имконияти йўқ бўлган тожикистонлик «меҳнат армиячилари»нинг фаолиятига тўхталган.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Емельянов А.П. Трудовая армия на Урале (1920 – 1921 гг. ). – М., 1945; Горелик Е. М. Трудовая армия в борьбе за топливо и восстановление транспорта в 1920 г. (на материалах Украинской, Уральской, Петроградской трудовых армий). – Л., 1952.

<sup>2</sup> Гончаров Г. А. Трудовая армия на Урале в годы Великой отечественной войны. Автореф. дисс... докт. ист. наук. – Челябинск, 2006; Ўша муаллиф. «Трудовая армия» периода Великой Отечественной войны: российская историография // Экономическая история. Обзорение / Под ред. Л. И. Бородкина. Вып. 7. – М., 2001. – С. 154 – 162; Ўша муаллиф. Отечественная историография революционных армий: краткий обзор // Вестник Челябинского государственного университета. 2010. №30 (211). История. Вып. 42. – С. 137 – 142.

<sup>3</sup> Волтер Г. А. Зона полного покоя. – М., 1991.

<sup>4</sup> Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган галабага қўшган ҳиссаси. 1941 – 1945. Китоб-альбом. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 180.

<sup>5</sup> Хусаинов К. Патриотический подвиг рабочих-узбеков на предприятиях и стройках Урала и Сибири в годы Великой Отечественной Войны. Материалы XXI научной конференции профессорско-преподавательского состава Самаркандского гос. университета. 1966. –С. 23.

<sup>6</sup> Ниёзий Ф. «Солдаты без оружия». – М. : Художественная литература, 1988.



А.М.Гафуров, Т.Д.Дадабоев, Д.А.Мирпочоев, Р.Э.Агзамова, Н.Авазматов, Ф.А.Турсуновнинг мақолаларида ҳам тожикистонлик «қуролсиз аскарлар»нинг Ғалабага қўшган ҳиссаси очиб берилган.<sup>1</sup>

С.Муҳамедованинг интернет саҳифаларида берган маълумотларида айтилишича, тожикистонлик «меҳнат армиячилари» аввал Тошкентга тўпланган ва шу ердан Уралга жўнатилган. Жўнатилган тожикистонликнинг ўртача ёши 50 – 55 ни ташкил қилган.<sup>2</sup>

Туркман тарихчиси Ж. Аннаўрозов Туркманистондан меҳнат армиясига 34559 киши сафарбар қилингани, уларнинг тўртдан уч қисми Урал, Сибир ва РСФСРнинг марказий ҳудудларига жўнатилганини қайд этиб, бу ҳудудлардаги ишчилар сафи ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар билан тўлдирилганини таъкидлаган.<sup>3</sup>

Н.С.Усупова ва Р.С.Бейсебаев масалани Россия ва Қирғизистон мисолида очиб беришга ҳаракат қилганлар.<sup>4</sup>

Қозоғистонлик тарихчилар ҳам ватандошларининг фронт ва фронт ортидаги хизматлари ҳақида айрим фикрларни илгари суришган.<sup>5</sup>

А.А.Антуфьев ўз монографиясида<sup>6</sup> Уралга Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларидан меҳнат

армиячилари 1941 йилнинг охиридан кела бошлагани, 1942 йил кузи ва 1943 йилнинг баҳорида эса бу жараён оммавий тус олганини кўрсатган.

Меҳнат армиячиларининг Ғалабага қўшган ҳиссаси билан боғлиқ айрим лавҳалар «Водийнома» журнали саҳифаларидан ўрин олмоқда. Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси ва «қуролсиз аскарлар» ҳақидаги мақолалар баҳоли қудрат бериб борилмоқда.<sup>7</sup>

Р.Шамсутдинов, Н.Каримов<sup>8</sup>, П.Равшанов<sup>9</sup> Ш.Ҳайитовнинг<sup>10</sup> илмий мақолаларида Иккинчи жаҳон уруши, ҳарбий асирлар, фронт ва фронт ортидаги меҳнат таҳлил қилинган бўлса, Ш.Ҳожиёвнинг<sup>11</sup> илмий мақоласида «меҳнат армиячилари» ва унинг тарихшунослиги ҳақида айрим мулоҳазалар берилган.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг ижтимоий сайтларида берилган мақолаларда<sup>12</sup> ҳам меҳнат армиячилари фаолияти ҳақида фактик материаллар келтирилган.

Профессор Ҳ.Зиёевнинг мақоласи ва хотираларида меҳнат армиячилари ҳақида айрим эпизодик воқеалар келтирилган.<sup>13</sup>

Ф.Тошев «Самарқандлик шерюраклар» номли мақоласида самарқандликларнинг фронт ортидаги ҳаёти ҳақида айрим фактларни келтирган.<sup>14</sup>

<sup>1</sup> Гафуров А. М. Вклад Таджикистана в Великую Победу. – С. 66 – 70; Дадабоев Т. Д., Мирпочоев Д. А., Агзамова Р. Э. Таджики во время Великой Отечественной войны: фронт и тыл. – С. 71 – 75; Рахимзода Д.М. Участие посланцев Таджикистана в движении Сопротивления. – С. 75 – 79; Авазматов Н., Турсунов Ф. А. Вклад Таджикистана в победу в Великой Отечественной войне 1941–1945 годов. – С. 242 – 251 // Вклад регионов Урала и стран Центральной Азии в победу в Великой Отечественной войне 1941–1945 годов. – Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2020. – 498 с.

<sup>2</sup> Интернет материалларидан. «Солдаты без оружия». Как выживали таджикские трудовые в годы войны. «Россия для всех» рукнида. 08.05.2016.

<sup>3</sup> Аннаўрозов Ж. С. Туркменские рабочие на предприятиях и стройках Урала, Сибири и Центральной России в годы Великой Отечественной войны // 70-летие великой победы: исторический опыт и проблемы современности. Сборник научных статей. – Екатеринбург: Банк культурной информации, 2015. – С.56.

<sup>4</sup> Усупова Н. С. Кыргызстан и Россия: вместе к Великой Победе. – С.213 – 218; Бейсебаев Р.С. Состояние топливно-энергетического сектора и промышленности Кыргызстана в 1941 – 1945 годах: вклад в победу в Великой Отечественной войне. – С.219 – 225 // Вклад регионов Урала и стран Центральной Азии в победу в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 годов. – Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2020.

<sup>5</sup> Сапанов С.Ж., Жумабаева К.С. Казахстан в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 годов. – С. 191 – 198; Гиззатуллин И.Г. Вклад труженников Кустанайской области в Победу. – С. 207 – 212 // Вклад регионов Урала и стран Центральной Азии в победу в Великой Отечественной войне 1941 – 1945 годов. – Челябинск: Издательский центр ЮУрГУ, 2020.

<sup>6</sup> Антуфьев А. А. Уральская промышленность накануне и в годы Великой Отечественной войны. – Екатеринбург: УрО РАН; Институт истории и археологии, 1992. – С.228.

<sup>7</sup> Шамсутдинов Р. Матбуот – муҳим тарихий манба // Водийнома. 2016. №2. – Б. 14 – 18; Ўша муаллиф. Матбуот – муҳим тарихий манба // Водийнома. 2017. №1 (3). – Б. 10 – 23; Ўша муаллиф. Буюк ғалабага чизгилар // Водийнома. 2017. №2 (4). – Б. 12 – 19; Ўша муаллиф. Китобальбомни тайёрлашга оид мулоҳаза ва таклифлар // Водийнома. 2018. №4 (11). – Б. 35 – 52; Ўша муаллиф. Андижон фашизм босқинига қарши кураш йилларида (1941 – 1945)(ҳужжатлар ва материаллар) // Водийнома. 2019. №1 (12). – Б. 30 – 54; Ўша муаллиф. Ўзбекистоннинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳужжат ва материалларда // Водийнома. 2020. №1 (16). – Б. 6 – 13.

<sup>8</sup> Каримов Н. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Уруш қурбонлари // Водийнома. 2019. №2 (13). – Б. 67 – 75.

<sup>9</sup> Равшанов П. Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек ҳарбий матбуоти // Водийнома. 2018. №3 (10). – Б. 96 – 104.

<sup>10</sup> Ҳайитов Ш. Туркистон ҳарбий асирлари тақдири ҳақида // Водийнома. 2019. №1 (12). – Б. 76 – 83.

<sup>11</sup> Ҳожиёв Ш. Ўзбекистон меҳнат армиячилари («Қуролсиз аскарлар»)нинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга доир мулоҳазалар // Водийнома. 2019. №4 (15). – Б. 66 – 72.

<sup>12</sup> Шамсутдинов Р. Ўзбекистонлик «Қуролсиз аскарлар» қисмати: нега уларнинг ғалабага қўшган ҳиссаси ҳамон ўрганилмаган; Ўша муаллиф. «Ғалаба боғи» ҳар бир юртдошимиз учун гурур, ифтихор ва ибрат маскани бўлиши керак // UzA. 20. 02. 2020.

<sup>13</sup> Қаранг: Зиёев Ҳ. Иккинчи жаҳон уруши ва ўзбеклар. Мардлик мактаби. – Тошкент: O'qituvchi, 2019. – Б. 18 – 23.

<sup>14</sup> Қаранг: Тошев Ф. Самарқандлик шерюраклар. Мардлик мактаби. – Тошкент: O'qituvchi, 2019. – Б. 129 – 151.



Жанубий Урал университетидаги халқаро конференция материалларида ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг айрим мақолалари ўрин олган.<sup>1</sup>

Қуйида Андижондан узоқ Амур ўлкасидаги Свободный шаҳридаги меҳнат лагерига сафарбар қилинган меҳнат армиячилари ҳақидаги айрим маълумотлар келтирилмоқда.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1940 йил 4 январдаги буйруғи билан Узоқ Шарқда темир йўллар қурилиши лагери ташкил қилинган. Бутун бир шаҳар СВОБОДЛАГ номини олган. Транссибирь темир йўл магистралининг Амур ҳудудидаги қисми қурилиши Иккинчи жаҳон уруши туфайли 1942 йилга келиб тўхта-тилган. Бироқ меҳнат армиячилари тайёрлаган темир йўл қурилишидаги ноёб қурилмалар (темир йўл кўприклари конструкцияси, мураккаб йўлўтказгич қурилмалари)дан Давлат мудрофаа комитети қарори билан Волгабўйидаги темирйўл қурилишида фойдаланилган.

Шу сабабли 1941 йилда темирйўл магистралининг Байкал Амур магистрალიТиндахудуди битказилиб, Волочаевск – Комсомольск йўналиши қурилган, у кейинчалик Транссибирь магистрალიга боғланиб кетган.

1942 йили темирйўлнинг Известковая – Урал тармоғи, 1943 йилнинг майида эса Комсомольск – Советская Гавань қисми қурилган.

Амур области, айниқса, Свободный шаҳри буюк қурилишлар маркази бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзига хос саноат маскани ва ишлаб чиқариш минтақасига айланган.

Амур области Свободный шаҳрига Ўзбекистондан меҳнат армиясига сафарбар қилинганларни номма-ном аниқлашда республикамизнинг шаҳар ва районларидаги мудрофаа ишлари бўлимлари архив материалларига мурожаат қилишга тўғри келади. Марҳамат тумани мудрофаа ишлари бўлими архивида 1941–1945 йилларда урушга олинганлар рўйхати борлиги аниқланди. Масалан, 1942 йил 24 февралда Амур ўлкасидаги Сво-

бодный шаҳрига Марҳамат райони Қўтарма қишлоқ советидан 1925 йилда туғилган Аширов Тош, 1925 йилда туғилган Абляров Худоёр, 1925 йилда туғилган Омонов Ғани, Қорабағиш қишлоқ советидан 1925 йилда туғилган Абобакир Абдужаббаров, Кулла қишлоқ советидан Айвашев Райим, Қорақўрғон қишлоқ советидан 1925 йилда туғилган Абдурахимов Абдували, Русское селодан 1925 йилда туғилган Аллиев Абдурашид, Ўқчи қишлоқ советидан Абдуллаев Дармон сафарбар этилган.

1941 йил 23 декабрда Марҳамат райони Қорабағиш қишлоқ совети Чапаев колхозидан 1911 йили туғилган Баратов Абдуназар, Қорақўрғон қишлоқ совети пахта пунктдан 1910 йилда туғилган Бекчаев Раҳматжон, Шукурмерган қишлоқ советидан 1922 йилда туғилган Бободадаев Абдулла 8-ўқчи бўлимга жўнатилган.

1943 йил 20 январда 1925 йили туғилган Бадалбоев Абдулжамол, Русское селодан 1925 йилда туғилган Бакиров Жумабой, 1925 йилда туғилган Бўтаев Турдиали Амур темир йўли Свободный шаҳрига сафарбар қилинган.

1929 йилда туғилган Воробьев Пётр Михайлович 1943 йили Полвонтошдан Брянскка, 1929 йилда туғилган Васильев Петрович Полвонтошдан Наринскка, 1945 йилда Шукурмерган қишлоғидан 1931 йилда туғилган Васиев Ҳасан Тбилисига, Қўйлик қишлоқ советидан 1922 йилда туғилган Эргашев Абдуқаҳҳор 1941 йил 23 декабрида ўқчи бўлимига жўнатилган.

Меҳнат армиясига жўнатиш пайтида айрим ҳолларда қонунга хилоф иш тутишлар ҳам бўлганки, улар ҳужжатларда ўз аксини топган. Атигабир мисол келтирамиз: Ленин район партия комитети секретари Нурматов 1943 йил 8 февралда Андижон област партия комитети кадрлар бўлимига йўллаган маъруза хатида Ленин район партия комитети ҳарбий бўлим инструктори, 1940 йилдан партия аъзоси, Ватан уруши ногирони Мирза Исҳоқов 1943 йил 5 февралда ўзининг қариндошини меҳнат фронтга юборишдан сақлаб қолиш учун пора берганликда айблангани қайд этилган.<sup>2</sup>

Бу каби маълумотлар республиканинг бошқа ҳудудлари мудрофаа ишлари бўлимлари архивларида ҳам мавжуд, уларни синчиклаб ўрганмоқ лозим.

<sup>1</sup>Абраров С. А., Холикова Р. Э., Аберкулов Д. Н., Ваисова Н. А. Ратный и трудовой вклад уроженцев Урала и народа Узбекистана. – С. 42 – 54; Саидов И. М. Народное хозяйство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. – С. 171 – 182; Халикова Р. Э., Тиллаходжаева Х. Д. Труженники тыла: Узбекистан – вклад в Победу. – С. 183 – 190; Сулейманова З. М. Вклад деятелей культуры Узбекистана в победу над фашизмом в Великой Отечественной войне. – С. 405 – 412 // Вклад регионов Урала и стран Центральной Азии в победу в Великой Отечественной войне 1941–1945 годов. – Челябинск:Издательский центр ЮУрГУ, 2020. – 498 с.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси архиви Андижон вилоят бўлими. 3-фонд, 5-рўйхат, 409-иш.



# ОЗОД ҚИЛИНГАН ҲУДУДЛАРГА КЎРСАТИЛГАН ЁРДАМ

Андижон район партия комитети бюроси ва район ижроия комитетининг 1943 йил 4 февралдаги қўшма йиғилишида Ставрополь шаҳри (Шимолий Кавказ)га тракторлар, плуглар ва механизатор кадрлар жўнатиш масаласи кўрилган. Андижон 1-сон МТС (машина-трактор станцияси) директори **Назаровга** Шимолий Кавказ – Оржоникидзе ўлкаси пойтахти Ставрополга ер ҳайдовчи 12 трактор, 12 та трактор плуги, 12 нафар тракторчи, 4 нафар бригада механиги, 1 нафар участка механиги юбориш вазифаси топширилган.

Назарбоев зиммасига Ставрополга жўнаб кетаётганларни иссиқ кийим, пойабзал ва пул маблағи билан таъминлаш топширилган. Район савдо бўлими бошлиғи Эшонхўжаевга жўнаб кетаётганларни 20 кунга етарли озиқ-овқат билан таъминлаш вазифаси юклатилган.

МТС директори Назаров, сиёсий бўлим бошлиғи Негматов томонидан Ставрополга хизмат сафарига кетаётганлар рўйхати ҳам тасдиқланган:

**1. Евстифеев Владимир**, рус, партиясиз, уйланган, боласи бор, 1937 йилдан Ўрта Осиёда яшамоқда. **2. Далин Алексей**, рус, партиясиз, сўққабош. **3. Тўхтаматов**, бригадир механиги, ўзбек, партиясиз, уйланган, бир боласи бор, 12 йилдан бери МТСда ишлайди. **4. Тошматов**, ўзбек, партиясиз, уйланган, 5 фарзанднинг отаси, МТСда 12 йилдан бери

ишламоқда. **5. Шокиров М.**, ўзбек, уйланган, 3 фарзанднинг отаси. **6. Раҳимов**, механик ёрдамчиси, ўзбек, бригада механиги, партиясиз, уйланган, 3 фарзанднинг отаси. **7. Злобин**, тракторчи, рус, партиясиз, сўққабош. **8. Қурбонов**, тракторчи, ўзбек, партиясиз, оилали, 2 фарзанднинг отаси, МТСда 12 йилдан бери ишлайди. **9. Матмусаев**, рус, партиясиз, сўққабош, МТСда 12 йилдан бери ишлайди. **10. У. Кучимов**, ўзбек, сўққабош, 12 йилдан бери МТСда ишлайди. **11. Раҳимов Т.**, тракторчи, сўққабош, ўзбек, МТСда 5 йилдан бери ишлайди. **12. Қурбонов**, тракторчи, ўзбек, оилали, 2 фарзанднинг отаси. **13. Мирзаев**, ўзбек, тракторчи, уйланган, 2 фарзанди бор, МТСда 10 йилдан бери ишлайди. **14. Тўрақулов М.**, тракторчи, ўзбек, партиясиз, уйланган. **14. Ҳошимов**, тракторчи, ўзбек, уйланган, 2 фарзанднинг отаси. **15. Тўрахўжаев А.**, ўзбек, тракторчи, оилали, 3 фарзанднинг отаси, 8 йилдан бери МТСда ишлайди. **16. Абдуллаев**, тракторчи, ўзбек, оилали, 1 фарзанди бор, 12 йилдан бери МТСда ишлайди. **17. Бўронов**, тракторчи, ўзбек, сўққабош, МТСда 7 йилдан бери ишлайди.<sup>1</sup>

Меҳнаткашлар депутатлари Андижон район совети ижроия комитетининг 1943 йил

<sup>1</sup> Андижон вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси Олтинқул давлат архиви, Андижон район ижроия комитети фонди, 1-рўйхат, 32-жилд, 10-варақ олди ва орқаси.



27 январдаги йиғилишида ижроқўм раиси Холиқов «**Фарҳод канали қурилишида фронтга ишлаб берилган планни ортиғи билан бажарган канал қатнашчиларини мукофотлаш ҳақида**»ги масала бўйича ахборот берган. Баённомада шундай дейилган:

Ҳал қилинди:

1. Ватанда уруш шиддатли давом этаётган бир пайтда зўр сиёсий ва мудрофаа аҳамиятига эга бўлган Фарҳод каналида фронтча тез суръат билан ишлаб берган, планни ортиғи билан бажарган бригада, звено ва алоҳида кишиларни мукофотлаш учун район кўчма қизил байроғи ташкил қилинсин.

2. Райсовет ҳисобидаги пилла тайёрлаш планининг бажарилиши юзасидан 2,5% ўтказиладиган мукофот фонди пули ҳисобидан 5000 сўм олиниб, Фарҳод канали қурилиши илғорларини мукофотлашга ажратилсин ва сарфлашга рухсат этилсин.

3. Мукофотлаш қўйидагича белгилансин:

а) Фарҳод каналида биринчиликни олган бригадалар учун районнинг кўчма байроғи, 1000 сўм пул, бир қўй ва 30 килограмм гуруч бериш лозим топилсин;

б) Фарҳод каналида иккинчиликни олган бригадалар учун бир қўй ва 1000 сўм берилсин;

в) Фарҳод каналида учинчиликни олган бригадалар учун бир қўй топширилсин.

4. Фарҳод канали қурилишида партия ва ҳукумат топшириғини виждонан, фронтча бажарган бригада, звено ва алоҳида ўртоқларни каналнинг ўзида мукофотлаш учун колхозларнинг мукофот фондидан мукофот ажратилсин. Буни ижро этиш колхоз ва сельсовет раисларига юклатилсин.

5. Мукофот учун пиллачилик мукофот фондидан ажритилган 500 сўм пулни банкдан олиш вазифаси ўртоқ М.П.Келеманга топширилсин.

Райсовет раиси **Холиқов**  
Секретарь **Ботиров**<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Андижон вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси Олтинқул давлат архиви, Андижон район ижроия комитети фонди, 1-рўйхат, 32-жилд, 15-варақ.



# ЖАНГГОҲЛАРДАН СОҒ-САЛОМАТ ЮРТИГА ҚАЙТГАНЛАР

Алишер Мамажонов

**1. Абдуллаев Абдуллазиз** – 1911 йили Сталин райони «Ўзбекистон» колхози Бек бочча қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 4-синф, партиясиз, 1939 – 1941 йилларда Сталин районида област резина саноати бирлашмасига қарашли «Победа» артели раиси. 1941 йили Сталин районида армияга олинган, Сталинград frontiда хизмат қилган, ҳарбий лавозими сержант, 1944 йили жангда осколка тегиб чап оёғидан ярадор бўлган.

1944 йили 411-полк 109-дивизия фронтдаги хизматлари учун 2 марта «Жасурлиги учун» медали билан мукофотлаган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишган. Област резина саноати бирлашмасига қарашли Сталин райони «Маданият» артели раиси лавозимида ишлаган.<sup>1</sup>

**2. Абдуллаев Турғун** – 1924 йил 15 декабрда Балиқчи районидаги Чинобод қишлоғида колхозчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 10-синф, партиясиз. 1940 – 1942 йилларда Қўштепа қишлоқ совети ҳудудидаги 3-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1942 – 1943 йилларда Москва шаҳридаги 197-полк Ички ишлар вазирлиги чегара қўшинлари қисмида, 1943 – 1944 йилларда Москва шаҳридаги 174-полк Ички

ишлар вазирлиги қўшинлари қисмида, 1944 йили Архангельск шаҳридаги 172-полк Ички ишлар вазирлиги қўшинлари қисмида, 1944 – 1945 йилларда Ички ишлар вазирлигининг 220-полк 3-Болтиқбуи чегара қўшинлари қисмида, 1945 – 1948 йилларда Курилл шаҳридаги 114-Ички ишлар вазирлиги соқчи отряди қўшинлари қисмида, 1948 – 1949 йилларда 116-Ички ишлар вазирлиги соқчи отряди қисмида радиотелеграфчи бўлиб хизмат қилган, 1945 йил 6 сентябрда бандитларга қарши курашда ярадор бўлган. 1949 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишган, 1949 йилда Чинобод район ижроия қўмитаси статистика бошқармасида катта статист лавозимида ишлаган.

1946 йил 6 июнда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1948 йил 2 июнда «Варшавани озод қилганлик учун» медали, 1949 йил 12 декабрда «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медали билан мукофотланган.

**3. Абдураҳмонов Нурмат** – 1924 йили Ворошилов районидаги Қўрғонтепа қишлоқ совети Бўйдоқ қишлоғида камбағал оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тугалланмаган ўрта, партиясиз. 1941 – 1942 йилларда Қўрғонтепа қишлоқ совети ҳудудидаги Молотов ном-

<sup>1</sup> Андижон вилояти давлат архиви. 608-фонд, 1<sup>а</sup>-рўйхат, 78-иш, 1 – 3-варақлар. Бундан кейинги маълумотлар ҳам шу архив фондидан олинган. Шу боис ҳар бир ҳужжатнинг асосини келтириш унчалик аҳамиятли эмас.



ли мактабда котиб ва ўқитувчи бўлган. 1942 йил сентябрда Ворошилов районидан армияга олинган. 1942 – 1949 йилларда СССР Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисмида хизмат қилган. 1944 – 1949 йилларда Сахалин области Шимолий Курил районидан Ички

ишлар вазирлиги қошидаги 109-чегара полк ўқчи бўлими командири, 3-Белорус fronti бўлим командири, 1949 йил июнда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1949 йил 1 августда Ойим район ижроия комитетида кадрлар бўлими бошлиғи лавозимига тайинланган.

«1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1945 йил 19 июнда «Кенигсбергни озод қилганлиги учун» медали, 1948 йил 23 февралда «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медали билан мукофотланган.



**4. Абдураҳмонов Ёқуб** – 1908 йили Олтинкўл райони Далварзин қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, 1944 йил сентябрдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Яккабоғ район ижроия кўмитаси масъул коти-

би, 1941 йили Олтинкўл районидан армияга олинган. 1941 – 1943 йилларда Шимоли-Ғарбий 5-авиадесант fronti дивизиясида рота командири ва 101-кавалерия дивизия эскадрони командири, 1943 йили ярадор бўлган ва ҳарбий хизматдан бўшатирилган, Олтинкўл район ижроия кўмитаси масъул котиби бўлиб ишлаган.

Жанглардаги жасорати ва фронтда яхши командирлик қилгани учун 2-даражали «Ватан уруши» ордени, «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали, 1946 йилда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йилларда Улуғ Ватан урушидаги

шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

**5. Агаев Казум Бабоевич** – 1905 йил 1 майда Баку губернияси Шамакин уездида хизматчи оиласида туғилган, озарбайжон, маълумоти мустақил саводини оширган, партиясиз, Избоскан район совети алоҳида ишлар бўлими раиси лавозимида ишлаган, 1942 йили Пахтаобод районидан армияга олинган, 1942 – 1946 йилларда 1-Украина frontiда взвод командири, 1945 йил 1 – 12 январь кунлари Польшанинг Колбашев шаҳрини фашистлардан озод қилишда қатнашган, 1945 йил 6 майда ярадор бўлган, 1946 йил 30 августда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1946 йил 22 декабрдан Пахтаобод район ижроия кўмитаси кадрлар бўлими мудири лавозимида ишлаган.

1944 йил 3 сентябрда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Жанговар хизматлари учун» медали, 1945 йил 25 майда 120-ўқчи дивизия тавсияси билан «Қизил Юлдуз» ордени, 1945 йил 12 сентябрда СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган.

**6. Аҳмедов Тоштанбой** – 1920 йили Балиқчи районидан камбағал оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта. 1943 йил ноябрдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1940 йилларда Балиқчи районидан «Коммуна» колхозидан ишлаган. 1940 йили армияга олинган, 1940 – 1946 йилларда дала полкида оддий аскар, 1943 – 1944 йилларда уч маротаба енгил ярадор бўлган, 1943 йилда ҳарбий қисм командири тавсияси билан «Жасурлиги учун» («За отвагу») медали, жанговар топшириқни бажаргани учун 1944 йилда 2-даражали «Ватан уруши» ордени, 1944 йилда «Москва мудофааси учун» медали билан мукофотланган. 1946 йил январда ҳарбий хизматдан бўшатирилган.

**7. Азизов Тўхтасин** – 1912 йили Сталин райони Бувайда қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти олий, 1943 йил ноябрдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Сталин районидан Сталин номли қишлоқ совети «Социализм» колхозидан мак-




таб ўқитувчиси ва директори, 1941 йили Сталин районидан армияга олинган, 1941 – 1943 йилларда 120-Москва-Ростов фронти дивизиясида миномётчи, ярадор бўлган ва 1943 йили ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1943–1947 йилларда Сталин район ижроия қўмитаси қишлоқ хўжалиги бўлими мудир бўлиб ишлаган.

1946 йил 1 мартда «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медали билан мукофотланган.

**8. Араббоев Болтавой** – 1902 йили Балиқчи райони Чинобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич, партиясиз. 1940 – 1941 йилларда Балиқчи райони Чинобод машина-трактор станцияси тракторчиси бўлиб ишлаган. 1941 йили армияга олинган, кичик сержант, зенитчи бўлган. 1943 – 1944 йилларда уч маротаба енгил ярадор бўлган. 1945 йил августда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. Урушдан қайтгач, район коммунал хўжалиги бўлими мудир лавозимида ишлаган.

СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан «Ленинград муҳофаази учун» медали, «Жанговар хизматлари учун», «Жасурлиги учун», «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан мукофотланган.

**9. Орзиев Алижон** – 1912 йили Пахтабод қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти бошланғич, партиясиз. 1937–1942 йилларда Андижон шаҳридаги 1-ички ишлар бўлимида милиция ходими, 1942 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1942 – 1945 йилларда Белорус, Киев, Одесса ва Узоқ Шарқ фронтларида оддий жангчи бўлган. 1945 йил августда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. Андижон шаҳрида Пахтасаноат транспорт ҳайдовчиси вазифасида ишлаган.



**10. Асриддинов Ҳамид** – 1919 йили Ленин райони Кужган қишлоғида ўрта ҳол деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз олий, партиясиз. Санд қишлоқ совети ҳудудидаги 21-мактабда ўқитув-

чи бўлиб ишлаган. 1942 йили Ленин районидан армияга олинган, оддий аскар, 1942 – 1945 йилларда 1- ва 2-Украина фронтида ҳаракатдаги 40-армия 112-алоҳида ВНОС ротасида алоқачи бўлган, 1942 йили Воронеж шаҳри учун бўлган жангларда енгил ярадор бўлган, 1944 – 1945 йилларда Руминия, Венгрия, Чехославакия, Польша учун жангларда иштирок этган. 1945 йили ҳарбий хизматдан бўшатирилган, Ленин районидаги 21-сон 7 йиллик мактабда ўқитувчи ва мактаб директори бўлиб ишлаган.

**11. Аҳмедов Мамадали**

– 1910 йил 16 январда Чинобод райони Хўжабод қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, тўлиқсиз ўрта маълумотли, 1944 йил январдан ВКП(б) аъзоси, 1932 – 1942 йилларда Балиқчи район халқ маорифи бўлимида мактаб ўқитувчиси ва директори, халқ маорифи бўлими мудир, 1942 йили армияга олинган, 1942 – 1946 йилларда Ўш шаҳрида сиёсий бўлим раҳбарлари тайёрлаш мактабида ўқиган, Фарғона шаҳар лекторлар полки сиёсий бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳридаги умумқўшин ҳарбий билим юртида ўқиб, пиёда қўшинлар командири сифатида тайёрланган, 259-полкда взвод командири бўлган, Украина, Молдавия, Руминия, Болгарияда фашизмга қарши урушда қатнашган. 1946 январда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. Балиқчи район мактабларида ўқитувчи ва халқ маорифи бўлими мудир бўлиб ишлаган.



**12. Султонов Толиб**

**Содиқович** – 1925 йил 28 мартда Холдавонбек қишлоғида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, партиясиз, 1943 йили Сталин районидан армияга олинган. 1943 – 1950 йилларда 106-артиллерия полки сержанти, разведка бўлими коман-





дири, 1944 йили енгил ярадор бўлиб контузия олган, қўмондонликнинг 1945 йил 10 апрелдаги 59-рақамли буйруғи билан «Жасурлиги учун» («За отвагу»), 1945 йил 15 декабрда Вена шаҳрини штурм қилишдаги иштироки учун «Венани озод қилганлик учун» медали, «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», 1947 йил 22 февралда «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медаллари билан мукофотланган. 1950 йил 28 январда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. Холдеванбек райони жроия қўмитаси спорт бўлими раисилавозимида ишлаган.

**13. Тошмухамедов Асқарали** – 1906 йил 28 мартда Тошкент шаҳри Киров райони Саксат маҳалласида батрак оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, 1938 – 1941 йилларда Избоскан район ижроия қўмитаси халқ хўжалиги ҳисоби инспекциясида участка инспектори, 1942 йили Избоскан районидан армияга олинган. 1942 – 1945 йилларда 285-кавалерия полкида оддий аскар, омбор мудири, алоқачи, мирзалик (писарлик) қилган, 1945 йил январда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1945 йил 19 декабрдан Избоскан район ижроия қўмитаси статистика бошқармаси инспектори лавозимида ишлаган.

**14. Сотиболдиев Шерали** – 1905 йили Марҳамат райони Қўшчи қишлоғида камбағал оилада туғилган, ўзбек, маълумоти 3-синф, партиясиз, 1939 – 1940 йилларда «Энгельс» колхозида ҳосилот, 1943 йили Марҳамат районидан армияга олинган. 1943 – 1946 йилларда Ғарбий Украина фронтда бўлган, оддий аскар, 1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. Марҳамат районидаги «Энгельс» колхозида ҳосилот, бригадир, Қўшчи қишлоқ совети раиси лавозимида ишлаган.



**15. Бойченко Иван Антонович** – 1902 йили Марҳамат райони Русское селода деҳқон оиласида туғилган, рус, маълумоти 5-синф, партиясиз, 1938 – 1941 йилларда Марҳамат район ижроия қўмитаси масъул

котиби, катта инспектори, раис ўринбосари, савдо инспектори, 1941 йили Марҳамат районидан армияга олинган. 1941 – 1943 йилларда фронтда катта сержант, взвод командири, 1942 йили Ржев шаҳрини фашистлардан озод қилишда ярадор бўлган, 2-гуруҳ ногирони. 1943 йилда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1943 йилдан Марҳамат район ҳарбий комиссарлиги 2-қисм алоҳида хўжалик ишлари бўлими бошлиғи, район ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган.

**16. Абдуллаев Ғулломжон** – 1905 йил 15



мартда Андижон шаҳрида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, партиясиз, 1934 – 1942 йилларда Қорақалпоқ қишлоқ советидаги тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиган. 1942 йили Андижон районидан армияга олинган. 1942 – 1950 йилларда Хабаровск ўлкаси 2-Амур ҳарбий-денгиз флотидида катта матрос бўлган. 1945 йили 2-Амур ҳарбий-денгиз флоти қўмондонлигининг тавсиясига кўра «1941 – 1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун», 1948 йилда «Совет Армияси ва Флотининг 30 йиллиги» медаллари билан мукофотланган.

1950 йилда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1950 йилдан Андижон район Ёрбоши қишлоқ совети ижроия қўмитаси котиби лавозимида ишлаган.

**17. Темиров Қўзибой** – 1917 йили Хўжаобод районида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 7-синф, 1949 йил февралдан ВКП(б) аъзоси, 1934 – 1939 йилларда «Коммуна» қишлоқ совети котиби бўлган. 1940 йили Хўжаобод районидан армияга олинган. 1940–1945 йилларда 2- ва 3-Украина фронтларида оддий аскар, ярадор бўлган, 2-гуруҳ ногирони. 1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатирилган. 1945 йилдан Хўжаобод районидаги вино тайёрлов пункти агенти, кейинчалик «Коммуна» қишлоқ совети котиби лавозимида ишлаган.



**18. Тешабоев Муҳаммадғози** – 1910 йили Асаканинг Дўнг қишлоғида ишчи оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, партиясиз, 1938 – 1942 йилларда Ленин районидаги 17-мактабда ўқитувчи, 1942 йили Ленин районидаги армияга олинган. 1942 – 1944 йилларда

2-Украина frontiда оддий аскар, 1943 йил сентябрда бошидан ярадор бўлиб, контузия олган, 2-гурӯҳ ногирони. 1944 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишган. 1944 йилдан Ленин район молия бўлимида инспектор лавозимида ишлаган.

**19. Торпишев Абдулло Хайруллоевич** – 1899 йил 25 октябрда Пенза губернаси Краснослобод уезди Усть-Рахмон волости Татар-Юнка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 7-синф, партиясиз. 1925 – 1941 йилларда Андижон шаҳар ҳарбий комиссарлигида таржимон, молия бўлими инспектори, 1941 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1941 – 1943 йилларда 793-ўқчи полкида оддий аскар, 1943 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишган. 1944 йилдан Жалолқудуқ район молия бўлимида назоратчи ревизор лавозимида ишлаган.

**20. Тўхтасинов Маҳмуд** – 1914 йили Андижон шаҳар Кенгаш маҳалласи 36-уйда ҳунарманд оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз олий, 1951 йил февралдан ВКП(б) аъзоси, 1940 – 1941 йилларда Андижон шаҳридаги бир йиллик ўқитувчилар тайёрлаш институтида ўқиб, Пахтаобод районидаги 20-мактабда тил-адабиёт ўқитувчиси бўлган. 1942 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1942 – 1943 йилларда 1196-ўқчи полки 350-ўқчи дивизиясида оддий аскар, миномётчи бўлган. 1942 йили қўли ва оёғига граната парчаси тегиб оғир ярадор бўлган ва 1943 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишган. 1943 йилдан вилоят кинофикация бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган.

**21. Турғунов Абдулла** – 1912 йили Шаҳрихоннинг Сулаймончек маҳалласида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти

7-синф, 1945 йил мартдан ВКП(б) аъзоси, 1939 – 1941 йилларда Сталин район молия бўлимида бош солиқ инспектори бўлган. 1941 йили Сталин районидаги армияга олинган. 1941 – 1944 йилларда 1-Украина frontiда взвод командири ёрдамчиси бўлган, 1944 йилда ҳарбий хизматдан бўшатишган. 1944 йилдан Сталин район молия бўлимида бош солиқ инспектори лавозимида ишлаган.

**22. Турғунов Ғанижон** – 1919 йили Андижон шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тугалланмаган ўрта, партиясиз, 1939 йили Андижон шаҳридан армияга олинган. 1939 – 1942 йилларда Бесарабия ва Руминия ҳудудларидаги жангларда қатнашган. 1942 йили бошидан ярадор бўлиб, ҳарбий хизматдан бўшатишган. 1942 – 1944 йилларда Фарҳод қурилишининг Андижон областидаги ёрдамчи хўжалиги директори лавозимида ишлаган.



**23. Турсунов Жўравой** – 1912 йили Андижон районидаги Хирабек қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти 5-синф, партиясиз. 1932 – 1942 йилларда Андижон район МТСда тракторчи, 1941 йили армияга олинган, 1942 – 1943 йилларда Калинин frontiда бўлган. 1943 йили ҳарбий хизматдан бўшатишган. 1943 – 1944 йилларда Андижон районидаги Сталин номли колхозда партия ташкилоти котиби вазифасида ишлаган.

**24. Ўлмасов Эргаш** – 1912 йили Избоскан райони Туячи қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган, ўзбек, маълумоти тўлиқсиз ўрта, 8-синф, 1945 йил мартдан ВКП(б) аъзоси, 1939–1942 йилларда Сталин номли колхозда ишлаган, 1942 йили Избоскан районидаги армияга олинган. 1942 – 1945 йилларда 142-танкка қарши қирувчи артиллерия полкида сержант, Вена, Прага, Будапешт ҳудудларида фашистларга қарши урушда иштирок этган.

*Мақоланинг давоми келгуси сонда*



# «ЎЗБЕК ИШИ»

## ҚУРБОНЛАРИ

«Водийнома» журналининг 2020 йил 1-сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Абдусамад Полвонзоданинг «Пахта ишлари қандай вужудга келган эди?» номли мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада илгари сурилган фикр-ғоялар, келтирилган амалий далил ва ашёлар, ҳужжатлар ўқувчида жуда катта таассурот қолдирди. Таҳририятга кўп жойлардан қўнғироқ қилиниб, мақолага ижобий баҳо берилди, «Пахта иши», «Ўзбек иши», «Гдян ва Ивановлар иши» мавзуси бўйича суҳбатларни давом эттириш истагини билдиришди. Қуйида таниқли ҳуқуқшунос Абдусамад Полвонзоданинг ноёб архивида сақланиб қолган, ноҳақдан қатағон қилиниб, кейин оқланганлардан Турсунхон Умаров, Ислон Сатторов, Анвар Мадаминов, Шамси Раҳимов қисмати ҳақидаги ҳужжатларнинг аслини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиб бермоқдамиз. Андижондаги «Мерос» халқаро илмий-амалий эскпедиция жамоат фонди ташкил топган 2001 йилдан буён совет тузумининг Туркистонда, Ўзбекистонда юргизган қатағон сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари ўрганилиб, улар ҳақида илмий мақолалар, ҳужжатлар ва материаллар тўплами, монографик тадқиқотлар эълон қилиб келинмоқда. Шу боис мана шу мавзу бўйича фуқароларимиз бисотида мавжуд бўлган ҳужжатлар, материаллар, расмлар, фотосуратлар, видеоматериаллар, эсдаликларни фондимиз бажонидил қабул қилади ва уларни оммалаштириш, тарих мулкига айлантиришни ўз вазифаси деб билади. Марҳамат, мурожаат қилинглр!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети собиқ иш юритувчиси Умаров Турсунхоннинг жиноят ишини кўриб чиқаётган Туркманистон ССР Олий суди Суд коллегияси раисига

1989 йилнинг 26 октябрь куни менга, яъни Сатторов Ислон Ғаффоровичга Турсунхон Умаров иши бўйича кўрсатма бериш учун чақиртирилганимни маълум қилишди.

Менинг ёшим 66 да. Оғир касалман. Шишни олиб ташлаш учун операцияга тайёрлашяпти. Операция қандай яқунланиши номаълум... Та-

биатан оптимист бўлсам ҳам, мана, икки ойдирки юрак ишемик касаллиги, гипертония, стенокардия, ошқозон яраси, буйракларнинг шамоллаши, остеохондрознинг кучайиши, ревматизм, радикулит сингари ўнлаб касалликлар мени ётқизиб қўйди ва улардан қачон тузалишимни билмайман.

Ушбу маълумотларга асосан Сиздан мазкур аризамни Олийсудга менинг Ўзбекистон Ком-





Айбланувчи Турсунхон Умаров  
терговда

партияси Марказий Комитети собиқ иш бошқарувчиси Умаров Турсунхоннинг иши бўйича расмий ва ишончли кўрсатмам деб ҳисоблашингизни қатъиян сўрайман.

Мен – Сатторов Ислон Ғаффорович 1924 йилда туғилганман, миллатим тожик, 1943 йилдан буён КПСС аъзосиман, нафақага чиққандан сўнг Тошкентдаги электротехника заводида ишлаганман.

Судланувчи Умаров Турусунхонни тахминан 1978 – 1979 йиллардан буён танийман. Уни танишим тасодифий аҳамиятга эга. Тошкент аэропортида хизмат вазифамни бажариш пайтида олий мартабали партия ва давлат делегацияларини кутиб олиш ва кузатиш жараёнларида баъзан кўришганмиз. Мен юксак мартабали меҳмонларни қўриқлаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш билан шуғулланганман, Умаров эса бошқа муҳим вазифаларни бажарган, ушбу жараёнларда хизмат юзасидан у билан тўқнаш келмаганмиз.

Умаров Турсунхонга нисбатан душманлик кайфиятини ҳис қилмаганман, сабаби, Умаров Турсунхон билан шахсий ҳам, хизмат юзасидан ҳам алоқада бўлмаганман.

Олий судга маълум қилаётганларимнинг барчаси ишонарли ва объектив ҳақиқат, буларнинг барчаси ноқонуний қамалганимдан кейин мен билан рўй берган ва мантиққа ўта зид бўлган аччиқ фожиадир.

Мен Олий судга қатъий баёнот бераман:

**Биринчиси** – мен Умаровга ҳеч қачон ҳеч қандай пора бермаганман.

**Иккинчиси** – мен ҳам, Умаров ҳам шахсан ва хизмат юзасидан бир-биримизга тобе (боғлиқ) бўлмаганмиз.

**Учинчиси** – мен ҳам, Умаров ҳам шахсан ва кимнингдир топшириғи билан қандайдир молиявий масалалар бўйича бир-биримизга мурожаат этмаганмиз. Бизнинг лавозимимиз, бажараётган вазифамиз даражасида бундай

масалаларни кўтариш мумкин эмасди ва улар кўтарилмаган ҳам.

Ниҳоят, тергов органларининг Умаров томонидан Сатторовга «хизматда қўллаб-қувватлаш, ҳимоясига олиш, министр билан алоқа ўрнатишда ёрдам кўрсатиш» ҳақидаги даъволари, юмшоқ қилиб айтганда, терговчилар Гдлян ва Иванов, уларнинг ҳимоячилари Каракозов ва Чижук ҳамда қўл остидагилари томонидан ёвуз, карьеристик ва сиёсий мақсадлар йўлида ўйлаб топилганва маълум мақсадларга йўналтирилган ёлғон ва бўҳтондан иборат.

Таърибали юристларни қўйиб турайлик, ҳатто менга тегишли бўлган ва сохталаштирилган «иш»нинг тўртала жилди материаллари билан танишган ҳар қандай бетараф инсон шахсий, айниқса, милициядаги хизмат вазифамни бажариш пайтида Умаровнинг ёрдамига, унинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлмаганимни дарров аниқлаб олиши мумкин.

Ўйлаб кўринг, граждандар судьялар! Менга – 40 календарь йилдан ортиқ вақт давомида совет армияси сафида, ИИБ қўшинлари ва органларида хизмат қилган, 1974 йилдан бошлаб деярли ўн йил мобайнида Тошкент шаҳар партия қўмитасининг Пленум аъзоси ва Бюро аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, 1974 йилдан бошлаб Тошкент шаҳар кенгаши депутати, СССР Ички ишлар вазирлигининг хизмат кўрсатган ходими, Қозоғистон ССР ҳунар-техника таълимининг хизмат кўрсатган ходими, 1943 йилдан бери СССРнинг жанговар ва энг юқори орден ва медаллари, жумладан, «Қизил Юлдуз», «Ленин» орденлари билан тақдирланган, ВЛКСМ МК, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР ҳукуматининг кўплаб мукофотлари билан тақдирланган, бенуқсон хизмат қилган, жумладан, 30 йилдан ортиқ вақт давомида Ўзбекистондан ташқарида, жумладан, 1943 йилда «Максим»да оддий пулемётчиликдан бошланган жанговар ҳаракатлар, урушдан сўнг Россияда – Олтой конларида, Чукоткада, Узоқ Шимолда, Қозоғистонда, шундан сўнг 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида 1943 йилдан қамоққа олингунга қадар (26.08.85 й.) КПСС сафида фаол ҳаракат қилган инсонга хизматим охирида, ҳаётим ниҳоясида



гуруримга, инсоний қадриятимга гард юқтиришнима учун керак?

Суддан яна бир ҳолатни ҳисобга олишини сўрайман.

Юқорида айтилган уйдирма айбловларга қадар мен алоҳида хизматларим учун дам олишга чиқиш ҳақида рапорт берганман. Алоҳида хизматларим 25 йил ўрнига 46 йилни ташкил қилади (ҳарбий йиллар ҳамда Узоқ Шимол ва Шарқдаги хизматлар ҳисобланганда). Шунингдек, ўн йилга яқин генерал унвонида, ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаганман. Шуларнинг ҳисобига менга энг юқори генераллик нафақаси ва тинч ҳаёт таъминланиши керак эди. Бироқ: «Сен коммунистсан, ишлашинг керак!» – дейишди ва мен ишлашни давом эттирдим...

Йўқ, муҳтарам судьялар! Мен ўзимнинг партиявий принципларимдан чекинганим йўқ. Хизматим давомида Умаровнинг ёрдамига, унинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлмаганман. Мен Умаровга ҳеч қачон ҳеч қандай пул бермаганман. Бундай жиноятни амалга оширмаганман. Умаровнинг айбловида қайд этилган воқеалар бўлмаган.

Мен ишонаман, ҳозир ҳам ийманим комилки, бугун бўлмаса, эртага, тириклигимда бўлмаса, ўлимимдан сўнг ҳақиқат қарор топади. Сиёсий авантюристар Гдлян ва Иванов, уларнинг ҳомийлари томонидан ўйлаб топилган айблар, бўҳтонлар мендан ювиб ташланади. Умаров билан боғлиқ бўлган ва ҳозир олиб борилаётган суд-терговнинг асоси ҳисобланган тугуриқсиз айбловлар ҳам ювилади.

Ҳурматли граждaн судьялар!

Ушбу жараён қатнашчиларида, суд залида иштирок этаётган барча инсонларда мен бераётган кўрсатмаларимнинг самимий ва ҳаққоний эканлигига, айбсиз эканлигимга, Умаров ва мен билан боғлиқ жиноий ҳаракатнинг йўқлигига ҳеч қандай шубҳа қолмаслиги учун барча фуқаролик маъсулиятини ўз зиммамга олиб шуни маълум қиламан: 20. 09. 1985 йилги аризам, 21. 09. 1985, 11. 04. 1986, 9. 06. ва 11. 09. 1987 йилги гувоҳлик кўрсатмаларим, шу жумладан, магнит тасмасига ёзиб олинган 22. 06. 1987 йил-

ги ҳамда Москва област суди суд коллегиясидаги гувоҳлик кўрсатмалари тергов фойдасига, Гдлян, Иванов, Каракозов ва бошқаларнинг гўёки Умаровга «5 минг сўм берганим» ҳақидаги «чин кўнгилдан берган кўрсатмаларим» ва гўёки Умаров «банк ўрамасидаги икки пачка 10 минг сўмолганлиги ҳақидаги кўрсатмалари Гдлян, Иванов, уларнинг ҳомийлари Каракозов, Чижук, уларнинг қўл остида бўлган Тишченко, Метвак, Власов ва бошқалар томонидан ўтказилган мажбурий тергов жараёнида ўйлаб топилган ёлғон ва уйдирмалардан бошқа нарса эмас.

«Чин кўнгилдан берилган ушбу кўрсатмалар» ҳақиқатга тўғри келмайди, улар узоқ вақт ва шафқатсиз тарзда ўтказилган руҳий босим, жисмоний зўравонлик, терговнинг рухсат этилмаган усуллари қўллаш: провокация, айбланувчиларни бир-бирига қарши қилиб қўйиш, бошқа бир айбланувчининг у ҳақда «чин кўнгилдан кўрсатма бергани» ҳақидаги сохта протоколларни тақдим этиш, таҳдид, ёлғон ваъдалар бериш, кўндириш орқали мажбурлаб олинган.

Ҳурматли граждaн судьялар!

Судга СССР прокуратураси тергов гуруҳи раҳбарларининг тергов жараёнида амалга оширган қонунбузарлиги, ўйлаб топган турли уйдирмалари, ҳийла-найранглари, ўзбошимчаликлари ҳақидаги кўплаб фактлар тўғрисида маълум қилиб қўйишни ўз бурчим деб биламан ва буни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Гдлян, Иванов, Каракозов ва уларнинг қўл остидагилар (афсуски, уларнинг қўл остида чекланмаган ҳокимият мавжуд) терговда, ҳатто суд жараёнларида нима хоҳлашса, шуни қилишди.

Гдлян ва Ивановнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари, ўзбошимчалиги ҳақида бугун бутун мамлакат билгани учун эмас, балки Гдлян, Иванов, Каракозов, Чижук, Литвак, Тишченко, Вафин, Музалевский, Герастевич томонидан менинг ишимни тергов қилиш жараёнида қўлланган ноқонуний хатти-ҳаракатларни, терговнинг ман этилган услубларини деярли уч йил мобайнида шахсан бошдан кечирганим учун ёзяман.



Гдлян таҳдид ва ҳақоратлар билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, партиянинг Тошкент област ва шаҳар қўмиталари, Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги раҳбар ходимларининг бутун бир гуруҳига, шунингдек, ўша пайтда тирик бўлган генераллар Елисов, Чурбанов, Заботин, Мельник, Дроздецкий, Яхёев, Кривенцов, Ибрагимов, Султонов, партия ва совет раҳбар ходимлари Усмонхўжаев, Осётров, Салимов, Орлов, Абдуллаева, Мусахонов, Архангелский, қамоққа олинган Т.Умаров, Кретов, У.У.Умаров, Дудин, Козимов, Саркисов, Бекмирзаев, Шораҳмедов, Юсупов, ҳатто марҳум Шелоков, Эргашев, Давидов ва бошқаларнинг «исталган бирига қасддан ёлғон кўрсатма бериш»ни талаб қилиб, бошимга муштлади.

Ниҳоят, Гдлян ва Иванов «ишончимга кириб», менга енгиллик беришни ваъда қилган ҳолда КПСС МК маъмурий органлар бўлими мудири Савинкин ва унинг собиқ ўринбосари, ўша пайтда СССР Ички ишлар вазирлигида ишлаётган Гладишевга қарши кўрсатмалар беришга кўндирмоқчи бўлишди. Бунинг учун Гдлян ва Иванов ташкилотни «ўрганиш» пайтида Савинкин ва Гладишев шаҳар партия комитети, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишига ижобий баҳо беришганини, бу ҳақда «Правда» ва «Известия» газеталарида ёзилганини «исботламоқчи» бўлишди. Гдлян ва Ивановнинг марказий ва республика партия, совет органлари ходимлари ҳақида айтган беадаб сўзлари кишини ажаблантиради.

Мен Гдлян ва Ивановнинг гапига кирмай, улар хоҳлаётган кўрсатмаларни беришдан бош тортганимда улар ўзлари яхши кўрган усулдан фойдаланиб бақира кетишди: «Биз сени чувалчангдек янчиб ташлаймиз, бутун авлод-аждодингни қамаймиз, йўқ қиламиз...»

Бутун фалокат шундаки, Гдлян ва Иванов мени руҳан чўктириш учун фақат таҳдид қилибгина қолмай, уларни реал амалга оширишди ҳам. Терговда, берган аризаларимда Умаровга ҳам, бошқа бировларга ҳам пора бермаганимни кўп бор такрорлаганман. 1986

йилнинг январь – февралда СССР бош прокурори А.М.Рекунков номига юборган шикоят хатимда Гдлян ва Ивановнинг менга нисбатан ўтказган ноқонуний хатти-ҳаракатлари, зулми ҳақида ёзган эдим. Шу заҳотиёқ қарши зарбага учрадим. 1986 йилнинг 6 мартда Гдлян ва Ивановнинг топшириғига асосан провокация йўли билан жияним, транспорт милицияси тергов бўлими инспектори Сатторов Талат қамоққа олинди. Деярли 3 йил қамоқда сақлангач, унга қарши кўзғатилган иш тугатилиб, оқланди.

Гдлян ва Ивановнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида КПСС XXVII съездига ҳам шикоят хати билан мурожаат қилдим. Бунга жавобан турмуш ўртоғимни, ўғилларимни терговма-тергов судрашди, такроран ноқонуний тинтувлар ўтказишди, уларни қамоққа олиш, ишдан бўшатиш билан кўрқитишди.

Мен Умаров ҳақида ёлғон кўрсатма беришдан бош тортдим, ҳибсда бўлган Салоҳиддинов, Қахрамонов, Бегельман, Яхёев, шунингдек, Рихсиев, Шариповнингмен ҳақимдаги кўрсатмаларини тасдиқламадим. Бунга жавобан Гдлян ва Иванов Самарқанддан Тошкентга ака-укаларим – коммунистлар Сатторов Субҳон ва Сатторов Ҳазратни чақиртириб, «генералга тегишли миллионлар»ничиқаришни талаб қилишди. Қарши жавоб эшитгач, қамоққа олиш, таъқиб этиш билан кўрқитишди. Бундай бедоликларнинг чек-чегараси йўқ эди.

Гдлян ва Иванов томонидан уч йил мобайнида менга, менинг яқинларимга нисбатан қўлланган ноқонуний хатти-ҳаракатларни, хўрлашларни эсласам, ҳозир ҳам кўрқиб кетаман, дунё кўзимга тор бўлиб кўринади.

Гражданин судьялар, гражданин прокурор!

Табиийки, сизларда менга нисбатан шундай савол туғилади:

– Нимага мен буларнинг барчасига чидадим?

– Нимага Гдлян, Иванов, уларнинг қўл остидагилари томонидан амалга оширилган ноқонуний хатти-ҳаракатларга жим қараб турдим?

– Нимага Гдлян ва Ивановнинг таҳдиди ва талаби билан Умаров Турсунхон билан боғлиқ сохта эпизодни тасдиқладим?



Жавоб бераман, мен жим турмадим!

Гдлян томонидан қўйилган икки хил талаб: «Ёки Умаров билан боғлиқ эпизодни тасдиқлайсан ва биз сени ва оилангни тинч қўямиз... ёки буни тасдиқламайсан ва биз ўғлинг ва хотинингни қамаймиз!»

Гражданин судялар, қайси бир инсонфарзандлари, хотини қамалишини истайди, айтинг-чи, қайси бир эркак буни хоҳлайди?

Ҳозирги ҳолатимнинг парадокслигини биламан. Лекин сизлар ҳам мени тушунинглар. Терговнинг қайсидир мураккаб босқичида узоқ давом этган руҳий босим остида бўлиш, ҳар куни соатлаб пулемёт ўқи каби ёғиладиган инсонийликка хос бўлмаган хўрлаш ва ҳақоратларни эшитиш, шахсан терговни олиб борган Гдлян ва Иванов томонидан отув билан доимий қўрқитиш туфайли тушкунликка тушиб, қаршилик кўрсатишга иродам чидамади, ҳамма нарса ахамиятсиз бўлиб қолди, галюцинация, уйқусизлик мени доимо таъқиб қила бошлади.

Менда битта хоҳиш-истак бор эди, у ҳам бўлса Гдлян ва Ивановдан тезроқ қутулиш, камерага қайтиш ва ухлаш. Гдлян ва Иванов томонидан оиламга ўтказилган доимий таҳдид, бу йўналишдаги провокациялар мунтазам тус олди. Улар терговда талаб қилинаётган кўрсатмаларни беришдан бош тортганлигимдан қутуриб, тубанликларга боришди. Бу пайтда Гдлян ва Иванов томонидан бундай провокациялар бошқаларга ҳам қўлланилган. Каримовнинг бутун оиласи қамоққа олинди, Ғоипов, Одилов, Дўстовнинг хотинлари, фарзандлари қамалди. Ҳибсга олинаётганлар ҳақида бутун қамоқхонада турлимишмишлар юрарди. Гдлян ва Иванов ҳам буни яширишмасди. Жумладан, Гдлян мақтаниб шундай деганди: «Каримовнинг хотинини қамадик, шу заҳотиёқ у яширилган миллион ҳақида айтиб берди...» ёки «... сизларнинг хотинларингизни, болаларингизни ҳам қамаймиз, шунда, балки, ақлли бўлиб қоласизлар...»

Мен кимнингдир кўрсатмасини тасдиқлаш ёки Гдлян ва Ивановнинг талабини қондириш орқали ҳеч қандай айби бўлмаган оила аъзоларимни балодан сақлаб қоламан, уларга қалқон

бўламан деб ўйлагандим. Бундай зўравонлик муҳитида бошқа йўл тополмадим ва Умаровнинг умуман содир бўлмаган ёлғон кўрсатмаларидаги айрим жиҳатларни тасдиқладим. Судланувчи Умаровнинг ёлғон кўрсатма беришига сабаб бўлган Гдлян, Иванов ва уларнинг ҳомийси Каракозовнинг ноқонуний ҳаракатлари ҳақида жим турмадим. Менинг «делом»да Гдлян ва Иванов томонидан 30. 08., 5, 7, 18, 19. 09. 1985 йилда ўтказилган сўроқ протоколлари бор. Уларда мени ёлғон кўрсатма беришга мажбурлашаётганини, ҳеч қаерда ҳеч кимдан пора олмаганимни, ҳеч кимга, жумладан, Умаровга ҳеч қачон пора бермаганимни, менга нисбатан қўзғатилган даъво ўйлаб топилган ва ёлғон эканини аниқ маълум қилганман. Мен юзма-юз учраштиришни талаб этганман. Уйдирмалари фош бўлишидан қўрқиб икки йил давомида мени юзма-юз учраштиришмади. Бу вақт ичида менга, айти пайтда, Умаровга ҳам босим ўтказишган, шахсий тажрибамга асосланиб бунга ишонаман.

«Дело»да ҳеч кимга, жумладан, Умаровга ҳам ҳеч қачон пора бермаганим ҳақидаги 1985 йил 18 сентябрдаги аризам ва кўрсатмам бор. 20. 09. 85 йили дастлаб Иванов, Гдлян билан бирга менга шундай руҳий таъсир ўтказишдики, ҳушимдан кетиб, Гдляннинг кабинетида йиқилиб тушдим. Гдлян, Иванов ва яна бир терговчи – Громила мени нашатир спирти билан ҳушимга келтиришди. Ноқонуний хатти-ҳаракатлардан иборат бўлган ушбу «сўроқ» навбатдаги таҳдид билан яқунланди: «Биз сени отишга ҳукм қиламиз..!»

22. 09. 85 йили Гдлян ва Иванов олдиндан тайёрлаб қўйилган тергов протоколини ўқиб, қўл қўйишга мажбурлашди ва камерага жўнатаётиб таҳдид билан огоҳлантиришди: «Биз сени Москвага, Лефортовога жўнатамиз. Қайсарлик қилсанг, ўзинга ёмон бўлади. Лефортово нима дегани, биласанми? У ерда игна ўрнатилган моторчалар бармоқларингни санайди, «Юмшоқ хона»дан ўтказиб, миянгни қоқиб олади ва исиз жиннихонага равона қилади. Шунинг учун сен Москвада бошқача сайрайдиган бўласан...»

Бундай «суҳбатлар»дан сўнг кишини қўрқув босади.



29. XI. 1985 йили мен Москвага, Лефортово-даги СССР Давлат хавфсизлик қўмитасининг тергов изоляторига этап қилиндим. Деярли 4 ой мобайнида мени на Гдлян, на Иванов чақиртирди.

1986 йилнинг 13 январь куни терговчи Б.И.Северцов мени сўроққа чақирди. Кутилмаганда Гдлян пайдо бўлиб, хурсанд ҳолда сўрашди. Терговни бўлиб, икки соатдан ортиқ вақт давомида менга эски таниши кабимуносабатда бўлиб, Гдлян ва Ивановнинг «Ўзбекистондаги иши ажойиб кетаётганини, улар Ўзбекистон КП МК 2-секретари Осётровни, Министрлар Совети раиси Худойбердиевни, МК иш бошқарувчиси Умаров Турсунхонни қамоққа олишганини, улар чин юракдан кўрсатма беришганини» гапирди. «Бизни, айниқса, Умаров яхши тушунапти, ҳеч иккиланмай ёрдам кўрсатяпти. Энди навбатда МКнинг энг юқори мартабадаги секретарлари, президент, Тошкент шаҳри ва области раҳбарлари турибди. Тез орада биз учун министр Ибрагимов ва министр ўринбосари Султонов ҳам «етилиб қолади», – деди.

Мен Гдляннинг сўзини ҳайрат ва кўрқув билан тинглаб эканман, «СССР прокуратурасининг тергов гуруҳи бошлиғи нима учун терговчи Северцов олдида қамоқда ўтирган одамга тергов сирларини ошкор қиляпти, бу фақат мени кўрқитиш учунми?» – деб ўйладим.

Гдлян ҳайрон бўлиб турганимни сезиб, ҳикоясини Ўзбекистондаги «улкан ютуқлари ҳақида» гапириш билан якунлади. Сўнг менга яхши кўз билан қараб, деярли дўстона ҳолда деди: «Усмонхўжаев ва Салимов билан ҳам ишни тугатамиз. Яқинда МК Пленуми бўлиши керак. Кейин Москвадаги ҳар нарсани ялмай ютадиган узун танали филларга ўтамиз...» Кутилмаганда яна менга юзланди: «Сиз бизга ёрдамлашасиз. Мана шу рўйхатдан ўзингизга тўғри келадиган номзодни танланг. «Юқори»га бериладиган 100 – 120 минг, «қуйи»га бериладиган 80 – 100 минг сўм атрофидаги пора миқдорини аниқлаб берсангиз, балки, жазоингизни енгиллаштиришни ўйлаб кўрармиз. Биз ўз манфаатингизни ўйламаганингизни исботлаб, пенсия ёшигача тинч ишлашингизни таъмин-

лаймиз...» Бунга қандай жавоб қайтаришимни кутиб турмай рўйхатни кўрсатди: «Сизни ким қизиқтирса, ёзиб олинг: генераллар, сизга таниш бўлган Чурбанов, Елисов, Заботин, Мельник, Дроздецкий, Кривенцов, Ўзбекистоннинг «эгалари» бўлган Усмонхўжаев, Осётров, Салимов, боринг ана, Айтмуратов, Абдуллаева, сиз учун маъқул келмайдиган Орлов, Архангельский, Кретов ва, албатта, Умаров Турсунхон, областлардан Мусахонов, Антонов, шаҳарда эса, ўзингиз биласиз, Умаров Учқун, Дудин, айниқса, шаҳар ижроия қўмитасидаги порахўрлар Козимов, Саркисов, Бекмирзаев, Шоабдурахмонов, Юсупов ва ободонлаштиришдан Исломов дегани бор...» Гдлян фамилияларни ўқиб чиққач (мен ҳаммасини эслаб қолдим), деди: «Ҳоҳлаганингизни танланг. Сиз уларга пора берганингиз ҳақида батафсил кўрсатма берасиз. Биз сизда енгил кўрқувдан бошқа ҳеч нима бўлмаслигига кафолат берамиз. Демак, сизга қайсиниси фойдалироқ бўлса, шуни танланг».

Мени кўрқув босди. Ўзимни тутиб олиб, шундай дея олдим: «Бу ахир ифво-ку. Нега мени ифвогарликка мажбурляяпсиз? Мен рози бўлмайман!»

Гдлян жавобимни эшитиб, бир сакраб тушди ва бақира кетди: «Сиз эшитдингизми? Саттаров мени ифвогар деди. Саттаров, сен шуни билиб қўй, бугундан бошлаб сенга уруш очаман! Агар сени йўқ қилмасам прокурор эмасман. Мен сени ва авлод-аждодингни қираман... Ҳозир Тошкентга буйруқ бераман, ўғилларингни тутишади, хотинингни қамоққа олишади. Ака-укаларингга тинчлик бермайман...» У яна бошқа жирканч сўларни айтиб, эшикни тепгачича кабинетдан чиқиб кетди...

Буларнинг барчаси 1986 йилнинг 13 январидан соат 10:00 дан 13:30 га қадар СССР Давлат хавфсизлик қўмитасининг Лефортоводаги тергов корпуси 234-кабинетида СССР прокуратураси терговчиси Северцов Б.И. иштирокида содир бўлди.

Мен безовта бўлиб, тинмай қалтирардим. Конвойни чақирди.

Буларнинг барчасини эшитиб, жим туролмасдим. 14 – 15 январь кунлари мен 14 варақдан



иборат батафсил аризани ёзиб, СССР Давлат хавфсизлик кўмитаси тергов изолятори маъмурияти орқали СССР бош прокурори А.М. Рекунков номига юбордим.

Аризамда Гдлян ва Иванов 6 ой мобайнида мени қийнаётганини, сохта кўрсатмалар беришга мажбурлашаётганини, отишга ҳукм чиқартираман деб қўрқитишаётганини, рецидивист билан яккама-якка ўтиргизишаётганини, Умаров гўёки 1985 йилнинг август – сентябрида менга қарши кўрсатма берганини таъкидлаган ҳолда Чурбанов, Умаров ва бошқаларга қарши ёлғон кўрсатмалар беришга мажбурлашаётганини ёздим... Бу шикоятимга СССР бош прокуроридан ҳеч қандай жавоб келмади.

1986 йилнинг 21, 23, 25, 27, 29 январь кунлари КГБ тергов изоляцияси маъмурияти орқали СССР бош прокурорига юборилган шикоят хатларимда Гдлян ва Иванов томонидан менга қўйилган айбловлар, жумладан, Умаров билан боғлиқ эпизод ёлғон кўрсатмалар, тўхмат ва қалбаки маълумотлар асосида яратилганини ёзганман. Мени чақиртиришини ва гапларимни эшитиб кўришини сўраганман. Бу ҳақда 1986 йилнинг 21 январиди КПСС XXVII съездига ҳам ёздим.

Бу аризаларимга жавоб ололмадим, улар ноқонуний ҳаракатлари юзасидан мен шикоят қилган Гдлян ва Ивановнинг ўзларига келиб тушган.

Аризаларим ўзимга қараши қаратилди. Босим, таҳдид, ҳақорат икки-уч бараварга кучайди.

1986 йилнинг 28 январь ва 31 январь кунлари мени бош прокурор ёрдамчиси, 2-класдаги юстиция давлат маслаҳатчиси Г.П. Каракозов ва терговчи Б.И. Северцов терговга чақиритди. Улар Гдляннинг ноқонуний ҳаракатлари ҳақидаги шикоятимни эшитишди. Яна шикоят ёзсам, оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида қўрқитиб, буни мулоимлик билан тушунтиришди. Ўзимга нисбатан ўтказилаётган зулмга кўникмаслигим ҳақидаги жавобимни эшитгач, Каракозов менга ёрдам беришини айтиб, «шикоятларимни қайтиб олиш»га мажбурлади. Мен ўз сўзимда туриб олдим.

– Нима ҳам қилардик, биз ёзманг деймиз. Акс ҳолда, хулоса чиқариб, сизни руҳий шифохонага юборамиз, «маняк-шикоятчи» деган лақаб оласиз ва шикоятларингиз ахлат қутисига бориб тушади.

Каракозов сўзини таҳдид билан якунлади:

– Сени барибир қамаймиз. Ўзинг учун осон йўлни танла ва озроқ муддат ол. Ўжарлик қилсанг, энг юқориси бўлмаса ҳам, 12 – 15 йилга кесиласан. Қани, ўзинг танла...

Шикоятларимнинг эътиборсиз қолишига, уларга жавоб берилмаслигига қарамай, жим турмадим. 1986 йилнинг 6 февралда СССР бош прокурори А.М. Рекунковга 12 бетдан иборат муфассал ёзилган ариза юбордим. Аризада менга Умаров ва бошқа шахсларга «пора бериш» тўғрисидаги айблов уюштирилгани, бу ёлғон, менга, оиламга нисбатан зўрлик ишлатиш йўли билан олинган кўрсатма эканлиги, Умаров менга тўхмат қилаётгани баён этилган.

1986 йилнинг 7 февралда сўроққа чақирилганимда терговчилар Гдлян ва Ивановга ишонмаслигим ҳақида ариза бердим. Аризамни терговчи Северцев қабул қилиб олди ва протоколлаштирди. Шундан сўнг яна жимжитлик ҳукм сурди.

Ҳақат 1986 йилнинг 13 февралда (24 соат ўрнига 184 соат ўтди) терговчи Северцев томонидан сохтакорлик билан уюштирилган «ишим»ни тергов қилишдан Гдлян ва Ивановни четлатиш ҳақидаги аризамнинг сабаблари сўроқ қилинди. Мен аниқ ва мукамал кўрсатма бердим. Кутилмагандаги телефон қўнғироғи туфайли тергов тўхтаб қолди. Северцев шошганича протокол тўлдириб, менга қўл қўйдирди-да, жўнаб кетди. Уни бошқа кўрмадим. Мен Гдлян ва Ивановни терговдан четлатишни сўраганим, Северцовни эса аризамни қабул қилгани ва кўриб чиққани учун жазолашди.

Мен тўла умидсизликка тушган ҳолда 1986 йилнинг 25 февралда такроран КПСС XXVII съездига, 1986 йилнинг 26 февралда яна СССР бош прокурорига ариза юбориб, менга, яъни 1943 йилдан буён коммунист бўлган инсонга Гдлян ва Иванов томонидан зулм ўтказилаётганини, менинг номимдан уйдирма аризалар ёз-



дириб олинаётганини, Умаров ва бошқа шахсларга нисбатан кўрсатма бермаганим учун мени, оиламни таъқиблар, ҳибсга олишлар билан қўрқитишаётганини маълум қилганман.

Афсуски, шубҳа-гумонларим тасдиқланди. Аризаларим яна Гдлян, Иванов, Каракозов, Чижукнинг қўлига бориб тушди. Аҳволим ёмонлашди. Бундан кўра ўзимни осиб қўйганим яхши эди.

Рухий таъсир кўрсатишлар кучайди, таҳдидлар энди амалда қўлланила бошланди. Янги «исбот-далиллар»ни қидириб топишга киришишди.

– Биз минглаб баҳоналарни топиб, сени эзиб ташлаймиз, – деди Иванов ўзига ишонч билан.

Лекин «далил»лар кўчада ётмайди, улар йўқ бўлгач, қандай йўл билан бўлса ҳам яратиш керак бўлади. Уларнинг уйдирмалари ҳам, ҳийланайранглари ҳам ўтмади.

**Иккита мисолга таянаман:** Оғзаки шикоятларим қор қилмагач, 1986 йилнинг 24 декабрида Гдлян тергов гуруҳининг терговчиси О.М. Литвакка (Каракозов тавсияси билан) ёзма ариза билан мурожаат қилиб, гувоҳлар Салоҳиддинов, Қурбоновнинг кўрсатмалари асоссиз эканини исботлаш мақсадида оилавий бюджетимни, озиқ-овқат сотиб олиш учун ишлатилган сарф-харажатларимни текшириб чиқишларини сўрадим. Аризамда озиқ-овқат маҳсулотларини, жумладан, гўштни бошқарма қошидаги озиқ-овқат дўконининг буюртмалар столи орқали нақд пулга сотиб олганимни, бунинг учун сиёсий бўлим бошлиғи, полковник Моторигин, партия ташкилоти котиби подполковник Иванов, хўжалик бўлими бошлиғи, подполковник Шариповни сўроқ қилиш мумкинлигини қайд этдим. Терговчилар Гдлян, Иванов, Литвак, Карташян, Тишенко ушбу аризамдан Шариповга нисбатан провокация уюштиришда фойдаланишди: унга аризамни тўлиқ ўқитмасдан, ундаги Шариповнинг номи келтирилган қисмини, охиридаги имзоимни кўрсатиб, гўёки «Шариповдан пора ва совғалар олганим тўғрисидаги кўрсатмам»ни тасдиқлашга мажбурлашган. 1987 йил 18 декабрда ўтказилган суд терговида пенсионер, истеъфо-

даги подполковник И.Ш. Шарипов терговчилар Иванов, Карташян ва бошқалар ундан менга қарши айблов кўрсатмалари олиш учун қандай ғайриинсоний қийноқларга дучор қилишганини кўзда ёш билан гапириб берди.

«... Хотирам анча йўқолган, кўзимнинг биттаси кўрмайди, унга қон қўйилган. Мен буни тергов билан боғлиқ деб ҳисоблайман... Улар менга таҳдид қилишди, Сатторов юзасидан ёлғон маълумотлар беришга мажбурлашди... Тергов жараёнида сўроқдан сўнг мени икки бор касалхонага юборишган...»

Судда Гдлян ва Иванов томонидан амалга оширилган қўрқитиш ва калтаклашлар ҳақида гувоҳлар: Рискіев, Қаҳрамонов, Воҳидов ҳам юқоридаги каби кўрсатмалар беришди.

Гдлян, Иванов, уларнинг қўл остидаги Васильев, Герастевич, Музалевский, Северцов, Вафин, Литвак, Тишенко менинг илгари қўл остимда ишлаган полковниклар Юсупов, Тошметов, Воҳидов, Умаров, Расулов, Қосимов, Норгигов, Ҳасанов, Сиддиқов, Кашубин, Қосимжонов, Аъзамов, К. Юлдашев ва район милиция бўлимлари, соҳа хизматлари бошлиқлари, бошқарма бошлиғи ва ўринбосарларига хизмат қилган барча хизмат автомашиналари ҳайдовчиларини, жами 40 нафардан зиёд гувоҳларни сўроқ қилиш жараёнида уларга таъсир ўтказишган, қўрқитиб, менга қарши кўрсатмалар беришни талаб этишган.

Бироқ барча сўроқ қилинганлар Гдлян ва Ивановнинг талабларини бажаришмаган, менга қарши кўрсатма беришмаган.

Бошқа мисол.

Қўл остимдагилардан тергов учун зарур бўлган керакли кўрсатмаларни олишолмагач, узоқ вақт қамоқда ушлаб турилишимни «асослаш» мақсадида Гдлян ва Ивановтурмада сақланаётган ва Свердловск, Олмаота, Иркутск областларидаги колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳбуслар орасидан «чин кўнгилдан кўрсатма берувчилар»ни ахтара бошлашди.

Улар Урал-Нижний Тагилдаги колонияда 1983 йилнинг июнь ойидан буён қамоқда бўлган Тошкент област ижроия қўмитасининг ИИБ ГАИ бўлими бошлиғи (мен раҳбарлик қилган



Тошкент шаҳри ГАИси эмас) Мадаминов ўз жазо муддатини ўтаётганлигини аниқлаб, гўёки мен Мадаминовдан катта миқдордаги пул маблағини пора сифатида олганим ҳақида кўрсатма берганимни айтиб, уни шунга мажбурлашган. Мадаминов кўрсатма беришдан бош тортгач, терговчилар уни калтаклаб ўнг қўлини синдиришади. Буларнинг ҳаммаси иш юзасидан қайта тикланган.

Худди шу йўл билан терговчи Иванов менга қарши гўёки Мадаминовнинг кўрсатмаси борлигини рўқач қилиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган ариза ва сўров протоколини имзолашимни, Мадаминовнинг кўрсатмасини тасдиқлашимни талаб қилди. Гдлян ва Ивановнинг бу провокацион ҳаракатлари ўтмади, бироқ ушбу ҳодисадан сўнг уларнинг менга бўлган душманлиги янада ортди.

Гдлян, Иванов, Каракозов, Чижук ва қўл остидагиларининг менга, оиламга, собиқ ходимларимга ўтказган ноқонуний хатти-ҳаракатлари, ўзбошимчаликларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

Улар узоқ вақт ҳибсда бўлган Салоҳиддинов, Бегельман, Қахрамонов, Яҳёев, Чурбановнинг «чин кўнгилдан» берган кўрсатмаларини ҳам шу тарзда юзага чиқаришган. Охир-оқибатда ушбу кўрсатмаларнинг барчаси ҳавога учиб кетди.

Афсуски, шахсан Гдлян, Иванов ва уларнинг пешвоси Каракозов томонидан судланувчи Умаров Т. га мен билан боғлиқ сохта эпизод билан боғлаган ҳолда қўйилган айб ҳам терговнинг ноқонуний йўллари билан олинган.

Ўзимга такрор-такрор аччиқ саволни бераман:

– Мен Гдлян, Иванов, уларнинг ҳомийлари ва қўл остидагиларининг ноқонуний ҳаракатларига ва ўзбошимчаликларига муроса қилганманми?

– Мен бу бедодликларга жим қараб турдимми?

Ахир учрашувнинг биринчи дақиқаларида ноқ маълум бўлган, буни Гдлян ва Иванов ҳам яшириб ўтиришмаган, менинг «ишим» бошқа ишлар қатори олдиндан режалаштириб қўйилган, «қуйидан юқорига» режатизими асосида юзага келган.

Юқори мартабали судга ҳақиқатни аниқлаш вазифасини осонлаштириш учун, кўрсатмаларининг тўғрилигига гумон қодирмаслик учун сиз граждани судьялардан тадқиқ этилаётган эпизод бўйича менинг 7. 02. 1986., 13. 02. 1986 (т. 1, д. л. 136 – 137; т. 1, д. л. 138 – 144)даги кўрсатмаларимни, 6. 02. 1986 й. (т. 17, л. д. 79 – 90)даги аризам нусхасини, шунингдек, 26, 27, 28, 29, 30. 08. 1985(т. 1, л. д. 42 – 43; 44 – 49; 50 – 53; 54 – 56; 59 – 60), 5, 18. 09. 1985(т. 1, л. д. 61; 62 – 63)даги терговда берган кўрсатмаларимни, 7. 02. 1986 (т. 1, л. д. 15)даги сўроқ протоколини, 13. 12. 1988 (т. 18, 163 бетдан иборат)даги кассацион шикоятимни талаб қилиб олишни ва Умаров Т. нинг ишига қўшиб қўйишни сўрайман.

Санаб ўтилган кўрсатмалар, аризалар, шунингдек, СССР бош прокурори А. М. Рекунковга юборилган (1986 йил 15, 21, 23, 24, 25, 27, 29 январь; 1986 йил 5, 7, 13, 26 февраль), КПСС XXVII съездида жўнатган (1986 йил 21. 01, 26. 02) шикоятларим ва Гдлян, Иванов ва унинг ҳомийлари томонидан менга нисбатан амалга оширилган ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан ўша пайтнинг ўзида ёзилган бошқа ҳужжатлар кўрсатмаларининг ҳаққоний эканлигини баҳолашда, шунингдек, Т. Умаровдан ёлғон айбловни олиб ташлашда судга ёрдам бериши мумкин.

Яна таъкидлайман, Умаровни айблашга йўналтирилган эпизод ўйлаб топилган, у Гдлян, Иванов, Каракозовнинг сиёсий, авантюристлик мақсадлари йўлида ман этилган усуллар, ноқонуний ҳаракатларни қўллаш оқибатида сунъий яратилган.

Совет даврида, совет оиласидатуғилган, катта бўлган, совет мактаблари, олий ўқув юртларида тарбияланган, билим олган, КПСС сафида (оиламнинг барча катталари – коммунистлар) партия идеаллари учун фаол курашган менга, оила аъзоларимга Гдлян ва Ивановнинг ўзбошимчилигини, ноқонуний хатти-ҳаракатларини тушуниш, уларни бошдан ўтказиш жуда оғир. Чунки мени, яқинларимни эшитишни, шикоят ва аризаларимизни кўриб чиқишни ҳеч кимистамади.

Тўрт йилдан ортиқ вақт мобайнида мени турмама-турма, этапма-этап, сургунма-сургун



олиб юришганида хотиним, болаларим, қариндошларим турмахона дарвозаси, қафасли деразалар олдида соатлаб, кунлаб қолиб, тугунчадаги ички кийим, талонга олинган совун, бир ховуч саримсоқпиёз ёки олманименга киргизиш учун дарвозабонга ялиниб-ёлворишган. Хотиним ва болаларим илтимослари ва шикоятларини топшириш ҳуқуқини олиш учун навбатда турган пайтда ўтиб бўлмас мустаҳкам деворлар ортида Гдлян ва Иванов томонидан чалкаштириб ташланган ясама «иш»лар ҳақида ким ҳам эшитарди? Ахир улар СССР Бош прокуратураси ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича таниқли терговчилар, адлия катта маслаҳатчилари бўлишса! Уларавантюристлик, сиёсий, энг муҳими, карьеристик мақсадлари йўлидаўзларига назорат қилинмайдиган чексиз ваколатларни ўзлаштириб олиб, ҳеч қандай маънавий ҳуқуқи бўлмаган ҳолда гумон ва тахминларни олдиндан овоза қилишди. Фақат Гдлян ва Иванов томонидан ўйлаб топилган айбловлар туфайли биз – мен ва Умаров ҳақ-ҳуқуқсиз махлуқотларга айландик.

Афсуски, олди-қочдиларага ўч бўлган оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, журнал ва газеталар ҳуқуқ-тартибот тизимидан чиққан авантюристлар Гдлян ва Ивановнинг сўзларига ишонишиб, уларга чекланмаган миқдорда эфир вақтлари, газета ва журналларда эса катта-катта саҳифалар ажратиб, Гдлян-Иванов феномени ҳақида афсоналар яратишди. Аксариат интервьюларда, баён этилган детектив, ярим провокацион ва провокацион мулоҳазаларда жамиятнинг муносиб фуқаролари шаънига турли бўҳтонлар ёғдирилди.

Гдлян ва Иванов авантюристлик, сиёсий мақсадлари йўлида ўзларини салбий кўринишларга қарши курашнинг асосий ташкилотчилари қилиб кўрсатишди, бироқ буни СССР Бош прокуратураси ўринбосарлари Кашусев, Сорока, бош прокурор ўринбосари Каракозовнинг сояси остида яширишди.

Гдлян ва Ивановда ҳалол хизмат қилиш учун вақт етишмайди. Бироқ уларда ўзларини тарғиб қилиш, сиёсий ўйинларни олиб бориш учун етарлича вақт бор эди. Бизнинг матбуот эса

оммани худди шиширилган шарларга ўхшаш, аммо бир дақиқада ёрилиб кетадиган ва ҳеч қандай из қолдирмайдиган «улкан» шов-шувли хабарлар билан кўмиб ташлади. Бу билан улар сиёсий авантюристларнинг тегирмонига сув қуйиб беришди. Мана натижа: Гдлян ва Иванов шу заҳотиёқ «қайта қуриш рицарлари»га айланишди, уларнинг турмахоналарда чўкиб бораётган минглаб инсонлар билан нима иши бор?!

Мен Олий судга қуйидаги сўзларни айтиш учун мурожаат қиляпман: Гдлян ва Ивановга эътибор беринглар, улар сизлар хизмат қилаётган ҳуқуқ-тартибот идораларининг обрў-эътиборига тузатиб бўлмайдиган даражада путур етказишяпти.

Юқори судгамени сабр билан эшитасиз деган умидда мурожаат қиляпман. Мен айтишга улгурган ва айтмоқчи бўлганим – Умаровга қўйилган айб эпизоди тўғридан-тўғри мен билан боғлиқ ҳисобланади.

Гдлян ва Ивановнинг бармоқларидан сўриб чиқарилган сохта «далиллар»даги қуйидаги эпизодларга эътибор беришингизни сўрайман:

**Биринчидан**, мен қамоққа олинган 1986 йилнинг 26 августи атрофида ҳамда Умаровни айблашга асос бўлган эпизодни сохталаштириш жараёнида Гдлян ва Иванов қамоққа олинган Салоҳиддинов, Ўзбекистон ССР ички ишлар вазири Яҳёев, вазир ўринбосари Қаҳрамонов ва Бегельмандан менга қарши «чин юракдан» кўрсатмалар олишга муваффақ бўлишади. Ҳаммаси бўлиб 16 та эпизод, дастлабки (10 эпизод) жараён, сўнгра суд жараёни (6 та эпизод) менинг қамоққа олинишимга хизмат қилди.

Шундай қилиб, менинг қамоққа олинишим қонунга зид эди. Қамоққа олинишим ҳақидаги қарор Гдлян ва Иванов томонидан чиқарилиб, унгареспублика прокурори Бутурлин томонидан санкция берилган.

Қамоққа олинишимнинг қонунга зид эмаслигини исботлаш мақсадида (авантюристлар Гдлян ва Иванов буни билган ҳолда таваккал қилишган) олдиндан дастурлаштирилган режага асосан янги «шов-шувли эпизодлар»ни излашга тушишди. Шулардан бири гўёки менидан пора олгани учун Т. Умаровни айбладан



иборат эди. Бу провокациядан бўлак нарса эмасди. Август ойида терговчи Иванов менга «чин кўнгилдан» берилган бир нечта ариза ва кўрсатмаларнинг протоколларини, шу жумладан, Умаров билан боғлиқ протоколни ҳам кўрсатган. Мен бу келишиб олинган нарса эканини айтиб, у билан юзма-юз учрашув ўтказишни талаб қилдим. Буни атайин уюштиришмади. Менга тақдим этилган ҳужжатлар сохта эканини тушундим. Мен Умаровнинг ҳуснихатини ҳам, имзосини ҳам кўрмаганман. Шунинг учун 1985 йилнинг ноябрида Умаров сўроқ қилинган протоколни кўрсатишганида адашган бўлишим мумкин. Шундау мен ҳақимда сохта кўрсатма берганига тушундим.

**Иккинчидан,** Рискиев, Чурбанов ва бошқаларнинг менга қарши «чин кўнгилдан» деб асосланган жами 36 та эпизоддан иборат ёлғон кўрсатмалари суд-тергов жараёнида жиноят аломати йўқлиги учун айбловдан чиқариб ташланади. Т. Умаров билан боғлиқ эпизод эса охиригача ўрганилмасдан, менинг айбловимга сунъий равишда киритиб қўйилган. Бу эпизод бўйича аниқ «исбот» йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Ишдаги барча қоғозлар сохта, улар Гдлян, Иванов, Каракозов, Власов ва Литвак томонидан ўйлаб топилган уйдирмадан бошқа нарса эмас.

**Учинчидан,** Гдлян ва Иванов тергов учун керакли кўрсатмаларни олиш учун шантаж, мажбурлаш, таҳдид ва ваъда бериш усуллари қўллашади. Умаров кўрсатма берганида ёлғон гапирган, тухмат қилган, балки, буни бошқаларга нисбатан ҳам қўллагандир. Бунинг ҳисобига унга имтиёзли шароитлар яратишган, соқчилар назоратидан олиниб, енгилликлар берилган. Эски коммунист, иккита уруш қатнашчисининг виждони қийналиб Гдлян, Иванов, Каракозов, Власов, Литвакнинг бедодликлари ва ноқонуний ҳаракатлари ҳақида барча ҳақиқатни гапириши билан уни яна соқчилар назорати остига олиб, турмага тиқишди. Яна менга қарши ёлғон кўрсатмалар беришга мажбурлашди.

**Тўртинчидан,** жиноят иши бўйича материалларни шакллантиришда Гдлян, Иванов ва уларнинг қўл остидагилар фақат айбни «исбот-

ловчи» ҳужжатларнигина тўплашган. Айбсизлигимнинг объектив тасдиғи бўладиган муҳим ҳужжатларни эса чиқариб ташлашган ёки йўқ қилишган.

Менинг ишим бўйича сўроқ қилинган гувоҳлар Қосимжонов, Расулов, Умаров Тошкенбой ва бошқаларнинг тергов протоколлари, СССР бош прокурорига йўлаган аризаларимнинг тақдири шундай кечган. Суд жараёнида қаттиқ туриб олганим учун ушбу ҳужжатларнинг маълум қисмини жиноят ишига қўшишга (масалан, 1986 йил 6 февралдаги ариза, т. 17, л. д. 79 – 90 ва бошқалар) муваффақ бўлишди.

Умаровнинг 1987 йилнинг 22 декабрида Москва област судига юборилган ва област суди экспедицияси томонидан қабул қилинган кўрсатмаси эса суд жараёни иштирокчиларидан яширилган.

Гдлян, Иванов, Каракозов шу ерда ҳам судга босим ўтказишган, ўзларининг провокацион сиёсатини олиб боришган.

**Бешинчидан,** Гдлян ва Иванов тергов жараёнида ноқонуний йўллар билан партия ходимларига нисбатан ўзларига керакли кўрсатмаларни олишга эришишган. Масалан, агар Ўзбекистон КП МК секретарлари Усмонхўжаев, Осётров, президент Салимов, Тошкент област ва шаҳар партия комитетлари секретарлари Мусахонов, Антонов, Умаров Учқун, Дудин, Тошкент шаҳар кенгашидан Козимов, Саркисов, Бекмирзаев, Шоабдурахимов, Юсуповга қарши айблов кўрсатмаларини берсам, менга нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартиришни ваъда қилиб, узоқ вақт давомида кўндиришга уринишди. Гдлян ва Иванов ўзларининг қудратли эканлигига, партия лидерларининг эса кучсизлигига мени зўр бериб ишонтирмоқчи бўлишди.

«Ўзинг ўйлаб кўр, – деди Гдлян, – мана, Иванов 1985 йилнинг 31 августида район партия комитетига ярим варақ сўровнома ёзган эди. 1985 йилнинг 19 сентябрида сени Пленум аъзоси таркибидан чиқаришди ва КПСС сафидан ўчиришди...»

«Ким сенга ёрдам берди? – Гдлян шундай деб сўраб, ўзи жавоб қайтарди: – Ҳеч ким! На



Мусахонов, на Осётров, на Умаров, на Козимов ёрдам берди сенга. Сен эса уларни ҳимоя қил-япсан...»

«Бизга кўрсатма бер ва биз сенга ёрдам берамиз...»

Мен рози бўлмагач, яна таҳдид ўтказишни бошлаб, бақира кетди: «Менга керакли кўрсатмани бермасанг, хотинингни, болаларингни қамайман...»

Кейинги сафар Умаровга қарши «кўрсатма» беришимни талаб қилар экан, Иванов беадаблик билан деди: «Энди навбат ўғилларингга келди. Мана қарор, улар қароқчиликда айбланишяпти».

Мен кўрққанимдан бақириб юбордим: «Бундай бўлиши мумкин эмас!»

Иванов эса худди илондек мени авраб олиб яна эза бошлади: «Яқинда зерикмай қоласан, камера деворларини тақиллатиб ўғилларинг билан гаплашишинг мумкин бўлади. Мен бунинг чорасини кўраман, улар сен билан ёнмаён камерага жойлаштирилади...»

Бу менинг иродамни сўндиришга қаратилган провокация эди. Ўғилларим ҳозирга қадар инженерлик касбида ишлаб келишяпти, бири кандидатликни ёқлади, иккаласи ҳам коммунист, ўз фарзандларини тарбиялашяпти. Уларнинг хотинлари ҳам коммунист, иш билан машғул.

Менинг Умаров ва бошқалар устидан тергов учун манфаатли бўлган кўрсатмаларни беришдан бош тортишим фан номзоди, доцент, инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ишлайдиган хотинимнинг сўроққа чақирилиши, ҳақоратланиши ва камситилиши билан якунланди. Унга ўғилларим билан бирга мандан воз кечишни, ажралишни маслаҳат беришди. Иванов бу масалаларни тезда ҳал этишда ёрдам беришни ваъда қилган. Ўзларининг гумашталари орқали инсон шаънини, оилавий муносабатларни таҳқирловчи мишмишлар тарқатишди. Аёлим провокаторга муносиб жавоб қайтаради. Айни пайтда, кафедра мудирини лавозимини топшириш, ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзади. Илмий-педагогик фаолиятидаги имтиёзлардан воз кечади.

Тергов жараёни зарур «исбот»лар олинмагани боис узоқ вақт давом этгани сари Гдяян, Иванов ва Каракозов босим ва таҳдидларни қучайтириб боришди.

Ўз мақсадларига эришиш учун улар таҳдид ва фитна йўли билан янги жабрланувчиларни излашди. Қамоққа олинган ва илгари менинг қўл остимда ишлаган ходимларим: полковник Тожихонов, майор Ўриновдан кўрқитиш ва ёлғон ваъдалар беришорқали менга қарши материаллар тўплашга уринишди. Хусусан, провокацион материаллар билан қамоққа олинган ва судланган Тожихоновдан Гдяяннинг қўл остидагилар, жумладан, Иванов менга катта миқдорда пора бергани ҳақида кўрсатма беришга мажбурланган. Рад жавобини олгач, «иш»ни сохталаштириб, Тожихоновни 9 йилга озодликдан маҳрум қилишади. Уч йил қамоқда ўтирганидан сўнг Тожихонов оқланиб, КПСС сафига тикланди, унинг махсус полковник унвони ҳамда давлат мукофотлари ҳам қайтарилди.

Ўриновдан ҳам шу тарзда менга қарши кўрсатма олишга ҳаракат қилишган. Унинг қаттиқ қаршилигидан сўнг тинч қўйишган.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин, бироқ уларнинг мазмуни битта – қонунни четлаб ўтган ҳолда бошқаларнинг ёлғон кўрсатмалари орқали қилмаган «айби»ни қилди деб бўйнига қўйиш, ёлғон маълумотлар орқали айбланиш.

Тергов жараёнларидан бирида Иванов менга таҳдид қилиб деди: «Сиз билан ўчакишишдан чарчадик. Агар бир-икки кун ичида Осётров, Усмонхўжаев, Умаров... (у сўзининг давомида юқорида тилга олинган турли тоифадаги раҳбарларнинг номларини тилга олди)га қарши кўрсатма бермайдиган бўлсангиз, сизга осон бўлмайди, бунга қафолат берамиз. Камида 13 – 15 йил оласиз. Хотинингизни, ўғилларингизни ҳам қамаймиз. Ўйлаб кўринг, поезд кетиб қолиши мумкин... Айтмоқчи, жиянингиз ҳозир турмада, қурувчи акангизга ҳам шу ердан жой топиб берамиз...»

Шу тарзда улар кунма-кун, муттасил бир хилда шафқатсиз тарзда иродамни синдириб боришарди.



Менга нисбатан қўзғатилган уйдирма «иш» деярли 27 ой – 1985 йилнинг 26 августидан 1987 йилнинг 30 августигача, деярли уч процессуал муддат давом этди. Ким бундай ҳуқуқ берган? Тергов муддатини узайтиришни Гдлян ва Ивановнинг ўзлари ҳал қилишган, СССР бош прокурорининг ўринбосари Сорока буни тасдиқлаб берган. Унинг бунга ваколоти бормиди? Бу ўзбошимчалик эмасми?!

Ҳурматли граждан судьялар!

СССР Бош прокуратурасининг ўта муҳим ишлар бўйича терговчилари Гдлян, Иванов, уларнинг ҳомийлари Тишенко, Власов, Литвак, Вафин, Герастевич, Музалевский ва ўнлаб бошқа ходимлари тўлиқ, объектив, кенг қўламли ҳақиқатни тиклашга ҳаракат қилишмади. Ушбу ҳақиқат менинг «ишим»га керак эмас эди. Чунки у бошдан-оёқ ясама, сунъий тарзда тикланганди.

Гдлян ва Иванов, Каракозов кабилар тергов жараёни аввалида, гувоҳлар билан юзма-юз қилиш арафасида вазифаси нуқтаи назаридан «самимий» суҳбатлар ўтказишарди. Бу суҳбатлар кўпроқ йўл-йўриқлар беришга ўхшаб кетарди: терговда, гувоҳлар билан юзма-юз қилинганда, судда нима ҳақда ва қандай гапириш, илтимосномаларни қандай тўлдириш кераклиги ҳақида. Буларнинг барчаси тергов манфаатларига бўйсундирилганди.

Гдлян, Иванов, Каракозов тергов жараёнида ўзларининг сўнги мақсадларини яшириб ўтиришмасди, мақтанган ҳолда фахр билан таъкидлашарди: «Сиз, Сатторов, бизга керак эмас-сиз. Сизни ва генералларингизни биз хоҳлаган пайтимизда чувалчангдек эзиб ташлашимиз, авлод-аждодингизни йўқ қилиб юборишимиз мумкин... Лекин сизга ёрдам беришимиз ҳам мумкин. Бунинг учун «юқори»га катта миқдорда пора узатганингиз ҳақида кўрсатма берсангиз бўлди».

Шуни таъкидлайманки, менинг ясама «иш»им, Т. Умаров билан боғлиқ мазкур эпизод йирик партия, совет ходимларига нисбатан олдиндан режалаштирилган жиноят ишларининг бир зарраси сифатида уюштирилган. Гдлян, Иванов, Каракозовнинг барча ҳаракат-

лари, уларнинг шафқатсиз усуллари менга ва менга ўхшаганларга қарши «далиллар»ни қўлга киритишга қаратилган эди. Мен олдиндан маҳкум қилиб бўлингандим. Терговчи Иванов томонидан қамоққа олинганимдан сўнг 5 кун ўтгач, яъни 1985 йилнинг 31 августидан Тошкент шаҳрининг Ленин район партия комитетига юборилган бир неча жумладан иборат қисқа тақдимномасида шундай сўзлар ёзилган: «Сатторов қўл остидаги ходимларидан мунтазам равишда катта миқдорда пора олиб, уларни юқори мартабали шахсларга бераётгани учун ушланди».

Қани бунинг исботи? Бунинг исботи терговчиларда ҳозир ҳам йўқ, у менга нисбатан ноқонуний равишда «иш» қўзғатилган пайтда ҳам бўлмаганди.

Ҳурматли граждан судьялар!

Умаров томонидан қўйилган ва ўйлаб топилган айблов эпизодини тўлиқ, объектив ва ҳар томонлама кўриб чиқиш учун судга чин дилдан кўмак кўрсатишга тайёрман. Мен ушбу эпизод қандай пайдо бўлганига эътибор қаратишингизни қаттиқ илтимос қиламан.

Умаров ва бошқаларга нисбатан мен билан деярли ҳар куни порахўрларнинг юқори эшелони сифатида «суҳбатлашишган», «иқроп бўлганлигим» ҳақида ёзиб беришимни талаб қилишган бўлишса-да, расмий айблов тақдим этишмади. Мен рад қилдим, Гдлян ва Иванов бунга нисбатан агрессив муносабат билдиришди. Агар ҳибсга олинган биринчи кунимда нима юз берганини судга айтсам ўринли бўлмаса керак деб ўйлайман. Терговнинг қолган ҳамма кунлари рамзий жиҳатдан биринчи кунга ўхшаш эди.

1985 йилнинг 26 августидан, тушдан кейинги тахминан соат 14 да мен Тошкент электротехника заводининг кадрлар масаласи бўйича директор ўринбосари Шодиев ҳузурига чақиртирилдим. Кутилмаганда унинг кабинетига барзанги йигитлар бостириб киришди. Улар ўзларини таништирамай, ҳеч қандай ҳужжат кўрсатмай, ҳеч нарса демай, ҳатто исм-фамилиямни ҳам сўрамай, дарров қўлимни орқамга қайиришди ва наручник солишди. Улар йўлак-



да турган ишчилар кўз олдида мени – заводнинг кўп нусхали газетаси муҳарририни, истеъфодаги генерални, Тошкент шаҳар партия комитети Пленуми аъзосини учинчи қаватдан пастга судрашди. Сўнг қора машинага ўтқазиб, заводдан олиб чиқиб кетишди. Турмага келгач, мени ертўлага қамаб қўйишди. Куч ишлатиш орқали амалга оширилган қисқа ва ҳақоратли «жараён»дан сўнг яна наручник тақиб, юқорига, конвойлар айтганидек, «терговчи»га олиб чиқишди.

Кабинетда тўрт киши ўтирган эди. Ўзларини таништирмай, ҳеч қандай айб эълон қилмай туриб сўроқни бошлаб юборишди:

– Айт-чи, генерал, қаерга тушиб қолганингни биласанми?

«Қаерга келдим, ким билан гаплашяпман?» – деб берган саволимга улардан бири масҳароумуз жавоб қайтарди: «Кўряписизларми, у бизни танимайди. Мен Гдлянман, наҳотки, танимасанг? Бу Иванов, ўзинг билганингдек, бутун Москва Ивановларга суянади...» Қаршимда ўтирган бўйи деярли икки метрли, сочлари қалин, соқоллари ўсган, ҳар бир мушти гуваладек келадиган барзангини, менимча, Пойков ёки Бабков деб аташади, тўртинчи одамни эса эслай олмадим. «Қўлинг остидагилардан пора олганинг, «юқори»га катта пора берганинг ҳақидаги кўрсатма сени қутқариши мумкин», – деди Иванов.

«Ҳеч кимдан олмаганман, ҳеч кимга пора бермаганман!» деган жавобим Гдлян ва Ивановда ғазаб уйғотди. Орқа томонимда турган Гдлян менга таҳдиди қилиб деди:

– Сендан кўрсатмани суғуриб олишга мажбур қилмасан бизни?!

Мен қўлимдаги наручникни ечишларини сўрадим.

Айбимни кўрсатиш, қўлкишан таққани учун акт(рапорт) ёзиш ҳақидаги талабим уларнинг истеҳзоли кулгисига сабаб бўлди:

– Буни қара, яна нималарни хоҳлайсан? Яхшиси, сен айтганимизни қил, кўрсатмангни бер. Акс ҳолда, поезд кетиб қолиши мумкин.

Гдлян Ивановнинг сўзларини бўлиб бақирди:

– Қанақасига бу генерал бўлсин? Бу қип-қизил бандит, мафиянинг бошлиғи-ку! – сўнг менга юзланди: – Сен жиноятчисан, ушалган эмас, қамалгансан. Энди саволимга жавоб бер: лавозимингда қолиш учун кимга пора бергансан, кимдан пора олгансан?

Иванов гапга қўшилиб деди:

– Миллионларни, олтинларни, бриллиантларни чиқариб қўйинг. Майор Музаффаровдан икки миллион олгансиз, генераллар эса ундан ҳам кўпроқ сарф қилади. Ана шу миллионларни чиқарганингиздан кейин бошқача гаплашамиз. Чиқармасангиз, ўзимиз топамиз, қаерга кўмиб қўйганингизни биламиз...

Менинг «Агар билсангиз топиб олаверинг, улар сизларники» деган жавобим Гдлян ва Ивановнинг аччиғини чиқарди, Иванов васвасага тушиб бақирди:

– Ўзинг чиқармасанг, панжаларим билан суғуриб оламан!

– Сен бизни яхши билмас экансан, – дея сўзга қўшилди Гдлян, – биз сени янчиб ташлаймиз, авлод-аждодингни йўқ қиламиз (бу Гдляннинг севимли жумласи бўлиб, уни бўлар-бўлмасга такрорлайверарди).

Терговчилар бир-бирини бўлган ҳолда мени ҳақорат қилиб, куракда турмайдиган гаплар билан сўкишди, ҳақоратлашди, бошимга дўзахнинг кунини солиш билан таҳдид қилишди.

Гдлян бошимга муштлаб, шундай деди:

– Аҳмоқ мия, биздан бошқа ҳеч ким сени ҳимоя қилмайди.

Уларнинг ҳақоратига, камситишларига чидай олмай ўрнимдан турдим ва яна бир бор қўлимдаги наручникларни ечишни талаб қилдим. Қаршимда ўтирган қалин соқолли одам йўғон мушти билан мени столга итарди: «Ўтир жойингда, бўлмаса, эзғилаб ташлайман!»

Терговчиларнинг инсоний муносабатлар чегарасидан чиқиб кетган қўполлиги, беадаблиги, тилининг заҳарлиги мени ҳайрон қолдирди.

Мен Гдлянга яна бир бор мурожаат қилиб, кескин гапирдим:

– Ҳеч бўлмаганда прокуратуранинг генераллик мундирини шарманда қилманг!



Бу гапимдан сўнг менга нисбатан ҳақоратлар давом эттирилган бўлса-да, қўлимдаги наручникларни ечиб қўйишди. Гдлян бироз ўзини босиб, гўёки менинг тақдирим учун қайғураётгандек бўлиб деди: «Биз тушунамиз, сен коррупциялашган тизимнинг қурбонисан. «Юқори»га босим ўтказишимга тўғри келяпти, акс ҳолда, ер юзини йўқ қилиб юборишади...»

«Мен ҳеч кимга ҳеч қачон пора бермаганман. «Коррупциялашган тизим» ҳақида эса менга ҳеч нарса маълум эмас» деган жавобим Гдлян ва Ивановнинг газабини янада оширди. Иванов васвасага тушиб бақира кетди: «Осётровга, Архангелскийга, Умаровга, Чурбановга пора бермаганмисиз? Биз ҳаммасини биламиз!»

Гдлян: «Сен оппоқ эмассан, жинойтчисан», – деб унга қўшимча қилди.

Мен бўлиб ўтган воқеалардан, эшитганларимдан ўта таъсирланиб, уларнинг ҳаммасини эслаб қололмадим. Вақт аллақачон 22 дан ўтганди. Мени олиб кетиш учун конвой келди.

Гдлян ва Иванов яна 5 – 10 минут терговни давом эттиришди, протоколни эса кейин кўрсатишларини (сўроқ пайтида умуман протокол тўлдирилмади, фақат Иванов аҳён-аҳёндагина варақча нималарнидир белгилади) айтишди.

Мени камерага кузатаётиб Гдлян орқамдан шундай деди:

– Яхшилаб ўйлаб кўр. Ўзингни, оилангни, ўғилларингни нобуд қилма. Шундай қиламизки, сен энг олий жазони ёки 15 йилни бўйнингга иласан. Лекин биз ёрдам беришимиз, қисматингни енлилатишимиз ҳам мумкин. Ўйлаб кўр...

Мен тушкунликка тушган ҳолда камерага йўл олдим.

Эртасига ва ундан кейинги кунлар ҳам шу тарзда бошланиб, шу тарзда яқунланди: таҳдид-кўндириш, қўрқитиш-ваъдалар бериш, менга қарши «чин юракдан», ёлғон кўрсатмалар берган шахсларнинг сохта маълумотлари ва аризаларини тақдим этиш ва бошқалар.

Мени даҳшатга солган нарса шунда бўлдики, Гдлян ва Ивановдан министр Яхёев, министр ўринбосарлари Бегельман, Қаҳрамонов, Сало-

ҳиддиновнинг исм-фамилияларидан ташқари орадан ярим йил ўтиб – 1986 йилнинг январь – апрелида Каракозовдан бир қатор масъул партия ва совет ходимлари, жумладан, Умаров, Осётров, Мусахонов, Орлов ва бошқаларнинг номларини ҳам эшитдимки, гўёки улар менга қарши «чин кўнгилдан» кўрсатмалар беришган. Шунинг учун уларнинг бу кўрсатмаларини «тасдиқлашим» ва «аниқлаштиришим» керак эди.

Турма ҳаёти, доимий равишда руҳий босим остида бўлиш, турли таҳдидлар туфайли саломатлигим ёмонлашди. Доимий бош айланиши, уйқусизлик безовта қиларди. Эски касалликлар қайта кўзғалди. Руҳиятим бузилди. Фикрлаш доирам торая бошлади, эрким бўғилди. Ҳолатим ҳалокатли даражага келиб қолганди.

1985 йилнинг 18 – 19 сентябрь кунлари Гдлян ва Иванов руҳий жиҳатдан мени эзишни давом эттириб, собиқ республика ички ишлар министри, генерал-лейтенант Яхёев билан икки марта процессуал эмас, балки провокацион учрашув уюштиришди. Уч киши, яъни Гдлян, Иванов ва Яхёев Гдляннинг Ўзбекистон КГБсининг тергов бўлими биносида жойлашган кабинетида мени «умумий иш манфаати учун «юқоридагилар»га қарши кўрсатма беришга» ишонтирмоқчи, кўндирмоқчи бўлишди, охир-оқибат буни мендан қатъий талаб қилишди.

– Душманларимизни йўқ қилишимиз керак, биз эса уларни қайтага қуроллантиряпмиз, – деди Яхёев Гдлянга қараб.

Ўз навбатида, Гдлян уни кўкка кўтара бошлади:

– Мана, Ҳайдар Холиқович бизни тушунади. Биз унга ёрдам берамиз, ўғли Илҳомни турмадан озод қиламиз. Сен ҳам Яхёевга ўхшаб бизнинг байроғимиз остига ўт.

Мен Яхёевдан сўрадим:

– Сизнинг душманларингиз ким ўзи?

Унинг ўрнига Гдлян жавоб бериб, СССР ИИВнинг барча тирик ва марҳум раҳбарлари – Шелоков, Чурбанов, Елисов, Заботин, Мельник, Дроздецкий, Кривенцов, Ўзбекистон КП МК бюросининг барча аъзолари, Марказий Комитетнинг айрим бўлим мудирлари, шу жумла-



дан, Рашидов, Осётров, Усмонхўжаев, Салимов, Орлов, Архангелский, Умаров, Крешов, Тошкент област ва шаҳар партия комитетлари раҳбарлари Мусахонов, Антонов, Умаров Учқун, Дудин, Козимов, Саркисов, Бекмирзаев, Шоабдурахмонов, Юсупов, республика ИИВ раҳбарлари Эргашев, Давидов, Ибрагимов ва Султонов (охиргилар ҳали вазирликда ишлашарди) нинг номларини келтириб ўтди.

Иванов бунга қўшимча қилди:

– Обком, горком, горисполком ва республика МВДдаги порахўрларни у биздан кўра яхши билади...

– Менга ҳеч нарса маълум эмас, – дедим мен.

– Бекордан-бекорга уларга тўхмат қилмайман.

– Агар улар сени фош қилишса, нима бўлади? – деб сўради Гдлян.

Ёнимда тушқун ҳолда ўтирган, қачонлардир «темир министр» деб ном чиқарган Яҳёев ҳайратимни ошириб мени кўндира бошлади:

– Сиз менга бир неча марта пора берганингиз ҳақида ёздим, менинг сўзларимни тасдиқланг, сира хафа бўлмайман. Ўтиниби сўрайман, ҳеч иккиланманг, шундай қилиш керак...

Яҳёев қасамичгудек бўлиб мени кўндира бошлади:

– Мажбурликдан айтган ёлғонимиз учун бизни худо кечиради...

Яҳёевнинг кўзида ёш қалқиди, унга қараш жуда оғир эди.

– Сиз Тельман Хореновичга қулоқ солинг. Улар бизга ёрдам беришади.

Буларнинг барчаси мен учун кутилмаган зарба бўлди Шу ернинг ўзида барча инсоний қадриятлар яқсон бўлиб кетганди. Ҳеч ким протокол юритмади.

Гдлян Яҳёевга ва менга хоҳлаган тилда гаплашишимизга рухсат берди (биз рус тилидан ташқари ўзбек, тожик, форс тилларида сўзлаша олардик). Яҳёев яна анча пайтгача мени Гдлян ва Иванов айтган ишни қилишга кўндириш учун уринди.

Шуни айтиш лозимки, Гдлян, Иванов, Бобков (ёки Пойков) Яҳёевнинг олдида ўзларини анча босиқ, қонунга бўйсунувчи ходимлар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилишди. Мен

Гдлян, Иванов ва Яҳёевнинг таклифига розилик бермагач, Яҳёевни камерага олиб чиқиб кетишди. Мен билан эса яна шафқатсиз, ҳақоратли муносабатда бўлишиб, қўрқитишга ҳаракат қилишди. Бу ярамасликдан бошқа нарса эмас эди.

Шундай қилиб, уч йил мобайнида айблов учун «далиллар» ясалди, шу жумладан, Умаров ва менга боғлиқ эпизодлар бўйича ҳам. Умаровнинг айби бўйича мен билан боғлиқ эпизодга асос бўлган жиҳат фақат ёлғондан иборат, улар айтаётган барча «далиллар» сунъий равишда яратилган. Ҳаммасини гапириб, ёзиб тугатиб бўлмайди!

Ҳурматли гражданин судялар!

Узоқ давом этаган вақт давомида, деярли 1600 кун мобайнида (Улуғ ватан урушида 18 ёшимда аскар бўлганман ва 1943 йилнинг майидан бошлаб 1418 кун хизмат қилганман) маҳкумлиқнинг барча азобларини бошимдан кечирдим. Шунга қарамай, эзгуликка, ҳақиқатга бўлган ишончимни сўндирмадим ва, энг муҳим жиҳати, 1943 йилнинг августидан қамоққа олингунимгача бўлган (1985 йил 26 август) давр мобайнида Коммунистик партия идеалларига бўлган ишончимни йўқотмадим. Мен КПСС сафига кирган пайтимда Иванов ҳали туғилмаганди, Гдлян эса иштонсиз ўйнаб юрарди. Мен коммунист бўлишдан тўхтамадим (буни Лефортово, Пресня, Свердловск, Петропавловск, Тошкентдаги изоляторларда, тош камераларда, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитаси ертўласида, қамоқхоналарнинг маҳбуслар билан тўлиб-тошган касалхоналарида мен билан бирга бўлган кексаюёш тасдиқлаши мумкин). Ўта билимли, ақли, атрофдагиларга ғамхўр, яхши суҳбатдош бўлган И.Д. Жарков бошқарган намунали меҳнат-тузатиш лагеридагилар ҳам мени коммунист сифатида танишарди. Орасида прокуратура-тергов аппарати томонидан синдирилган, ўзини йўқотган, заифлашганлар кўп бўлган ушбу лагерда мен билан бирга бўлганлар ҳақида ёмон гап айта олмайман. Мен коммунист бўлганман ва умримнинг охиригача коммунист бўлиб қоламан. Қамоқдаги бутун даврим мобайнида



партиянинг аъзолик бадаллари омонат кассага топшириб келинган.

Менинг фожиам қамоққа олинганимдан сўнг бошланди. Мен ҳеч қачон жиноятчи бўлмаганман ва бўлмайман ҳам. Улар – Гдлян ва Иванов мени «жиноятчи»га айлантиришди. Улар ўзларининг карьеристик, сиёсий мақсадлари йўлида менинг оиламга, набираларимга, ўғилларимга, яқинларимга қаттиқ боғланганимдан фойдаланишди. Шу ердан мажбурлаш, ёлғонларни тўқиб чиқариш бошланди, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитаси тергов корпусининг учинчи қаватида жойлашган Гдлян ва Ивановнинг кабинетида ўйлаб топилган Умаровга нисбатан мен билан боғлиқ айблов эпизоди ясалди. Судланувчи Т. Умаровга келсак, у ҳам мен сингари Гдлян ва Ивановнинг шантаж ва уйдирмалари қурбонига айланди. Ўзини ҳам, мени ҳам қурбон қилди. Балки, Москва област судига берган кўрсатма-аризаларида ёзилган ҳақиқатни судга айтиб бергандир. Ушбу аризалар яшириб қўйилган эди.

Суддан Умаровменинг иштирокида уни ёлғон гапиришга, мени ва ўзини бадном қилишга ким мажбурлаганини айтиб беришини сўрайман.

Ишонч билан айтманки, Умаровнинг 5. 11. 85; 19. 02. ва 18. 09. 86, 20. 06 – 22. 06 ва 13. 08. 87 йиллардаги дастлабки тергов жараёнидаги кўрсатмаларидаги фактлар, шунингдек, Мосгорисполком ГУВДнинг қамоқ типидagi 4-тергов изоляторида ўтказилган ёпиқ суд терговиди гўёки мендан «пора олгани» тўғрисида берган кўрсатмалари 20, 21. 09. 85; 11. 04. 86: 9. 06 ва 22. 06. 87 йиллардаги юзлаштириш пайтида берган ва магнит тасмасига ёзиб олинган менинг кўрсатмаларим ва аризаларим каби терговчилар Гдлян, Иванов, Каракозов, Литвак, Власов томонидан амалга оширилган қўрқитиш, таҳдид ва терговнинг бошқа ман этилган усулларини қўллаш орқали олдиндан уюштирилган ёлғонлардан иборат. Ушбу иқдорномалар мажбурлаш орқали ёзилган, бундай воқеа умуман бўлмагани учун объектив ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Ҳурматли граждaн судьялар!

Мен тушунаман, гувоҳ сифатида судга алоҳида муҳим масалалар бўйича терговчилар Т.Х. Гдлян, Н.В. Иванов, уларнинг ҳомийлари Г.П. Каракозов ва уларнинг қўл остида бўлиб, Гдлян, Иванов, Каракозовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ўзбошимчаликларини кўра туриб сидқидилдан хизмат қилган Власов, Тищенко, Литвак, Карташян, Вафин, Мазаевский, Герастевичга нисбатан хусусий қарор чиқартириш юзасидан судга илтимоснома билан чиқиш ҳуқуқига эга эмасман.

Суд уларга нисбатан хусусий қарор чиқариш орқали бугунгиқайта қуриш ва ошқоралик даврида юксак адолат ва инсонийлик тамойилини амалга оширган бўларди.

Ҳурматли граждaн судьялар!

Деярли беш йил мобайнида ўз фожиамни, оилам, болаларим, набираларим фожиасини бошимдан ўтказган, ўз ҳаётимни, хатоларимни кунма-кун чуқур мулоҳаза қилган ҳолда яна бир бор юксак суд олдида, виждоним олдида қатъий ва чин кўнгилдан баёнот бераман:

1. Умаровга ҳеч қачон пора бермаганман, ҳеч қандай совға-саломлар етказмаганман.

2. Умаров ва мен ҳеч қачон ҳеч қандай масала бўйича бир-биримизга боғлиқ бўлмаганмиз, ҳеч қандай хизмат ва шахсий масалаларни ечмаганмиз ва келишмаганмиз.

3. Умаров мендан ҳеч қачон ҳеч қандай хизматни талаб қилмаган. Умаровҳеч қачон хизмат ва шахсий масала юзасидан мурожаат этмаган.

4. Умаровички ишлар органларидаги хизмат билан боғлиқ бўлган биронта масала юзасидан менга мурожаат этмаган.

Менинг бу кўрсатмаларим ҳақиқийдир, улар ҳақида ушбу ўзганларимдан ташқари СССР Олий судида Қаҳрамонов ва Яҳёевни оқлаш юзасидан қўзғатилган ишни ўрганиш вақтида ўтказилган суд жараёнида батафсил маълумот берганман.

Маҳбус Ислom Ғаффорович Сатторов ўз аризасини рус тилида баён этган. Биз уни ўзбекчалаштирдик. Рус тилида ўз қўли билан ёзилган 40 саҳифадан иборат ушбу аризининг 1-, 2- ва охириги 40-бетлари қуйида асл ҳолида бериляпти:



Председателю Судебной Коллегии  
Верховного Суда Туркменской ССР,  
рассматривающей уголовное дело Умарова Т. -  
бывшего управ. делами ЦК КП Узбекистана

26.10.1989 мне - Сайттарову Меламу Тараровичу, сообщили, что вызван для дачи показаний по делу Умарова Т.

Мне 66-лет. Это тяжело болел. Меня готовили к экстренной операции, чтобы избавиться от опухоли. Исход операции трудно предсказать... Ходил я и пилцомой, но ишемическая болезнь сердца, гипертония, стенокардия, язва желудка, воспаленный нос, обострение остеохондроза, ревматизма, артериальная и еще десяток болезней приковали меня к постели два месяца и конца легению еще не видно.

По этим причинам мне не представляется возможным участие в судебном процессе из Нижнего Тагилы Свердловской области в Ашхабад Туркменской ССР. Пока, что этот вопрос не решен.

В связи с изложенным настоятельно прошу вас, как возможное мое заявление считать моими официальными, государственными показаниями моему Суду по делу Умарова Т., бывшего управляющего делами ЦК КП Узбекистана.

Я - Сайттаров Мелам Тарарович, 1924 года рождения, гражданин по национальности, член КПСС с 1943 года, после выхода на пенсию в 1984 году, работал в ашхабадском электротехническом заводе.

Знаю подсудимого Умарова Т. примерно с 1978-1979 годов, знаю его по моему личному характеру, видел его изредка в Ашхабаде в. Ташикейта на церемониях вайрег проводов партийных и правительственных делегаций высокого уровня при исполнении

Продолжение на 2-м листе...

- ошлицы -

служебных обязанностей. Я обеспечивал охрану, безопасность и сопровождение высших гостей, Умаров же обеспечивал дружеские важные обязанности, при этом мы по случаю не собирались.

Нейтральные гласы к Умарову М. я никогда не читал потому, что никогда ни личные, ни служебные отношения с Умаровым М. не поддерживал.

Все, о чем я сообщу Высокому Суду, это: сделавшаяся одназначная судья, это - парадоксальная горькая трагедия, случившаяся со мной после моего незаконного ареста.

Категорически заявил Высокому Суду:

- Первое - Я никогда никаких взятки Умарову не давал, никаких подарков, преступлений не делал;

- Второе - Ни я, ни Умаров никогда лично, ни по случаю не были друзьями, не были связаны друг от друга;

- Третье - Ни я, ни Умаров никогда лично, ни по случаю либо поручению не обращались друг к другу по каким-либо финансовым вопросам. По нашему должностному положению, вотмываемым обязанностям такие вопросы не могли возникнуть и не возникали;

- И, наконец, утверждение органов управления так называемых "полюбовных связей и поддержке по случаю" служебных отношений в нашей самых взаимоотношений с министерством...  
Тогда же мне когда...



— 40 лист —

Суд выносил такое гасйное определение, сс-  
рши бы акай высочайшей справедливости и гуман-  
ности, достойной времени переаиройки и гласности.

Уважаемые "Граждане Суды!"

Можно переживать в течение жизни лишь лей,  
вою трагедию, трагедию себя, дейей, бнукое,  
а дня в день верунолезно амализируйт свои  
жизнь, свои ошибки и недосидайки, теперь еще  
аз перед Высочайш Судом, перед совестию,  
перед всем светлым, что сошло се у меня,  
искренне и твердо заявляю:

1) Умарову Т. я никогда никаких взайок  
не давал, никаких подарков, прейюдмошений не делал

2) Умаров Т., как и я никогда ни по каком  
вопросам не были зависающими друг от друга,  
никаких служебных или личных вопросов не реща-  
ли, не согласовывали.

3) Умарова Т. я никогда ни о какой услуге  
не просил, Умаров Т. никогда ко мне ни по  
какому служебному или личному вопросу не об-  
ращался. Ни он, ни я в такой услуге не нуждались

4) Умаров Т. никогда не обращал ко мне  
ни по какому вопросу, связанному со служебной  
органов внутренних дел.

Эти мои показания достоверны, о них  
кроме сказанного, я подробно сообщал и  
4.11.1988 года на судебном процессе в  
Верховном Суде СССР при председателе  
Суда, председателе Верховного Суда



Москва шаҳри, Кремль. СССР Олий Совети. Т.Х.Гдлян бошчилигидаги СССР Иттифоқи прокуратурасининг тергов гуруҳи фаолияти билан боғлиқ материалларни текширувчи Комиссияга. Мадаминов Анвар Саидмахмудовичдан, 1938 йилда туғилган, ўзбек, маълумоти олий-техник, Тошкент шаҳрида яшайди, оилалиман, қарамоғимда 6 нафар фарзандим бор, Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 152-моддаси 2-қисми билан 12 йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилганман. Иркутск шаҳри Писарев кўчаси 13-уйдаги УК-272/3 муассасасида сақланипман. Қамоқ муддати бошланиши – 21. 06. 83 дан қамоқ муддатининг тугаши – 21. 06. 95 йилгача «юқори»га пора бериш юзасидан кўрсатма олишда Гдлян ва Ивановнинг товаламачилиги, улар томонидан совет қонунларининг қўпол бузилиши, зўравонлик ўтказиш ҳолатлари бўйича

### АРИЗА

Ҳурматли Комиссия аъзолари!

Мен ўз аризамни чўзиб ўтирмайман, чунки сизлар билан учрашишга умид қиламан. Ушбу учрашувда мен ва оилам қандай қилиб ўзбошимчалик ва қонунбузарликнинг қурбони бўлгани ҳақида батафсил сўзлаб беришим мумкин.

1983 йилнинг апрель ойи охири ёки май ойи бошида Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик хизмати Бухоро шаҳрида милиция ходими Музаффаровни қамоққа олди. Унинг ёнида миллион сўмдан ортиқ нақд пул борлиги аниқланди.

Бу тажрибани Тошкентда ҳам қўлламоқчи бўлишди. Ўзбекистон Давлат хавфсизлик хизмати ходимлари ва аскарлари автомобилларга ёқилғи қуйиш станцияси мудир, қандайдир Зиқриев Ақром гўёки бутун бойликларини менинг бувимнинг хонадонидан сақлаётгани ҳақида зимдан берган хабарига асосланиб 3 сутка

мобайнида бувим, кўп сонли қариндошларим ва танишларим, шунингдек, яна 30 кишининг уйига бостириб киришади. Валюта ҳам, пул ҳам топа олмагач, бувимнинг ертўласига кичик калибрли милтиқ ва унинг патронларини ташлашади. Кабинетимдан эса Америка делегацияси томонидан ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекциясига совға қилинган пичоқни топиб, улардан жиноят ишини «ясашади».

Республика прокурори Бўрихўжаев 1983 йилнинг 24 июнида мен билан суҳбатлашмай, ифвогарона характерга эга «материаллар» ва уйдирма фактларга асосланиб қамоққа олиншим ҳақида санкция беради.

Мени хавфли давлат жиноятчиси сифатида Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик хизмати тергов изоляторига жойлаштиришди. Бу ерда мен 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида терговчиларнинг жосуслари ролини бажарган жиноятчилар, шунингдек, собиқ милиция, савдо, партия ва совет органлари раҳбарлари билан биргаликда оғир шароитларда сақландим.

Бу ерда камерадолларимдан ва терговчилардан шу нарса маълум бўлдики, Музаффаров гўёки тўғри йўлга кириб, жиноятини бўйнига олган. Унинг кўрсатмаси билан ички ишлар бошқармасининг кўплаб раҳбар ходимлари, шунингдек, Бухоро шаҳар саноат моллари савдоси директори Қудратов қўлга олинган. Ҳамма Музаффаров ўзининг чин юракдан берган кўрсатмалари туфайли ҳаётини сақлаб қолгани, у отувга ҳукм қилинмаслиги, 10 – 12 йил қамоқ жазоси берилиши, терговчилар унга «оз» муддат олишга ёрдамлашиши тўғрисида гапирарди.

Нижоят, «бошлиқларимни, партия-совет органларидаги катта одамларни фош қилишим, уларга пора берганим ҳақида кўрсатма беришим, шундакичик одамга айланиб, менга энг оз, уларга эса катта муддат беришлари» ҳақида менга тушунтириш олиб боришди.

Давлат хавфсизлик хизматининг жами 24 та камерадан иборат бўлган тергов изоляторидан жосуслар, илгари «чин кўнгилдан» кўрсатма берган бошқа «ёрдамчилар» томонидан бу ерда ушлаб турилганларга очиқчасига ишлов бериш бошланиб кетди.



Камераларда одамларни раҳбар ходимлар ҳақида ёлғон кўрсатмалар беришга ундаш, «чин дилдан аризалар ёздириш» билан шуғулланишарди. Бу ерда бири иккинчисига, ўғил отага, хотин эрига қарши қилиб қўйиларди.

Турли камераларда турли одамлар билан ўтирар эканман, терговчилар қамоқда сақланаётганларни юқори партия раҳбар ходимлари, КПСС Марказий Комитети аъзолари, Сиёсий бюро аъзолари, министрларга қарши қандай қилиб ёлғон кўрсатмалар беришга, туҳмат қилишга ундагани ҳақида эшитишимга тўғри келган.

Менинг ўзимни «юқори»га пора берганим ҳақида ёлғон кўрсатма беришга ундашгани ҳақидаги мисолни келтирмақчиман:

– 1983 йилнинг 21 июнида мени қамоққа олиб, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитасига келтиришди. Менга ўзларини таништиришларига кўра, терговни Биндасов, Санько, Хакальков ва яна 2-3 киши олиб борди. Биндасовнинг кабинетиде ўз бойлигимни қаерга яширганим, кимдан пора олганим ва кимга пора берганим ҳақида айтишимни талаб қилиб, мени ҳайвонларча калтаклашди. Уларда шахсларнинг рўйхати (50 нафарга яқин) бўлиб, уларнинг кўпчилигига туҳмат қилишим керак эди.

– Мени қандайдир қилиб ёлғон маълумот берган Зиқиряев Ақром билан «боғлашди». 1983 йилининг 16 августида республика прокурорининг ўринбосари Галашко қамоқда бўлиш муддатимни узайтириб қўйди. Бу гал мен 33-рақамли жиноят иши бўйича айбландим.

– 1984 йилнинг 5 мартда яна Галашконинг кўрсатмаси билан менинг қамоқда бўлишим 7701-рақамли жиноят иши билан узайтирилди. Мен «совуқ ва ўқотар қурол сақлаганим» учун қамалгандим, бериладиган санкция 2 йилгача бўлган муддатни кўзда тутса-да, бу ишни олиб бориш учун катта тергов гуруҳи тузилди. Бу гуруҳни Ўзбекистон ССР прокуратураси ходими В.Д.Ли бошқаради. Тергов гуруҳи аъзолари Биндасов, Санько ва Халалъков мени мунтазам таҳқирлашди, уйдирма фактлар, ишим юзасидан «гувоҳлар» топишди.

– 1984 йилнинг 7 мартда Санько, Хакальков, Белоусов ва Биндасовмени калтаклашди.

Мени калтаклашган кабинетларни кўрсатиб беришим мумкин.

– 1984 йилнинг 19 апрелида тергов гуруҳи аъзолари Хакальков ва бошқалар «юқори»га, жумладан, министр К. Эргашев, унинг ўринбосарлари Давидов, Бегельман, Селиверстов, Қаҳрамонов ва ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Салоҳиддиновга пора берганим ҳақида кўрсатма беришимни таклиф қилишди. Бу ва бошқа одамларга пора берганимни айтганимда улар «ишни ўлим жазосига қадар олиб боришларини» айтиб мени кўрқитишди.

– 1984 йилнинг 20 апрелида яна худди шу гуруҳ ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Николаенко, Республика давлат автоинспекцияси ходими Б. Астанов, вилоят партия комитети котиби Антонов, вилоят партия комитети маъмурий ишлар бўлими мудри Егоров ва илгари вилоят партия комитети бўлим мудри бўлиб ишлаган республика прокурорининг ўринбосари Галашкога нисбатан кўрсатма беришга ундашди.

– 1984 йилнинг 25 апрелида менга Тошкент област ижроия қўмитасининг раиси Алимов, ички ишлар бошқармаси бошлиғи Жамолов, унинг ўринбосари Тошмуҳаммедов ва полковник Тожиқонов Убайдуллага нисбатан кўрсатма беришни таклиф қилишди. Тожиқонов барибир 9 йил қамоққа олиниб, 3 йил ўтирганидан сўнг, 1989 йилнинг 28 мартда «жиноят аломати йўқлиги учун» оқланади.

– 1984 йилнинг 27 апрелида мени генерал Сатторов, ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосарлари Каримов, Майоров ва вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосарлари Умаров, Тошқуловга нисбатан кўрсатма беришга мажбурлашди.

– 1984 йилнинг 7 майда худди шу тергов гуруҳи Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ходимларига нисбатан «иқрор бўлиш» юзасидан кўрсатма ёзиб беришни таклиф қилди. Тергов гуруҳининг қўлида 50 нафарга яқин кишининг рўйхати бўлиб, уларнинг пора олгани бўйича компромат материаллар ва фактлар тўпланган эди.



Терговчиларнинг сўзига кўра, улар рўйхатга олинган шахсларга қарши кўрсатмалар тўплаб, барча материалларни СССР прокуратураси вакилларига топширишлари шарт эди.

– Гдлян билан биринчи марта 1984 йилнинг 24 майида учрашдим. У мен билан яхши гаплашди, менга қарши ҳеч нарса йўқлигини айтди. 70 минг сўм беришимни, бунинг эвазига мени зудлик билан қўйиб юборишини билдирди. Бироқ у билан «ҳамкорлик» қилишим, яъни «юқори»га пора берганим тўғрисида кўрсатма беришим кераклигини таъкидлади. Шу ерда менга Хахальков ва бошқалар томонидан кўрсатилган рўйхатни тақдим этди. Гдляннинг бу таклифига шундай жавоб қайтардим: «Менда нақд пул йўқ, мени қўйиб юборинг, қайнонамнинг уйини сотиб, сизга шу пулни олиб келаман». У пул нақд кўринишда кераклигини, агар уйни сотсам, кўпчилик бунни билиб қолишини айтди. Мен ўйлаб қолдим, бу ерда бир гап бор. Гдлян ўзига пора берди деб менга тухмат қилиши ҳам мумкин эди.

Гдлян ва унинг хонасига кирган Иванов, Хахальков ва Белоусов билан бўлган «суҳбатимиз» соат 10 дан 18 гача давом этди. Мен Гдляннинг «лойиҳаси» бўйича кўрсатма беришдан бош тортганимда у ғазабланди, Иванов ва КГБ ходимларига менинг барча қариндошларим, қўл остимда ишлаганларни қамашга, отишга ҳукм қилинишим учун барча чораларни кўришга кўрсатма берди.

Гдляннинг сўроғидан сўнг мени Белоусовнинг кабинетига олиб боришди. Бу ерда КГБ ходимлари мени полга ётқизиб, тургизиб, қўлларимни қайириб, фашистларча калтаклашди. Мен ҳушимни йўқотдим.

– 1984 йил 7 август куни тушдан кейин мени Гдляннинг кабинетига чақиртиришди. Бу ерда СССР прокуратурасининг тергов қисми бошлиғи Каракозов ва Иванов бор эди. Улар яна 50 кишидан иборат рўйхатдаги шахсларга пора берганим ҳақида кўрсатма беришни таклиф қилишди. Мени уларнинг ҳузурига навбатчилик қисми олдидаги кабинетда Белоусов, Хахальков ва яна иккита ходим эрта-лабдан тушгача калтаклашганидан сўнг олиб келишганди.

Ана шу калтаклашларнинг изи ҳозир ҳам қолган, чап елкам ҳануз оғрийди – шиш пайдо бўлган. Уларнинг калтаклашгани ҳақида Каракозовга, Гдлянга, кейин эса камерадошларимнинг кўпига (Б. Арипов, У. Тожихонов, Б. Турсунов Ш. Рашалов ва бошқаларга), шунингдек, қариндошларимга айтганман.

Гдлян ва Иванов мени бир минут ҳам тинч қўйишмади. Уларнинг йўл-йўриғига «бўйсунмаганим» учун 12 йилга озодликдан маҳрум этилдим. Менинг ва қариндошларимнинг мол-мулклари мусодара қилинди. Ўзимни Олмаотадаги 71-меҳнат-тузатиш колониясидан Нижний Тагилдаги 13-меҳнат-тузатиш лагерига юборишди. Бу ерда чидаб бўлмас шароитларни яратишди, бир нечта маҳбусларни менга қарши қилиб қўйишди. Мен ўзимни ҳимоя қилиш мақсадида мунтазам равишда жарима изоляторида беркинишга мажбур бўлдим.

1987 йили Гдлян ва Ивановнинг топшириғи билан Москвага, Бутирка қамоқхонасига этап қилишди. Бу ерда терговчи В. Ю. Шишеков Тошкент области ички ишлар бошқармаси собиқ бошлиғи Д.Д. Жамасов билан юзлаштирди. Гўёки мен уч йил мобайнида Жамасовга 8 минг сўм пора берган эканман (мен бу ҳақда умуман кўрсатма берган эмасман), у ёлгон гапиришга мажбур бўлган. Терговчи Жамасовнинг сўзлари ва менинг кўрсатмаларимни протоколлаштириб олди. Эртаси куни Шишеков мени яна чақиртириб, Гдлян ва Иванов уни қаттиқ сўкканини, тергов гуруҳидан ҳайдамоқчи бўлишаётганини, Гдлян кўрсатмаси билан машинкада ёзиб, тўлдирилган бошқа протокол олиб келганини айтди. Гдляннинг Бутиркада мени чиритиб юбориш ҳақидаги таҳдидидан қўрқиб унга имзо чекдим.

Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик қўмитаси тергов изоляторида мен агент Мисиров Қодир билан ўтирганман. Мисировнинг сўзларидан билдимки, у Каримов ва Абдувоҳидов билан ҳам ўтирган. Гапларига қараганда, Абдувоҳидов Марказий Комитет ва Сиёсий бюронинг кўплаб аъзоларини сотган ва уни Москвага олиб кетишган.

1986 йил июнь – июль ойларида мен Тошкент шаҳридаги 1-тергов изоляторининг 370-камерасида милициянинг собиқ ходимлари билан



бирга ўтирганман. Менимча, 7 июлдан 12 июлгача бўлган вақт оралиғида тергов изоляторида Иванов келган. У камерадошим Мухиндан мен билан бирга турганини билиб, мени дарҳол махсус подвалга жойлаштиришга кўрсатма беради. Шундан сўнг махсус изоляторнинг 15 га яқин ходимлари камерамга кириб, қўлимга наручниклар тақишди важиноятчилар сақланадиган махсус подвалга (125- ёки 136-камера, кўрсатишим мумкин) қамаб, ҳаётимни хавф остига қўйишди.

1988 йилнинг апрелида мени Нижний Тагилдаги 13-меҳнат-тузатиш колониясидан Иркутск шаҳрига келтиришди. Бу ерда ҳаётим доимо хавф остида бўлди. Бу ҳам Гдлян ва Ивановнинг «узун» қўллари билан бажарилганди. Буни уларнинг ўзлари айтишганди: «Қўлларимиз узун, қаерда бўлсанг ҳам ушаласан», – деб.

Ўзимнинг ноқонуний қамоққа олинганим ва ҳукм қилинганим тўғрисида кўп бор шикоят қилганман. Улар эгаларига етиб бормади, ҳамма ерда рад этишди. Мени икки март суд қилишди. Бир марта икки йилга. Бу уларга оз бўлиб кўринди, материалларни сохталаштириб, менга 12 йил беришди. Шикоятимдан келиб чиқиб мендан 5 та эпизодни чиқариб олишди. Бироқ назоратчи суд жазо муддатини қисқартирмади. 1989 йилнинг феврилида СССР Олий судига шикоят билан мурожаат этдим, бироқ бу сафар ҳам СССР Олий судининг жиноий ишлар бўйича суд коллегияси раиси Р.Г. Тихомиров имзоси билан рад жавобини олдим. Ҳа, ушбу рад жавобига Гдлян ва Ивановнинг барча жирканч ишларидан яхши хабардор бўлган ва уларни қўллаб-қувватлаб турган ўртоқ Тихомиров имзо чеккан эди.

Қамоқда ноқонуний ушлаб турилишим пайтида (6 йил) мен, оила аъзоларим ва ҳимоячиларим юздан ортиқ шикоят ва аризалар билан қуйидаги органларга мурожаат қилишган:

- КПСС Марказий Комитетига;
- КПСС Марказий Комитети Бош секретари М.С. Горбачевга;
- ўртоқ Соломенцовга;

– КПСС Марказий Комитети маъмурий бўлими бошлиғи Савинкинга;

– СССР Олий Совети Президиумига;

– СССР ПВС раиси, Ўзбекистон Олий Совети Палатаси раиси А.А. Громикога;

– Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига;

– Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети биринчи секретарлари Ш.Р. Рашидов, И.Б. Усмонхўжаев, Р.Н. Нишоновга.

– СССР Давлат хавфсизлик хизмати раиси Чебриковга;

– СССР бош прокурорлари Рекунков ва Сухаревга;

– СССР Олий Совети раиси Теребиновга;

– Ўзбекистон ССР прокурори Бутуринга;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Совети раиси Йигиталиевга.

Шунга қарамай, қайд этилган органлар ва шахслардан 6 йил мобайнида ҳеч қандай муносабат билдирилмади. Қайтага, Ўзбекистон ССР прокуратураси 1988 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига ушбу Президиум томонидан ноқонуний тарзда қолдирилган суд қарорларини бекор қилиш бўйича протест киритди.

Шу нарсани ҳисобга олишингизни истайманки, ёшим 52 дан ўтяпти, олтига болам бор, ўзим касалман. Оддий рядовойдан Ўзбекистоннинг энг йирик областларидан бири ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи даражасигача кўтарилдим. 1961 йилдан буён КПССнинг фаол аъзоси бўлдим. Милиция подполковниги унвонига эришдим. Хизмат бурчимни ҳалол ва виждонан бажардим, ҳеч қачон ҳеч қандай жиноятни амалга оширмаганман.

Мен ўз тақдиримни СССР Халқ депутатлари 1-съезди томонидан тузилган Комиссияга тўлиқ ишонаман ва ушбу Комиссия менинг паймол этилган номусимни ва кадр-қимматимни тиклайди.

Ҳурмат билан: Мадаминов А.

1989 йил 3 июнь



В Комиссию для проверки материалов, связанных с деятельностью следственной группы прокуратуры Союза ССР, возглавляемой Траяном Т. К.

г. Москва, Кремль.

от Надамлинова Анвара Самгуналиевича, 1938 года, узбека, образование высшее-техническое, уроженец г. Ташкента, сестринский, иждивенный в семье, незаконно осужденного по ст. 152 ч. II УК Узбекской ССР и 12 годами лишения свободы, содержащегося в г. Иркутске, ул. Тимирязева, 13, учреждение УИ-272/3

Заголовок срока 21.06.83г.

Конец срока 21.06.95г.

### Заявление

об вымогательстве Траяном и Ивановым по поводу взятки "вверх", грубом нарушении с их стороны советских законов, произвола и беззакония.

Многоуважаемые члены Комиссии!

В своем заявлении я буду краток, ибо надеюсь на встречу, где бы мог подробно рассказать всю свою историю о том, как я стал жертвой произвола, беззакония, пострадав сам и семь.

В конце апреля в начале мая 1983 года в г. Бухаре, КГБ Узбекской ССР арестована работница милиции Музафарова, у которой обнаружена более миллиона камишек денег.

Решив этот опыт проводить и в Ташкенте. Сфабрикован ложный донос со стороны некого Зикирьева Абрама - зав. автозаправочной станцией, будь-то бы он крапихи свои ценности в квартире моей бабушки - КГБ Узбекской ССР с своими сотрудниками и солдатами, в течение 3х суток в доме бабушки и моих родственников и знакомых, а также у 30 человек устраивает дикобразный погром. Не находя ни валюту, ни денег они поворочались сами в порвал дома моей бабушки и моих



- лидерскую вышивку и патроны к нему, а из камен-  
-ица иззяв нож, подаренное американской делегаци-  
-ей ГАИ УВК — тамли образот сорабриковаан уголов-  
-ное дело.

24 июня 1983 года, прокурор республиканской  
Буркиджоев не побеседовав со мной на основа-  
-нии „материалов“ провокационного характера  
и сфаальсерифированных фактов дал санкцию  
на мой арест.

Меня, как опаснейшего государственного  
преступника поместили в следизолятор КГБ Уз.ССР,  
где я впоследствии, в тяжелейших условиях содер-  
-жался более 2х лет с уголовниками — выполняю-  
-щих роли агентов следователей, бывших руково-  
-дителей работников милиции, торговцев, партий-  
-ных, советских органов и т.п.

К тому времени от сокамерников и  
следователей мне стало известно, что Пузаараров  
любил встав на истинный путь, являлся с повин-  
-ной и по его показаниям арестованы много  
руководящих работников УВК и директор бухар-  
-ского горпролетарского Кудратов. Говорили, что Пуза-  
-араров своим истосердечным признанием заслужил  
жизнь, его не расстреляют, а дадут 10-12 лет, след-  
-ствие будет помогать ему получить „маленький“  
срок и т.д. и т.п.

Вот и меня стали соработывать, чтобы я  
„впереди себя поставил своих некавалеров, боящих  
людей из партийно советских органов, дабы пока-  
-залия о даги этиа людей взятюк, тогда я буду  
по сравнению с ними маленьким выжившим, мне  
дадут самый маленький срок, а им боащие“.

В следизоляторе КГБ, где являлся 24 камерн,  
шла бурная обработка задержанных, арестован-  
-ных со стороны агентуры и других „помощников“  
из числа тех, кто уже давал „явки с повинной“.

В камерах активно склоняли людей давать лож-  
-ные показания в отношении руководящих работ-  
-ников, писали всякого рода „истосердечных заяв-  
-лений“, здесь котравлялись один против другого,  
сына против отца, жену против мужа и т.п.

Находясь в разных камерах и с разны-  
-ми людьми, мне приходилось самозащит, как  
следователи провоцировали порследственных и  
разных аажных показаниях, к кавете в отноше-  
-ние высших руководящих работников партии,  
членов ЦК КПСС, членов Политбюро, министров  
и т.п.



- Председателю ПАС СССР г. Граммину Н.Н.
- в Ц/Г КГБ Узбекистана
- Первому секретарю Ц/Г КГБ Узбекистана  
г.г. Рашидову Ш.Р., Усманходжаеву Ш.Б., Кенесба-  
-нову Р.Н.
- Председателю КГБ СССР г. Чебрикову
- Генеральным прокурорам СССР:
  - Рогункову
  - Сукареву
- Председателю ВС СССР г. Терещинкову
- Прокурору УзССР г. Бугуралину
- Председателю ВС УзССР г. Юсупбекову

Тем не менее из указанных органов и лиц не было никаких реагирований в течение 6 лет.

Даже прокуратура УзССР в 1988 году в Президиум ВС УзССР внес протест об отмене состоявшихся судебных решений по моему делу, который Президиум ВС УзССР отклонил по юридически, незаконным мотивам.

Забегая вперед прошу вас встретиться со мной, эту заявку и мою поправку ждала вас и работать моя жена при встрече четко и письменно подробно ответу на ваши вопросы.

Прошу учесть, что мне идет 52 год, у меня в семье сын и двое, от рядового вырос до полковника ГАИ ЧАД одного из лучших областей Узбекистана, был активным членом КПСС с 1961 года, имея звание подполковника милиции, честно и добросовестно выполнял свой служебный долг, никаких преступлений никогда не совершая.

Я полностью доверяю свою судьбу созданной 1-й сессией народных депутатов СССР комиссии и надеюсь, что эта комиссия восстановит мою поправку честь и достоинство.

С уважением.

*Мадамидов* /Мадамидов А./

3 июня 1989 г.



### СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА

Гдлян-Иванов фаолиятини текшириш бўйича Съезд комиссияси раиси ўрт. Р.А.МЕДВЕДЕВга

СССР бош прокурори ўрт. А.Я.СУХАРЕВга. Москва шаҳри.

1935 йилда туғилган, Бухоро шаҳри маршал Жуков кўчаси 20-уйда яшовчи истеъфодаги полковник Рахимов Шамси Абдуллаевичдан

### А Р И З А



Терговчилар Гдлян, Иванов ва уларнинг қўл остидагилар терговни олиб бориш жараёнида шахсан менга, бошқа ўртоқларга тергов олиб боришнинг ман этилган усуллари: яъни келишув, алдов, ваъда бериш, таҳдид ва шантаж, ҳақоратлаш,

инсоний фазилатларни ерга уриш, жисмоний таъсир ўтказиш, камерадаги жосуслар орқали таъсир ўтказиш, турли «ёрдамлар» кўрсатиш, наркотиклар билан таъминлаш, спиртли ичимликлар билан суғориш, «душник»лар уюштириш орқали ўзим ва юқори турувчи мансабдор шахсларнинг содир қилмаган жиноятларини тан олдиришга мени мажбурлашди.

### Ф а к т л а р :

1. 1983 йилнинг октябрь, ноябрь, декабрь ойларида мени област КГБсига уч марта чақиртириб, у ерда шахсан Гдляннинг ўзи мен билан суҳбатлашиб, «пора сифатида олган пуллар»дан 50 минг сўм олиб келишни, УВД бошлиғи Норов, Дўстовдан тортиб биринчи секретарь Каримов, министрлар Яҳёев, Эргашев, министр ўринбосарлари Қахрамонов, Давидов, Селиверстов, Ибрагимов, Султонов, ички ишлар вазири ўринбосарлари Шумилин, Чурбанов, Мельник ва бошқаларгача «юқори»га пора берганим тўғрисида 10 – 12 та кўрсатма беришимни талаб қилди. Бундан ташқари, «Бухоро бойлари»ни айтиб беришим кераклигини, уларни аста-секин фош қилишини айтиб, бун-

дай ҳамкорлик учун мени яна ишимга тиклаш, мол-мулкларимни қайтаришни ва ҳимоясига олишни ваъда қилди. Акс ҳолда, қамоққа олиш билан қўрқитди.

2. 1984 йилнинг 9 феввалида Гдлян мени Тошкентга чақиртирди. Унинг кабинетида гап унинг «таклифлари» ҳақида борди. Мендан сўради: «Пулни олиб келдингми, ҳамкорлик қилишга розимисан?» 8 киши бутун кун давомида мени азоблашди, урмоқчи бўлишди, икки-уч марта жағимдан олишди, огоҳлантиришимдан сўнг тегишмади. Гдляннинг ўзи «Сейко» қўл соатим ва бошқа ҳужжатларимни олиб қўйди. 24 соатга тергов изоляторига қамашди.

3. 1984 йилнинг 10 феввалида мени аввал судланган Добрин, Соловьев Сергей, Абдуллаев ва бошқалар ётган 15-рақамли камерага жойлаштиришди. Улар мени милиция ходими сифатида билишарди. Ҳар ёқлама кўрқитишиб, айбимни бўйнимга олишни маслаҳат беришди. Натижада 2 йилу 2 ой КГБ ертўласида оғир шароитда ўтирдим. Гдлян ва Иванов бир йилдан ошиқ вақт мобайнида мени қийнашди, ҳақоратлашди, инсонийлик фазилатларимни топташди, чойшабларимни тортиб олишди, кунлик тинтувларни амалга оширишди.

4. Мени кейинчалик 3-, 12-, 17-, 23-камераларда колониялардан келтирилган жиноятчилар, КГБ жосуслари, суд қилинганлар билан бирга ўтиргизишди. Улар колонияларда милиция ходимларининг маҳкумлар томонидан ўлдирилишини, қийноққа солинишини айтиб кўрқитишди. Менга Омскдан келтирилган Томас Мшевенерадзе, Геннадий Конитин, Львовдан Анатолий Сергеенко (улар жуфт бўлиб «иш-лашади»), КГБ-МВД жосуслари ҳисобланган Равшан Ҳошимов, Володя Ворошилов, «Дипломат» лақабли Трифанов Владимир Семёновичнинг номлари яхши таниш бўлиб қолган. Улар Гдлян, Иванов билан ҳамкорлик қилиб, камераларига ташланган одамлардан зарур кўрсатмаларни «қоқиб» олишарди. Натижада жосуслардан бири Борис Абрамов мендан қаттиқ калтак еди. КГБ поликлиникасида унга 10 та тилла тиш қўйишди. У 1980 йили қамоққа олинган бўлиб, 1988 йили ҳалок бўлди. Мен билан битта жиноят иши бўйича тергов қили-



наётган Қудратов эса бошқа бир жосус – Марат Добрининнинг қўлини синдирди. Бироқ Гдлян фош бўлишдан қўрқиб Қудратовни жиноий жавобгарликка тортмади.

5. Гдлян ва Иванов қамоққа олинганидан кейин ёзув қуролларидан фойдаланишимни, хат ёзишимни тақиқлаб қўйишди. 1984 йилнинг 15 майида КГБ раиси номига шикоят билан мурожаат қилдим. Унинг кўрсатмаси билан менга дафтар беришди, хўжалик мудирини Ҳасанов Раҳим фақат 1984 йилнинг 7 июнида менга дафтарлар ажратди. 1984 йилнинг 14 апрелида Гдлян номига терговни бир ёқлама, айбловга мойиллик билан олиб боргани, Музаффаров ва Гаффаров ўртасидаги қарама-қаршиликни аниқламагани учун Н.В. Ивановни терговдан четлатиш тўғрисида сўровнома ёздим. Бироқ 1984 йилнинг 17 апрелида Гдляннинг номидан 18/58115-83-рақамли рад жавобини олдим. Ушбу сўровномага берилган рад жавобини Гдлян жиноят ишига қўшмаган.

6. 1984 йилнинг 17 майида Ивановнинг ҳузурига чақиришди. У ерга Гдлян кириб, шундай деди: «Ким тергов фойдасига кўрсатма бермаса, у душман сифатида фош қилинади». Улар Шамсиев ва Иззатовга ўхшаганлар ариза ёзмаганлари учун қамалишади (кейинчалик мен сингари Иззатовни қамоққа олишди, Шамсиевни жиноий жавобгарликка тортишди) дейишди. Иванов Гдлян сингари менга таҳдид қилди. Улар мени 1-рақамли душман, афғон, босмачи деб аташди, дипломимни, полковник лавозимимни сотиб олганимни, амирлик пайтидагидек ҳарамдаги «бочча» эканлигимни айтишди. Яна шунини айтишдики, мен ва бутун милиция шанба, якшанба кунлари, байрам олдидан ва байрамда фақат пора олиш учунгина кечаю кундуз ишлаган эканмиз.

Масала сўровномага келиб тақалганда Иванов деди: «Мен бош прокуратура вакилиман. Сен ҳеч кимга шикоят қилолмайсан, бу ерда хўжайин Гдлян ва мен!» Мени истаганича ҳақорат қилиб, камерага жўнатар экан, ортимдан: «Бухоро шайқасининг бошлиғи, миллионер!» – деб бақирди.

7. 1984 йилнинг 18 августида Иванов мени сўроққа чақирди. У доимо пешонамга қўлини

теккизиб: «Шу ерингни зелёнка билан бўяшди», – дерди. Улар Сергей Гайбуллаев, Мухтар Санақулов, Исмоил Ортиқов, Ҳожи Қаҳҳоров сингари юзлаб гувоҳларни топишларини ва улар менга пора бергани ҳақида кўрсатма беришларини, сохта гувоҳларга прокурор ҳам, суд ҳам ишонишини, қамоққа олинганининг кўрсатмасини инобатга олишмаслигини, менинги жиноий фаолиятимни текшириш учун 13 кишидан иборат гуруҳ тузилганини, улар бутун уруғ-аймоғимни қуритиш учун Бухорога кетишаётганини, энди чириб кетмагунимча мени чақиришмаслигини айтишди. Шундай ҳам бўлди, мени 1984 йилнинг 22 декабрига чақиришмади. «Сен энди тамомсан, бир йилдан кейин келасан», – дейишди. Фақат 1985 йилнинг 15 январидида навбатдаги терговга чақирилдим. Мен таҳдидлардан, хавотирлардан уйқусизликка дучор бўлгандим. Улар мени атайин Меломед билан битта камерада ушлаб туришарди. У қаттиқ хуррак тортиб мени ухлатмасди, у таом еганда мен овқатлана олмасдим, жуда ҳам ирkit эди. Фақат 1985 йилнинг 3 апрелида уни ўлдириш таҳдиди билан ёзилган аризамдан сўнг бошқа камерага ўтказишди. Гдлян, Иванов, камерадошлар, тергов изоляторлари назоратчилари томонидан уюштирилган чидаб бўлмас даражадаги шароитлар туфайли «хушимда бўлмаган» кунлари ёки судда менга ёпиштирилаётган ёлғон кўрсатмаларни рад этган пайтимда мени тергов изолятори бошлиғи Решетняк буйруғи билан қуйидагича жазолашган:

1. 11. 84 й. назоратчига қўполлик ишлатганим ва ҳақорат қилганим учун «Ҳайфсан».
2. 27. 12. 85 й. 45-буйруқ билан бир ойга перадача олиш ҳуқуқидан маҳрум қилиндим.
3. 1986 йилнинг 20 мартида назоратчига қўполлик ишлатганим ва ҳақорат қилганим учун 251-буйруқ.

8. Гдлян ва Иванов тергов пайтида: «Агар лагерга жазо олиб борсангиз, бутун имтиёзлардан маҳрум бўласиз, жазо олиш-олмаслигингиз эса бизнинг қўлимизда», – дейишди. Айтишганидек, «гапга кирмаганим» учун учта жазо олдим.



**9.** Гдлян ва Иванов терговлар жараёнида (камдан-кам қоғозга туширишарди) барча кўрсатмаларимни олдинги сана билан тўлдиришарди. Улар Музаффаров ва Қудратов менга 200 минг рубль, Фаёз Абзалов 50 минг рубль бергани, мен эса Дўстовга 10 минг рубль берганим ҳақида кўрсатма олишга умид қилишарди. Менинг руҳимни синдиришгач, Гдлян елкамга қоқиб деди: «Кўряпсанми, 200 минг эмас, бор-йўғи 6 минг, биз Музаффаровни шунча ёзишга мажбур қилдик, бўлмаса, елкамга 200 минг рублни осиб қўйишарди, бизга раҳмат айт». Мен ана шу 6 мингни «олиб», Гдлянга миннатдорчилик ҳам билдирдим.

**10.** 1983 йилнинг 9 феввалида Гдлян менинг депутатлик гувоҳномам, нишоним ва бошқа ҳужжатларимни олиб қўйди. 1982 йилнинг июнида мен 211-сайлов округидан депутат қилиб сайлангандим. Сайловчиларим билан келишмай туриб турмага қамашди. Бу ҳақдаги ҳужжатли эса олдинги сана – 1984 йилнинг 19 апрель куни билан расмийлаштиришди. Мен 5 йилу 7 ой ва 13 кун 07189454-рақамли партия билетимни ёнимда сақладим. Мулиннинг партия билети ҳам ёнида эди, бу ҳақда КГБ да ҳам, колонияда ҳам билишарди.

**11.** 1983 йилнинг 17 октябрида Гдлян ва Иванов менинг жияним Раҳмонов Шокир Шодиевични Музаффаров, Мирзабоев, Акромов ва бошқаларга нисбатан кўрсатма бермагани учун қамашди. Натижада Гдлян ва Иванов унга қарши ёлғон кўрсатмалар тўплаб, 10 йил озодликдан маҳрум қилишга эришишди. Колонияда у инфаркт-миокард билан оғриди. Фақат 1984 йилнинг декабрида озод бўлди.

**12.** Гдлян жияним Раҳмонов Зокир Шодиевични икки марта ҳузурига чақириб (укам ва менинг қамоққа олинганимиздан сўнг): «Укам ва тоғангни қамадик, юқорига қарши кўрсатма бермагани учун ўтиргиздик, сен ҳам тайёрлан, агар Музаффаров, Дехқонов, Мирзабоевга пора берганинг ҳақида кўрсатма бермасанг, сени ҳам қамоққа оламиз», – дейишади. Шундан сўнг 1984 йили Зокир ва унинг укаси Розикни ноқонуний равишда КПСС сафидан ўчиришди. 1985 йили Музаффаровга 16 минг рубль пора бергани ҳақида кўрсатма беришга мажбурлаш-

ди. 1986 йилнинг 8 январиди бўлиб ўтган судда Зокир терговчиларнинг ўтказган жабр-зулми ҳақида гапириб берди ва у оқланди.

**13.** 1985 йилнинг январь – март ойларида Гдлян ва Иванов мени ҳузурига чақирди. Уйқусизлик ва камерадаги азоб-уқубатлар туфайли соғлигим ўта ёмонлашганди. Улар менга столга ёйиб қўйилган қайноғаларим Астанов, Жабборов, жиянларим Зокир, Собир, Розик, амакиваччам Баҳромва акам Тошпўлатга очилган жиноят ишларини кўрсатишди. Уларнинг жилдига фамилиялари ёзиб қўйилган эди. Гдлян ва Иванов ҳамма нарса менга боғлиқ эканини, агар яна ўжарлик қилсам, Шокирники сингари уларнинг уйларида тинтув ўтказишларини, мол-мулки 100 фоиз мусодара қилинишини, уларнинг болаларига бу Шамси Абдуллаевич туфайли бўлганини айтишларини, кейин фарзандларимиз бир-бирларига душман бўлиб қолишларини айтишди. Мен ортиқча тоқат қилолмасдим, уларга: «Нима хоҳласанглар ёзинглар, ҳаммасига имзо қўйиб бераман, лекин менга ёрдам беринглар, уйқусизликдан қутултиринглар», – дедим. Улар буни ваъда қилишди. Натижада 1985 йилнинг 11 сентябрида мени наркотиклар билан таъминлашди. Бу ҳақда мен билан битта жиноят иши бўйича терговдан ўтаётган Убайдулло Тожихонов, А. Бўтаев, Ҳошим Носиров, Равшан Ражапов, Александр Близняков, 71-, 3-меҳнат-тузатиш колонияларидаги бошқа маҳбуслар, қариндошларим яхши билишади. Менга седуксен, демидрол, кадеим ва шу каби бошқа дорилар беришди. Бир марта Ивановнинг кабинетиди ухлаб қолдим, баённомани қайта тўлдиришга тўғри келган.

**14.** Гдлян ва Иванов ҳамма терговчиларнинг столига кўрсатма сифатида Иззатовга ҳукм, Ғаффоровга ҳукм, Ғадоевга айблов хулосаси ташлаб қўйилганини айтишди. Ҳамма чақиртирилганларга уларни кўрсатиб, Иззатов кўрсатма бермагани учун 13 йилга, Ғаффоров эса Жиноят кодексининг 38-моддасига кўра терговчилар ёрдамида гапириб бергани учун 8 йилга қамалганини, Ғадоевни эса Қудратов Шодига нисбатан кўрсатма бермагани учун оғир жазо кутаётганини айтишади. Гувоҳларга мана шу уч вариантдан бирини танлашни, уларда



бошқа йўл йўқлигини тушунтиришади. Гдлян ва Иванов ўзларининг бундай кўрсатма олиш усули билан фахрланиб, ҳаммага гапириб юришарди. Одамлар кўркүвга тушиб, ёлғон бўлса ҳам кўрсатма беришарди.

**15.** 1984 йилнинг 8 сентябрида мени Жўрабой Шарипов, Борак Рустамов ва Мажидов иши бўйича тергов олиб бораётган Боровнинг хузурига чақиртиришди. У мени оператив-тергов гуруҳини ўзгартириш ҳақида чиқарилган қарор билан таништирди. Боров орқали уйга хат юбордим. 1984 йилнинг 17 июлида Иванов мени сўроқ қилган пайтда унинг хузурига Гдлян кирди. У онамнинг саломини етказиб, уни аямаётганимни, агар ўша пайтда шартларини қабул қилганимда ҳозир турмада ўтирмаган бўлишимни айтган эди. Хат ёзишимга онамнинг саломини сабаб бўлдими, билмадим, лекин бу ташаббус Боровдан чиққан эди. Сўнг мен узоқ вақт кўрсатмаларни рад этган пайтда «улар инсонийлик, мен эса ҳайвонларга хос ваҳшийлик» кўрсатганимни айтиб, эътироз билдиришди.

**16.** 1984 йилнинг 15 ноябрида Гдлян номига ариза ёзиб, унда эски гилам ва полослар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийилган кийим-кечаклар, идиш-товоқлар, қизимнинг бармоғидан ва қулоғидан ечиб олинган узук ва сирғалар, фронтга бориб келган тоғамга тегишли 4 минг сўм пул, вафот этган қайнонамнинг сўзлари ёзилган магнит лентасини қайтаришларини сўрадим. Гдлян бу аризамга жавоб бермади, жиноят ишига ҳам қўшмаган. Бу пайтда оилам ва болаларим яланғоч полда, кийим ва пойабзалсиз, озиқ-овқатга муҳтож бўлиб яшашди. Мен бу ҳақда Гдлянга такроран оғзаки мурожаат қилганимда у: «Ҳеч нарса бўлмайди, оч яшашга кўникишсин, чунки сен барибир отувга ҳукм қилинасан ёки 15 йилга қамаласан», – деди. Бу суҳбат 1985 йилнинг январь ойида бўлиб ўтган эди.

**17.** 1985 йилнинг 22 январидаярталабдан соат 20:30 гача Гдлян ва Иванов хузурида терговда бўлдим. Улар Эргашев Қудрат, Давидов Георгий Иванович, Тоштемир Қаҳрамонов, шунингдек, Москвава Тошкентдаги юқори мартабали амалдорларнинг қамалгани ҳақида гапиришди.

Уларга қарши кўрсатма беришимни талаб қилишди. Ушбу инсонлар ва М.С. Норовнинг қамоққа олиниши учун «пойдевор қўйишим»ни талаб қилишди. Оқибатда мен Қаҳрамоновга, олдинги сана билан Эргашевга, сўнгра Давидовга пора берганим ҳақида кўрсатма бердим. Бу Давидовнинг ўлимидан сўнг – 1985 йилнинг апрель – май ойларида бўлганди. Гдлян ва Иванов мен кўрсатма бериб, терговга ёрдамлашим шартлигини, йўқса, Давидовнинг қариндошлари тўполон кўтаришини айтишди. 1985 йилнинг 19 июлида Зарафшон шаҳрида жазони ўтаётган жияним Раҳмонов Шокирга хат чиқариб, «Ориент» соатини сотиб олиб, Давидовга бергани ҳақидаги кўрсатмани тасдиқлашини сўрадим. Свицицкий Зарафшонга менинг хатим билан жўнаб кетди, уни ўғлим Фахриддин ва жияним Зокир кузатиб боришди. Свицицкий ерда Шокир билан учрашиб, хатимни кўрсатади ва сўроқ қилади. 1985 йилнинг тахминан 21 – 22 июнь кунларибиз Лобарь кабинетида Иванов билан бирга 1979 – 1984 йиллар мобайнидавилоят ижроия комитетига келган меҳмонларни ҳисобга олиш журнали билан танишиб, Давидовнинг Бухорога келиб кетган саналарини аниқладик. Иванов ҳаммасини тўғрилаш мумкинлигини айтди. Иванов: «Эргашев ва Давидов ўлган, юзлаштириш ҳам, тергов ҳам бўлмаган, сиз фақат судда тасдиқласангиз бўлди, 153-модданинг 11-қисми билан сизни жавобгарликка тортишмайди. Унинг сўзлари асосида пора бериш тўғрисида айблов қўйилса-да, суд сизни оқлайди», – деди.

**18.** 1985 йилнинг 7 март куни Гдлян ва Иванов менга Тиллаев, Қиличев, Тошев, Ортиқов, Бозоров, Цебоев, Ғофуров, Музаффаровдан пора олганим ва уларни Эргашев, Қаҳрамонов, Давидов, Каримовга берганим ҳақида кўрсатма беришга ундашди. 29 март куни Р. Бозоров, 30 март куни Тиллаев, 1985 йилнинг 1 апрелида Қиличев, 2 апрелда Ортиқов билан юзма-юз учраштиришди. Ушбу юзма-юз учрашувларда бу жиноятларни содир этганимни рад қилдим. 1985 йилнинг 2 апрелида Иванов шахсан Ортиқов билан юзлаштирди. Ортиқов ушбу учрашувда 3 соат мобийнида менгаБош прокуратура вакиллари Гдлян ва Ивановнинг



жабр-зулми ҳақида гапириб берди. У пора берганини тан олмади. Иванов тузилган протоколни имзолашга рухсат этмади. 1985 йилнинг 3 апрелида юзма-юз учрашувни Лобарь ўтказди. Бу ерда Ортиқов кўзида ёш билан пора берганини бўйнига олди. Бундан норози бўлиб юзма-юз учрашув протоколига: «Бош прокуратура вакиллари биз билан ўйин ўйнашяпти», – деб ёзиб қўйдим. Натижадасуд 5 минг рубль пора берганим ҳақидаги Ортиқов билан боғлиқ эпизодда мени оқлади. Дўстов ҳам оқланди, унга Ортиқов 10 минг рубль пора берган деган айб юкланган эди.

Икки кун мобайнида, яъни 1985 йилнинг 12 – 13 декабрь кунлари Ортиқов судга Гдлян ва Ивановнинг ўзбошимчалиги ҳақида гапириб берди.

**19.** Гдлян ва Иванов томонидан яратилган, ҳатто темир одам ҳам чидай олмайдиган шароитлар менинг иродамни синдирди. Уйқу дорилари таъсири остида 1985 йил апрель ойининг биринчи декадасида Ивановнинг кўрсатмаси остида 1985 йилнинг 11 март санаси билан айбимни бўйнимга олиш юзасидан ариза ёздим. Унда Гдлян ва Иванов айтган кишилардан пора олганимни бўйнимга олдим. Уларнинг таклифи билан Эргашев, Каримов, Қаҳрамонов ва бошқаларданпул олганимни рад этдим. Ўзимнинг бу аризамни текшириш учун терговчилар Лобарь ва Пантелеевага топширдим. Улар 33 та орфографик ва грамматик хато топишди. Ушбу аризанинг тузатилган қўлёзмасини терговнинг ман этилган усуллари қўлланилганини исботлаш учун судга тақдим этдим. Улар буни суд мажлиси протоколига қўшиб қўйишди (том 136, иш варағи 219).

**20.** Гдляннинг жосуси бўлган камерадошим Шарипов Аҳмаджон мен учун суддаги «сўнгги сўзим»ни тайёрлади. У, Гдлян ва Иванов айтганидек, «айблов хулосасидан чиқмаган ҳолда» суддаги биринчи чиқишимни ҳозирлади. Ушбу ҳужжатлар суд мажлиси протоколлари билан менинг ишимга қўшилган.

**21.** 12 ой мобайнида «1-рақамли душман» ҳисобланган пайтимда Гдлян ва Иванов менга оилам ҳақида ҳеч қандай маълумот беришмади. Терговчилар қўйган барча жиноятларни

бўйнимга олганимдан сўнг менга хушмуома-ла бўлиб, киритилган озиқ-овқатларни қабул қилишимга рухсат этишди. Шунингдек, менга наркотиклар – уйқу дориларини беришди, ўзлари билан бирга чой ичишимга ижозат этишди, хатларимни танишларимга, оиламга бериб юборадиган бўлишди. Менга рухсат бўлганидан сўнг 1985 йилнинг 15 феввалида хотиним, ўғлим ва жияним Зокир билан, 1985 йилнинг 15 апрелида хотиним, қизларим Омина ва Ҳалима билан, 1985 йилнинг 15 майида акам, укам, синглим ва жияним билан, 1985 йилнинг 21 – 25 майида жияним З. Раҳмонов ва Музаффаров Иброҳим билан, 1985 йилнинг 19 июлида онам, жияним Зокир, кўёвим Пўлат, ўғлим Фахриддин билан, 1985 йилнинг 20 июлида хотиним, Зокир, қизларим Нилуфар, Гулноза, жияним Лола, унинг эри ва болалари билан учрашдим. Ушбу учрашувларда қариндошларим Гдлян ва Ивановга мен учун келтирилган уйқу дорилари, пепсикола шишаларига қўйилган коньяк ва пиво беришди. Мен Зарафшон шаҳридаги жиянимга ва Раҳимов Набига, жияним Зокирга ва бошқаларга хат жўнатдим.

**22.** 1985 йилнинг 17 апрелида Иванов ва Лобарь мени партия билетим ва паспортим юзасидан сўроққа чақирди. Мен уларни 1983 йилнинг октябрида Москвада йўқотганимни айтдим. Уларнинг иккаласи ҳам, Гдлян ҳам партия билетини ўзим билан олиб юришимни билишарди. Мен паспортимни «Москва» меҳмонхонаси маъмуриятида қолдириб, партия билети, ҳарбий билет ва депутатлик гувоҳнома билан Гдлян ҳузурига келгандим.

**23.** 1985 йилнинг 15 майида Иванов мени Гдляннинг кабинетига чақириб, ўзини Либус Израил Аронович деб таништирган одамни кўрсатди. Уни адвокат сифатида Очилов Тўра Равшанович ёллаганини айтишди. Иванов Либусни ҳимоячи қилиб олишни таклиф этиб, у «олтин бешлик»да туришини, бизни тезда бу ердан суғуриб олишини, менга ва Очиловга анча арзон тушишини зўр бериб уқтирди. Либус кетгач, Иванов мени Бухородан тезда етиб келиб, шартнома тузиши кераклиги ҳақида жияним Зокирга хат ёзишга мажбурлади. Хат тайёр бўлгач, Иванов мени қўшни хонага олиб



чиқиб, қутилмаган ҳолда акам, укам, синглим ва жияним билан учрашув ташкил қилди, уларга адвокат ва хат ҳақида гапириб, бизни 2-3 соатга ёлғиз қолдирди. Охир-оқибат бояги адвокат, ҳеч нарсада айбдор эмаслигимни тушунтиришимга қарамай, менга таъсир ўтказишга, СССР прокуратураси билан ўйнашиш мумкин эмаслиги, ҳамма ҳокимият уларнинг қўлида экани, агаррад жавоби берсам, отишга ҳукм чиқаришларини тушунтиришга уринди. Суд жараёнида эса мени сўзимдан адаштириб, гувоҳларга провокацион саволлар берди, муҳокамаларда мени «совуқ одам» деб атади, менинг 47 саҳифадан иборат аризам нусхасини Гдлянга бериб сотқинлик қилди. Бу Ўзбекистон ССР Жиноят процессуал кодексининг 13-моддаси талабларининг бузилиши эди.

**24.** Менимча, 11 – 12 апрель кунлари бўлса керак, Ивановнинг ўзи шахсан менга «йиғма ариза» матнини айтиб туриб ёздирди. Унинг кабинетидеда ухлаб қолай дебман, ҳатто синглимининг эри ва набирамнинг исмларини ҳам унутиб қўйдим. Ёзишда адашиб кетдим, Иванов мени сўкиб, унда бошқа ғоя туғилганини айтди. 1989 йилнинг 19 апрелида СССР бош прокурори номига Иванов томонида найтиб туриб ёздирилган «аризам»(йиғма)ни қайта кўчириб чиқдим. Ҳар иккала вариантнинг нусхалари ва ёзувлари бор.

**25.** Гдлян ва Иванов обрўйимдан фойдаланиб бир нечта кишига пора беришгани ҳақида ўзлари кўрсатма бериши учун уларга таъсир ўтказишимни сўрашди. Масалан, мен Ортиқов Собирни Қаҳрамоновга, Раҳимов Наби Раҳимовични Қаҳрамонов, Норов ва менга, Ҳамдамов Нуриддин Арслоновични А.К. Каримовга пора берганини бўйнига олишга, Қудратов Шодини пора олгани ҳақидаги икки-учта ҳолатни бўйнига олишга, Мулин Владимир Васильевични гўё Раҳимов Наби, М. С. Норов мен олган 1 минг рублдан 500 рублини унга пора тариқасида берганлигини бўйнига олишига, Яхёев, Эргашевга қарши кўрсатма беришга кўндиришим керак эди. Юқорида тилга олинган ўртоқлар билан гаплашишимга тўғри келди.

**26.** Гдлян ва Иванов мени В.В. Мулин, Музаффаров, Т.Р. Очилов, Жўрабой Шарипов билан

учраштириб, улар билан 2-3 соат чой устида суҳбатлашиш имконини беришди. Натижада биз қамоқдагилар Давидов, Эргашев, Каримов, Норов ва бошқаларга пора берганимиз, пора олганимиз ҳақида терговчилар иштирокида «битим» тузиб олдик. Гдлян ва Ивановнинг топшириғи билан бизни – битта жиноий ишдан ўтаётган мен, Дўстов, Музаффаров, Очилов ва Мулинни 1986 йилнинг 6 январидан тортиб 1986 йилнинг 4 апрелига қадар Ўзбекистон ССР КГБсининг 6-камерасида бирга ушлаб туришди.

**27.** 1985 йил апрель ойининг иккинчи ярмида мени Иванов чақиртирди. Бухоро област партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаган қандайдир «қозоқча»Гдлян ва Иванов билан биринчи бўлиб саломлашмабди. Иванов унга пора берганим ҳақида ариза ёзиб беришимни сўради. 1 минг рубль ёзгандим, бу оз дейишди. Кейин 2 мингга алмаштирдим. Иванов мени сўроқ қилди. Бу 1985 йилнинг 27 апрелида бўлганди. Кейин буни исботлаш учун Иванов6, 19 июнь кунларитаъминот бошқармасининг собиқ бошлиғи, 1983 йил 6 июнда қамоққа олинган маҳбус Шарипов Жўрабой билан икки марта юзлаштирди. Бизга гаплашиб олиш учун имконият берди. Шарипов област партия комитетининг секретари Болтабоев Рустам Ризаевичга пора бериш қисми бўйича мени гувоҳ сифатида танлади. Мен эса Шкрябин Юрий Сергеевичга пора берганим тўғрисида Шариповни ўзимга гувоҳ қилиб олдим.

**28.** Иванов худди шундай йўл билан Х.Х.Яхёевга 1 минг рубль пора берганим тўғрисида ёлғон кўрсатма беришга кўндирди. У шу тўғрисида мени сўроқ қилиб, ариза ёздириб олди.

**29.** 1985 йилнинг 1 мартада Иванов чақиртириб, 1985 йилнинг 27 феввалида Ўзбекистон ССР КГБсининг 314-кабинетига мени ким ва нима мақсадда чақиртирганини сўради. СССР КГБ махсус инспекциясининг ходими чақиртирганини айтдим. УБухоро области КГБ бошлиқлари Алимов ва Муртазоев, КГБ ходимлари Ғаниев ва Саидовнинг бу ишга боғлиқлигини сўради. Ивановнинг жаҳли чиқиб Алимовни муттаҳам, Муртазоевни порахўр деб атади, Саидовни ишдан ҳайдаш кераклигини, Ғаниев ва яна бир нечтасини Гдлян яқин орада қама-



шини айтди. Унинг айтишича, гўё Қудратов Шоди Муртазоевнинг уйини таъмирлаб берган, унга гарнитурлар, гиламлар ва бошқа нарса-лар сотиб олган. Кейин Иванов Норов ва унинг ўғиллари порахўрлар эканини айтиб, ниҳоят, Ҳамидов Каримовга 15 минг рубль пора берганини бўйнига олганини билдирди. «Раҳимов Салим қамоққа олинган, у Ғиждувон пахта заводида 50 миллион рублани талон-торож қилган. Иззатов 13 йилга қамалган, уни Олмаотага этап қилишмайди, балки Россиядаги лагерлардан бирига юборишади. Айбига иқроп бўмаганлар билан тергов бундан кейин ҳам шундай йўл тутади», – деди. Иванов, шунингдек, Қудратов кимнингдир бошини ёриб қўйганини ва шунга ўхшаган бошқа янгиликларни менга етказди.

**30.** 1985 йилнинг 26 мартида Иванов Гдляннинг кабинетида Қаҳрамонов билан мени юзма-юз учраштирди. У бетоб эди, Иванов унинг оёқларига, бирнеча бор кўкрагига урди. Мен Ивановни сўкиб, Қаҳрамоновга чой қуйиб бердим. 27 март куни кечаси иккинчи марта юзма-юз учрашувга чақиришди. Калтаклашлардан сўнг унинг соғлиги яхши эмасди.

**31.** 1985 йилнинг 25 январида Иванов чақиртириб, менинг энг яқин дўстим, Зарафшон ГОВД бошлиғи Раҳимов Набининг порахўрлигини, кўрсатма бермаётгани учунуни қамашларини айтди. Мен бундай қилмасликларини, у касал, пенсияга чиқиши учун ярим йил қолганини таъкидладим. Иванов унинг олдида «кал» лақабли чопар Музаффаров Иброҳимни юборишини айтди. Мен рози бўлдим. 1985 йилнинг 28 январида кабинетда Иброҳим билан икки соат суҳбатлашдик. У 0,25 грамли япалоқ шишада коньяк ва бир неча дона беляш олиб келган экан. Биз коньякни ичиб, Набига хат ёздик. 1985 йилнинг 31 январида Иброҳим орқали бериб юборган хатимга асосан Раҳимов Наби менинг ёнимга келди. У Гдлян ва Ивановнинг уч кун давом этган таҳқирлашлари, калтаклашлари ва ҳақоратлашлари ҳақида гапириб берди. Унга раҳмим келди. Қамоққа олинишдан ва ноқонуний ҳукм қилинишдан қутулиб қолиши учун менга 1 минг рубль, Қаҳрамоновга 5 минг рубль пора бергани тўғрисида кўрсатма беришини сўрадим.

**32.** 1985 йилнинг 4 март куни мени Иванов чақиртирди. Уйқу дори бериб, А. Каримовнинг 15 нафар қариндошини қамоққа олишгани билан мақтаниб, 1985 йилнинг май ойида ишимизни тугатишларини, Эргашев, Яҳёев, Давидов, Қаҳрамонов, Норов, Норбўтаев, Дўстов, Мулин, Очилов, Музаффаров, Қудратов, Каримов, С. К. Раҳимов, Жўрабой Шариповнинг иши судга оширилишини айтди. Агар уларнинг одами эканимни тан олсам, бу ишнинг кичик бир мурвати сифатида «оз муддат» олишимни, судда ва суддан кейин мени қўллаб-қувватлашини айтди.

**33.** 1985 йилнинг апрель ойи охири – май ойи бошларида мени Иванов чақиртириб, А. Каримовнинг «Правда» газетаси бош муҳаррири Афанасьевга пора бергани бўйича «гувоҳликка ўтишимни» таклиф қилди. Буни терговда ёки сиз билан шахсий учрашганда гапириб берман.

**34.** 1985 йилнинг 12 июни ёки 7 июлида Тоштурманинг тергов корпусида Навоий област ижроия комитетининг собиқ раиси Асадов Убайт Асадовични кўкрагида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати нишони, чўнтагида Ўзбекистон ССР КП Марказий Комитети аъзолиги тўғрисидаги гувоҳномаси бўла туриб, халқнинг кўзи олдида қўлини қайириб, наручник солиб, колхоз даласидан тўғри турмага олиб кетишганини менга ва Очилов Тўра Равшановичга гапириб берди. Таҳқирлашлардан сўнг у инсультга йўлиқади. Ундан партия ва Совет давлатининг таниқли арбоблари устидан туҳмат қилишга қаратилган ёлғон кўрсатмалар ёздириб олишади. Бу ҳақда терговда ёки сиз билан якка учрашувда гапириб беришим мумкин.

**35.** 1985 йилнинг 9 сентябридан 29 ноябригача бўлган вақт давомида КГБнинг 12-камерасида мен билан бирга Наманган шаҳри Термиз кўчаси 38-уйда яшовчи (тел: 6-51-27) Шарипов Аҳмаджон ушлаб турилди. У Гдлян ва Ўзбекистон ССР КГБнинг 3-бўлими бошлиғи билан ҳамкорлик қилгани, уларнинг топшириғи билан мамлакатнинг юқори мартабали партия-совет арбоблари ҳақида турли уйдирмаларни тарқатганини очиқ гапириб берди. У бошқаларни



«юқори»ни айблашга ундаб, турли «буюртма мажбуриятлар» ёзади. Бу ҳақда терговда ёки сиз билан якка учрашувда гапириб беришим мумкин.

**36.** Гдлян ва Иванов бир йилдан ортиқ вақт мобайнида мен Дўстовга 10 минг рубль берганимни айтишиб, бу ҳақда ариза ёзишимни талаб қилишди. Гўё Дўстовнинг ўзи бу ҳақда ёзиб берган. Улар менинг иродамни букишгач, Дўстовни қандайдир йўл билан боғлаб олиб, терговга ёрдам беришимни талаб қилишди. Кейинчалик юз бермаганини исботлаш мумкин бўлган нарса ҳақида ёзиб беришга рози бўлдим. Мен унга илгари сотиб олганларим ичидан нархи 45 рубллик кўза совға қилганим тўғрисида ёздим. Ушбу кўзалар тинтув пайтида тортиб олинган бўлиб, 125-, 126-рақамлар билан қайд этилган, экспертиза актига кўра, уларнинг ҳар бири 40 – 45 рублдан баҳоланган. Судда бу ҳақда айтилди, лекиниобатга олишмади. Эргашев Бомурод Эргашевич иши бўйича тайинланган «гувоҳ» – сохта одам. Мен унга буни тасдиқлаш тўғрисида хат юбордим.

**37.** Иванов суҳбатлардан биридаулар томонидан олиб борилаётган ишимизда 18 нафар киши ўзини ўлдирганини, кўпчилиги руҳий хасталикка учраганини гапириб берди. Мирзобоевнинг акаси ҳам ўзини ўзи ўлдирган. Гўёки у ўлими олдидан ёзилган хатни чўнтагида қолдирган. Гдлян ҳам, Иванов ҳам Давидов, Эргашев, Шелоковнинг ўзини ўзи ўлдиргани тўғрисида гапирар экан, буни «Итга итча ўлим» деб аташди. Шундан сўнг улар шундай дейишди: «Пора олганмисан, олмаганмисан ёки пора берганмисан, бермаганмисан, барибир, суд бўлади, жазо белгиланади».

**38.** 1985 йилнинг 22 апрелида Ивановнинг кабинетида мени Мулин билан учраштиришди. Боёқиш қариб кетибди, сочлари оқарибди, онаси ўлганини ҳалиям айтишмаган экан. Ўша йилнинг 24 июлида Иванов ва Гдлянгажиноят иши материаллари билан танишаётган пайтда Мулинга ҳамдардлик билдириб қўйишларини айтганман. Улар бу хабар унга ёмон таъсир қилиб, ишни пайсалга солиб юборишини айтишди ва бу ҳақда унга гапирмаслигимни талаб қилишди. Терговчилар билан муносабатимни

бузиб қўймаслик учун унга ҳеч нарса демадим. Мулин билан учрашувда Қаҳрамонов, Каримов, Давидов, Эргашевга туҳмат қилиш учун бир-биримизни гувоҳ қилиб кўрсатишга келишиб олдик. Учрашув терговчи Вафин иштирокида чой ичиш билан ўтди.

**39.** 1985 йилнинг 19 ёки 20 июль кунни мени (шу жумладан, битта жиноят иши билан ўтаётган бошқа шерикларимни) шахсан Гдляннинг ўзи қабул қилиб, бизни судья Липатовга озроқ жазо муддати белгилашни тайинлашига ишонтирди. Айблов хулосаси чизиғидан чиқмасликни, акс ҳолда, катта муддат тайинлаши мумкинлигини айтиб қўрқитди.

**40.** 1985 йилнинг 12 августидан мени 10 августдан бошлаб Республика Олий суди ҳисобида турганим ҳақидаги билдирув қоғози билан таништиришди.

1985 йилнинг 7, 9, 11 сентябрь кунлари, яъни суд бошланишидан икки-уч кун олдин мени Иванов чақиртириб, Гдлян Москвадан Чурбанов билан боғлиқ масалада қўнғироқ қилганини айтди. У мендан Чурбанов иши бўйича ҳам «пойдевор қўйиб бериш»ни сўраган. Иванов шу уч кун ичида мени уйку дори билан таъминлаб турди. Мен 5 минг рубль пора берганим тўғрисида ёзиб бердим. Мени сўроқ қилишди. Сўроқда Мулин иштирок этди, уни менинг «гувоҳим»га айлантиришди. Ушбу эпизод бўйича менга айб юклашмади. Бу ҳақда терговда ёки шахсий учрашувда гапириб беришим мумкин. Иванов судья Липатовнинг Гдлян ҳузурига чақиртирилгани тўғрисида гапирди.

**41.** Гдлян ва Иванов мен Олий судга шикоят қилмоқчи эканимни ва бунинг учун қоғоз олганимни билиб, 1986 йилнинг 5 мартада Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитетининг тергов изолятори навбатчилик қисмида тинтув ўтказишди. Шу тариқа уларнинг ўзбошимчилиги ва қонунбузарликлари ҳақидаги илтимосномамни тўлдиролмадим. Бу ерда 6 киши қўлимни қайириб, мени калтаклашди. Сўнгра солдатлар ёрдамга келиб, мени қўлда кўтариб, машинага ортишди. Бу ҳақда мен судда гапириб, бўйним ва танамнинг бошқа қисмидаги кўкарган ва моматалоқ бўлган жойларимни кўрсатганман (том 142, ш. д. 49-протокол).



**42.** Иванов Чурбанов иши бўйича қақиртириб, менинг камерамга Шарипов Иброҳим Абдуллаевични киргизишларини, нима қилиб бўлса ҳам олган ва берган поралари ҳақида кўрсатма беришга кўндиришим кераклигини, бунинг эвазига менга кўмаклашишларини айтди. Чиндан ҳам, 1985 йилнинг 12 сентябрида калтак еб эзилган, бутун танаси жароҳат билан қопланган, ниҳоятда озиб кетган Иброҳимни 12-камерага ташлашди. У Гдлянларнинг барча зўрликлари ҳақида, ундан қандай қилиб товламачилик йўли билан 115 минг рубль (шундан 15 минг рублини Гдлян ўзлаштирган) олганларини айтди. Батафсил терговда гапириб бераман.

**43.** 1985 йилнинг ноябридамени ҳеч бир сабабсиз 12-камерадан Шарипов Аҳмаджон ётган 13-камерага ўтказишди. Дераза остида бир неча килограмм қази, колбаса, лимон ва бошқа цитрус мевалар турарди. У: «Сени Гдляннинг кўрсатмаси билан менга ўтказишди (Шарипов у билан 3 соатдан ортиқ суҳбатда бўлган), мақсадлари: биринчидан, «ҳақиқат» йўлига қайтиш, яъни айблов хулосасига ишониш, иккинчидан, М.С. Норовни фош этишга ёрдамлашиш, олтин ва бошқа бойликларини қаерда сақлаётганини аниқлашдан иборат», – деди. Терговда батафсил гапириб бераман.

**44.** Гдлян ва Иванов менга яхшилик қилиш мақсадида қақиртириб, тортиб олинган ва рўйхатга олинган буюмлардан бирини «эсдалик учун» танлашимни айтишди. Бу 1985 йилнинг 15 майида бўлганди. Мен нархи 400 – 500 сўм турадиган «Филипс» электр соқололгични қайтариб беришлари ҳақида ариза ёздим. Гдлян яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариб, кўрсатмаларимдан воз кечмаслигимни сўради. 1985 йилнинг 20 майида Бухородан махсус юборилган вакил менга соқол олиш ускунасини топширди. Ҳозир у уйимда. Шу муносабат билан менинг номимдан Горбачев, Сухарев ва Смоленцевга ариза ёзилган.

**45.** Аввал ёзганимдек, дастлаб 23-камерада, сўнг 12-камерада мен билан бирга илгари бир неча бор судланган жиноятчи Сергей Соловьев ҳам сақланган. Ашхобод области Гаявур райони Махтумқули номли колхоз Зеллили кўча-

си 48-уйда яшаган (ҳозир Олмаота шаҳридаги 71-меҳнат-тузатув колониясида сақланяпти) контрабандист Хўжаниёзов Худойбердини ишга солишади. Соловьев ва бошқа бир жосус Абрамов Борис камерага наша олиб келиб чекишади ва Хўжаниёзовни таҳқирлашади. Менимча, 7 ёки 9 сентябрь куни эди, бу ҳақда Ивановга айтдим, шу куннинг ўзида Соловьев ва Хўжаниёзовни менинг камерамдан чиқариб олишди. Бу Гдлян ва Ивановнинг Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети тергов изолятори раҳбарияти билан яқин муносабатда бўлганини кўрсатади.

**46.** 1984 йилнинг 9 феввалида Каримов, Дўстов ва Музаффаровга нисбатан материаллар тўпланган ҳужжатлар тўплами билан Гдлян ва Иванов ҳузурига бордим. Шу хилдаги ҳужжатлар тўплами мендан олиб қўйилган эди. Иш кабинетимдаги сейфдан ҳам ушбу одамларга нисбатан ёзилган шикоятларимнинг бир нечта нусхаси олиб кетилган. КГБ ходими Ғанихўжаев, сўнгра Гдлян ва Иванов ушбу ҳужжатлар тўпланидан фойдаланиб Музаффаровга кўрсатишади. «Кўрдингми, Раҳимов сенга қарши материаллар тўплаган, сени қаматмоқчи бўлган», – дейишади. Бу билан уни менга қарши қилиб қўйишади, шу тариқа пора берганлиги ҳақида ёлғон кўрсатма олишади. Музаффаров ҳужжатлар тўплами билан танишган пайтида ва судда менга шуларни гапириб берди. Гдлян ва Иванов, уларнинг терговчилари одамларни бир-бирига қарши қилиб қўйишади, сўнгра уларнинг совуқ муносабатларидан фойдаланиб ўзларига зарур кўрсатмаларни олишади.

**47.** Иванов тергов жараёнларидан бирида менга Норовни қандай қилиб синдиришганини гапириб берди. Унинг сўзига кўра, дастлаб Норов мустаҳкам туриб олган. Сўнгра терговчилар унга енгилтабиат аёллар сўроқ қилинган 10 та протоколни кўрсатишади. Аёллар Норов билан жинсий алоқа қилишгани ҳақида кўрсатма беришади. Ивановнинг айтишича, Норов ниҳоятда бўшашиб, мени шарманда қилманглар, оилам мендан воз кечиши мумкин дейди. Иванов Норов ҳозир робот сингари бўлиб қолганини, нима буюрса, шуни бажараётганини гапирди. Бу ҳақда мен бош прокурор номига



ариза ёзганман. Терговда ёки шахсий суҳбатда батафсил гапириб бераман.

**48.** 1985 йилнинг 12 сентябридан 1986 йилнинг 13 майгача бўлиб ўтган судимиз жараёнида сўроқ қилинган 268 нафар гувоҳлардан (шулардан 57 нафари мол-мулк масаласида) 86 нафари кўзда ёш билан Гдлян ва Иванов томонидан амалга оширилган қўпол қонунбузарликлар, ўзбошимчаликлар, қонунсизликлар ҳақида гапириб беришди. Олий суд 1986 йилнинг 13 майида Бош прокуратурага шахсий ажрим киритди (том 143, ш. д. 280 – 285-протоколлар).

**49.** Ўзбекистон ССР Олий суди пора берувчилар, йирик талончилар ва бошқа жиноятчиларга нисбатан 123 та жиноят ишини кўзғатди. Гдлян ва Иванов уларни ноқонуний равишда «сохта гувоҳлар» сифатида жиноий жавобгарликдан озод қилишган эди. Кўрсатилган одамларга терговчилар томонидан имзо чекилган «Ҳимоя ёрликлари» топширилган эди. Шунга қарамай, ҳеч ким жиноий жавобгарликка тортилмади. Ушбу шахслар жиноий жавобгарликка тортилганда эди, улар бир бошдан ўзларининг ёлғон кўрсатмаларидан воз кечишган, гдлянчилар томонидан тўқиб чиқарилган жиноят ишлари қоғоз уй сингари парчаланиб кетган бўларди (том №/143, ш. д. суд мажлисининг 268 – 273-, 278 – 279-, 274 – 277-сонли протоколлари).

**50.** Мен «1-рақамли душман» деб аталаётган пайтимда Гдлян ва Иванов Музаффаровни гўёки куёвим – синглимнинг эри Сайлиев Фарҳод унга 5 минг рубль пора бергани тўғрисида тўхмат қилишга мажбурлашади. Судда у оқланди, шунга қарамай, Сайлиев ҳозирга қадар ишга ва КПСС сафига тикланмаган. Уни кимлар ва қандай хўрлашгани ҳақида ўзи гапириб беради. Чақиртиринглар.

**51.** Гдлян, Иванов ва уларнинг ҳомийлари судга босим ўтказишган. Тез-тез танаффус эълон қилишган, терговчилар Бухорога, Тошкентга боришган, уларни меҳмонхонада, Олий суднинг кириш йўлакчасида учратишган. Судьяларни прокуратурага, КГБга чақиртиришган, баъзан суд мажлислари залида ўтириб, сездирмай қулоқ солишган.

Судья Липатов 1986 йилнинг 21 февралда 7/85-рақамли қуйидаги мазмундаги хизмат хатини ёзади:

«СССР прокуратураси тергов бошқармасига

Иш юзасидан кўп сонли гувоҳлар сўроқ қилингандан сўнг алоҳида ишлар бўйича терговчи Иванов Н. В., шунингдек, терговчилар Картошян, Коваленов, Рубаненко, Холодовнинг суд мажлисида гувоҳ сифатида иштирок этишларига эҳтиёж туғилди. Кўрсатилган шахсларни сўроқ қилишга рухсат теришингизни сўрайман. Имзо. Судья Липатов»(том 1355 ш. д. 139-протокол).

**52.** Олий суд Тошкентга, бизнинг судимизга гувоҳ сифатида сўроқ қилиниш учун Каримов, Норов, Қахрамонов ва С.К. Раҳимовни келтириш ҳақида қарор чиқарганига қарамай, Гдлян ва Иванов суднинг ушбу кўрсатмасини бажаришмади. Судни Москвага боришга мажбур қилишди. Дабдаба, шовқин-сурон, хўжақўрсинлик бўлиши учун атайин олтовимизга бир хилда йўл-йўл қопчиқлар тиктиришди. Ҳаммамизга (шу жумладан, номигагина тирик бўлган ва зўрғалатдан ҳаракатланадиган Дўстовга ҳам) бир хилдаги янги қора наручниклар (ёмон очиладиган) тақишди. Атайин ИЛ-86 (350 йўловчи сиғадиган) самолётига билет олишди. Самолёт зинаси олдида автоматлар, резина таёқчалар, каскалар билан қуролланган полковник бошчилигидаги деярли бутун бир полкни тизиб қўйишди. Барча йўловчиларнинг кўз остида бизни солдатлар орасидаги йўлакчадан олиб ўтишди. Самолётда 15 нафар солдат, тўлиқ таркибдаги суд, адвокатлар, таржимон ва бошқалар учинди. Солдатлар то Москвага қадар креслоларимиз олдида тик туриб бизни қўриқлаб боришди. Москвада ҳам бизни дабдаба билан кутиб олишди. Суддан кейин эса бизни Тошкентга ҳеч қандай шов-шувсиз, жимгина қайтаришди. Гдлянчиларнинг бу дабдабаси ҳар биримизга «суд харажатлари» сифатида 800 рублдан тушди.

**53.** 1986 йилнинг 12июлида судимиздан сўнг Н.В. Иванов Тошкент шаҳридаги 1-рақамли тергов изоляторига Калмиков Александр Николаевич ҳамроҳлигида келиб, Эргашев, Каримов, Давидов, Қахрамонов ва бошқаларга нисбатан



ёлгон кўрсатмаларимни тасдиқлашга, судда рад этилган барча нарсаларни қайта бўйнимга олишга кўндира бошлашди. Агар рад этсам, совуқ Сибирга юбориш билан кўрқитишди. Мабо-до бирортасини тасдиқласам, ўйлаб кўришларини айтишди. Мен Қаҳрамонов ва Давидовга пора берганимни тасдиқлашга мажбур бўлдим. Иванов яқин вақт ичида Усмонхўжаев, Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретарлари, КПСС МК секретарлари ва бошқа партия ва давлат арбобларининг қамоққа олинишини айтди. 1986 йилнинг 7 июлида Иванов яна келди. Бу сафар тергов корпусида суд мажлиси протоколининг 5-томи билан танишдик. Шикоят қилишимизни айтганимда: «Биз сизларнинг шикоят қилишингизга йўл қўймаймиз», – деб жавоб қилишди. Эртаси куни суд котиби келмади, ваҳоланки, протоколнинг яна 8 та томи қолганди. Бизни шошма-шошарлик билан, Иванов ваъда қилганидек, Олмаотага жўнатишди.

Кейин қолган томлар билан танишиш учун 26 марта шикоят ёздим. Роппа-роса бир йилдан сўнг мени Тошкентга келтиришди. Ҳамма сир шунда эканки, қолган томларда Гдлян ва Ивановни, уларга итоат этувчи Липатовни фош этувчи ҳужжатлар бор экан.

**54.** Иванов тергов изоляторига охириги марта келганида менинг иштирокимда Мулин Владимир Васильевичдан у билан битта камерада Тошкент област ГАИсининг собиқ бошлиғи Мадаминов Анвар Саидмухаммедович сақланганини эшитиб, сўкиниб, кимгадир ўдағайланди. Бироз вақт ўтгач 10 – 15 кишидан иборат назоратчилар камерага бостириб кириб, Мадаминининг қўлига наручник тақишди ва калтаклаб қаёққадир олиб кетишди. Кейинчалик уни махсус ертўлага қамаб, ёнига жинойтчиларни киргизганларини эшитдим.

**55.** Мен Шарипов Иброҳим Абдуллаевич, Очилов Тўра Равшанович билан 12-, 16-камераларда ўтирган пайтимда Тошкент шаҳридаги 1-тергов изоляторига Мадаминов Анвар Саидмухаммедовични, Олмаотадаги 71-меҳнат-тузатиш колониясида Иззатов, Жумаев Нутфулло Нарзуллаевични ва 3-меҳнат-тузатиш колониясида яна Мадамининини учратдим. Гдлян ва Иванов томонидан юқорида номлари тилга

олинган шахслардан пул ва автомашиналар товламачилик йўли билан олинганини эшитдим. Хусусан, Гдлян шахсан мендан 50 минг рубль, Шарипов Иброҳимдан 115 минг рубль, Мадамининингдан 70 минг рубль, Н. Жумаевдан 25 минг рубль, Иззатовдан 10 минг рубль, Иванов эса Очиловдан битта «ГАЗ-31» автомашинасини товламачилик йўли билан олган.

**56.** 1987 йилнинг апрелида Олмаотада бўлиб турганимда мен КПСС Марказий Комитети, СССР Бош прокуратураси ва СССР Олий судига шикоят юбориб, унда Гдлян ва Иванов томонидан социалистик қонунчиликнинг бузилиши, уларнинг ўзбошимчилиги ва қонунбузарлигини кўрсатиб ўтдим. Суддаги 86 нафар гувоҳларнинг кўрсатмаларини қисқача ёзиб чиқдим. 1987 йилнинг 12 июнида Тошкентга прокуратура вакили С.В. Жеребко келди. У мен билан учрашиб, Тамбов, Қалмиқ, Липецк ва Смоленск прокурорларининг ўринбосарларидан иборат комиссия тузилганини айтди. Агар фактларим тасдиқланса, у Гдлян ва Ивановни шу заҳотиёқ қамоққа олишини билдирди. Жеребко мендан 48 номдаги ҳужжатларни олиб, Москвага кетди. Бир ҳафта ўтиб «Правда Востока» газетасининг 20 – 21 июнь сонларида мени танқид остига олган мақола эълон қилинди. Жеребко келиб, яна бир марта шикоят қиладиган бўлсам, ўзимдан кўришимни, шикоят учун мени Сибирга жўнатишларини, у ерда кўрқинчли ўлим топишимни айтди. Чиндан ҳам, шу йилнинг 18 ноябрида Иркутскка, 3-меҳнат тузатиш колониясига этап қилиндим. У ерда 1989 йилнинг 22 сентябрига оилам билан учраша олмай, совуқдан ва очликдан азоб чеқдим. Бу ҳақда терговда батафсил айтиб бераман.

**57.** Мени шикоятларим учун таъқиб қилиб Сибирга юборишди. Рекунков «Правда Востока» газетасида яна мени танқид қилиб, сўнг Бухорога борди ва оилам, турмушга чиққан қизларим, укамни қувғин остига олди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Рекунков таъсири остида Тўқимачилик район халқ судининг мулкларнинг бир қисмини қайтариш тўғрисидаги ҳукмини бекор қилиб, барча рўйхатга тушган ва олиб кетилган мулкларимизни, жумладан, болалар кийимларини,



пойабзалларни, озиқ-овқат маҳсулотларини, менинг кийилган кийимларимни, жумладан, экспертиза хулосасига кўра, 50 фоизга эскирган телпагимни, ягона ўғлимга тегишли бўлган ва 80 фоиз эскирган телпакни кимошди савдоси орқали сотишга кўрсатма беришди. Хотиним ва қизларимнинг келинлик сеп-сидирғалари, болалар кийимлари, оиламизнинг кийилган-кийилмаган кийимларини сотиш ҳисобига Гдлян ўзига обрў ишлади, бутун газеталарда давлатга 44 миллион рубль топшириб, унинг ғазнасини бойитгани ҳақида жар солди, сунъий равишда ўзига шон-шуҳрат гулчамбарини ясади, авантюра йўли билан сенатор креслосига ўтирди, парламентга ўзининг ёрдамчиси Ивановни ҳам тортиб олди.

**58.** Гдлян ва Ивановнинг ўзбошимчалиги ва қонунга итоат этмаслиги ҳақида, Жеребконинг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан КПСС Марказий Комитети, СССР Адлия министрлиги ва бошқа инстанцияларга ёзган барча шикоятларимга фаолияти устидан шикоят қилган шахсларнинг ўзлари жавоб қайтаришди. Уларга Гдлян, Ивановнинг дўстлари, Жеребконинг ўзи, яна арман миллатига мансуб бўлган қандайдир Степанянс жавоб қайтарди, барча жавоб хатларининг нусхаларини тақдим этишим мумкин. Терговда ёки суҳбатда батафсил маълумот бераман.

**59.** 1986 йилнинг ноябрида Олмаотадаги 71-меҳнат-тузатиш колониясига терговчи Вафин келиб, Гдлян ва Иванов номидан Қаримов, Норов, Қаҳрамонов ва бошқаларга нисбатан кўрсатмаларимни тасдиқлашимни сўради. Менга шахсан 5 қути сигарет берди, яқинларимга ёзган барча хатларимизни яширинча олиб чиқиб, тезроқ озодликка чиқишимга ёрдам қилишга ваъда берди. Суҳбатда бу ҳақда батафсил айтиб бераман.

**60.** 1987 йилнинг октябрь – ноябрь ойларида 71-меҳнат-тузатиш колониясига О. Литваг ва бир нечта терговчилар яна шу илтимос ва яна шу мақсадда келишди.

**61.** 1988 йилнинг 8 – 9 июнь кунлари 71-меҳнат тузатиш колониясига яна ўша Вафин яна ўша илтимос – Чурбанов иши бўйича айбланётган Қаҳрамонов, Норов ва бошқаларга нис-

батан кўрсатмаларимни тасдиқлаб беришни сўраб келди. Бу ҳақда мен қариндошларимдан эшитган эдим.

1986 йилнинг ноябрида яна шу Вафин 71-меҳнат-тузатиш колониясига шу ерда сақланаётган иккита эски порахўрлар – Умаров ва Шегеновни менга ишлов бериш учун «ёллагани» келишди. Кейинчалик бу одамлар Гдлянга мен ҳақимда маълумот бериб туришди.

**62.** 1989 йилнинг 21 августида Иркутск шаҳридан М.С. Горбачев номига №Р-73 рақамли ариза юбордим. Унга Гдлян ва Иванов томонидан терговнинг рухсат берилмаган усуллари қўллаётганини тасдиқлаши мумкин бўлган 115 нафар кишининг рўйхати қўшимча қилинганди.

1989 йилнинг 31 октябрида Гдлян масаласи бўйича тузилган Съезд комиссияси ва ўртоқ Сухарев номига яна 34 кишининг рўйхати тузилган аризамни юбордим. Мана шу 149 та одамнинг барчаси гдлянчилар қўлида азоб чекишган. Уларни судга чақириш лозим.

**63.** Гдлян ва Ивановнинг ўзбошимчалиги ва қонунсизлиги ҳақидаги шикоятларим учун таъқиб қилишди, республика ва маҳаллий газеталар саҳифаларида, «Смена» журналарида номимни булғовчи мақолалар чоп этишди.

Жумладан, «Правда Востока» газетасининг 1987 йил 20 июнь сониди (айнан шикоятларим Жеребко томонидан текширилаётган кунлари) Гдлян ва Ивановнинг «Анатомия взяточничества» («Порахўрлик анатомияси») номли мақоласи пайдо бўлди. Худди шу газетанинг 11 июнь кунги 158-сониди Рекунковнинг «Строго соблюдать законность» («Қонунчиликка қатъий риоя этайлик») мақоласи, шунингдек, ВЛКСМ Марказий Комитетининг журнали – «Смена»-нинг 1988 йил 15август сонидамухбир Е. Додолевнинг «И одна ночь» номли мақоласи чоп этилди. Ушбу мақолаларни бошқа газеталар ҳам кўчириб босиб, жамоатчилик олдида менга бўҳтон уюштиришди.

**64.** 1983 йилнинг июнь ойидан бошлаб 1989 йилнинг 15 ноябрига қадар мен томонимдан турли инстанцияларга 300 дан ортиқ шикоятлар юборилган. Оилам томонидан 200 га яқин шикоят жўнатилган. Съезд комиссиясига кўр-



сатиб ўтилган шикоят, ариза, телеграмма ва хатларнинг рўйхати ҳам юборилди. Булардан ташқари мен Ташқи ишлар вазирлигига шикоят ёзиб, мусулмон ҳисобланган Туркия, Покистон, Эрон давлатлари элчиларига шикоятларимни кўриб чиқишда ёрдам беришларини сўраб хат юборганман. Санаб ўтилган шикоятларим, хатларим, аризаларимни талаб қилиб олиб, ўрганиб чиқиш керак. Акс ҳолда, ушбу шикоятим Гдлян ва Иванов томонидан қандайдир қонун бузилиши деб ҳисобланади.

**65.** Гдлян ва Иванов жазони ўташ жойларида ҳам мени тинч қўйишмади. Улар Олмаота, Иркутск шаҳарларидаги 71-, 3-меҳнат тузатиш колониялари маъмуриятлари номига яширин, тезкор топшириқлар юбориб, менинг ортимдан доимий жосуслик кузатувлари ўрнатиш, алоқаларимни, «бойликларимни ва партия билетимни яширишим мумкин бўлган жойларни аниқлаштириш» тўғрисида кўрсатмалар беришади. Ушбу жинойт топшириқни бажариш учун 3-меҳнат-тузатиш колониясининг оператив қисми томонидан ортимдан жосус қўйилади. Бунинг учун «Оператив чиқимлар» сметаси тузилиб, менга спиртли ичимликлар, озиқ-овқат сотиб олиш учун катта маблағлар ажратилди. Мен томонимдан бир қатор жосуслик хабарлари, капитан А.С. Лобанов томонидан «Номозов» тахаллуси билан ишлайдиган жосусга юборилган ёзма топшириқ, шунингдек, Номозов менга сарфлаши керак бўлган (сирларимни болиш учун) 275 рубль қўлга туширилган. Бу пулларни 1989 йилнинг 24 сентябрида Иркутск шаҳар бош почтамптида аниқлаб, В.И. Ленин номидаги Болалар фондига ўтказиб юборганман (етим болаларни парваришlash ва онкологик касал болаларни даволаш учун).

Шу муносабат билан М.С. Горбачев, А. Лихановга юборган шикоятларимдан сўнг Ангарск шаҳри прокуратураси сал бўлмаса менга қидирув эълон қилди. 3-меҳнат-тузатиш колонияси маъмурияти ўзининг содиқ жосуслари ёрдамида менга қарши маълумотлар тўплаб, шикоятлар йўналишини ташкил қилмоқда. Мени бундай таъқиблардан ҳимоя қилишингизни сўрайман. Терговда бу ҳақда батафсил гапириб бераман.

**66.** Менда Тошев Паёз, Цебоев Анатолий Владимирович, Қиличев Насриддин, Бозоров Расул Бозорович, Ғаффоров Бахтиёр, Музаффаров Аҳад, Санақулов Имом, Раҳимов Наби номидан ёзилган хатлар бор. Ушбу хатларда Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳининг ваҳшийликлари ҳақида маълум қилинади. Ушбу одамларни терговга ёки Съезд комиссиясига чақириб, қандай ҳолатларда улар менинг пора берувчиларимга айланганларини аниқлаш керак.

**67.** Терговчилар ва суд томонидан менинг жинойт ишимни текшириш ва кўриб чиқишда конституцион ҳуқуқларим (айнан 54-, 55-, 56-, 57-, 58-, 66-моддалар) бузилган.

Ўзбекистон ССР Жинойт процессуал кодекси ва Жинойт кодексининг 10-, 11-, 12-, 13-, 14-, 48-, 50-, 51-, 52-, 53-, 54-, 57-, 115-, 139-, 141-, 179-, 209-, 216-, 224-, 232-, 236-, 238-, 241-, 242-, 261-, 263-, 280-, 282-, 286-, 287-, 293-, 318-, 320-, 321-, 322-, 323-моддалари сезиларли даражада бузилган. Бундан ташқари, СССР Олий судининг қарори талаблари эътиборга олинмаган (турмуш ўртоғимнинг 1989 йил 24 январдаги шикоят хатига қаранг).

**68.** Мен эслатиб ўтганимдек, Гдляннинг ўзбошимчалиги оқибатида нафақат мен, балки қариндошларим ҳам жабрланиб, кўпчилиги ишдан олинди, партиядан ўчирилди, қувғин қилинди. 11-беш йиллик натижаларига кўра «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени ва иккита «Шон-шухрат» ордени кавалери бўлган ишчи акам навбатдаги биринчи даражали «Шон-шухрат» орденини олиши керак эди. Бироқ унга: «Уканг Шамси қамоққа тушган, шунинг учун сенга орден берилмайди», – дейишган.

**69.** Бухоро халқи терговга, суҳбатга чақирилаверганидан кўрқиб қолган. Улар орасида Гдляннинг воситачилари борлиги, улар пора олиши, рўйхатга олинган мол-мулк ва моддий бойликларни ўғирлаш, ўзлаштириш билан шуғулланиши, шаҳарда уларнинг ичкиликбозлик, ишратбозлик билан машғул бўладиган жойлари борлиги, базалар ва савдо ташкилотларидан сохта шахслар орқали автомашиналар, гарнитурлар, буюмлар сотиб олиши ҳақида турли мишмишлар юради. Раҳимов



Набининг менга телефон орқали айтиши бўйича, Гдляннинг шахсан ўзи Зарафшондаги йирик ўғирликни ёпиб юборган (пора олмасдан туриб). Ҳа, сизлар факт талаб қиляпсизлар. Бизнинг давримизда – 1983 – 1986 йиллардаги Ўзбекистондаги қатағон йилларида Гдлян ва Ивановга КГБ органлари фаол ёрдам кўрсатди (маълум даражада уларнинг ўзбошимчилигига шерик бўлган ҳолда). Энди эса Гдлян ва Ивановнинг жиноятларини ўрганувчи прокуратуранинг тергов гуруҳи ва Съезд комиссияси КГБ сингари энг кучли машинадан мосуво бўлиб турибди! Ҳаракат қилиб кўр, исботла, халқ бу жараёнда қайта иштирок этишни бошқа истамайди.

**70.** Терговчилар Гдлян, Иванов, Лобарь: «Сенга нисбатан 13 кишидан иборат тергов гуруҳи ишламоқда, улар юзлаб одамларни чақиришяпти», – деб кўп бор гапиришганди. Шахсан ўзимга Лобарнинг сейфида сақланаётган ва «Компрогатлар» деб ёзиб қўйилган иккита йирик папкани кўрсатишган. Ушбу папкаларни талаб қилиб олиб, уларни ўрганиб чиқишни ўтиниб сўрайман. Улардаги ҳар бир тушунтириш хати, ҳар бир тергов протоколи (улар жиноят ишига киритилмаган) ортида ўзбошимчилик ва қонунсизликнинг қурбонлари ётибди. Шу одамлардан сўранг, улардан қандай шароитларда тушунтириш хатлари олинганини айтиб беришади.

**71.** Гдлян ва Иванов 1985 йилнинг 2 апрелидаги «Раҳимов-Ортиқов» юзма-юз учрашувининг дастлабки протоколи, Ш.А. Раҳимовнинг 1984 йил 14 апрелдаги «Терговчи Ивановдан воз кечиш» тўғрисидаги илтимосномаси ва Гдляннинг 1984 йил 17 апрелдаги унга берган жавоби, Раҳимовнинг 1983 йил 15 ноябрдаги «Мол-мулкининг бир қисмини қайтариш тўғрисида»ги аризаси, 1984 йилнинг 11 августдаги тинтув пайтида А.К. Каримовнинг квартирасида тортиб олинган 4 нусхадаги шикоятим, 1983 йил 17 октябрдаги бош прокурор ва Гдлянга ёзган аризаларим ва бошқа ҳужжатларни жиноят иш-

лари материалларига қўшишмаган. Уларнинг бир нечтаси менинг қатъий талабим билан терговчи Лобарнинг алоҳида қарори билан йиғма жилдга қўшилган (ушбу ҳужжатлар рўйхати менда бор). Ушбу ҳужжатларни нима мақсадда йиғма жилдга қўшмаганини Гдлян тушунтириб берсин. Менда Гдлян фақат мен билангина шундай қилмаганини кўрсатиб берувчи судьяларнинг сўрови, суднинг махсус қарори нусхалари бор.

**72.** СССР прокуратурасининг мени Олмаотадан Иркутскка ҳаракатланишим тўғрисидаги хатини, Гдляннинг махсус топширигини, тезкор жилдни (у «ДОР» ёки «Агентурное дело» деб номланиши мумкин) топиш зарур. Яширин характердаги делоларни Иркутск области ички ишлар бошқармасидан фақат Ички ишлар вазирлиги ёки Давлат хавфсизлиги комитети органларига (прокуратурага бундай делолар юборилмайди) жўнатиш мумкин.

**73.** Гдлян ва Ивановга ҳеч қандай суиқасд уюштирилмаган. Бу авантюристларнинг ўйлаб топган найранги, холос. Гдлянчилар ўзларининг разил мақсадларига эришиш учун сотқин журналистлар ёрдамида матбуот, радио ва телевидениедан фойдаланишди. Ҳар бир мақтаб ёзилган мақола Гдлян ва Иванов томонидан сахийлик билан сийланган. Илгари бизга қарши Гдлян томонидан қўлланилганидек, ҳозир ушбу қонун ҳимоячиларини қамаб кўринг, уларга қарши юзлаб пора берган инсонлар ва улар хонавайрон қилган шахслар топилади.

Сиздан ушбу фактларни текширишни, айбдорларга чора кўришни, янги чиққан халқ депутатлари қўлида мен сингари азоб чеккан барча инсонларнинг шаънини тиклашни, уларни оқлашни суд органлари олдида қўйишингизни сўрайман.

Натижаси ҳақида хабар қилинг.  
Ҳурмат билан: Ш. А. Раҳимов.  
1989 йил 15 ноябрь



СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ – В.Т.ОДИЛОВ, Э.Ю.ЮСУПОВ, О.ЁҚУБОВ, А.ОРИПОВ, ЁДГОРОВ ДАМИР СОЛИХОВИЧ, АЗИМ РАҲИМОВ, З.РУСТАМОВА, А.С.ПАВЛОВ ва бошқаларга 1935йилда туғилган, 1961 йилдан КПСС аъзоси, Маршал Жуков кўчаси 20-уйда яшовчи Раҳимов Шамси Абдуллаевичдан

#### ОЧИҚ ХАТ – МУРОЖААТНОМА

Сизларга 29 йил мобайнида совет армияси сафида ва милиция органларида хизмат қилган Ички ишлар вазирлиги пенсионери, оддий ходимдан полковник, Бухоро област ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси бошлиғи лавозимигача кўтарилган, СССР ва БХРнинг 9 та медали билан тақдирланган инсон, 5 фарзанднинг отаси мурожаат қиляпти.

1983 йилдаги «Бухоро иши» муносабати билан юзлаб ва яна юзлаб бухороликлар бошига мусибат, фалокат ёғилди, жумладан, мен ҳам қатағонга учрадим.

Бугун ҳам мамлакатнинг юқори қонун чиқарувчи органида ноқонуний депутатлик ўрнини эгаллаб турган Гдлян-Иванов томонидан терговнинг жинояткорона амалга оширилиши туфайли мен айбсиз ҳолда 5 йилу 7 ой ва 13 кун қамоқда бўлдим. 1989 йилнинг 22 сентябрида мени озод қилишга мажбур бўлишди. Соғлигим ёмонлашгани туфайлигина бўшатишди.

– Мени бир нарса ҳайрон қолдирыпти: нима учун Гдлян ва Иванов ҳозиргача Совет парламентидан қувилмаган? Нимага улар партиядан ўчирилмаган? Нимага улар озодликда юришибди? Нимага улар депутатлик дахлсизлигидан фойдаланишяпти? Уларнинг орқасида ким турибди?

Нимага Гдлян ва Иванов мени, 1984 йилнинг 9 февралда 211-сайлов округидан Бухоро шаҳар кенгашига сайланган депутатни депутатлигим ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан, жавобгарликка тортилишим тўғрисида сайловчиларим билан келишмасдан туриб 07189454-рақамли партия билетим билан 1982 йилнинг июнь ойи-

да Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлик комитети ички турмасига ташлашди?

Гдлян берган хатга асосан партия низоми бузилган ҳолда мени сиртдан КПСС сафидан чиқаришди.

Ушбу жаҳолатпарастларнинг айби билан мени 14 йилга қамаб, ҳалол йўл билан йиғилган ҳамма мол-мулкимни мусодара қилишди, ўзим ва оилам зарар кўрдик.

«Смена» журналининг 1988 йил август, 15-сонига қаранг, Гдлян қўл остидагилар кўкрагида Олий Совет депутати нишони бўлган кишининг қўлига кишан солиб, вертолётга олиб чиқаётганларини кўрасиз.

Ёки Навоий област ижроия комитетининг собиқ раиси Асатов Убайт Асатовични олиб кўринг. Одамлар олдида қўлини қайириб, наручник солишади ва кўкрагида Республика Олий Советининг депутатлик нишони, чўнтагида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига аъзолик гувоҳномаси бўла туриб машинага зўрлаб ўтиргизишади ва турмахонага олиб кетишади. Олдинги сана билан уни депутатликдан чақириб олишади.

Улар қамоққа олганларнинг деярли барчаси депутатлар эди. Биронтаси ҳам депутатлик дахлсизлигидан фойдалана олмади. Гдлян ва Иванов уларнинг депутатлигига ҳам, партия билетига ҳам тупуришган (уларнинг ўзлари бизга шундай дейишган). Айблилиги исботланса ҳам, исботланмаса ҳам, қамайверишган. Авантюра йўли билан улар ўзларига карьера қилишди ва бунинг уддасидан чиқишди ҳам. Энди эса ўзлари депутатлик дахлсизлигидан фойдаланиб сувни лойқалатишяпти, халқни безовта қилишяпти, фитна уйғотишяпти, «Кремль йўлбошчилари»ни тўнтаришга чақиряпти.

Гдлян ва Иванов қилмишларини айтиб адоғига етиб бўлмайди. Шунинг учун ўзимнинг 301 та шикоят ва аризаларимда кўрган, эшитган ва бошимдан кечирганларимнинг ҳаммасини зарра-заррасигача баён қилганман. Яна бир мисол: 1986 йилнинг апрель – май ойларида Гдлян ва Иванов иродамни синдирган ва умуман содир бўлмаган жиноятларни бўйнимга олишга мажбур бўлган пайтимда менга тинмай хизмат



кўрсатишиб, оиламга, дўстларимга ёзган хатларимни ташишди, улар жўнатган хатларни келтиришди, ўз кабинетларида спиртли ичимликлар ичишга рухсат беришди, кучли таъсир ўтказувчи ва уйқу келтирувчи гиёҳванлик моддалари билан таъминлашди, яқинларим билан навбатли ва навбатсиз учрашувлар ташкил қилишди, битта жиноят иши билан ўтаётган шерикларим билан бир-биримизга гувоҳликка ўтишга келишиб олиш учун (юқорида турувчи партия, совет арбобларига тухмат қилиш мақсадида) учраштиришди.

Менга қўйилган айбларниайни «бўйнимга олаётган» пайтларимда Гдлян ва Иванов ўз ҳузурига чақириб, «менга инсоний муносабатда» бўлишди, уйимдан рўйхатга олинган ва олиб чиқиб кетилган барча буюмлар орасидан биттасини Гдлян ва Ивановнинг яхши одамлар эканини эслаб юриш учун танлашимни таклиф қилишди. Мен «Филипс» соқол олиш ускунасини қайтаришларини сўрадим, улар бунинг эвазига мендан ариза ёздиришди.

Гдлян ва Иванов Бухорога атайин одам жўнатишларини ва у ускунани олиб келишини айтишди. Гдлян ва Иванов менга очиқ айтишди: «Яхшиликка яхшилик», «Биз сенга, сен бизга». Уларсудда илгариги ёлғон кўрсатмаларимдан воз кечмасликни, ўз нуфузимдан фойдаланиб Мулин ва Очиловгаўзларини бир маромда «ушлаб туришлари»учун таъсир ўтказишимни сўрашди.

1985 йилнинг 20 май куни «Филипс» соқол олиш ускунамни (бозор нархи 400 – 500 рубль) Бухородан олиб келиб, менга топширишди. Олган вақтимни ғилофнинг ичига ёзиб қўйганман. 1985 йилнинг 20 июлида КГБ тергов изолятори маъмурияти аризамга кўра уни уйимдаги-

ларга қайтариб берди. Озод бўлганимдан бери мен ундан фойдаланиб келяпман.

Гдлян ва Ивановнинг ўзлари порахўр. Улар шахсан ўзимдан 50 минг рубль, И.А. Шариповдан 115 минг рубль, Н.Н. Жумаевдан 25 минг рубль, А. Мадаминовдан 70 минг рубль, В.Н. Иззатовдан 10 минг рубль, Т. Р. Очиловдан битта «ГАЗ-31» автомашинасини ундириб олишган.

Республикамиздан сайланган СССР халқ депутатларидан шикоятларим устида иш олиб боришларини сўрайман. Халқ депутатлари Гдлян ва Ивановдан менга, биринчи навбатда, қамоққа олиш пайтида олиб қўйилган ва улар томонидан ўзлаштириб юборилган нархи 300 рубллик «Сайко» маркали соатимни, олиб қўйилган ҳужжатларимни қайтаришларини, улар менга ўтказган барча азоб-уқубатлар учун кечирим сўрашни улардан талаб этишларини сўрайман.

Менинг шикоят-мурожаатимни СССР халқ депутатлари олдида ўқиб эшиттиришингизни сўрайман. Менинг қўлимда Гдлян ва Ивановнинг жиноий фаолияти тўғрисида рад этиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Съезд комиссиясига кўрсатма бериш учун мени, Асатовни, У.А. Очиловни, Мулинни ва бошқаларни чақиртириш тўғрисида масала қўйинглар. Гдляннинг 115 кишилиқ қурбонлари рўйхатини 1989 йилнинг 21 августида Р.А. Медведев номига юборганман, шу йилнинг 31 октябрида 34 кишидан иборат қўшимча рўйхат жўнатдим.

Ушбу мурожаатга бошқа бир ҳужжат – К. Эргашев, Давидовнинг ўлими олдидан ёзган хати ва ўзимнинг шикоятимни илова қилияпман.

Ҳурмат билан Ш. А. Раҳимов.

1989 йил 2 ноябрь